

Жаҳон АДАБИЁТИ

Адабий-бадший, ижтимоий-публицистик журнал

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР
УОШМАСИ

РЕСПУБЛИКА
МАЊНАВИЯТ
ВА МАЊРИФАТ КЕНГАШИ

1997 йил июндан чиқа бошлаган № 10 (197) 2013 йил, октябрь

МУНДАРИЖА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ “Ўлмасун” (Ш. Сирожиддинов, Г. Одилова).....	2
НАСР Сайин МУРАТБЕКОВ. УЛТУҒАН. Ҳикоя. (Назира Жўраева тарж.)....	9
М. А. АСТУРИАС. Сеньор Президент. Роман. (Рус тилидан Ортиқбой Абдуллаев тарж.).....	26
Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ. Иблислар. Роман. (Рус тилидан Иброҳим Фафуров тарж.)...	81
ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ Ўлжас Сулаймонов. Тулпорларнинг туёқлари зиркирар. Шеърлар. (Рус тилидан Икром Отамурод тарж.)...	23
Мушоира. Яхши дўстга жон бағишлаб. (Қозоқ тилидан Музаффар Аҳмад тарж.)...	68
УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН Максуд ШАЙХЗОДА.....	119
ДРАМА Дулат ИСАБЕКОВ. Бонапартнинг уйла- ниши. (Қозоқ тилидан Муҳаммад Хайрулла- ев тарж.).....	127
АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА Қулбек ЭРГОБЕК. Йиллар қанотида туғилган ўйлар (Қозоқ тилидан Меҳмонқул Исломқулов тарж.).....	145
Абдулла ШЕР. Юлдузлар суҳбатини тинглаган даҳо.....	153
Мансурхон ТОИРОВ. Америка: Обамадан олдин ва кейин.	160
Асанали АШИМОВ. Онамнинг иси.	170
Аширбек СИҒАЙ. Бизга қандай театр керак?.....	174
ЖАҲОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ Унутилмас сиймолар Муковамизда Таквим.....	177 202 204



“ЎЛМАСУН”

*Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.*

*Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтуғуй,
Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун.*

*Жонима бедоду зулмин, ё Раб, улмиқдор қил,
Ким анинг ошиқлиги ҳар кимга мақдур ўлмасун.*

*Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиққи, бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.*

*Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.*

*Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,
Воқиф ўл ҳолимни айтур чоғда маҳмур ўлмасун.*

*Ёр васлига қувондим, қовди куйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатқа мағрур ўлмасун.*

Мазкур ғазал Алишер Навоийнинг ёрга бўлган ишқий кечинмаларига бағишланган. Ғазалнинг матлаъсиданоқ лирик қаҳрамон ҳижрондан шикоят қилмоқда. Ошиқ ҳижрон билан боғлиқ ўртанишларни оддий инсон каби кечирмайди. Маҳжурлик ҳукми савдойилик бўлди, оқибатда ошиқ расволик билан шуҳрат қозонди. Албатта, авом назарида бу ҳолат билан обрў-мартабага эришиб бўлмайди. Бу хил расволик маломат келтиради, холос. Ошиқ бир муддат хушёр бўлди, ақлини йиғди, хавfli тус олган фироқнинг ҳолати ва даражасидан бошқаларни огоҳ қилди: ҳеч бир кимса у каби ёридан айрилиб зор бўлиб, ҳижронда қолмасин. Девоналик жўш уриб жами башар наздида шармандаи шармисор бўлмасин.

*Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.*

Ошиқнинг бадномлиги, расволиги унинг ўзиники. Кўплар суратига бино қўйса, обрў, ҳурмат, эътиборталаб бўлса, ошиқ худ-беҳуд бу хил тушунчаларни ер билан яксон қилди. Биргина ёри бор эди, ундан-да айрилди, ҳижрондан бўлак ҳеч нарсаси қолмади.

Мазкур ғазални инглиз тилига Л.КЛЕЕТЮК таржима қилган.

Инглизча таржимаси:

*May no one be deprived of his beloved and lament as I do,
May no one shamed in the eyes of the world as I am.*

Сўзма-сўз таржимаси:

*Ҳеч ким мен бўлганимдек суйганидан маҳрумликдан нолиб
кўз ёш тўкмасин,
Ҳеч ким мендек дунёнинг кўзига уятли кўринмасин.*

Таржимада аслиятдаги маъно тўла очиб берилиши билан бирга маҳжур ва машҳур сўзлари ҳосил қилаётган оҳангдошлик инглиз тилида *lament as I do, shamed as I am* тарзида “қилмоқ” ва “бўлмоқ” ёрдамчи феъллари билан қайта яратилган. Гарчи бу икки ёрдамчи феъл орасида бир қарашда ҳеч қандай фонетик ҳамоҳанглик бўлмаса-да, инглиз тилида бу икки кўмакчи феълнинг *as I do, as I am* тарзида келиши ниҳоятда чиройли хушоҳангликни ҳосил қилади. “Ўлмасун” радифи таржимада *May no one* тарзида берилган. Умуман ўзбек мумтоз ғазалини инглиз тилига таржима қилишда таржимон қўллаётган табдил энг маъқул ечим ҳисобланади. Яъни радифни мисра бошига чиқариб, равийни мисра ўртаси ёки охирида бериш аслият ритмига омихта бир оҳангни ҳосил қилади.

*Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлаи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.*

*May no one be deprived of his beloved and lament as I do,
May no one shamed in the eyes of the world as I am.*

Бироқ, мажнунлик учун шериклик ёт экан! Бундай савдони ошиқ ўзгаларга раво кўрмоқчи эмас:

*Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтуғуй,
Оти онинг ҳар киши оғзига мазкур ўлмасун.*

“Савдойи” ошиқнинг эндиги вазифаси – одамларга ёрига бўлган ҳижронли муҳаббатини сўзлаш, ёки бошқача айтганда, унинг васфини куйлаш, уни таърифлаш. У ҳақда асарлар, шеърлар, дostonлар, ҳатто авом ёрни англашда йўлдан адашмаслиги учун китоблар битиш. Дарҳақиқат, ошиқ шундай даражага етишган. Алломалар илм ўқиб, ирфонга эришса, ошиқ бор ҳақиқатни айрилиқ давридаёқ англаб етди! Ёр билан боғлиқ ҳар нарса ва ҳолат азиз, ўзи каби номи ҳам қадрли. Унинг исмини зикр қилиш учун зокир нафс иллатларидан холи, пок хаёлли ва эзгу ниятли бўлиши шарт.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Инглизча таржимаси:

*May I become a wanderer of whose love everyone gossips
But let no lips dare pronounce her name.*

Сўзма-сўз:

*Мен севгиси доим кишилар гийбат қиладиган дарбадарга айланай,
Лекин ҳеч ким унинг исмини айтиш учун ҳатто
лабини қимирлатишга ҳам ботина олмасин.*

Аслиятда лирик қаҳрамон тангридан “мен ўз ишқимдан сўзлаш билан шу даражада банд бўлайки, бошқаларда ишқ бобида гапиришга имкон қолмасин” демоқда. Аммо таржимада гуфтугўй – кўп сўзловчи – wanderer – жаҳонни кезувчи, дарбадар деб таржима қилинмоқда.

Ошиқнинг мақсади васл эди, насибаси ҳижрон бўлди. Буни ошиқликнинг қисмати деб қабул қилди. Бироқ у ундан хафа эмас. Зеро, ошиқликнинг энг улуғ мақоми сабрдир:

*Жонима бедоду зулмин, ё Раб, улмиқдор қил.
Ким анинг ошиқлиги ҳар кимга мақдур ўлмасун.*

Инглизча таржимаси:

O Lord, let the in just suffering she has inflicted on my heart be of such measure

That is would be unbearable to any other but me.

Сўзма-сўз таржимаси:

*О Тангрим, менга унинг бераётган азобларини шундай миқдорга солгинки,
Бу бошқа бировлар учун чидаб бўлмас азоб бўлсин.*

Айрилиқ азобининг энг кўп миқдорини асл ошиқ ўз бўйнига олишни фахр деб билади. Шу билан бир қаторда, лирик қаҳрамонимиз худбин эмас. У ўзининг бошқа ғанимлари – махвашнинг бошқа ошиқларига ҳам хайрихоҳ.

Лирик қаҳрамон уларни ўзларининг ҳолатидан келиб чиқиб, қийноқлардан холи қилмоқчи.

*Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиққи, бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоқда маъзур ўлмасун.*

Лирик қаҳрамон уларни ўзларининг моҳиятидан келиб чиққани ҳолда асрамоқчи, қийноқлардан холи қилмоқчи. Тангрига қилган юқоридаги илтижоларнинг давоми бу. Савдойи ошиқнинг фикрича, бордию, унинг дарди ғолиб келиб вафот этса, “покбоз” ошиқлар унинг мотам маросимида кўп йиғи-сиғи қилишлари муносиб иш эмас. Шу сабабли фироқ жунунлиги уларни четлаб ўтиши ошиқнинг ҳам мақсади. Зеро, ҳар ошиқнинг ўз мавқеи, даражаси ва холи бор.

Инглизча таржимаси:

*Though I alone have dead of love, let not any other who is in love,
While he remains faithful, believe himself redeemed by mourning my end.*

Сўзма-сўз таржима:

*Мен севгимдан ёлғиз ўзим ўлган бўлсам-да, бошқа ошиқлар
бу ҳолга тушмасинлар,
Токи у тақводор экан, менинг азам (бадалидан)дан
ўзига ишончи ортсин.*

Аслиятда ошиқлар менинг мотамимда аза тутиб ох чекмасин дейилса, таржимон ўз тилида менинг ўлимим бадали ошиқнинг севгисига садоқатини янада оширсин деб таржима қилади. Бунга таржимоннинг ғарбча кадрияту тушунчалар руҳида камол топгани сабаб бўлган. Чунки Европа адабиётида жангда енгилган ошиқнинг мағлубияти, рақибининг мотамида навҳа тортиб маъзур бўлишини эмас, масрурликда ғалаба нишонасини суришини таъминлайди. Шу сабаб шарқона чин ошиқлик эътиқодини англаш, инглиз китобхонида мушкуллик туғдиради. Чунки, ғарбликлар тафаккурида рақиб ўлими ғалаба нашидаси билан қўшилиб кетган. Бинобарин улар, Навоий сиймосидаги ўлимидан сўнг рақибига меҳрибончилик қилаётган лирик қаҳрамон истақларини тушунишга ожизлар. Бу ўринда таржимоннинг тутган ечими маъқул. Яъни агар ошиқ ўлса, ошиқларнинг севгига бўлган садоқатлари ошсин, улар чекаётган ғам-ситамларни биргина ошиқнинг ўлими бадали ювиб кетсин. Таржимадан англашилаётган мазмун, Навоий илгари сураётган фалсафий маънога анча яқин. Энг асосийси китобхонда тушунмовчилик туғдирмайди.

Ҳижрондаги савдойи ошиқнинг бу хил истак ва ниятлари, Тангрига илтижолари уни тинглаганларни безътибор қолдирмади. Ҳайрат, ачиниш ва пушаймонликни туяётган яқинлари унинг сархушу беҳушликни тезроқ тарк этишини иташади, турли ўғит ва насиҳатлар орқали ақл мезони билан иш кўришга чақиривади:

*Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,
Бизни бузди, ҳаргиз ул, ё Рабки, маъмур ўлмасун.*

Бироқ ҳар қандай маслаҳат амалда ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолди. Ошиқ кўнглини кўтармоқчи бўлганлар, уни олдингидек соғлом ҳолда кўришни истаганлар энди мақсадларига эришолмайдилар, уни яна тиклашга уринмоқчи бўлганлар қаттиқ янглишадилар. Чунки, унинг кўнгили уйи батамом бузилиб бўлган. Қолаверса, ошиқнинг ўзи унинг тикланишини сира истамайди.

Инглизча таржимаси:

*O Friend, do not aspire to build in my heart with your preaching,
My love has turned my heart in to a ruin and it,
God willing, will never again obey her orders.*

Сўзма-сўз:

*О дўстим, ўз панду насиҳатинг билан кўнгили уйимни тузатишга уринма,
Менинг севгим юрагимни вайронага айлантирган ва у,
Худо хоҳласа ҳеч қачон унинг буйруқларини бажармайди.*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

миш кўринишида берилган. Ошиқ бу ҳақиқат ё ростлигини билмайди, у эшитганларини таҳлил қилиб-ўқиб-ўрганишга қодир ҳолатда эмас. Шу сабаб у тонгги шамолга мурожатан ёрига ҳолу абгори ҳақида бир дарак беришини айтиб зорланиб юзланмоқда. Бу ўринда таржимада: They said – айтишларича – деб берилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ошиқнинг ҳижрондаги азоблари ўз интиҳосини топди. Интилишлари самараси ўлароқ, ёр васлига эришди. Бироқ ошиқ наздидаги улкан давлат, яъни ёр васли завқу шавқи уни мағрур қилмаслиги лозим ҳар қандай кибр, талтайиш ошиқни не азоблар ила эришилган бахтдан мосуво қилиши мумкин:

*Ёр васлига қувондим, қовди куйидин мени,
Эй Навоий, ҳеч киши давлатка мағрур ўлмасун.*

Инглизча таржимаси:

*The thought of seeing her gave me joy but she dismissed me,
O Navoiy, let no man boast of his attainments.*

*Уни кўрмоқ истаги менга ҳузур баҳи этди, аммо у мени рад этган,
О Навоий, ҳеч ким ўз эришганларидан мағрурланмасин.*

Бу байт таржимаси ҳам инглиз тилида аниқ ифода этилган.

Аввалги таҳлилларимизда кузатганимиз – байтнинг ботиний маъносини тушуна олмаслик, образлар адекватлиги ва юксак услубнинг бузилиши каби ҳолатлар бу ғазал таржимасида камроқ. Сабаби, ғазалда дунёвий ишқ куйланмоқда. Аммо, Навоий ғазалларини инглиз тилида қайта яратишда кўзга ташланаётган энг катта муаммо бу вазн, қофия ва радифнинг бузилиб кетаётганлигидир. Таржимонлар шарқона классик оҳангни чет тилида қайта яратишда ҳамон маълум бир ечим ёхуд аниқ бир амалдан фойдаланиб иш кўрмаётганлигидир. Модомики, чет тилларидан таржима қилишда шеърнинг жанр хусусиятларидан келиб чиқиб, блюзни блюз, сонетни сонет, ҳайкуни ҳайку қилиб таржима қилар эканмиз, нега мумтоз ғазалиётимиз таржимасини шунчаки, қўл учуда ўтириш мумкин.

Мазкур ғазалнинг таҳлил учун танлангани бежиз эмас. Асарнинг ҳазрат Алишер Навоий мухлислари наздида ниҳоятда севилиб ўқилиши, ҳофизлар томонидан мароқ билан ижро этилиши ҳам бунинг сабаблардан бири сифатида келтирилиши мумкин. Яна бир жиҳат деб, асарда адибнинг соф дунёвий муҳаббати билан боғлиқ бошдан ўтказган ҳислари, айрилиқдаги изтироблари, висол кайфиятлари жуда тиниқ ва бадий мукамал тарзда тасвирланганлигидир. Унда шоирнинг ҳаётида алоҳида ўрин тутган ва кўнглида ишқий ҳисларни уйғотган севикли инсоннинг хотираси намоён бўлган. Тўғри, бунда албатта аллома адибнинг фалсафий дунёқараши, олам, одам, яратувчи билан боғлиқ фикрлари ҳам мужассам. Умуман олганда, шоирнинг ҳеч бир асарида хоҳ у шеър бўлсин, хоҳ дoston, ундаги моҳият юзаки тасвир билан чекланиб қолинмайди, айниқса, ишқ билан боғлиқ масалаларда. Бироқ, бу асарлар орасида дунёвий муҳаббат тасвири бир мунча устун бўлган ва муҳим ўрин тутганлари ҳам борки, мазкур ғазал айнан шундай асарлар сирасига мансуб.

*Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
филология фанлари доктори,
Гулноза ОДИЛОВА,
филология фанлари номзоди*

ЖИГАРЛИК МЕҲРИМИЗ

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида бир гуруҳ ўзбек шоирлари Қозоғистонда меҳмон бўлганида Кўкчатовда Эркеш исмли қозоқ шоири шоирона лутф билан Зулфияхонимга Ойнакўлни тортиқ қилганидан таъсирланиб Миртемир:

Қозоқ – бой эл – кўлу тоғи кўп,
Қозоқ ери – худ ярти жаҳон.
Оқар сув ҳам, кон ҳам, боғи кўп,
Не муносиб, қани, Эркешжон?

дея “Тортиқ” номли шеърини ёзган эди. Ана шу шеърда шоир “жигарлик меҳримиз қолсин” сатри билан ўзбек ва қозоқ халқларининг ўзаро муносабати, яқинлигини яққол ифода этади.

Асрлар давомида бир халқдай, ягона эл-элат бўлиб яшаган икки буюк халқнинг адабиёти ва адабий алоқалари ҳам ниҳоятда улкан ва қадрлидир. Ҳазрат Алишер Навоийни ўзига маънавий устоз деб билган Абай Кўнонбоевдан Мухтор Авезовгача, Собит Муқонов, Абдилда Тожибоев, Ғабит Мусрепов, Ғабиддин Мустафин, Абдужалил Нурпеисов, Илёс Ёсенберлин, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулаймон, Мухтор Шаханов ва яна кўплаб турли авлодга мансуб қозоқ адiblари, шоирлари асарлари аллақачонлар ўзбек ўқувчиларининг маънавий хазинасидан жой олган.

Ҳозирда ҳам, айниқса, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари Мустақиллиги эълон қилингандан сўнг икки томонлама алоқаларимиз “абадий дўстлик” тарзида давом этиб, сиёсат, иқтисодиёт соҳаларида бўлгани каби адабиёт ва санъат йўналишида ҳам мувафаққиятли ривож топяпти.

Бугунги қозоқ адабиёти ва санъати жаҳон адабиёти ва санъати умумтараққий жараёнларига ҳамоҳанг изланишлар, интилишлар, тажрибалар билан кечаяпти. Янги-янги номлар, истеъдодлар бўй кўрсатаяпти.

“Жаҳон адабиёти” журнали ҳайъати мазкур октябрь сонининг салмоқли бир қисмини қозоқ адабиётига бағишлаб, унинг мумтоз намоёндалари ижоди билан яхши таниш ўқувчиларига айрим нотаниш адабий мерос намуналари билан бирга аксарият замонавий қозоқ адабиёти шеърляти, насри ва драматургиясидаги янги асарлардан тақдим этишни лозим топди. Шу билан бирга, тасаввурлар янада кенгроқ бўлиши учун бир қатор мақолалар, эссе, хотиралар, жумладан, қозоқ театр ва киносанъати, тасвирий санъатига доир қозоғистонлик олим ва санъаткорларнинг қарашлари, ижоди намуналарини ҳам ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.



Сайин МУРАТБЕКОВ

1936 йили Олмаота вилоятининг Қапал туманида туғилган. 1963 йил Қозон Давлат университетини, 1971 йили Москвадаги Олий адабиёт курсини битирган. Республика газеталарида мухбир, адабий нашрларда бош муҳаррир, нашриёт директори, Ёзувчилар уюшмасининг котиби вазифаларида ишлаган. “Менинг синглим”, “Яшил майсалар”, “Утов”, “Ёввойи олма”, “Дуст излаб” ва бошқа кўплаб асарлари бир неча тилларга ўгирилган. Адиб 2007 йилда вафот этди.

УЛТУҒАН

Ҳикоя

Ултуғаннинг бошига оғир мусибат тушди, онасидан жудо бўлгани етмагандай, отаси ҳам қазо қилди. Ёр-биродарлар таъзия билдиргани кела бошладилар. Мотамнинг учинчи куни ҳам ўтди. Шундан сўнг ҳассакашлар бирин-сирин уй-уйларига тарқалдилар-да, энг яқин жигарлар Ултуғанни ёнларига ўтқозишиб юпатган, тасалли берган бўлдилар:

– Чироғим, Ултуған, буёғига энди сабр берсин. Ўзингни кўлга ол. Отанг ҳам, онанг ҳам сендан рози бўлиб кетишди. Барака топ, асл фарзандлик қилдинг. Асло кам бўлма. Ўғил боладан ҳам зиёда оқибат кўрсатдинг.

Мана энди, Ултуған икки хонали, мотамсаро сукунат ҳукмрон уйда ёлғиз ўзи қолди. Унинг хўрлиги келиб, кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади. Ҳолбуки Ултуған кўзимда ёш қолмаган, деб ўйларди. Йўқ, ҳали кўп кўз ёши тўкадиганга ўхшайди. Такдир қайси гуноҳи учун бунчалар жазо-лаяпти уни? Айби қиз бола бўлиб туғилганидами? Ултуған ота-онасини жонидан ортиқ кўрса-да, уларнинг баъзи қилиқларидан қаттиқ ранжирди. Шундай доною оқила ота-оналари хурофот ботқоғига ботгандилар. Улар жаҳолат орқасида қиз кўришни хошлашмаган, ўғиллик бўлишни истагандилар. Бирдан-бир орзулари ўғил ўстириш эди. Кўп йиллар тирноққа зор она ниҳоят ҳомиладор бўлгач, отанинг боши осмонга етган, аммо ўғил эмас, қиз туғилганди. Келгусида ўғил кўриш илинжи билан қизга Ултуған исми қўйилганди.

Ота-онасининг касалвандликлари Ултуғанни уйга ипсиз боғлаб қўйганди. Вақт ўтиши қалин пахса деворни ҳам нуратгани каби кун сайин ота-онанинг соғликлари путурдан кетиб борарди. Ёлғиз Ултуғангина уларнинг иссиқ-совуқларига қараб туриши керак. Қиз бояқиш нолимасди. Ахир ўнта ўғил боланинг ҳам ўрнини боса олишга аҳд қилган шу Ултуған эмасми?! Қиз ота-онасининг дилларидагини бир ишора биланок дарҳол илғаб оларди. У тонгда беморларнинг дарди билан уйғониб, тунда уларнинг дарди билан ётарди.

Ултуған ота-онасини ўйлаб, келган совчиларни ҳам қайтариб юбора-верди. У ҳар бир одамнинг манглайида битилгани бўлади, деган умидда вақти келиб пешонаси ярқирашига ишонарди...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Кани ўша пешонасининг яркираши? Қачон бахти кулади унинг? Ёки чап бериб кетганмикин толеи? Буёғи қариқиз бўлиб қолган ҳисоб. Кимга ҳам керак энди қариқиз?

Ултуған шундай мунгли хаёллар оғушида қанча вақт ўтирганини ўзи ҳам сезмади. Ташқарида эса ҳаёт ўз маромида давом этипти, девор ортидан одамларнинг овози эшитилипти, улар қандайдир юмуш билан бандлар. Баногоҳ эшик ғирчиллаб, Ултуған сергакланди. Кимдир тапир-тупир ичкарига кирди-да, даҳлизда туриб қолди. Ултуған таъзия билдиргани кимдир келди шекилли, деган хаёлда кўз ёшини артди-да, ўрнидан туриб, чироқ пилигини кўтарди. Аммо келган одам безовта қилмаслик учун даҳлизда туриб қолгандек эди. Ултуған даҳлизга чиқиб, эшик билан сандиқ оралиғида яшириниб турган баланд бўйли одамни кўриб қолди.

– Ким у? – сўради ҳавотирланиб Ултуған.

– Ултуған, кўркма, бу мен... Майдонман, – деди айбсинган оҳангда баланд бўйли одам.

– Ие, сизмисиз, нега бекинасиз бунақа? Нима ишингиз бор эди? – кўксига тупуриб қўйди Ултуған.

– Ултуған, илтимос, секинроқ... Жим. Анави ўтиб кетсин.

Шу пайт ҳовлидан оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган аёлнинг шанғиллаши эшитилди. Бу Майдоннинг хотини Сандибала эди. Овулда унга етадиган шаллақи топилмасди. Жодугар деб лақаб қўйишганди Сандибалага.

– Ҳа, ергина ютгур! Қайси гўрга беркининг?! Чик буёққа, қоранг ўчгур! Чик дедим! – Ҳовлини бошига кўтара бошлади Сандибала.

Майдоннинг кўркувдан кўзлари ола-кула бўлиб кетди. У шу тобда уч букилиб, сандиқнинг тагига кириб кетишга ҳам тайёр эди.

– Ултуған, ўтиниб сўрайман, менинг бу ердалигимни унга айтма, худо хайрингни берсин! – ялиниб-ёлворди ранги қув ўчган Майдон.

Шу пайт эшик қасирлаб очилди-ю, кўлида ўқлоғ, сочлари тўзиган Сандибала қуюндай ичкарига отилиб кирди. Ҳанг-манг Ултуған жонҳолатда Сандибаланинг йўлини тўсди. Бу хонадондан яқингинада ўлик чикқанини унутмаган Сандибала хиёл ҳовридан тушиб, йиғлай-йиғлай хун бўлиб кетган Ултуғанга кўзи тушгач, хижолат бўлиб:

– Майдон сеникига кирмадими? – деб сўради.

– Йўқ, кирмади! – жавоб қайтарди Ултуған бир оз иккиланиб.

Сандибала нима қиларини билмай гарангсиб қолди, сўнг ўзига-ўзи гапирётгандек: “Ергина ютгур, қаёққа гумдон бўлдийкин ярамас?!” дея вайсаганча ташқарига йўналди. У кўчада ҳам овози борича эрини қарғай-қарғай кета бошлади.

– Хотинингиз кетди, чикинг энди! – деди Ултуған қочоқдан энсаси қотиб.

Майдон яширинган жойидан чиқаркан, совуқ ишшайди:

– Бир ўлимдан қутқариб қолдинг-да мени, Ултуған! Сира эсдан чиқармайман бу қилган яхшилигингни. Кўрдинг-ку, ўлдириб қўйишдан ҳам тоймасан у ёсуман.

Майдоннинг кўзлари бойкушникига ўхшаб совуқ эди. У Ултуғанга яқинлашганди, оғзидан қўланса ароқ ҳиди анкиди. Кайфи тароқ Майдон хотинини ёмонлай бошлади, бундан Ултуғаннынг ғаши келди.

– Кўрган кунингиз курсин! – деб юборди у беихтиёр.

– Қандай бас келиб бўлади унақа шаллақиға? Ғалчанинг ўзгинаси, на яхши гапга кўнади, на ёмон гапга. Урай десам, қўлим бормайди, – нолиди Ултуғаннынг гапини нотўғри тушунган Майдон.

Ултуған ўз ғами билан ўзи бўлгани учун ҳозир юрагига ҳеч нарса сиғмасди.

– Боринг, чиқиб кетинг! – дея олди у.

– Ҳайдама, Ултуған! Яна бир оз ҳайдама, – ёлборди Майдон.

Ултуғанга энди бари бир эди, маст қочоқ кетадими-йўқми, парвосига

келмасди. Ултуған эшикни ёпгач, кароватга бориб ўтирди-да, кўлини иягига тираганча хаёлга ботди. Аммо ҳозир унинг аввалги тушқунлик кайфияти тарқаб, ўзини ёлғиз ҳис этмасди. Фақат қаттиқ уйқу тортарди. Маърака кунлари толиққани энди билинмоқда эди. Ултуған бирор нарса татиб олишим керак, деган хаёлга борса-да, аммо ўрнидан туришга мажоли етмасди. Ниҳоят, у энгил-бошини ҳам ечмай, ўринга кирди-ю, донг қотиб ухлаб қолди.

У уйғонганида тунги соат тўрт эди. Шифтда хира чирок ҳамон ёниб турарди. Ултуғанни яна ёлғизлик даҳшати қамраб олди. У сукунатга диққат билан кулоқ тутди. Ҳовлида худди Ултуғаннинг юрагига далда бермоқчидай хўроз кичкирди. Ултуған тирик мавжудот борлигидан бир оз энгил тортди. Баногоҳ у даҳлиздан хуррак овози келаётганини пайқаб қолди. Кетма-кет кимдир йўталди. Ултуған Майдонни эслади, у хотини Сандибаладан кўрқиб, сандикнинг ортига яширинаётгани ёдига тушиб, мийиғида кулиб қўйди. “Бечора, хотинидан ҳам шунчалик кўрқадими?! Уйига боролмай, шу ерда ётиб қолган бўлса керак-да!”

Ёлғиз эмаслигидан кўнгли таскин топган Ултуған ўрнидан туриб, чирокни ўчириб қайтгач, дераза орқали тонг ёришиб келаётганини томоша қилиб ётган кўйи яна кўзи илинди. Уйқу тушга уланди... Ултуған зилол сувда чўмилаётганмиш. Кўлми, дарёми билиб бўлмасмиш. Сув илиқ баданга хуш ёқар, Ултуғанни кўтариб кетаётганмиш. Сузишни билмаган Ултуған аввалага бир оз кўрқиб турди, кейин эса сув сатҳида ўзини момикдек энгил ҳис этаётганини сезиб қолди. Кўллари билан танаси қумушдек товланармиш.

Дераза тагида чумчукнинг қаттиқ чиркиллаши Ултуғанни уйғотиб юборди. Куёш терак бўйи кўтарилиб қолганди. Ултуған ўрнидан туриб, керишди-да, кўйлагининг ғижим бўлган ерини текислаб, даҳлизга чиқди. Даҳлизни кўланса ароқ ҳиди тутиб кетганди. Майдон кетиб бўлибди. Ултуған афтини бужмайтириб, дарҳол эшик ва деразаларни ланг очиб ташлади, сўнгра бошқа ишларга уннаб кетди: сигирни соғиб, подага кўшиб келди, самоварга олов ташлади. Авваллари унга ёлғиз одамнинг ҳеч қандай ташвиши йўқдек туюларди. Ултуған самовар олдида чўққайиб, кўрган тушини эслади ва қорамағиз кўлларига қараб туриб, кулгиси кистади. “Тавба, ғалати туш-а!” деб қўйди ўзига-ўзи. Унинг ёлғизликдан иборат дастлабки кунлари бошланган эди. Ултуған ўзини нима биландир овутиши керак. Уч кундан кейин яна одамлар тўпланиб, мархум отасининг маъракаси ўтказилади. У югуриб-елиб, маъракага тайёргарлик кўра бошлади. Маъракада одам кўп йиғилди. Кечқурун овулга пода қайтаётган вақтда келган одамлар бирин-бирин тарқалдилар. Ултуған уйда яна бир ўзи қолди. Яна танҳолик азоби.

Ултуған бир-икки кун ён кўшнисининг ўн яшар ўғлини ёнида олиб ётди. Болакай ширинликка ўч, ўзига етгунча шум экан. У Ултуғандан қанд-курс сўрар, эртақ айтиб беришни талаб қиларди. Болакай ниҳоят нафси қониб, кейин пиш-пиш ухлаб қоларди.

Ултуған унинг бошини силаб, эркин нафас олишига кулоқ соларди. Боланинг тушига ҳар хил ўйинлар кириб, ўзича ғулдирав, гоҳ-гоҳ оёқ-кўлини кимирлатиб кўярди. У биронтанинг кетидан қувар ёки ўзи қочарди. Болакайдан Ултуған аллақачон унутиб юборган болаларга хос чанг ва тер ҳиди анқирди. Яна қандайдир нотақиш ис ҳам бор. Бундай ис ҳеч қачон Ултуғаннинг димоғига урилмаган. “Ушанда Ўроққа тегсам, ўғилми-қизим шу ёшда бўларди”, деб қўйди фикран Ултуған. У Ўроқни эслаган заҳоти бир вақтлардаги хотира ёдига тушди. Эҳ, Ўроқ, Ўроқ! Ширин орзуга айланди холос у! Ултуғаннинг кўз ўнгида забардаст, бакувват йигит гавдаланди. Камгап эди Ўроқ. У индамай ўтирар, қизиқ бирон гап эшитса, фақат мийиғида кулиб кўярди, холос. Кулганда ҳам худди йўталгандек “ихи-ихи” деб кўярди.

Ултуған Ўроқдан илк бор мактуб олганида жуда ҳайратга тушди. Мактубда йигит муҳаббат изҳор этганди. Ултуған мактубнинг биринчи

сатрини ўқиганидаёқ буни Ўроқнинг ўзи эмас, балки дўстларидан бири ёзганлигини фахмлади.

“Азизларнинг азизи, олтиндан ҳам қиммат, қумушдан ҳам вазмин Ултуғанга!” – деб ёзилганди. Сўнг ишқ-мухаббат тўла сўзлар шундай топиб ёзилгандики, Ўроқнинг бундай мактуб ёзолмаслигига кичкина боланинг ҳам ақли етарди. Шундай бўлса-да, Ултуған мактубни ўқиркан, юраги дук-дук уриб кетди. У бу содда йигитни, гарчи қолган қизлар уни майна қилишса ҳам пинҳона севиб қолганди. Ултуған ўша куни кечқуруноқ жавоб мактуби ёзиб, ўзининг ҳам Уроққа кўнгли борлигини сездирди. Шундан сўнг улар учраша бошладилар, кўл ушлашиб, жимгина овулнинг овлоқ жойларида сайр этадиган бўлиб қолдилар. Қандай тотли кунлар эди ўша кунлар! Ойдин тунлар, ёкимли баҳор, ёз окшомлари... Кунлардан бир куни Ултуған йигитга шундай деди: “Уроқ, ўзингга маълум, ота-онам кексайиб қолишган, улар қасалманд. Мен уларни ташлаб кетолмайман. Рози бўлсанг, кел, никоҳдан ўтамиз-да, бизникида яшай қоламиз, хўпми?”

Ўша куни Уроқ қизнинг гапига лом-мим деб жавоб қайтармади, шартта бурилиб, кетиб қолди. Шу-шу Уроқ бир ҳафтагача қорасини кўрсатмай юрди. Кейин Ултуғанга мактуб йўллади. Уроқ мактубни бошқа одамдан ёздириб олгани кўришиб турарди. “Қуённи қамиш ҳалок қилади, йигитни эса номус”. Мактуб шундай сўзлар билан бошланганди. Кейин Уроқнинг номидан у худди уй-жойи йўқ, кўчада қолган дарбадардай ичкўёв бўлишни хоҳламаслиги айтилганди. “Ичкўёвлик номусидан ўлганим яхшироқ”, дейилганди мактуб сўнггида.

Ултуған мактубни ўқиб чиққач, ўксиниб-ўксиниб йиғлади-да, қоғозни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Шундай қилиб, илк мухаббат барҳам еди. Ултуған аламини ичига ютиб, бу тўғрида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очмади. “Иложим қанча, вақти келиб, муносиб одам топилиб қолар”, дея ўзини ўзи юпатди у.

Мана шу пайтгача ўша “муносиб одам” топилмай келаётир. Умр эса, оқар сувдай ғизиллаб ўтиб боряпти... Уроқ ўша йилиёқ уйланиб олди. Ҳозир олтига боласи бор. Ултуған гоҳо Уроққа дуч келиб қолади. Уроқ қолхоз фермасида мудир. Ултуған унинг ёнига бориб, суҳбатлашишни жуда-жуда истайди-ю, аммо сира юраги дов бермайди...

Ултуған қанчалик ўзини юпатмасин, бари бир ёлғизлик суяк-суягидан ўтиб борарди. Кундузлари баҳарнав, бирор эрмак топилади, аммо қош қорайди дегунча, Ултуғаннынг кўнглига ғулғула туша бошларди. Кўзига уйқу илина қолмас, тик этган товушдан ҳам чўчиб тушар, тинимсиз хаёл сургани-сурганди. Мана, бугун Ултуған энди ўринга ётмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, дупир-дупир қадам товуши эшитилиб, кимдир эшикни очди. Ултуған даҳлизга отилиб чиқиб, кайфи баланд, базўр оёқда турган Майдонни кўрди.

– Бу қанақаси, нега тунда уйимга бостириб кирасиз? Нима керак сизга? – жеркиб сўради Ултуған.

Майдон миқ этмай, ишшайиб тураверди.

– Чиқинг бу ердан! Қорангизни кўрмай уйимда! Қани, жўнанг!

Майдон қоққан қозикдай жойидан кимирламади. Камоли ғазаби кўзиган Ултуған девордаги осиглиқ қамчини олиб, Майдоннинг гарданига тушира кетди:

– Мана бўлмаса, мана бўлмаса, башаранг қурсин сени!

Майдон қамчи зарбига ҳам дош бериб, ҳамон кимирламай тураверди. У бўйнини елкалари орасига қисиб олганди.

– Одам ҳам шунақа шилқим, сурбет бўладими-а?! Чиқ дедим уйимдан, худо ҳайрингни берсин! – ёлворишга ўтган Ултуған ноилож қамчинни нари улоқтириб юборди. Майдон бўлса, шартта ерга ғужанак бўлиб ўтирди-да, хўнграб йиғлай бошлади. Ултуғаннынг Майдонга раҳми келиб кетди. “Тавба, оиласи, бола-чақаси бўлса ҳам мендан баттар бахтсиз одам экан-да бу!” деган фикр кечди унинг хаёлидан.

Майдон кенг кафти билан гүё күз ёшени сидириб ташламоқчи бўлгандай, юзларини артди-да, сўнг кетишга чоғланиб турди.

– Ярим кечада қаёққа борасан? Майли, шу ерда тунай қол, – деди пича жаҳлидан тушган Ултуған. Кейин у ичкаридан кўрпа билан ёстик олиб чиққач, дахлизда Майдонга жой солиб бера туриб:

– Бугунча ёт, лекин барвақт туриб кетгин, яна битга-яримта қорангни кўриб қолмасин, – деди.

Ултуған бу оқшом биринчи бор хотиржам ухлади. У тунда кўркув нималигини билмай тонг оттирди.

Ултуғаннинг дилидан Майдон охири хотини билан ажрашиб, меникига бошпана сўраб келиб қолади-ёв, деган фикр тез-тез кечадиган бўлиб қолганди. Дарҳақиқат, уч-тўрт кун ўтгач, Ултуған кечки таомдан сўнг майда-чуйда юмушларини битказаркан, энди ўринга ётмоқчи бўлиб турганди, шу пайт Майдон кириб қелди. У кўп ичганми ёки қаттиқ йиғлаганми, кўзлари қип-қизил эди. Йўқ, ичмаган экан. Кайфи йўқлиги шундоққина сезилиб турибди.

– Кечир мени, Ултуған... узр... Ҳойнаҳой, келганимга жаҳлинг чиқаётган бўлса керак. Қандоқ қилай ахир?.. Бўлак борадиган жойим бўлмаса, – деди шикаста овозда Майдон.

– Кел, ўтир, – таклиф этди Ултуған суюнганини базўр босиб. Сўнгра шартта бориб деразани ёпди.

– Чой ичасанми?

Майдон индамай бош силкиб қўйди. “Тавба, худди йиғлайвериб, хун бўлиб кетган болага ўхшайди-я”, дея хаёлидан ўтказди Ултуған. Майдон келтирилган чойни хўриллатиб ича бошлади. Охири нафси қонди шекилли, пиёлани нари суриб қўйиб, хона деворини кўздан кечираркан, нигоҳи беихтиёр девордаги осифлиқ аёл суратига тушди. Аёл Ултуғаннинг онаси эди.

– Онанг ажойиб аёл эди, жойида тинч ётсин. Овқатларини мазза қилиб ердим. Эсизгина... Э, гап овқатда эмас... – деди Майдон хаёлга толиб.

Бу гапдан кўнгли бузилган Ултуған йиғлаб юборди. Майдон ҳам кўзига қуйилиб келган ёшни артди. Улар бир-бирларига тасалли бериб, дардлашдилар. Ултуған ўзининг ёлғизлигидан нолий бошлади. Майдон бўлса, ота-онасининг хохиши билан Сандибалага уйланиб, турмуши азобда ўтаётганини айтди. Улар ўзаро ҳасратлаша-ҳасратлаша тонг оттирдилар. Шу кундан бошлаб Майдон Ултуғанниқига кунда келадиغان одат чиқарди. У Ултуғаннинг ёнига кайфсиз, мутлақ хушёр келадиغان бўлиб қолганди. Икки омади чопмаган бечоралар каби уларнинг сира суҳбатлари адоғ бўлмасди.

Кунлардан бир куни Майдон чиқиб кетгач, Ултуғаннинг миясига беҳосдан: “Майдон ажойиб, мўмин-маъқул, ювош-а! Унга кўнгил қўйиб қолмасамийди...” – деган фикр урилди. Ултуған Майдон ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Хўш, Майдон-чи, у ёқтирармикин Ултуғанни? Аслини айтганда, улар ўртасидаги муносабатини фақат дўстликкина деб бўлмасди.

Бир куни улар одатдагидек, ярим тунгача гаплашиб ўтиришди. Охири Майдон кутилмаганда:

– Ултуған, мен сени яхши кўриб қолдим, – деб қолди. Аввалига у бу гапни тортиниброқ айтди, кейин дадил изҳор этди дил розини: – Сен мен учун жонимдан ҳам ортиқсан!

Ултуғаннинг аъзойи бадани жимирлаб кетди, у бир оғиз гапиришга ҳам мадори етмай, Майдоннинг қўлини олиб юзига босди. Ултуғаннинг юзи лов-лов ёнар, боши айланарди. Майдон киз томон яқинлашиб, иккинчи қўли билан уни бағрига тортиди-да, юзидан бўса олди. Дам ўтмаёқ бу икки жисмга ўт илашди...

– Майдон... кераги йўқ... йўқ... йўқ... тўхта... – ёлворарди Ултуған хансираб.

– Ултуған, бебахойим, жони-жаҳоним... – деярди Майдон ҳам юраги кинидан чикқудек бўлиб.

Киз қаршилиқ қилмай йигитнинг кучоғида тўлғанар, Майдон энтиккан кўйи Ултуғанни эркаларкан, унинг ёноклари, лаблари, пешонаси ва кўзларидан кетма-кет бўса оларди...

Майдон икки кеча Ултуғанникида қолиб кетди. Севишганлар ҳамма нарсани унутиб, фақат бир-бирлари ҳақида ўйлардилар. Уларни интиқ, узоқ кутилган бахтли висол сархуш этган, бирор кимса таъқиби ҳам, таъна тошлари отиши ҳам парволарига келмасди. Улар қоронғи хонада бир-бирларининг оғушларига кириб ётар эканлар, барча учрашувлари ва ораларида бўлиб ўтган гапларни эслашар, баъзи ношудликлари, пировардида бундайин бир тан-бир жон бўлиб кетишларини билмаганликларини шивирлашардилар. Биринчи кундаёқ жиддий суҳбатлашиб олсалар, жаҳл устида ора очик бўлар, умрбод юз кўрмас бўлиб кетишлари мумкин эди. Ҳозир, мана, тақдир уларни бирлаштирди. Майдон анчадан буён Ултуғанга ошиқ бўлиб юрганини тан олди.

Иккинчи кун тунда улар ишрат гаштини суриб, олам ташвишини унутиб ётган пайтларида, ногаҳон эшик қаттиқ тарақлай бошлади. Эшикни кетма-кет тарақлатаётган Майдоннинг хотини Сандибала эди.

– Ултуған, хой Ултуған! Эшикни оч, манжалаки! – дея овозининг борича шанғилларди Сандибала эшикнинг турумани бузгудек бўлиб.

Ўзларидан бўлак ҳамма нарсани унутишган Майдон билан Ултуған кўркиб кетиб, тахтадек қотиб қолдилар.

Эшик ҳамон тинмай тарақларди. Сандибала энди эшикни темир билан ураётган эди.

– Нима қилиш керак? Эшикни очсаммикин? – ваҳима билан сўради Ултуған.

– Жим... Овозингни чиқарма...

Сандибала эшикни тақиллатишидан натижа чикмагач, дераза томонга ўтди, – у Ултуғаннинг гўрига ғишт қалаб, оғзига келган ёмон сўзлар билан уни ҳақорат қила кетди. Сандибаланинг тили киличдек ўткир ва заҳар эди. Ултуғанни одам зоти чидаб туrolмайдиган сўзлар билан ҳақорат қиларди у. Ултуғанни умри бино бўлиб ҳеч ким бундай ҳақорат қилмаганди. Сандибаланинг гапига ишонган одам бу дунёда Ултуғандек бузук аёл йўқ деб ўйларди. Ултуған отасининг ўлганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмай, бўш-баёв эркаларни йўлдан ураётган фоҳиша эмиш!

Сандибаланинг ҳар бир ҳақоратли сўзидан Ултуған худди қаттиқ камчи зарби егандай бир сесканиб тушарди. Сандибала эса ҳамон вайсашдан тўхтамасди:

– Эшитяпсанми, хой, ғар... Қани, эримни кўйнингдан чиқариб юбор ҳозирок! Бўлмаса, ойналарингни чил-чил қилиб ташлайман! Эшитяпсанми? Ҳали қараб тур, кўрадиганингни кўрасан, хотинчалиш Майдон! Бошинга ит кунини солмасам, отимни бошқа кўяман!

Ултуған билан Майдон чурқ этмаётганларидан баттар ғазаби кўзиган Сандибала деразани очишга урина бошлади. Кўрқувдан, ноҳақ ҳақоратдан дир-дир титраётган Ултуғаннинг кулоғига дераза ойналарининг шарақлаб синган овози эшитилди. Ултуған билан Майдон ўринларидан сапчиб турдилар-да, бир-бирларини тургиб-суртиб, қоронғида ҳар ёқда сочилиб ётган кийимларини топиб, апил-тапил кийина бошладилар.

– Мана, мана, сенларга! – жазаваси тутган Сандибала ойна синиқларини жаҳл билан ичкарига итқита бошлади.

Ниҳоят, Сандибаланинг ҳансираб нафас олиши, ойна синиқларининг оёғи остида қарсиллаши яққол эшитила бошлади.

– Э-ҳа, сенларга бу ҳам камлик қиялпими? Мана бўлмаса!.. – дея Сандибала қолган дераза ойналарини ҳам синдира бошлади. У ҳамма ойналарни синдириб бўлгач, бошини деразадан ичкарига тикди-да:

– Ана энди истаганларингча ялаб-юлкашиб ётаверинглар, беномуслар! – дея ўз йўлига кетди.

Сандибаланинг қадам товуши узоклашди, кўчани бошига кўтараётган овоз ўчиб, агрофга жимлик чўкди. Муздек шамол дераза кўзларидаги пардаларни елпитарди.

Майдон билан Ултуған бўлиб ўтган можародан сўнг анча пайтгача довдираб, ўзларига келолмай қолдилар. Ниҳоят, сергак тортган Майдон кетишга шайланган эди, Ултуған унга маҳкам ёпишиб олди:

– Ҳеч қаёққа кетмайсан! Сени кўйиб юбормайман! – деди у йиғи аралаш.

Майдон кетиш ниятидан қайтиб, турган жойида тек қотди. Ошиқ-маъшукларнинг ҳозир чирок ёқса диллари ёришмасди. Тоғ томондан салқин шабада эса бошлади. Ултуған қўл узатиб адёл олди-да, уни ўзи билан Майдоннинг елкасига ташлади.

Аста-секин тонг ёришиб, хонадаги нарсалар кўзга ташлана бошлади. Майдон билан Ултуған бир-бирларига тикилдилар; уларнинг юзлари хорғин тус олган, кўзлари ич-ичига тушиб кетганди. Майдон Ултуғаннынг елкасидан кучди.

– Бугун овулда роса шов-шув бўлади-да. Одамларнинг кўзига қандай қарайман энди? Уят! Қандай шармандагарчилик! – шивирлади Ултуған кўллари билан юзини беркитиб йиғларкан.

– Кўй, йиғлама, – илтижо қилди Майдон.

– Хўп, йиғламайман. Мени ташлаб кетмайсанми, Майдон? – сўради Ултуған умидсиз оҳангда.

– Йўқ, ҳеч қаерга кетмайман.

– Алдаяпсан, кетиб қоласан, сезиб турибман!

– Жоним, айтдим-ку сенга, кетмайман деб! Ётиб бир оз дамингни ол.

Шундан сўнг Майдон ишга кетди.

Уйда ёлғиз қолган Ултуған ўзини чалғитишга ҳаракат қила бошлади. Тонг гира-ширасида сигирни соғди- да, ўзи подага кўшилиб кетар деб кўчага ҳайдаб чиқаргач, нонушта ҳам қилмай шартта ўрнига қайтиб ётиб олди.

Чошгоҳ пайти эшик тақиллади, аммо Ултуған ўзини эшитмасликка солиб, янада қаттиқроқ бурканиб ётаверди. Эшик тақиллатган одам синган ойна парчаларини гичир-гичир босган кўйи яқинлашиб, дераза кўзидан ичкарига бош сукди:

– Хой, уйда бирорта одам борми ўзи?

Ултуған кекса ойначини таниб, бошини кўтарди.

– Эҳ-ха, шу ерда экансан-ку! – деди ойначи. – Мени ойналарингни солишга юборишди. Ким бундай чил-чил синдирди ойналарни? – Сўнгра у қандайдир кўшиқни хиргойи қилиб, ишга киришиб кетди. Ултуған бўлса, ҳаммаёғидан тамаки ҳиди анқиётган Иван ойначидан уни ким жўнатганини ҳам сўрамади. Энди унга ҳеч нарсанинг қизиғи йўқ, ўзи холи бўлса бас эди.

Кекса Иван амаки ишни битириб, уйдан чиқиб кетди. Ултуғаннынг хиёл кўнгли айнир, эти увишиб, боши тарс ёрилгудек оғрир, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келарди. “Касал бўлиб колмадиммикан? – деб кўйди ичида у. – Майдон қайтиб келармикин ёки бутунлай кетиб қолдимикин?”

Куюш ботиб, қош қорая бошлади. Ниҳоят, зимистон қоронғилик чўкди. Ўринда ётган Ултуған қимирлагиси келмас, бош оғриғи баттар кучайган эди. У пешонасини маҳкам боғлаб, яна ўринга чўзиларкан, миясига нуқул: “Келадими ёки йўқми?” деган савол урилар ва шу заҳоти: “Йўқ, келмайди!” жавоби янграгандай бўлиб, қаттиқ хўрлиги келарди.

Ултуған гарчи сергак ётган бўлса-да, негадир даҳлиз эшиги очилганини сезмади. Туйкус қадам товуши эшитилди-ю, чирок ёқилди. Ултуғаннынг тепасида Майдон турарди.

– Нега келдинг? Нега? Кет! Ҳозироқ кет! – қичқирди Ултуған ва шартта ўрнидан туриб, йигитнинг бўйнига маҳкам ёпишди. Айни дамда Майдон маъшукасининг оғушидан қутулиб чиқиши амримаҳол эди.

– Йўк, йўк, Майдон. Ҳеч қаерга кетмайсан, ҳеч қаёққа қўйиб юбормайман сени!

Майдон Ултуғаннинг асаб торлари таранглашиб кетганини тушунди. Ниҳоят, у Ултуғанни қўлида кўтариб, ўрнига олиб бориб ётқизди... Ишрат нашъасидан сархуш севишганлар ҳамма нарсани унутишган, ютоқиб бир-бирларига талпинардилар...

Тунда улар тагин Сандибаланинг бақир-чакиридан уйғониб кетишди, эс-хушларини йиғиб олишга улгурмаёқ ойна шарақлаб синди-да, хонага тош ёғила бошлади. Майдон ўрнидан сакраб туриб, кўчага отилди. Орадан бир дақиқа ўтгач, Ултуғаннинг кулоғига:

– Вой-й-вой-й, кутқаринглар! Ўлдириб қўяди! – деган Сандибаланинг фарёди эшитилди. Бирпасда ҳаммаёқни тапир-тупур одамларнинг шовқин-сурони, итларнинг хуриши босиб кетди. Бу шовқин-сурон қандай тез бошланган бўлса, яна шу каби тез тинди. Лекин Майдон Ултуғаннинг ёнига қайтиб кирмади. Аёл тонг отгунча мижджа қокмай чиқди. Унинг жанжал нима билан тугаганига ақли етмасди. Балки Майдон Сандибала билан ярашиб кетгандир? Ахир айтишади-ку, “эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши” деб. Наҳотки Майдон энди бир умр қайтиб келмайдиган бўлиб кетган бўлса? Ултуған изтиробли ўй-фикрлардан ўзини чалғитиш мақсадида ўрнидан туриб, уй ишларига уннади. Уйни супурди-сидирди, тошларни, синган ойналарни ташқарига олиб чиқиб ташлади.

Эргалаб колхоз идорасидан почтачи келди. Раис чақиртирганини эшитган Ултуғаннинг юраги оркасида тортиб кетди. У идорадаги одамлар олдида изза бўлишни сира-сира истамасди. Бегона одамларга қандай қилиб Майдонни ёқтиришини айтади.

– Бормайман! – жахл билан жавоб қайтарди Ултуған почтачига.

Кекса почтачи бир нарса демоқчи бўлиб лабини жуфтлади-ю, лекин Ултуғаннинг ҳозирги вазоҳатидан унга ҳеч қандай сўз таъсир қилмаслигини кўргач, ташқарига йўналди. У остона ҳатлаётиб, лоқайдгина:

– Ҳозир милиция келувди... Майдонни районга олиб кетишди, – деди.

– Нима учун? – капалаги учиб сўради Ултуған.

Почтачи “ўзинг билсанг керак” дегандай кўзларини катта-катта очиб Ултуғанга қараркан, изоҳ беришга ўтди:

– Тунда хотинини калтаклабди. Унинг ҳаммаёғи моматалок бўлиб кетибди. Майдонни қамашса керак. Тавба, нега уради, а? Ҳозир хотинларни урадиган замонми, ахир...

Почтачи гапини охирига етказмай, қўл силтаб чиқиб кетди. Бу хабар Ултуғанни даҳшатга солди У ўзини қўярга жой тополмай уй ичида уёқдан-буёққа юрар экан, дам-бадам ўзига-ўзи: “Нобуд бўлди, нобуд бўлди”, – дерди. У туйқус негадир ташқарига югуриб чиқди-да, яна қайтиб ичкарига кирди. Сўнг у самовар қайнаётганини эслаб, ундаги оловни ўчирди. Ҳозир чой ичишга бало борми? Қаёққадир бориб, кимдандир ёрдам сўраш керак. Хўш, кимдан сўраш керак ўша ёрдамни? Майдонга ким ҳам ёрдам берарди дейсиз?..

Бундан бир ой муқаддам Ултуғандан: “Сенга Майдон ёқадими?” деб сўрасалар, ҳойнаҳой у: “Вой, турқи курсин, унинг нимаси ёқсин? Найнов, бесўнақай, қачон қарасанг, ичгани-ичган, юриш-туришининг тайини йўк, кўзи ўлган қўйнинг кўзига ўхшайди”, – деб жавоб қайтарган бўларди. Ҳозир эса, Майдон Ултуған учун энг азиз, энг кадрли, ундан яхши инсон йўк эди.

Ултуған апил-тапил отланди-да, бир тугун егулик билан автобусда район марказига йўл олди. Бензин хиди анқиётган автобуснинг ичи ҳаммомдек иссиқ, дим, йўловчилар қаро терга ботиб кетишганди. Аммо Ултуған бундан сезмасди. У йўл бўйи Майдонни қандай қилиб кутқариш режасини тузиб борарди. У милицияхонага етгач: “Майдонни қўйиб юборинглар, унда ҳеч қандай гуноҳ йўк, ҳамма айб менда, мени қаманглар!” деб айтади. У тўппа-тўғри милиция бошлиғининг олдида қиради-да, ҳаммасини бир бошдан гапириб беради. Қандай қилиб ёлғиз ўзи қолганини ва Майдон билан қандай топишганини

очик айтади. У Майдонни кўйиб юбормагунларича милиция бошлигининг хузурида йиғлаб ўтираверади. Майдоннинг ўрнига уни қамаб қўя қолсинлар. Жиноят содир бўлса, кимдир жазоланмай қолмайди.

Ултуған автобусдан тушгач, одамлардан милиция биноси қаердалигини билиб олди. Ёзнинг жазирама иссиғи асфальтни билкиллашиб юборганди. Туфлининг таги худди пашша ширага ёпишгандай асфальтга чип-чип ёпишиб қолади. Хаво ниҳоятда иссиқ ва дим. Негадир Ултуғаннинг кўнгли айний бошлади. Узини ғалати хис этди. “Нима бало, бўйимда бўлиб қолганмикан?” деган ўй миясига яшиндек урилди. У ҳомиладор аёллар ўзларини қандай хис этишларини эшитганди. “Ё тавба, наҳотки бўйимда бўлиб қолган бўлса?” Ултуған вақт ўтиб кетаётганини сезиб, қадамини янада жадаллатди. Бошдан унинг иши юришмади. Милицияга қоқ туш пайти етиб келди. Бошлиқ қаергадир кетган экан. Ултуғанни қорачадан келган, кўзлари чакноқ ёш навбатчи йигит кутиб олди. Аёл Майдоннинг олдига келганлигини эшитгач, милиция йигит бирдан тусини ўзгартириб:

– Сен унга ким бўласан? Ҳойнаҳой хотинидирсан? – деди сенсирашга ўтиб.

Ултуған ўзини ким деб айтишни билмай, довдираб қолди, на “ҳа”, на “йўқ” дейишга тили айланмасди. Аммо бу ерда индамай туришнинг иложи йўқ эди. Ултуған сезилар-сезилмас бош кимирлатгандай бўлди. Аммо навбатчи йигит Ултуғаннинг ишорасини “ҳа” деган маънода тушунди.

– Хўш, демак... – чўзиб деди у. – Демак, эрингни кўрмоқчисан, шундайми?

– Ҳа, – эшитилар-эшитилмас жавоб қайтарди Ултуған.

Милиционер йўталиб кўйди-да:

– Қамокда сақланадиган фуқаролар билан учрашиш қатъиян ман этилади, – деди расмий оҳангда.

– Йўқ, йўқ, мен бошлиқнингиз билан гаплашмоқчиман. Унга бор гапни айтиб бермоқчиман. Майдонда айб йўқ!

– Ҳой хотин, бошлиқнинг бошини қотирма! Сенсиз ҳам иши бошидан ошиб ётибди. Сиз хотинларга теккан касал шу: эрингиз ғиринг деса, “вой урди, вой сўқди!” деб шикоят қиласизлар, кейин, “у айбдор эмас”, деб обидийда қиласизлар. Нима, милиция сизларга ўйинчокми?

– Ахир у мени урган эмас!..

– Бўлса бордир. Бўпти, овулингга кетавер. Ўн беш суткадан кейин ўз оёғи билан ёнинга кириб боради, – деди милиционер шартта, сўнг гап тамом дегандай тахта тўсиқ ортга ўтиб кетди.

Ултуған ташқарига чиқди-да, зинапояга ўтириб, бўлим бошлигининг қайтишини кута бошлади; ниҳоят, тушлик ҳам тугади, орадан бир-икки соат вақт ўтди, лекин милиция бошлиқидан ҳамон дарак йўқ эди. У ҳар бир погон таккан милиционерга, “сиз бошлиқмисиз?” деган саволни берарди, лекин улар кулиб: “Йўқ, ҳали бошлиқ бўлганимизча йўқ”, – деб жавоб қайтаришарди. Ниҳоят, навбатчи йигит деразадан бошини чиқариб бақирди:

– Ҳой хотин, бошлиқни бекорга кутиб ўтирибсан. Уртоқ майор вилоят марказига кетган. Икки кундан кейин келади, ундан олдин келмайди. Гапимга ишонмайсанми? Мана, ҳозир унинг ўзи кўнғироқ қилди.

Милиционер Ултуғаннинг ишонмаётганлигини сезиб, узун симли телефон трубкасини дераздан чиқариб кўрсатди.

– Мана, ҳозир гаплашдим!

Ултуған ҳеч бир натижа чиқаролмай, ҳориб-чарчаб, кечки автобус билан овулга қайтиб келди.

Ярим тунда Ултуғаннинг назарида кимдир деразани аста, эҳтиёткорлик билан чертаётгандек туюлди. Ултуған шартта ўрндан кўзгалиб, каравотда ўтириб олди-да, диққат билан қоронғиликка тикилди. Унинг юраги хапқиқиб, дук-дук ура бошлади. Хона ичи сув қуйгандек жимжит. “Тушимда шундай туюлгандир”, хафсаласи пир бўлиб ўйлади Ултуған. Айни шу дақиқада дераза ойнаси яна эҳтиёткорлик билан чертилди.

– Ултуған, бу менман...

Ултуған ўқдай отилиб бориб эшикни очгани ва Майдоннинг бағрига ташланганини ўзи ҳам сезмай қолди. У Майдонни кучганча остонада тураверди. Кимдир кўриб қолишидан ҳам истиҳола қилмасди ҳозир Ултуған.

– Шошма, Ултуған. Уйга кирайлик. Ҳаммаёғим чанг, кир-чир. Йўлда ифлос бўлиб кетдим, – деди хижолатда Майдон.

– Кир-чир, чанг дейсанми? Бўлса бўлар! Кўявер! Кўявер!..

Ултуған Майдоннинг юз-кўзидан, бўйнидан чўлп-чўлп ўпарди.

– Кир-чир бўлсанг ҳам бари бир сени ўпавераман! Биласанми, сени шундаям соғиниб кетдимки! Сени ўйлайвериб, жинни бўлаёзим!..

Ниҳоят, улар дахлизга киришиб, анча вақт бир-бирларидан ажралолмай турдилар.

Уй ортидаги саройда хўроз қанот ёзиб кичкирди...

– Ултуған, кўйиб юбор, ювиниб олай!

– Ҳозир, ҳозир сув иситиб юбораман. Сени ўзим чўмилтириб кўяман.

Ултуғанинг оёғи олти, қўли етти бўлиб ишга киришиб кетди. У зумда қозоннинг остига ўт ёқиб, сув иситди. Сўнг Майдоннинг қаршилиқ қилишига ва уялишига қарамай уни ечинтирди-да, худди тўнғич боладек чўмилтира бошлади.

– Бечорагинам, илгариям семиз эмас эдинг-ку, лекин ҳозир қовурғаларинг саналиб қолибди-я! – дерди сочиқ билан Майдонни артар экан.

Майдон энди қаршилиқ қилмай, итоатгўйлик билан жимгина турарди. Ултуған унга отасидан қолган кўйлақ ва шимини кийдириб кўйди-да, Майдоннинг кир-чир кийимларини ювишга тугинди. У кир юватуриб, дам-бадам Майдонга қараб-қараб кўярди. Майдон ҳам Ултуғандан кўз узмас, унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирарди. Майдоннинг сочи тақир қилиб олдирилган, юзи чакак-чакак бўлиб кетганди. Фақат унинг кўзлари мафтункор, ёшларга хос порлаб боқарди.

– Ётиб, бир оз дамингни ол, – деди Ултуған.

– Кутиб тураман, бирга ётамиз.

– Қандай келдинг?

– Яёв келавердим.

– Ё тавба, райондан шу ергача пиёда келдингми? – ваҳима билан сўради Ултуған.

– Кечкурун кўйиб юборишди. Охирги автобус кетиб қолган экан. Қарасам, эрталабгача кутиш фойдасиз, устига-устак, ёнимда сариқ чақа ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам яёв келавердим.

– Қорнинг ҳам очиб кетгандир?

– Сал-пал.

Ултуған кирларни апил-тапил ювиб бўлгач, самоварга ўт ташлаб, дастурхон ёзди. Бор ёгуликларни дастурхон устига тўкиб ташлади. Бу гал Ултуғанга дамлаган чой жуда тотли туюлди: улар узоқ вақт суҳбатлашиб ўтириб, чой ичдилар. Эрталабга яқин Ултуған сигирни соғди-да, кўчага кўйиб юборди. Сўнг эшикни ташқаридан қулфлаб, уйга деразадан ошиб тушди.

– Мени уйда йўқ, қаёққадир кетган деб ўйлашсин. Бўлмаса, тинчлик беришмайди, – деб тушунтирди у ҳайрон бўлиб турган Майдонга.

Шундан сўнг улар анча вақт висол лаззатини сура-сура, охири ухлаб қолишди, тунги соат ўн иккиларга яқин уй олдига отлик одам келгандагина кўз очишди.

Отлик эшик олдида бир-икки айланди, Ултуған Соғинбойнинг овозини таниди.

– Ҳой, хола, Ултуған қаерга кетган? – деб сўради у қўшни кампирдан.

– Ким билади дейсан? Эрталабдан буён эшик қулф, – жавоб қайтарди кампир.

– Яна районга кетган бўлса керак! – ғулдиради бригадир, сўнг ўзига-ўзи жавоб қайтарди: – Ростданам районга кетганга ўхшайди. Тавба, у бутунлай эсини йўқотиб кўйибди, – деди-да, отини йўрттириб кетди.

Ултуған билан Майдон кўшни кампир ҳамда бригадирни бошлаб лакиллатганларидан мирикиб кулдилар. Сўнг бир-бирларининг пинжларига кирган кўйи тагин уйкуга кетдилар. Навбатдаги бу учрашувнинг оқибати нимага олиб келишини улар мутлақо хаёлларига ҳам келтирмас эдилар.

– Қамокхонада қийналгандирсан-а? – сўради ўринларидан туришгач Ултуған.

– Нимасини айтасан. Биринчи туніёк ўзимни ўлдиргим келди. Сўри остидан бир тиғ топиб олдим-да, яшириб кўйдим. Ҳамма ухлаганда томиримни кесиб ташлашга қарор қилдим. Бундай шармандагарчиликдан ўлганим яхшида ахир!

– Оғзингдан шамол учирсин, бундай дема!..

– Ҳаммаси орқада қолди, Ултуған. Сени ўйлаб, тиғни ташлаб юбордим. Ултуған, ўлишга ҳаққим йўқ. Чунки дунёда сен борсан, севгилим! Бошингга кулфат тушгандагина дунёда энг азиз инсон ким эканлигини тушунар экансан.

Бу узун ва бахтли кун шу алфозда ўтди. Тунда овул ухлаб, кўчада ҳеч зог қолмаганда Ултуған деразадан ошиб, ташқарига чиқди-да, эшик кулфини очди ва уй-рўзгор ишларига унаб кетди: сигирини соғди, ариқдан сув олиб келди. Майдон ҳам тинч турмай унга ёрдамлашди; ўтин ёриб, эркаклар қиладиган ишни бажарди. Эрталаб Ултуған эшикни яна кулфлаб кўйди, улар яна одамлар кўзидан яшириниб олдилар.

Бу кун ҳам улар учун узун ва бахтли бўлиб туюлди. Ошиқ-маъшуклар ором олишар, уйғониб, бир-бирларини суйишар, висол суруридан толиқиб яна ухлаб қолардилар. Уй ташқарисида одамлар ғовур-ғувур қилишар, бузоклар маърар, хўрозлар кичқиришарди. Кўчадан тинмай от минган одамлар дупир-дупир ўтишарди. Хуллас, ташқарида ҳаёт ўз маромида давом этар, Ултуған билан Майдон эса бу ҳаётдан узоқда эдилар.

Иккинчи куни тунда Майдон билан Ултуған уйдан чиқиб, қўл ушлаганча овул ортидаги даштда сайр эта бошладилар. Улар киров босган ва иссиқ баданларига хуш ёқувчи кўкат устида ўтириб, келажак ҳақида режа туза бошладилар.

– Яхшиси, бу ердан бош олиб кетсак дуруст бўлармиди? – деди Майдон.

– Шаҳардаги станцияда ишга қираман, хоҳласанг, сен ҳам ишлайсан, ишлашни хоҳласанг, уй бекаси бўласан. Биргаликда умргузаронлик қиламиз. Қўл учидан кун кўрсак ҳам нолимайман. Бизга кўп нарсанинг кераги йўқ.

– Тўғри айтасан, бизга кўп нарсанинг кераги йўқ, – тасдиқлади Ултуған.

– Овқат қилиб, сенинг ишдан қайтишингни кутиш мен учун катта бахт, Майдон.

– Шундай бўлади, Ултуған.

– Майдон...

– Нима дейсан, жоним?

– Мен, биласанми... Сенга нима десам экан... назаримда, бўйимда бўлиб қолганга ўхшайди.

– Ростми? Буни шундай орзиқиб кутган эдимки... Энди биз умуман ажралишмаймиз. Энди биз бир умр бир-биримизга боғлиқмиз!.. Ие, жудаям совқотиб кетибсан-ку!

– Юр уйга, Майдон, – ҳақиқатан ҳам Ултуған совқотиб жунжикди.

Шарқ тарафдан тонг ёришиб келмоқда эди. Қоронғилик аста-секин ғарб томон чекиниб, дашт ёришиб борарди. Ён-атроф ғира-шира бўлиб қолганди. Беданалар “бит-билдик, бит-билдик” деб сайрай бошлади.

Учинчи кун аввалгиларига қараганда узоқроқ чўзилгандай бўлди. Вақт гўё тўхтаб қолгандек эди. Улар биринчи кундаги соғинч-муҳаббат ҳисларини қондирган ва уйкуга тўйган эдилар, шунинг учун энди ухламай, шунчаки ёнбошлаб суҳбатлашишар, гоҳ-гоҳ хона ичида уёқдан-буёққа юришар эди. Ё бўлмаса, дарпардани қия очиб, кўчага мўралашар, кўрган-билганлари ҳақида сўзлардилар.

– Майдон, кара, кўшнимизнинг ғози улоқни кувлаб юрибди, – кулиб Майдонни ёнига чақирди Ултуған.

– Ултуған, Соғинбой ўтиб кетди. Ҳойнахой, сени кидириб келгандир, эшик кулфлоглигини кўриб, хафсаласи пир бўлади энди, – ҳазиллашди Майдон.

– Сениям Сандибала қидираётган бўлса керак. Эргинаси қаёққа ғойиб бўлганини билмай, боши қотаётгандир, – ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди Ултуған ва дарҳол ҳазилим оғир ботмадимикан, дея хушёр тортди.

Майдон хафа бўлмагани, у бепарволик билан:

– Қидирса, кидираверсин. Топиб бўпти мени! – деди.

Орадан бир-икки соат вақт ўтди. Ултуған хўрсиниб хаёл суракан:

– Қачонгача одамлардан беркиниб юрамиз? Бир кунмас бир кун кимдир бизни кўриб қолади, – деди.

Улар нигоҳлари тўқнаш келишидан қўрққандай кўзларини ерга тикдилар: эртами-кечми, бари бир, роҳатда ўтаётган бу кунлари ниҳоясига етишини тушунганлари учун кайфиятлари бузилганди.

– Майдон, нечта боланг бор? – сўради Ултуған ниҳоят.

– Тўртта. Болаларим ўнта бўлгандаям уйга қайтиб бормайман! – қизишиб жавоб қайтарди Майдон.

– Кетишни хоҳласанг ҳам мен сени чиқариб юбормайман! – хитоб қилди Ултуған, – Сандибаланинг болалари билан неча пуллик ишим бор? Сен меникисан, ҳа, ҳа, ёлғиз меникисан!

Шундан сўнг улар оқшом бўлишини орзиқиб кута бошладилар. Ошиқ-маъшуклар яна даштга чиқиб, худди кечагидек қўл ушлашган ҳолда сайр этишни интиқ бўлиб кутар эдилар. Бахтга қарши, кечга томон осмонни қора булут қоплади. Момақалди роқ гумбурлаб, чакмоқ чакди ва шаррос ёмғир куйиб, ниятларини чиппақка чиқарди.

Ёғингарчилик Ултуған билан Майдоннинг юракларини сиқиб, зериктира бошлади. Улар маънос, жим ўтирардилар. Гоҳ-гоҳида бир-бирларига луқма ташлаб кўярдилар ҳолос.

Тушдан кейин булутлар орасидан чарақлаб қуёш чиқди. Овул қуёш нурларига ғарқ бўлди. Кайфияти яхшиланган Ултуған суюклисига мурожаат этди:

– Майдон, юр, ташқарига чиқамиз. Даштни кара, қандай ажойиб! Уйда ўтириш жонга тегиб кетди.

– Бизни кўриб қолишлари мумкин, – огоҳлантирди Майдон.

– Жуда яхши. Кўришса нима қипти?

– Ултуған, ўзинг чиқиб айланиб кела қол. Мен шу ерда ўтира тураман.

– Зерикиб қолмайсанми?

– Йўқ, фақат эшикни ташқаридан кулфлаб кет.

– Бўпти, унда одамлар нима иш қилишаётганини бир кўриб келай. Қаерда эдинг, деб сўрасалар, шаҳарга бориб келдим дейман.

Ултуған кўчага чиқди. Борлиқ унинг кўзига гўзал бўлиб кўринди. Ёмғир чор-атрофни яшнатиб юборганди. Осмон ҳам беғубор. Ултуғаннынг кўзига узокдаги тоғ чўққилари гўё тиник, сеҳрли оқ мрамардек ярақлаб кўрина бошлади.

Ултуған ўзини бу бепоёнликни умрида биринчи бор кўриб тургандек ҳис этди.

Атрофдаги кенглик ва эркинлик Ултуғанны тамоман ўзига ром этиб, руҳида қандайдир енгиллик пайдо қиларкан, у истаган жойига бориши ҳақидаги фикрдан яйрарди. У кўчада бемалол юришни жуда-жуда соғиниб қолганди. Ултуған тўғри магазинга йўл олди. У кўчадаги ўткинчилар кузатаётганини пайқаб, қаддини ростлади-да, қадамини илдамлатди.

Магазинда одам сийрак: икки молбоқар йигит билан бир неча болалар бор эди, ҳолос. Қорачадан келган кулча юзли бир бола сотувчига иккита бўш шишани узатиб:

– Мана буларни олиб, менга ширинлик беринг, – деди.
– Шишангни олмайман. Ҳали ёшсан. Бор, онанг келиб топширсин, – кўнмади сотувчи аёл.

– Онам касал ётибди, ола қолинг, – бўш келмади бола.

– Ола қолмайсанми? Бунча таранг қилмасанг?! – гапга аралашди йигитлардан бири.

– Таранг қилаётганим йўқ. Болалардан шиша олиш мумкин эмас... Ҳай, майли, бу сафар ола қолай. Аммо кейинги гал шиша кўтариб келганингни кўрмай, болакай, бари бир олмайман, – деди сотувчи, сўнг шишаларни қайтара туриб болаларга бир қисим ширинлик узатди.

– Уйимизда бошқа шиша йўқ, – деди қувонган бола ва ўртоқлари билан ташқарига югуриб чиқиб кетди.

– Ажойиб бола экан! Кимнинг ўғли? – сўради Ултуған ҳаваси келиб.

– Ие, танитайсанми, Майдоннинг ўғли-ку?! – бепарволик билан жавоб қайтарди сотувчи ва дабдурустан хушёр тортиб, жим қолди.

Бу гап Ултуғанга бир тарсаки туширгандек бўлди. Унинг юзига қон тепиб, юраги қаттиқ уриб кетди-да, жадал ташқарига чиқаркан, нарироқ боргач, нафасини ростлаш учун тўхтади.

Яқинда турган бояги болалар ширинликни бўлишаётган эдилар.

Ултуған уларга қараб қолди. Қайси бири Майдоннинг ўғликин? Э, анавиниси бўлса керак! Ширинликни бўлишаётгани.

– Ҳой бола! Менга қара! Исминг нима? – сўради Ултуған ҳаяжонланиб.

– Сайлан, – жавоб қайтарди болакай бепарво.

– Онанг ростдана касалми?

– Ҳа, рост. Бугун доктор келди. Онамнинг юраги касалмиш.

Болалар ширинликни бўлишиб олгач, кўча бўйлаб югуриб кетдилар. Сайлан ҳаммадан олдинда югуриб борарди. Ултуған турган ерида тахтадек котиб қолди. Ҳозиргина уни қамраб олган хуш кайфият, рухий еңгиликдан асар ҳам қолмаганди. Унинг елкасини нимадир босиб турарди. “Йўқ, йўқ, ундай бўлмаса керак. Ҳаммаси бараварига ёмонлик билан тугаши мумкин эмас-ку! Бола сотувчининг раҳмини келтириш учун шундай деб айтди, менга ҳам сир бой бермади, чунки у мени магазинда кўрди”, – ўйлади Ултуған ва беихтиёр Майдоннинг уйи томон бурилди. У ҳозироқ Сандибалани кўриши шарт! Боланинг гапи нотўғрилигига ишонивиши керак!

Бу уйни Майдон бундан тўрт йил муқаддам бригадир бўлиб ишлаб юрганнида қурган эди. Катта-катта тўртта хона. Олдига узун қилиб айвон солинган. Айвонда ўн ёшлар чамаси, сочлари папила-папила бир қизча тоғорада кир ювмоқда. Ултуған бу Майдоннинг тўнғич қизи эканини фахмлади. “Бурни билан оғзи Сандибалага, кўзлари эса Майдонининг кўзларига ўхшаб кетар экан”, – деди Ултуған рашк оловида қоврилиб. Қизалоқ ювган кўйлагини сикди-да, айвоннинг панжарасига осиб қўйди.

– Ҳой, қиз, онанг уйдаими? – сўради Ултуған мулоим овозда.

Қизча Ултуған томонга ўтирилди-ю, ранги гезариб кетди. Унинг бўйи чўзилиб қолганди. Афтидан ҳамма гапдан хабари борга ўхшайди, ўйлади Ултуған ва қиз олдида ўзини ҳақиқатан ҳам айбдор билиб, ноқулай ҳис этди.

– Онам ухлаптилар. Уларни уйғотиш мумкин эмас, касаллар, – деди қиз нохуш оҳангда.

Дили оғриган Ултуған айвонга кўз югуртирди. Очик турган эшикдан хонанинг бир чеккаси кўзга ташланиб турарди. Айвон билан уй ичи ивирсиқ, супирилмаган, у ер-бу ерда болаларнинг кийими сочилиб ётарди. Стол устида ювилмаган идиш-товоқ қалашиб ётибди. Полни чирк босган. Қизча полни ювишга ювибди-ю, лекин чала-чулпа.

Ултуған Сандибаланинг касаллигига, уйи шунчалик ифлос бўлиб кетганлигига ўзини сабабчи деб билди. Ич-ичидан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Қизча бўлса, гўё чақирилмаган меҳмонни унутгандек кир ювишда давом этарди. Ултуған нима кутаётганини ўзи ҳам билмай жойида тураверди.

Шу тоб ёш боланинг йиғлаган овози эшитилди. Қизча Ултуғаннинг ёнидан хўл қўлини пешбандига артганча югуриб ўтиб кетди ва бир оздан сўнг уни кимдир койий бошлади:

– Қаёқларда санкиб юрибсан? Айтгандим-ку, йиғлатмай бир оз ўйнатиб тур, деб!

Ултуған кир юваётган қиздан ёшроқ қизча аравада ўтирган болакайни сайр қилдириб юрганини кўриб қолди-да, шартта орқасига бурилиб, уйи томон жадал юриб кетди. У бамисоли чопиб борар, тез юрганидан нафаси бўғзига тикилаётганди. Ниҳоят, эшикдан ичкарига кираркан:

– Майдон! Ҳой, Майдон? Ҳозироқ уйингга бор! – деди халлослаб.

– Тинчликми? Нима бўлди? – сўради Майдон даҳлиздан чиқа туриб. У шим билан майкада эди.

– Ҳозироқ кийин!

Майдон ҳеч нарсага тушунмай, елкасини қисиб қўйди-да, қўйлак кийиш учун ичкарига кириб кетди. Ултуған деворга суяниб қолди.

– Нима бўлди ўзи? Рангингда ранг қолмабди-ку! – ичкаридан туриб сўради Майдон.

– Уйингга бориб кел.

– У ерда нима қиламан? – деди қўйлагини кийиб чиққан Майдон хангманг бўлиб.

– Борсанг кўрасан... Майдон, мен учун бориб, у ердаги аҳволни кўриб кел. Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Шу ерда бўламан. Майдон, ўтинаман, йўқ дема. Кейин қайтиб келасан.

Майдон нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин бошини ҳам қилганча узоқ вақт чурқ этмай туриб қолди. Ултуған ўз гапида қатъий туриб олди. Ултуған айтганини қилдирмай қўймаслигига ақли етган Майдон маънос қиёфада:

– Яхши, бораман. Аммо билиб қўй, эртагаёқ ёнингга қайтиб келаман.

Сенсиз ҳаётнинг менга қизиғи йўқ, – деди.

– Раҳмат, Майдон... Кетишингдан аввал мени бир ўпиб кет! Энди бора қол, азизим...

Ултуған деразадан Майдоннинг бошини ҳам қилганча кўчага чиқиб кетаётганини кузатиб турарди, унинг барваста гавдаси қанчалар қадрли бўлиб қолганди...

Майдон эртаси куни ваъдасига кўра Ултуғаннинг уйи томон йўл олди, лекин аввал йўл-йўлакай колхоз раиси билан гаплашиб олмоқчи бўлиб идора томон юрди. Идорада одам кўп эди. Колхозчилар тўпланишиб, ниманидир қизғин муҳокама қилиб турардилар. Улар Майдонни кўргач, жим бўлиб қолишди. Аммо шу пайт одамлар орасидан ўтиб унга пешвоз чиққан Соғинбой:

– Майдон, Ултуған кетиб қолди. Қаерга кетганини ҳеч ким билмайди... – деди.

Майдон Соғинбойнинг гапини охиригача эшитмади, у кулоқларига ишонмай Ултуғаннинг уйи томон югуриб кетди. Ултуған ҳақиқатан ҳам уйда йўқ, эшик ва деразалар ланг очик, ховли кимсасиз эди.

Майдоннинг оёқ-қўли бўшашиб, остонада ўтириб қолди. Шу ондаёқ у Ултуғандан айрилиб қолганини ҳис этди. Аммо Майдон бир нарсага сира тушуна олмас ва ўзига-ўзи: “Нега? Нима учун Ултуған бундай қилди?” дея савол берар, дунё кўзига тор кўриниб кетганди.

*Рус тилидан
Назира ЖҲРАЕВА
таржимаси*



Ўлжас СУЛАЙМОНОВ ТУЛПОРЛАРНИНГ ТУЁҚЛАРИ ЗИРҚИРАР

ҚУМ УСТИДАГИ ҚЎШИҚ

Сахро устида турар ёлғиз лочин,
Сахро устида қотар пахмоқ бургут,
Сахро устида ёнар август қуёши –
Танҳо қиёфаси одам ишончининг.
Мен қояга бораман яқин,
мажусий сингари

уриб пичоқни,

шивирлаб,
аврагандай,
ниманидир оламан ўйиб.
О, мени кечиргин, қуёш,
ножоиз шивирладим, мен,
майли,
эшитсин сариқ

сахро.

Лекин, сўнг?
Лекин, сўнг,
дукур-дукур қитиклайди жимликни...
...Тулпорларнинг туюқлари зирқирар
мана шундай кечада,
қачон силатади суворий
ёлларга юзини...
...Сахро устида турар битта осмон.
Тинчигин, учқур от!
Бу кўкка кўтарилаётган ой.
Эҳ, шундай шабада

ва жимлик –

қанийди,

мен бўлсам?!

...Хайр, сариқ сахро...

“НИҲОЯТ”

Ниҳоят!
О, ёзнинг дагал жаласи –
яхлит селоби ҳавонинг,
қуриган боғимнинг қаролиларин
кесмоқ ниятида оқар
ёшариб.

Замин қаърига яширар
заранг илдизларни,
силкитиб айлантирар поясин
Замин ва осмон орасида –

устунлар,
кўллар,
дарёлар,
биз –
бугунги жаламиз.
Биз учун бугун
ҳамма нарсага топилади иш.
Келиш ҳам,
кетиш ҳам
бу ишнинг бир зуваласи.
Жала – замин ва осмоннинг тўйи!

Атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов ўзининг “Арғумоқлар” номли илк тўплами (1961) биланоқ жаҳон халқларининг тилига тушган ижодкор. Унинг шеърлари, “Инсонга таъзим қил, Замин!” достони, “Аз и Я”, “Хат тили” номли тадқиқотлари дунёнинг кўплаб тилпарига таржима қилинган. У узоқ йиллар мобайнида “Қозоқфильм” киностудиясида, Ёзувчилар уюшмасида раҳбарлик лавозимларида ишлади, Қозоғистоннинг Италиядаги элчиси бўлди. Қозоғистондаги ядровий синовларга қарши халқ ҳаракатининг лидери сифатида танилди. Абай номидаги Қозоғистон давлат мукофотининг лауреати (1967). Халқ шоири. Рус тилида ижод қилади.

ҚОРА ВА ҚИЗИЛ

Fas – Рим қонунларининг олий ҳуқуқи.

Fas est – “Ҳамма нарса раво”.

қаҳқаҳа билан

ойналар ичига кирмоқчи осмон.

бўйсунмаган шаҳарлар устига

аскарларни,

беҳисоб ҳуқуқлар билан қуроллантириб:

фас!

Fas – гажиб ташланг, дунё илкингизда турар.

Fas – бошқа ҳаёт ва мулкка очиқдир йўллар.

Fas – қаҳр-газаб довругидан қисилган кўзлар.

Одамийлик шундайми, ахир?!.

XX асрда

чақмоқдай ёнди бирдан:

Римнинг чорраҳаларида

бемаъни ибора –

Fas est!

Биринчи файласуф қора кўйлакли тилишунос эди.

Аждодлардан мерос ёввойи дунё унга

(у тарихчи бўлган),

нияти ҳам қоп-қора,

қораларнинг ганими у зот

(телба эди ўзи).

Бизга

ҳамма нарса раво!

Ҳатто мантигу қиёс

ва ҳуқуқ ҳам хотирлар

бўрини эмиб ўсган

Ромул ва Ремни.

Қаранг, яна такрорланмоқда –

асрлар қаърига сингиб кетган

қисматнинг нишабларини

бўри каби ваҳшийлик билан

қўйдек бемажол шўрлик,

рангпар Рим.

Ишқ изҳор қилинмас лотин тилида,

Араз йўқ, тортишув йўқ лотин тилида.

Биз ёш ва навқирон бўлган бир пайтлар,

Биз ҳақда суз айтилмаган лотин тилида.

Лотин товушлари куйламас бизни,

Ром этолмас бизни лотин сўзлари зарра,

Ушлаб кўрар экан шифокорлар томиримизни –

Гапирмас кўҳна Римни қўриқлаган ибора ила:

Fas est!

Демакки, бу жасад чириб бормоқда,

Сўнг бор таом еб ол ёгли, мазали,

Коньяк ич, эътибор бермай, оғриққа, бироқ,

Сен интиҳога маҳкумсан –

Ҳамма нарса раво!

Умринг қисқа,

ҳозирча яшаяпсан –

Fas est!

Ҳали тушига айланганинг йўқ.

Кўкрагингни қашилар озгин панжараларинг.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қора либосингда,
 майли,
 сайр этиб ол, фашист!..
 ...Лекин Брест бўсагасида бор,
 Бордир бир хандақ...
 ...Уқлардан чилтешик бўлган
 қип-қизил дўнглик...
 ...Хушчақчақ прусслар тўккан қонлар бор бу ерда
 Ва менинг ҳимоясиз миям чаноги.
 Асаб таранг,
 юрак тортар у томон,
 Бошлар у томонга сўқмоқлар, йўллар.
 Қайда бўлмай,
 кўксимда энг сўнгги имкон –
 Ўша хандақ сари чўзилган қўллар...

“СИЗ МЕНИ СЕВАСИЗМИ, ТОҒЛАР?”

Сиз мени сева­сиз­ми, тоғлар?
 Сева­сиз­ми, қайинлар?
 яшил ва оқ кийинтирган йиллар
 менинг билан елмоқни истаб,
 олиб кетар гиёҳлар исмин,
 фавқулодда йўллар
 ўзининг жарангдор рангларига
 сингдириб
 сукунатнинг борки хилларин.
 Тоғнинг чизма асбоби
 текисламоқ бўлар бирдайин –
 аср юрар нишаблардан
 кўчган қор уюмлари
 ва қор гардлари тахлит,
 енгилгина чўктириб,
 бурама изларин қолдириб
 менинг тезлашимга.
 Жимжимадор метеор –
 хомхяёл йиллар.
 Сиз мени сева­сиз­ми, тоғлар?
 Сева­сиз­ми, одамлар?
 Сизни тўзати­л­май­ди,
 яссиликка айлан­ти­рил­май­ди,
 нурашингиз унутилмайди, тоғлар,
 сизнинг.
 Ажойиб парчаларингиз,
 Чунонам, чатоқ
 лекин,
 сизни қиёслаб бўлмайди,
 тоғлар,
 Сиз – қиёссиз.

Рус тилидан
 Икром ОТАМУРОДОВ
 таржималари



Мигел Анхел АСТУРИАС

СЕНЬОР ПРЕЗИДЕНТ

Роман¹

ШИША КЎЗ

Қош қорайганда дўконлар ёпилди; сўнги харидор билан ҳисоб-китоб қилган бека тушган фойдани санаб, кечки газетани ўқишга тутинди. Болалар бурчакда электр ёруғига учиб кирган май қўнғизларини эрмак қиладилар. Қўлга тушган қўнғиз даҳшатли қийноқларга дучор бўлади; қаҳри қаттиқ болалар раҳм-шафқат кўрсатиб бечора жониворни босиб ўлдириб, азобдан кутқариш ўрнига баттар қийнайдилар. Битта ёш жуфт панжарали дарча тагида ошиқ-маъшуқлик қилади, ханжарлар билан қуролланган соқчилар ва резина таёқ кўтарган тунги кўриқчилар етакчилари билан бирга сокин кўчаларда айланиб юради. Баъзан тескариси бўлади. Қўнғизларни қийноққа солувчилар ўзаро бирлашиб олиб, снарядлар, яъни тошлар тугаб қолгунча жангга киришиб кетадилар. Дераза остидаги лаззатли учрашувни сезгир она барбод қилади, омадсиз ошиқ шляпасини чангаллаб, шайтонга дуч келгандек, жуфтакни ростлайди. Соқчи ҳам бўш турмайди. Қандайдир йўловчини ушлаб, бошидан-оёғигача тинтиб чиқади ва турмага етаклайди, сирасини айтганда, унда қурол йўқ, аммо кечаси сандирақлаб юргани шубҳали, балки фитначидир, бошлиқ айтгандай, таниқли одамга ўхшайди...

Ана шундай бемаҳал паллада қашшоқ маҳаллалар ниҳоятда ғариб, кимсасиз, итоаткор кўринади. Ой акси оқава сувга тўла ариқларда парижон сузади, қувурлардаги ичимлик сувлар ўзини қуллик ва зўравонликка маҳкум деб ҳисобловчи ҳалойиқнинг умр дақиқаларини санаб оқишдан чарчамайди.

Шундай маҳаллалардан бирида Лусио Васкес дўсти билан хайрлашди.

– Хўп, хайр Хенаро! – деди валақлаб қўйма дегандек кўзига тик қараб.

– Бориб кўрай-чи. Балки генерал қизининг ошиғи ёрдам сўраб келиб қолар.

Хенаро кўнглидаги гапларини оғайнисига айтганига пушаймон бўлгандек жим туриб қолди, сўнг уйига жўнади – у дўконда яшар эди. Эшикни тақиллатди.

– Ким, ким у? – товуш эшитилди эшик орқасидан.

– Мен... – Хенаро паст бўйли одамнинг қулоғига шивирлаётгандек эшик томон эгилиб жавоб берди.

– Кимсан? – сўради хотин эшикдан мўралаб.

Сочлари тўзғиган, ич қўйлақда, шам кўтарган хотини Федина даҳлизни ёритди.

У ичкарига киргач, аёл шамни пастга тушириб, тамбани шараклатиб

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

сурди-да, каравот томон йўналди. Санғи эр қай пайтда келганини кўрсин, деб хотини шамни атайлаб соат олдига қўйди. Эр сандик олдида туриб қолди, мушукни силаркан, аста хуштак чалиб, қувнок бир куйни хиргойи қилди.

– Нега хуштакбозлик қилаяпсан? – оёғини уқалай туриб бақирди Федина.

– Шундай, ўзим, – дарҳол жавоб қайтарди Хенаро. У дўкондаги қоронғилик қаърига сингиб кетаётгандек эди. Ўзига қандай балони илаштириб келганини хотини пайқамаса бўлди!

– Яна шу чийилдоқ исковуч билан санғидингми?

– Йўқ! – деди кескин Хенаро ва кенг соябонли шляпасини кўзигача бостириб, ички хонага кириб кетди.

– Нега ёлғон гапирасан, ҳозиргина хайрлашдинг-ку! Гапимга ишонавер, хотинга ўхшаб чийиллайдиганлардан яхшилик чиқмайди. Одамлар сени у билан кўриб, махфий хизматчи-я! Қойил! – дейишсин деб унга суйкаласан. Бекорчиларга боп иш, уялмайсанми?

– Манави нима? – кути ичидаги янги юбкани кўриб сўради Хенаро гапни чалғитиш ниятида.

Федина оқ байроққа ўхшаган юбкани қўлига олди ва биринчи чақалоғини генерал Каналеснинг қизи чўқинтиришга рози бўлиб, буни совға қилганини ҳаяжонланиб гапира бошлади. Родас беланчак орқасига тушаётган сояга юзини яширмоқчи бўлди; маросимга тайёргарлик кўриш ҳақида хотини айтаётган гаплар қулоғига кирмас эди, кафти билан кўзига тушаётган шам ёруғини тўсди, шу заҳотиёқ қўлини тортиб олди ва ёпишган қон юқини сидириб ташламоқчидек бармоғини силкитди. Кўзига бешик ичидан ўлим шарпаси чиқиб келаётгандек кўринди. Ўликларни ҳам янги чақалоклардек тебратиш керак. Шарпанинг ранги тухум оқига ўхшайди, сочи, киприклари, тиши йўқ, ниҳоятда кичкина лиқиллаб турган нурсиз кўзлари дафн идорасидаги суратларни эслатади. Хотинининг овози олис-олислардан эшитилади. Хотин ўғли, генералнинг қизи, чўқинтириш маросими, қўшнилари; бурчакда турадиган бақалок қўшни, дўкончи, қассоб, булкачини ҳам чақириш лозимлиги ҳақида гапирмоқда эди. Роса яйрайдиган бўлди!

Аёл бирданига гапдан тўхтаб, қичқириб юборди:

– Хенаро, сенга нима бўлди?

Эри сапчиб тушди.

– Ҳеч нарса!

Хотини қичқиргандан кейин бояги шарпада қора доғлар пайдо бўлди, бу доғлар скелетга айланиб, хонанинг қоронғи бурчагига сингиб кетди. Аёл скелети... Тўғри, фақат шалвираган, қовурғалардан ясалган қафасга тушиб қолган ўлимтик сичқонни эслатадиган қуришган кўкрагигина аёлниқига ўхшар эди.

– Хенаро, сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса.

– Қаерларда санқиб юрасан! Дайдиб, дайдиб, жин чалганга ўхшаб қайтасан, балога йўлиққур! Уйда ўтирсанг ўласанми!

Хотинининг овози шарпани ҳайдаб юборди.

– Рост айтаяпман, ҳеч нарса кўринмайди.

Ўнг бармоқлари орасидан электр лампочкаси ёруғига ўхшаш қандайдир кўз сирпаниб чиқди. У жимжилоғидан бошлаб барча бармоқларига бирмабир тегиб ўтди. Кўз... Айнан кўз... бармоқларига урилади, урилади. Уни мажақлаб ташлаш учун муштини сиқди – жуда қаттиқ. Тирноқлари кафти-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

га санчилди. Йўқ, бўлмади. Кўлини ёзди, кушчанинг юрагидек келадиган кўз ҳамон кафтида турибди, ваҳимаси дўзахдан баттар. Қовокларига иссиқ шўрва қуйилди. Мотам садолари остида бармоқлари орасида думалок чамбаракка ўхшаб айланиб турган кимнинг кўзи?

Хотини уни чақалоқ ухлаб ётган саваат олдига олиб келди.

– Хенаро, сенга нима бўлди?

– Ҳеч нарса!

У оғир хўрсинди.

– Ҳеч нарса, қандайдир кўз менга ёпишиб, таъқиб қилмоқда! Мана, кафтимга қараяпман... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Бу менинг кўзларим...бу кўзлар...

– Яхшиси, чўқиниб, дуо ўқисанг-чи! – унинг сўзларини эшитмай билдиллади хотини.

– Кўз... ҳа, мана бундай думалок, қора, киприклари бор, шишага ўхшайди!..

– Ўлгудек ичибсан!..

– Йўқ, бугун сира ичмаган эдим!..

– Ҳе, ичмаган эмиш! Ҳиди бурқсиб ётибди-ку!

Тўсик орқасидаги кичкина ётоқхонада Родас ўзини чуқур ертўлада, ҳар қандай таскин ва умиддан узоқда, кўршапалак, чаёнлар ва илонлар куршовида қолгандек ҳис қилди.

– Биронта ярамас иш қилганга ўхшайсан, – деди Федина узоқ эснаб. – Мана, парвардигорнинг ўзи сени кўриб турибди.

Хенаро ўринга қараб интилди ва этигини ҳам, кийим-бошини ҳам ечмасдан чойшабга бурканиб олди. Кўз ёшлар чиройли хотинининг баданига қуйилди. Федина чирокни ўчирди; аввалгидан ҳам ёмон бўлди – қоронғида кўз жуда тез қатта бўлиб, бутун хонани – полни, шифтни, уйни, ҳаётини, ўғлини эгаллади...

– Йўқ, – жавоб берди Хенаро. – Қўрқиб кетган хотини чирокни ёқиб, йўрғак билан совуқ тер босган пешонасини артаётганда яна такрорлади: – Йўқ, бу парвардигорнинг кўзлари эмас, иблиснинг кўзлари...

Федина чўқинди. Хенаро чирокни ўчиришни илтимос қилди. Кўз эгилиб-букилиб, қоронғиликка чекинди, унга бир нарса тегиб кетгандек бўлди – нимадир тарақлади, кўчани гурсиллатиб кетаётганда ёрилиб кетди.

– Арк тагида! Арк тагида, – бақирди Хенаро. – Ҳа! Ҳа! Чирокни ёқинг! Гугурт! Чирокни ёқинг! Худо ҳақи, Худо ҳақи!

Хотини гугурт олиш учун кўлини чўзди. Олисанган ғилдиракларнинг овози келди. Хенаро кафти билан оғзини тўсиб, бармоқларини тишлаб, хотинини чақирди, ваҳима босаяпти, хотини ёнида йўқ. У эрини тинчлан-тириш учун қаҳва қайнатай деб куймаланмоқда эди.

Қути учган Федина эрининг олдига югуриб келди.

– Э худо, ақлингдан озгунча ичасанми, а? – деди у титраб турган аланга тилига қора кўзларини тикиб. Ногоҳ театрда доня Энрикетининг ошқозонидан капалак қуртини чиқаришгани; касалхонада бир ҳиндунинг бошидан мия ўрнига мох толаларини топишгани; ҳиндуларнинг ёвуз руҳи Кадехо кўрқитиш учун кечалари келишини эслади. Худди калхатни кўрган товук беихтиёр жўжаларини қанотлари остига бекитгани сингари чақалоғи кўксига авлиё Блас суратини қўйиб, баланд овозда дуо ўқий бошлади: “Парвардигор ва унинг садоқатли ўғли, азиз авлиёлар ҳақи!..”

Дуонинг дастлабки сўзларидан Хенаро калтак егандек сесканди. Кўзларини юмиб беланчак ёнидаги хотини олдига судралиб келди, тиз

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

чўкиб оёғини кучоклади-да, барча кўрганларини оқизмай-томизмай сўзлаб берди.

– Биринчи ўқ теккандаёқ пиллапоялардан пастга думалаб кетди, қон оқиб ётибди, кўзлари очик, оёқлари керилган, қорачиғи бир нуқтада қотиб қолган... Шундай совуқ, шилимшиқ кўзлар... Нега бундайлигини худо билади... Худди яшин чарақлагандай... тўғри менга қадалган!.. Мана шу кўзлар... ҳозир ҳам кўлимда. Ё парвардигор, кўлимдан кетмаяпти!

Ногоҳ чақалоқ йиғлаб қолди. Федина йўргакланган болани қўлига олиб, кўкрагини тутди, эри эса (уни нақадар ёмон кўриб қолди!) оёқларини кўйиб юбормай инграр, хўнграб йиғлар эди.

– Ҳаммадан ёмони Лусио...

– Шу чийилдоқни Лусио дейишадими?

– Ҳа, Лусио Васкес...

– Лақаби духоба латтами?

– Шундай...

– Уни нега ўлдирди?

– Буюришган экан, ўзиям қаҳри келиб турганди. Буниси ҳеч нарса эмас... Энг ёмони, Лусио менга айтдики, генерал Каналесни қамашга буйруқ бор эмиш, яна қандайдир бир нусха бугун кечқурун сеньоритани олиб қочмоқчи.

– Сеньорита Камиланими? Менинг васийимни-я?

– Шундай.

Совуқ хабардан кейин Федина ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Қайноқ кўз ёшлари кампирлар черковга олиб борадиган илик сувдек чақалоқнинг бошига томчилай бошлади. Бола ухлар эди. Тун адо бўлиб борарди, улар тонг нурлари эшик тирқишларидан олтин ипдек сирғалиб ўтгунча лолу қарахт ўтирдилар. Дўкондаги сукунатни нон тарқатувчиларнинг қичкириғи бузди:

– Ис-сиқ нон! Ис-сиқ нон!

АРМИЯ САРДОРЛАРИ

Лақаби Эски Мундир бўлган генерал Эусебио Каналес гўё саф олдидан ўтаётгандек ҳарбийчасига шахдам юриб мулозим хузуридан чиқди, аммо эшик ёпилиб, кўча ўртасида ёлғиз қолганида бояғи кўргазмали хатти-ҳаракатлари бозорга товук сотгани кетаётган ҳиндунинг майда қадам босишига ўхшаб қолди. Орқасидан жосуслар таъкиб қилишаётгандек туюлди. Бикинида кўзғалган оғриқ томоғини қақратди, қўли билан эски чуррасини пайпаслади. Узук-юлуқ нидо, айтилмаган арзу додлари томоғида оғир нафасга айланиб ташқарига интилар эди, юраги эса ҳалқумига қадалиб, ёқимсиз таъм чиқарар, сакрар, сиқилар, тўхтаб қолар эди; уни қовурғалари орасидан тутиб олиб, тахтакачга солинган синиқ қўл сингари ушлаб, ҳеч нарсани ўйламасдан бир жойда анча вақт қимирламай туриб қолди, ниҳоят секин-аста ўзига кела бошлади. Енгиллашди. Бурчакка қараб бурилди – бир дақиқа олдин бу бурчак нақадар олис эди! Мана, иккинчи бурчак, аммо олға юришга энди мадор йўқ. Генерал тупурди. Оёқлари бўйсунмайди. Мана, қатқалоқ. Кўча охирида карета судралади. Ҳозир қатқалоққа тушиб кетади. Ҳамма нарса: карета, уйлар, чироқлар сузиб борарди... Қадами тезлашди. Шошилиш зарур! Зарари йўқ. Бир дақиқа олдин қўл етмас нуқта бўлган бурчакка етиб олди. Яна бошқаси – анча олисдагиси ҳам кўринди, фақат етиш қийин... У лабини тишлади, оёқлари қалтирайди. Сўнгги кучларини тўплаб тупурди. Тиззалари букилмайди,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

белидан пастидаги ва томоғидаги оғриққа чидаб бўлмайди. Тиззалари. Ана, йўлкага ётиб ол, уйгача эмаклаб, тирсакларингга, кафтларингга таяниб, ўлимга бўй бермай курашаётган аъзойи-баданинг билан судралиб боравер. У жуда секин юрди. Бўм-бўш бурчаклар ёнидан гўё сузиб ўтди. Улар иккита бўлди, уйқусиз тун қўйнида доим очиқ турадиган қўш табақали эшиклардек кўпайиб кетди. У ўзини ўзи, ўзгалар, кўрганлар ва кўрмаганлар олдида ноқулай аҳволда қолдирмоқда. Мумкин эмас, ахир у қандайдир бекорчи одам эмас – генерал, ҳар доим, ҳатто кечаси, ҳатто ёлғиз қолганда ҳам фуқаролар унга қарашади. “Нима бўлса бўлар, – ёлғиради ўзича. – Агар бояги дангаса тўғри айтган бўлса – менинг бурчим – омон қолиш”.

Бир неча қадам юргандан кейин:

“Қочиш – айбини тан олиш демакдир”. Ҳар қадамидан акс-садо қайтади: “Қочиш – айбини тан олиш демак... Аммо қолиш!..” Қадамидан акс-садо қайтади: “Айбини тан олиш!.. Аммо қолиш!..” Қадамидан акс-садо қайтади.

У кўкрагини чангаллайди. Бу ёпишқоқ кўркув матоҳни тезроқ шилиб ташлаш керак!.. Ҳозир орденлари йўқлиги ёмон бўлди. “Қочиш – айбини тан олиш демак, аммо қолиш-чи... Арзанда мулозим бармоғи билан энг тўғри йўлни кўрсатди. “Вақт борида қочиш қолинг, генерал”. У ким эди, баҳоси қанча эди, худди ёш боладек юракдан севган юрти, хонадони, хотиралари, ўртоқлари, севган машғулотлари, Камила – ҳаммаси машъум бармоқ атрофида айланар, уларга қўшилиб бутун эътиқодлари-ю, борлиқ олам кунпаякун бўлиб совурилмоқда эди.

У яна бир неча қадам юрди, тиниқ хаёллари йўқолиб, ўрнига тўкилмаган лойқа кўз ёшлари қолди.

“Генераллар – армия сардорлари. Мен бир нутқимда шундай деган эдим. Тентак. Бу таъриф ўзимга қимматга тушди. Ана шу сардорлар учун Президент мени кечирмайди. Аллақачон унинг томоғига тикилиб қолган эдим, мана энди қутулиш учун яхши баҳона топди. Мени котилликда айблади. Мархум полковник эса мени ҳар доим ҳурмат қилар эди!”

Оппоқ мўйлаблари остида аянчли табассум кўринди. Бирданига бошқа генерал Каналесга – қовоқ палагидек оёқлар остида ўралашиб ётадиган, тавба-тазарру қилаётган, ёввош, бечора, бахтсиз қари генералга айланиб қолди, энди отилган ракетадек ундан порох хиди бурқсиб туради. Эски мундир деганларича бор! Мулозимнинг уйидан намойишкорона қадам ташлаб чиққан ана шу генерал Каналес, шавкатли хизматларини Исқандар, Цезар, Наполеон, Боливарлар қаторида ҳисоблаб юрган қўшин сардори, ҳеч қутилмаганда тилла погон, зар уқа, олтин жиға, яркироқ эполет, тилларанг шпорлари йўқ генералнинг ҳажвий суратига айланиб қолди. Гадоларнинг дафн маросимига келган қора кийимли номаълум одам!.. Ҳақиқий генерал Каналес асасаю дабдаба билан олий табақага мансуб юлдузлар даврасида ҳаммани ўзига маҳлиё қилиб савлат тўкиб юрар эди. Арслон келбатли жангчи мағлуб бўлди, бунақасини ҳали тарих кўрмаган – уч бурчак шапкаси қийшайиб кўзигача тушган, қиличи синган, муштлари тугилган, кўкрагида жанговар нишонлари жаранглайди. Каналес қадамини секинлатмади, аммо дарвоза пештоқидаги портретидан кўзини олиб қочди. У маънавий мағлуб бўлганини ҳис қилди. Хорижда аҳволи нима кечади? Эшик оғаларига ўхшаб шим ва узун камзул кийиб юришини ўйлаш қанчалик азоб! Камзул узун ёки калта, кенг ёки тор бўладими – барибир ярашмайди. У тош йўлда хотира синиқлари устидан юриб, генерал либосларини топтаб ўтди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

“Аммо айбим йўқ-ку! – У ишонч билан такрорлади: – Айбим йўқ! Нимадан кўркишим керак?..”

“Ана шуниси ёмон! – мулозимнинг овози эшитилди. – Ана шуниси. Агар айбингиз бўлганда бошқа кўшиқлар куйланарди. Улар жиноятчиларни яхши кўришади – ҳаммаси ҳамтовок. Ватан дейсизми? Қочиб қолинг, генерал! Мен билиб гапираяпман. Қайси ватанни айтасиз? Қонунларми? Шайтон малайлари! Қочинг, генерал, сизга ўлим таҳдид қилиб турибди”.

“Аммо айбим йўқ-ку!” – “Айбингиз борми-йўқми, ҳозир буни ўйлаб ўтирманг, генерал. Хўжайин сизга шафқат қиладими – йўқми, ана шуни ўйланг. Ғазабга учраган одам айбдордан ёмон!”

У эшитишни хоҳламасди, қасос иштиёқи ёндирарди, юраги нафас олишга қўймасди. Камилани ҳам ўйлади. Кейин чақириб олади. Мерсед минорасидаги соат бонг урди. Осмон тиниқ, ниҳоятда тиниқ эди, юлдузлар ялтироқ миҳлар билан қоқиб қўйилгандек... У бурчакдан ўтиб, ойналари чарақлаб турган уйини кўрди. Кўчага ёруғлик тушиб турарди. Ана шу нур ўзига тортар эди!

“Уни укам Хуанникида қолдираман, кейин имкон бўлганда одам юбораман. Кара де Анхел уни бугун кечаси ёки эрталаб олиб бориб қўйишга ваъда берди”.

У калитини чиқарди, аммо ундан фойдаланишга ҳожат қолмади, дарвоза шу заҳотиёқ очилди.

– Дада!

– Жим бўл! Бу ёққа кел... сенга тушунтираман. Вақтдан фойдаланиш керак... Мен сенга ҳаммасини тушунтираман... Хизматкор хачирни тайёрласин... пул... револьвер... кийимлар учун одам юбораман... Ҳозирча бир жомадон энг керакли буюмларни оламан. Худойим, нималар деётганимни ўзим билмайман... Сен ҳам яхши англамаяпсан... Хачирни эгарлаб юкларимни ортсинлар. Мен бошқа кийимларимни кийиб, укаларимга мактуб ёзаман. Сен шу кунларда Хуанникида турасан.

Генерал Каналеснинг кизи ҳозир шайтонга дуч келса, бунчалик кўрмаган бўларди. Отаси жуда мулойим одам эди. Ҳозир-чи?.. Овози чиқмай қолди. У гоҳ оқарар, гоҳ қизарарди. Уни бундай ҳолатда ҳеч қачон кўрмаган. Кўрқканидан шоша-пиша, деярли ҳеч нарсани эшитмай, “Худойим! Худойим!” деб такрорлаганча хизматкорни уйғотишга югурди, қайтиб келиб буюмларни жомадонга жойлаштирди (сочиқ, пайпок, ширин булка... ҳа, сарёғни ҳам унутмади... туз эсидан чиқди) ва ошхонага – энагасининг олдига чопди. Кампир одатдагидек ўчоқ ёнида, кўмир яшиги устида тиззасидаги мушук билан мудраб ўтирарди. Олов ўчай деб қолган, мушук кўрқиб, гўё шарпаларни ҳайдайдигандек қулоқларини чимирди.

Генерал шошилиб ёзарди. Хизматкор аёл хонадан-хонага ўтиб, дераза панжараларини бутунлай беркитди.

Уйни сукунат чулғади. Аммо у шойи қоғоздек нафис, гулнинг хаёлидек енгил, сувдек юмшоқ, бахтиёр, осуда оқшомларда қоронғи бурчакларда тушларнинг шарпалари ғивирлайдиган ёқимли сукунатга ўхшамасди. Уйда бошқа сукунат ҳукмрон, бу бошқа сукунатни генералнинг йўталиши, қизининг олазарақ югуриши, хизматкорларнинг хўрсиниқлари, ғадирбудир эшик ва яшиқларнинг кўрқа-писа ғижирлаши, бировнинг қўйлагини кийгандаги ноқулайликларга ўхшаб кетадиган дилсиёхликлар бузмокда эди.

Кекса бўлмаса-да, юзларини ажин босган, нимжонгина бир киши ўргимчак тўр тўқийтгандек овоз чиқармай, тўхтамасдан жумла тузар эди: Республика Президенти

Ҳазрати Олийларига.

Шу ерда.

Ҳазрати Олийлари!

“Берилган топшириққа мувофиқ генерал Эйсебио Каналес мунтазам кузатиб борилмоқда. Эҳтиром билан маълум қиламанки, уни Ҳазрати Олийларининг шахсий дўстларидан бири дон Мигел Кара де Анхел уйда кўришган. Сўнги шахсни кузатиб келаётган кир ювувчи ҳамда уни ва оқсочни кузатиб борувчи иккинчи оқсоч хабар берадики, хўжайин генерал Каналес билан ичкарида тахминан чоракам учгача гаплашиб ўтирган, кейин генерал қаттиқ ҳаяжон ичида чиқиб кетган. Кўрсатмага мувофиқ генерал уйи атрофидаги махфийлар сони икки баробар кўпайтирилган ва қочиб кетишига йўл қўймаслик чоралари кўрилган.

Оқсоч маълумотларга аниқлик киритди. Ҳозиргина у кир ювувчи аниқлаши мумкин бўлмаган хабарларни етказди. Президент ҳузурида ҳимоя қилгани учун Каналес уни куёв қилишга розилик берибди. Хўжайин бунга очиқдан-очиқ шама қилган эмиш.

Кир ювувчи ҳам оқсоч билмаган маълумотларни етказди. Унинг айтишича, хўжайин генерал кетгандан кейин мамнунлигини яшириб ўтирмаган ва дўконлар очилиши билан ноёб ширинликлар, ликёр, печенье харид қилишни буюрган ва тез орада бу ерга аслзода ёш хоним ташриф буюради, деб айтган.

Мана шулар ҳақида Республика Президенти Ҳазрати Олийларига хабар беришни бурчим деб биламан”.

У сана қўйди ва ёш бола чизган суратларга ўхшаган ажи-бужи имзо чекар экан, ногоҳ бир нарсани эслаб қолди ва перони қиртиллатиб ёза бошлади (аслида бурнига тиқиши лозим эди):

“Эрталабки маълумотга қўшимча:

Доктор Луис Барреньо кун давомида уч кишини қабул қилди: улардан иккитаси, шубҳасиз, мижозларидан бўлса керак; кечқурун хотини билан боғда сайр қилди. Аблах Абел Карвахал бугун Америка банкига борди, Капуцин черкови рўпарасидаги дорихонага кирди ва ниҳоят, немис клубига ташриф буюриб, мистер Ромст билан (ўз навбатида бу киши ҳам доимий назоратда) узок вақт гаплашиб ўтирди, уйига кечқурун соат саккиз яримда қайтди. Кейин ташқарига чикмади; кўрсатмага мувофиқ унинг уйи ёнидаги махфийлар икки баравар кўпайтирилди”.

Имзо. Сана.

ҚОЧИШ

Лусио Васкес оғайниси билан хайрлашгандан кейин оёғини қўлига олиб ўз Бўғмаилони олдига чошиб кетди; қизни олиб қочиш тадбирига илиниб қолиш керак. У Мерсед майдони ва ҳар доим сувга чиққан хотинлар гап сотиб ўтирадиган кўрқинчли ва ёқимсиз Фавворалар ёнидан яшин тезлигида ўтиб кетди.

Бахтсиз Пелеленинг қотили: “Уҳ, жуда зўр бўлди-да!” – деган хаёл билан югуриб борарди. Мана бунини иш деса арзийди! Худога шукур, силлиққина битирди, энди хурсандчилик қилиш ҳам керак-да, нима-ни хоҳласанг – ўз ихтиёринг, бунинг устига – қизни ўғирлаш! Зўр иш бўлади-да!

Мана ковоқхона. Ибодатхона олдидан чошиб ўтаётиб, Васкес соатга қаради ва қичқириб юбораёзди. Салкам икки... Балки, нотўғри кўргандир? Каналеснинг уйини қўриқлаётган жандармлар билан сўрашди ва оёқ остидан чиққан куёндек бир сакраб остонада пайдо бўлди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бўғмаилон соат иккигача мизғиб олай деб ёнбошлаган эди. Аммо, қаттиқ хаяжонланганидан уйқуси қочиб кетди, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағдарилди, оёқларини типирлатди, тер босди, чойшабга бурканди, сўнг очиб ташлади, кўлларини чўзди – фойдаси йўқ, уйқу келмади.

Эшик тақиллагач, каравотдан туриб, пишиллаб остонага йўналди.

– Ким у?

– Бу менман, Васкес. Эшикни оч!

– Сира кутмагандим.

– Соат неча бўлди? – кириши билан сўради йигит.

– Бирдан ўн бешта ўтди, – соатга қарамасдан тез жавоб берди у. Дақиқаларни беш минут, ўн минут, ўн беш, йигирма... интизор санаб кутган одамлар шундай жавоб берадилар. – Ҳозиргина минорадаги соат ўн бештакам икки эди, ўзим кўрдим-ку...

– Қўй, гапирма! Бу попларнинг соати шошилгани-шошилган!

– Бояги йигит келмадимми?

– Йўқ.

Васкес, яна дакки еб қолмай деган ҳадик билан бекани кучоқлади. Омадни қаранг! Бўғмаилон қўлга ўрганган каптардек қаршилик кўрсатмади, лаблар севги аҳдини мустаҳкамлади – бўладиган иш шу тунда битади. Хона қоронғи, мадонна сурати олдида, қоғоз гуллар ёнида турган шам илик нур таратади...

Кичкина тўдани бошлаб келаётган Кара де Анхел мўлжалдаги манзилга шошилмоқда эди.

– Қизни олиб чиқишим билан, – тушунтирди у, – уйни остин-устун қиласизлар. Ҳеч ким қуруқ қолмайди. Фақат эслатиб қўяй – кейин валдираб юрманглар! Бефаросат айикнинг ишига ўхшамасин!

Кўча бошида соқчиларга дуч келди. Бошлиқ мулозим билан гаплашаётганда аскарлар бошқаларни ўраб турди.

– Ишқ қўшиғини куйлашга кетяпмиз, лейтенант.

– Сўрашга рухсат берсангиз. Бу қаерда бўлади? – Бошлиқ қиличини ерга уриб қўйди.

– Узоқда эмас, Исо торкўчасида.

– Қўлингизда на гитара, на маримба¹ кўринмайди?

Кара де Анхел юз песолик қоғоз узатган эди, соқчилар бир зумда ғойиб бўлди.

Улкан тошбақага ўхшаган Мерсед ибодатхонаси кўчага туртиб чиққан жойда мулозим ковоқхонага навбатма-навбат киришни буюрди.

– Ёдингизда бўлсин, “Тустеп” ковоқхонаси, – деди у. – “Тустеп”. Эслаб қилинг, йигитлар, яна чалкаштириб қўйманглар! “Тустеп!” – тўшак устахонаси ёнида.

Каллакесарлар турли томонга тарқалиб кетишди. Қадам товушлари тинди. Қочиш режаси шундай тузилганди: Мерсед ибодатхонасидаги соат иккига занг урганда бир неча қароқчи томга кўтарилиши, тарақ-туруқни эшитган генералнинг қизи деразани очиб шовқин кўтариб жосуслар ва жандармларни чалғитиши, тўс-тўпалондан фойдаланган Каналес катта дарвозадан чиқиб кетиши керак эди.

Ақлини еган телба-ку, ўз йўлига, ҳатто ёш бола ҳам бундай режа ҳақида эшитса, қулиши аниқ. Генералу мулозим ҳам бу амалга ошмайдиган хомхаёл эканини сезиб туришибди. Шунга қарамай, бу ишга қўл урмоқдалар, сабаби, муваффақият уларга боғлиқ эмас. Каналес мулозимга суянади, мулозим эса Президентга – у телефон қилиб, қочиш тафсилотлари-ю, вақтигача аниқ белгилаб берган.

¹ Маримба – ҳиндуларнинг чанга ўхшаган мусиқа асбоби.

Иссиқ иқлимдаги ғамгин, йиғлоқи, совуққа чидамсиз апрель оқшомлари илик март кунларидан қолган бевалардир. Кара де Анхел чорраҳагача бориб, атрофни кузатди, кўриқчиларнинг сояларини санади, бурчак орқасига оҳиста бурилиб, қовоқхона эшигига суяниб турди. У оғир қайғуга боған эди – ҳар бир йўлакни жандарм кузатмоқда, жосуслар эса кўчада қайнаб-тошиб ётибди. Бирдан умид-ишончини йўқотди. “Жиноятда иштирок этмоқдаман, – ўйлади у, – уйдан чиқиши билан уни ўлдиришади”. Ўйлаган сари ўлимга маҳкум одамнинг қизини олиб қочиш қабихлик эканини ҳис қила бошлади. Салгина олдин, муваффақият қозонишга ишончи комил пайтида қиз ўғирлаш мардлик, тантилик, олижаноблик бўлиб туюлган эди! У тошюрак эди, ҳимоясиз, ҳамма нарсага кўнадиган, Президентнинг шахсий дўстига тақдирини ишониб топширган одам бирданига ўзига нисбатан шафқатсиз ҳазил қилишганини, ўз жиноятларини никоблаш учун ҳаётининг энг сўнгги дақиқаларини ҳам заҳарлашаётганини сезиб қолган киши учун шаҳарнинг қок марказида қўйилган қопқонга ўзи тушиб қолишидан қўрқиб-қалтираётгани йўқ. Лабларини тишлаб турган мулозим фақат шуларни ўйлаётгани, шафқатсиз, ифлос фитна-фасод устидан фақат шуларни деб нафратланаётгани йўқ. У ҳомий сифатида қўл узатар экан, генерал олдида ҳам, қизи олдида ҳам оғир масъулия, қарздорлик бурчини бўйнига олганини англаб етган эди. Мана энди, қарздорлик ҳақ-ҳуқуқи топталган, ўзи эса ҳар доимгидек оддий курулға, жаллод, ёлланган котилға айланган эди. Номаълум шамол дилидаги симсиёх сукунатни саҳро кенгликларига олиб кетди. Чидаб бўлмайдиган ташналикдан силласи қуриган кактуслар, сувсизлик қақшатган дарахтлар тортган барча азоблар бошига тушган нотаниш ёввойи гиёҳларнинг киприклари остидаги намлик сари интилмоқда. Бу ташналикни кондиришга самовий намликлар ҳам қодир эмас. У дучор бўлган ташналик, нақадар кучли! Нега кучли жала остида ҳам дарахтлар қуриб-қақшайдилар?

Орқага қайтиш, генерал ҳузурига кириб оғохлантириш фикри миясида чакнади... (Миннатдор бўлиб жилмайиб турган қизини кўрди). Аммо у остонадан ўтди – мана қовоқхона, мана Васкес, мана унинг одамлари. Яхшиямки, улар шу ерда; яхшиямки, Васкес гапириб қолди:

– Мана, мен шу ерданман. Айна вақтида етиб келдим! Ҳа, менга тўла ишонаверинг. Жони қаттиқ одамман, кўрқоқлардан эмасман, бир билак йигитман!

Васкес чийиллаб чиқмасин деб паст овоз билан гапирар эди. – Сиз менга омад келтирдингиз, – вишиллади у. – Шунинг учун сизга ёрдам бераман. Бўлмаса бу ишга бош қўшармидим? Сираям бош қўшмас эдим! Сизни кўрганимиздан кейин бека билан ишларимиз юришиб кетди. Энди ҳаммага ўхшаш бахтиёрмиз.

– Етиб келганингиз ва курашга тайёрлигингиздан хурсандман. Шунақаларни яхши кўраман! – хитоб қилди Кара де Анхел бахтиқаро Пелеле котилининг қўлини қаттиқ қисиб. – Сизнинг сўзларингиз, дўстим Васкес, менга журъатимни қайтариб берди, жуда умидимни узиб тургандим – жандармлар кўплигини қаранг!

– Қиттак-қиттак олайлик, ҳаммаси ўтиб кетади.

– Ўзимдан хавотирланаётганим йўқ, биринчи марта эмас. Қизни ўйлаб кўрқаяпман. Дарвоза олдидаёқ тутиб олиб, турмага жўнатишса, яхши иш бўлади дейсизми? Уёғи ўзингизга маълум.

– Буни ўйламанг, ўғрининг исини олишса бас, ҳаммаси уйга ёпирилади. Сиз менга ишонаверинг! Ўлжани сезганда югургилаб қолишади.

– Бир гаплашиб кўрсангиз бўлмасмикан? Шу ерда турибсиз – ҳаммаси сизни танишади...

– Ниманиям гаплашардим улар билан?! Очик дарвозани кўришса бўлди – биронтасиям кўчада қолмайди! Мени кўришсами?.. Бир оғайним ниначи Антонио билан – балки уни танирсиз? – попникига кирганимиздан бери мени ҳамма танийдиган бўлди. Юқори қаватдан осилиб тушиб, чирокни ёққанимиздаёқ юмшаб қолди: пуллари яширган шкаф калитини олдимизга ташлади, рўмолга тугиб қўйган экан, жарангламасин деган-да! Ўзи эса худди ухлаётгандек хуррак отади денг! Ҳа... йигитларим жуда садоқатли, – дея бармоғи билан тўсиққа суяниб, устма-уст қадах кўтараётган қовоғи солиқ вазмин ўсмирларни кўрсатди. Улар ҳар бир қадахдан кейин полга туплашарди. – Уялтириб қўйишмайди!

Кара де Анхел муҳаббат учун қадах кўтарди. Бека ҳам ўзига ширин ликёр куйди. Уччаласи ичишди.

Ҳар эҳтимолга қарши чироқ ёкишмади, фақат мадонна ҳайкалчаси олдидаги шам илиқ нур таратарди, ярим яланғоч қароқчиларнинг гавдасидан хира, куриган пичанга ўхшаган хона деворларига узунчоқ ғалати соялар тушади, шишалар гулдор шуълалар сочиб ярақлайди. Ҳамма соатга тикилади. Тупуклар нишонга теккан ўқдек полга санчилади. Кара де Анхел бир чеккага ўтиб, деворга суянди. Унинг паришон йирик қора кўзлари хонада тентирайди, миясида шундай оғир дақиқаларда пайдо бўладиган хилма-хил хаёллар ғужғон ўйнайди: у хотини ва болалари бўлишини хоҳлаб қолди. Ўлимга ҳукм қилинган давлат жиноятчиси ҳақидаги латифани эслаб ўзича жилмайиб қўйди. Қатлга ўн икки соат қолганда Президентнинг топшириғига мувофиқ маҳбус олдига прокурор кириб, ўзига хос қувноқ усулда, хоҳлаган истаги, ҳатто ҳаётини сақлаб қолиш ҳам бажо келтирилиши мумкинлигини маълум қилади. “Мен орқамдан ўғил қолдиришни истар эдим”, – жавоб беради жиноятчи. “Яхши”, – дейди қораловчи ва маълум муддатдан кейин унинг олдига кўча қизларидан бирини юборади. Маҳкум унга қайрилиб қарамайди ҳам. Қораловчи қайтиб келиб сабабини сўраганда “Итдан бўлган болалар бусиз ҳам тўлиб-тошиб ётибди”, – дейди.

У яна мийиғида кулиб қўйди. “Мен газетада муҳаррир, дипломат, депутат, алькальд ҳам бўлдим, аммо ҳеч нарса ўзгармади, кейин қароқчиларга етакчилик қилдим. Ҳа, ҳаёт – шайтоннинг ҳазили. That is the life in the tropic”¹.

Ибодатхонанинг тош устунларидан қаттиқ садо чикди. Кейин иккинчиси...

– Ҳамма кўчага! – кичкирди Кара де Анхел револьверини қўлига олиб. – Ҳозир қимматбаҳо хазинамни олиб келаман! – чопиб кетар экан бекага гап уқдирди у.

– Қани. Кетдик! – буйруқ берди Васкес ва калтакесак сингари генерал уйининг деворига тирмашди. Икки-уч қароқчи унга эргашиди.

Генералнинг уйдаги соат ҳали жирингламаган эди.

– Кетаяпсанми, Камила?

– Кетаяпман, дада!

Каналес маҳсус шим ва кўк куртка кийган эди. Оқсоч боши ағдарма қорамтир кийимларидан ажралиб турибди. Камила кўз ёши тўкмай, бир оғиз сўз айтмай отасига ўзини отди. Шу пайтгача қалби бахт нима-ю, қайғу нималигининг фарқига бормаган эди. Ҳозир кўз ёшидан шўр бўлган рўмолчасини тишлаши, йиртиб, тишлари билан парча-парча қилиб ташлаши керак! Буларнинг ҳаммаси Камила учун ҳамон ўйин ёки кўрқинчли тушга ўхшаб кўринар, булар чинакамига ҳақиқат эканлигига ишонгиси

¹ Иссиқ иқлимда ҳаёт мана шунақа. (инглиз.)

келмасди. Отасининг бундай аҳволга тушиши асло мумкин эмас. Генерал уни кучоклаб хайрлашди.

– Ватан учун урушга кетаётганимда онанг билан шундай хайрлашган эдим. У тирик қолишимга ишонмаган эди – қайтиб келганимда онанг йўқ эди.

Томда тарақлаган овоз эшитилди. Қари жангчи Камилани чеккага суриб, ҳовлига чиқди. Яшил буталар ва улкан гултуваклар орасидан дарвоза томон юрди. Ҳар бир бута, ҳар бир ёронгул, ҳар бир атиргул у билан бош эгиб хайрлашди, хоналардаги катта гултуваклар, иссиқ ёғдулар у билан салгина олдин видолашган эдилар. Бошқа бинолардан ажралгандек бўлиб турган уйи бир зумда зулматга айланди. Қочиш – аскарга номуносиб иш! Ҳали ўз юртига ғолиб халоскорлар бошлиғи сифатида қайтади...

Режага мувофиқ Камила деразани ланг очди.

– Ўғрилар! Ёрдам беринглар! Ўғрилар!

Овози тун бағрига сингиб улгурмасдан туриб жандармлар – айнан уйни кўриқловчи жандармлар хоналарга ёпирилиб кирдилар. Улар узун панжаларини оғзига сукиб хуштак чалишарди. Метал ва ёғочларнинг ёқимсиз, дириллаган овозлари. Ташки эшиклар лангиллаб очилди. Шляпасини бостириб, ёқасини кўтариб олган фуқаро кийимидаги махфийлар револьверларини қўлда тутиб, бурчак-бурчакдан чиқиб келишди. Катта очилган дарвоза турли-туман одамларни биттама-битта юта бошлади. Лойқа сув... Томга зўр-базўр чиқиб олган Васкес симни қирқиб ташлади; йўлаклар ва хоналарни зулмат қоплади. Одамлар гугурт чақишар, шкафлар, жавонлар, буфетларга қоқилиб кетишарди; бир зарб билан қулфларни бузишар, қимматбаҳо мебелларни чилпарчин қилишар – ерга улоқтиришар, бўкиришар, сўқинишар эди. Баъзилар катта меҳмонхонада тентиришарди: кимдир оромкурсиларни, кимдир столларни, фотосуратлар ўрнатилган кичкина столчаларни полга ағдаришарди – ноёб буюмлар қоронғилик чўккан хоналарда тўзғиб, сочилиб ётарди. Кимдир кабинетда очик қолган роялга мушт туширди, у бўғизланаётган жонивордек фарёд кўтарди.

Олисроқ хонада сочилиб кетган қошиқ ва санчқиларнинг шақир-шуқури жаранглади. Сўнг бўғиқ нола эшитилди. Энага Камилани ошхонадаги буфетлардан бирига беркитмоқчи эди. Мулозим кампирни итариб юборди. Сочи буфет тутқичига ўралиб қолди, санчқилар полга сочилиб кетди. Энага дод солди, Васкес бошига бир урди. Кампир худди қопдек полга қулади. У ҳаракатсиз танани яна бир тепди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

24, 25, 26 ва 27

АПРЕЛЬ

КАМИЛА

У ойна олдида соатлаб ўтирарди. “Ҳой, бадбашара маймун! Шайтонга йўлиққур!” – вайсарди энага. “Ўзим шайтонман-ку”, – жавоб берарди у. Сочлари қора аланга тилларига ўхшаб хурпайган, какао ёғи суртилган қорамтир териси ялтирайди, кийғоч яшил кўзлари катта-катта. Каналеснинг ҳиндуваш қизи (дугоналари шундай аташади) тугмалари ёқасигача қадалган кўйлак кийганига қарамай балоғатга етгани сезилиб қолган,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

чиройи гул-гул очилиб, тобора латифлашиб, нозу карашмаси ўзига ярашиб бормоқда эди.

– Ўн бешга тўлдим, ойнага қараб гапирарди у. – Ҳалиям ёш болага ўхшайман; холалариму амакиваччаларим искабтопарга ўхшаб атрофимда ўралашгани-ўралашган.

У сочларини торткилади, ўзича нималардир деб қичқирди, афтини бужмайтирди. Энди уларга тоқат қилолмайди, қачонгача тўдалашиб юришади. Ибодат пайтида ҳам, Қоятошга борганда ҳам, от миниб сайрга чиққанда ҳам, Мажнунтол оролида ҳам уни ҳоли-жонига қўйишмайди.

Амакилари мўйловли махлукнинг ўзи; йўғон бармоқларига қатор-қатор узуклар тақиб олишган. Амакиваччаларининг бари исқирт, лапашанг. Холалари – даҳшатли алвастилар. Уларни шундай қиёфада кўрган; умуман, амакиваччалари қизалокқа раҳми келгандек конфет узатишганда жирканиб кетади; амакилари тамаки ҳиди бурқиб турган бош ва кўрсаткич бармоқлари билан энгагини кўтариб, бошини ўнгга-чапга буришади (беихтиёр бўйни таранглашади); холалари ўргимчак тўрига ўхшаган уртук¹ ларидан сўлакларини оқизиб чўлпиллатиб ўпишади.

Якшанба окшомларида у мудраб ўтиради, ё бўлмаса меҳмонхонага кириб оилавий альбомдаги жонига тегиб кетган суратларни кўришга тутинади; суратлардаги қиёфалар унга қизғиш гулдор гиламлар, қора эмандан ясалган столлар, дўнгтепалар, мрамр зиналар устидан қараб туришади; отаси мушукка ўхшаб деразадан бўйнини чиқариб кимсасиз кўчани томоша қилади; баъзан танишлари билан гаплашиб қолади. Улар эҳтиром билан шляпаларини қўлга олишади. Генерал ҳам шундай қилади! Генерал гулдурак овозда: “Хайрли тун!..”, “Эртагача...”, “Кўрганимдан хурсандман...”, “Соғ бўлинглар”, – деб қичқиради.

Фотосуратлар. Онасининг ёшлик пайти. Юзи ва бармоқларигина кўринади: табиат ато этган барча неъматлари яширин – қўйлаги тўпиғигача тушади, узун қўлқопи тирсагигача чўзилиб келган, лента ва момик парлар тақилган шляпа, буклама соябон. Сочларини баланд турмақлаб, тиллақош таққан семиз холалари ошхонадаги йўғон қутиларга ўхшайди. Онасининг дугоналари – баъзилари нақшли шолрўмол ўраган, қўлида елпиғич; бошқалари ҳинди аёллари кийимида – оёғида шиппак, узун қўйлақда, елкасида кўза, учинчиси ясама хол қўйиб, қимматбаҳо зеб-зийнатга бурканган. Фотосуратлар Камилани аллалаб, уйқусини келтиради, ёд бўлиб кетган ёзувлар кўз ўнгидан ғира-шира лип-лип этиб ўтади: “Бу сурат соядек бир умр ҳамроҳинг бўлсин”, “Сенга чексиз муҳаббатим рамзи сифатида”, “Сўзларим унутилади, аммо хотира яшайди”. Рангдор тасмачалар билан ёпиштирилган қуриган бинафшалар остидаги ёзувларни аранг ўқийди: “1898 йилни унутма”, “... жондан севганим”, “Қабргача”, “Сенинг номаълум...”

Отаси кимсасиз кўчада кетаётган таниши билан гулдурак овозда гаплашиб қолади. Унинг сўзлари ёзувларга жавобдек жаранглайди: “Бу сурат сояга ўхшаб бир умр ҳамроҳинг бўлсин”. – “Жуда хурсандман, жуда хурсандман”, “Сенга чексиз муҳаббатим рамзи сифатида”. – “Раҳмат, саломат бўлинг”, – “Сўзларим унутилиб кетади, аммо хотира яшайди”. – “Ташаккур, уйдагиларни сўраб қўйинг!”

Баъзи дўстлари генерал билан валақлашиш учун альбом ичидан қочиб чиқади. Камила парда орқасидан мўралайди. Суратлардаги отаси ёш, келишган, мағрур, чиройли катак шим кийган. Камзулининг ҳамма тугмалари қадалган, бошига қовоқ идишга ўхшаган ғалати шляпа кийган. Ана шу йилларда бу катта шляпани “Жин урсин!” деб аташарди.

¹ Уртук – юзга тутиладиган тўр парда.

Камила жилмайиб, ўзича гўнгиллаб кўйди: “Суратлар ичида қолсангиз ҳам майли эди. Камзулингиз урфдан чиққан, бунинг зарари йўқ, аммо қоматингиз тик, қорин кўймагансиз, сочларингиз тўкилмаган, юзларингиз силлик, худди конфет шимаётгандек турибсиз”.

Чанг ҳиди уриб қолган баркут пардалар орасида, ним қоронгилик ичида турган Камиланинг яшил кўзлари тиниқ якшанба оқшомини кузатади. Ўткир қорачиқлари кўчадаги барча ҳаракатларни хушёр назардан ўтказди.

Болохонада турган отаси атлас ёстиқчага тирсакларини тираб (кўйлагининг енгларидаги тақинчоқ кўзни қамаштириб ялтирайди), қандайдир яқин таниши билан берилиб гаплашади. Кўлида тутқичи тилларанг ҳасса ушлаган, бурни қармоқдек, эгри мўйловли, баджаҳл жаноб кўчадан ўтиб борарди.

Генерал уни чақирди: “Кўришмаганимизга қанча вақт бўлди-я!” Камила уни альбомда кўрган эди. Дабдурустдан таний олмади. Анча тикилиб қолди. Илгарилари бу бахтиқаронинг бурни ҳам бинойидек эди, думалоқ юзидан нур ёғиларди. Ҳа, шафқатсиз вақтга тараф йўқ! Энди ажин босган юзлари шалвираган, кўзлари ичига ботиб, ияги осилиб қолибди. Овози паст, секин гапиради, худди тиллани хидлаб кўраётгандек дам-бадам тутқични юзига тегизиб қўяди.

Йиллар учиб боради. Камила ҳам учаяпти. Ҳамма нарса қаергадир учиб кетмоқда. Денгизни биринчи марта кўрганда хайрат сўзлари лабидан учиб чиққан эди. Аммо холасининг: “Қанақа экан? Қанақа?” – деган саволига: “Уни олдин кўрган эдим. Суратларда!” – деб ўта бефарқ жавоб берганди.

Шамол кўлидаги пушти рангли соябони кенг шляпасини учуриб кетган эди. У гардишга ўхшарди. Жуда улкан, думалоқ қушни эслатарди.

Амакиваччаларининг оғзи очилиб, кўзлари бақрайиб қолганди. Қирғоққа урилаётган тўлқин овози холаларининг хайратли хитобларини ютиб юборганди: “Оҳ, нақадар гўзал!.. Кенгликни қаранглар!.. Қанча қудрат!.. Қаранглар, қуёш ботаяпти!.. Поездда бирон нарсамиз қолиб кетмадими? Жомадон кам кўриняпти! Қайтадан санаш керак!”

Ғижимланган кўйлак кийиб (курортчиларнинг доимий либоси), жомадонлар, бананлар шодаси (холалари бекатдан жуда арзон нархда олишди!), тугун ва саватларни кўтарган амакилари фоздек тизилишиб меҳмонхонага қараб юришди.

Мен нима демоқчи бўлганингни ўйлаяпман, – одамшаванда амкиваччаси бехосдан гапириб қолди (Камиланинг буғдойранг юзига қизил югурди). Аммо мен сўзларингни сал бошқачароқ тушундим. Менимча, мана бундай: денгиз юрадиган суратга ўхшайди, фақат у жуда катта.

Камила юрадиган суратлар ҳақида эшитганди, уларни Юз Дарвоза ёнидаги Муқаддас Арк бурчагида кўрсатишарди, аммо гап нимадалигини англаб етмаганди. Ҳозир ҳаммаси жуда осон, кўзингни қисиб денгизга қарасанг бўлди. Ҳаммаси ҳаракатда. Лаҳзалик кўринишлар – манзаралар ўзгаради, айланади, парчаланаяди, қайта бирлашади, улар суюқ ҳам, қаттиқ ҳам, газ ҳолатида ҳам эмас, тўртинчи – денгиз ҳолатида. Булар денгизга айланган, кинематография қиёфасига кирган нурафшон манзаралар.

Оёғининг учига шиппагини илиб олган Камила қараб тўймайди. Бепоён денгизни сиғдириш учун кўзларини катта очди, энди қароқлари тўлиб-тошди. Тўлқинлар кўзларига шовуллаб кириб келди.

Амакиваччаси билан тўлқинлар қаршисига югуриб боришди – қумда юриш қийин эди. Тинч океани назокатни билмас экан, у оппоқ, бежирим кўлқопини улоқтириб юборди, йилтироқ сув оёқларига ўралди. Зўрға

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

қочиб қолди. Океан ўлжани олиб кетди. У жажжи нуктага айланиб, пушти тўлқинлар устида чайқала бошлади. Камила аччиқланиб қичқирди, у аразлаб, отасига шикоят қилишга чоғланган қизча ҳолатига тушди. Ботаётган қуёш нурлари осмонни майин тўқ сариқ рангга бўяб денгиз сувини қорамтир-кўкиш тусга киритди.

Нега у қуёшда қорайиб, шўр денгиз таъмини ўзига сингдириб олган кўлларини ўпишни ёқтириб қолди? Нега ейиш тақиқланган меваларни ўпади, лабларига яқин келтириб ҳидлайди? “Ёш қизчалар нордон нарсаларни ейиши мумкин эмас, холалари ақл ўргатишади – ялангоёқ юриш, сакраш, чопиш қиз болага ярашмайди” деб. Камила ҳар доим отаси ва энагасини ўпар, аммо сира уларни ҳидлаб кўрмаган эди. Аслида ҳидламаса, ўпишдан маъно йўқ экан. Шўр босган, кумдек қорайган кўлини, ананаслар, беҳиларни ўпар экан, уларни ҳидлаб таъмини билиш, лаззатланиш, роҳатланиш нашидасини сураар эди. Шунга қарамай, юрадиган суратларни кўрган ва аргентина тангосини хуштакда чалиб берадиган амакиваччаси хайрлашаётиб ўпган пайтда уни ҳидлашни ҳам, тишлашни ҳам билмай, довдираб қолди.

Шаҳарга қайтишгандан кейин Камила энагасига кинематографга олиб боринг деб тикилинч қила бошлади. У Муқаддас Арк бурчагида, Юз Дарвоза ёнида эди. Отасидан яширинча, чўкиниб, дуо ўқиб, хавотир ола-ола зўрға боришди. Катта зал тўла одамни кўриб, қайтиб кетмоқчи ҳам бўлишди. Қуёш нурида товланиб турган оқ чойшаб яқинидан жой олишди. Аппаратларни, линзани, электр чирокни кўришди, улар кўча фонарларининг ёғдусига ўхшаб титраб турарди.

Ногоҳ чироқ ўчди. Камиллага бекинмачоқ ўйнашаётгандек туюлди. Масхарабозларни эслатадиган ғалати одамлар кўринди. Қандайдир соялар гаплашишади, нималарнидир чайнашади, сакраб-сакраб юришади, имо-ишоралар қилишади. Кимдир ип ўтказиб, уларни тортиб турганга ўхшайди. Камила бекинмачоқ ўйинларини эслаб, хурсанд бўлганидан юрувчи суратларни бутунлай унутди. Бир бола билан том тагидаги хонага яширинишган эди. Қоронғи бурчакда – Исонинг ярим шаффоф целлулоид тасвири олдида кичкина чироқ липиллаб ёнарди. Улар каравот тагига киришди. Полга ётишга тўғри келди. Эски каравот тинмай ғижирларди. Орқа ҳовлида “Кетяпмиз! Кетяпмиз!” – деб қичқирешарди. “Кетяпмиз! Кетяпмиз!” – қичқирешарди боғчадан. Қадам товушлари яқинлашиб қолди. Камиланинг кулгиси қистарди. Бола унга ўкрайди: “Қулиб юборма! Кўрасан!” У зўр-базўр ўзини тийди, аммо эшик очилиб, ичкарига кўланса ҳид кирганда барибир пишқириб юборди. Шунда бола бошига бир урган эди.

Ҳозир ҳам, худди аввалгидек, қоқилиб, туртиниб кўчага талпинди, стулларни суриб, ўзини ташқарига урган одамлар эшик олдида тўдаланиб қолган эди. Савдо қаторларига етиб келгандагина нафас ростладилар. Одамлар гуноҳга ботишдан кўрқиб қочаётганини Камила шунда фаҳмлади. Бояги оқ чойшабда енгил-елпи кийинган аёл мўйловдор эркак билан аргентина тангосига рақс тушаётгани кўрсатилмоқда эди.

Энагани тинчлантирган тўқмоқни ҳамон ушлаб турган Васкес имо қилди – Кара де Анхел генералнинг қизини ташқарига олиб чиқди. Улар “Тустеп”га етиб келган пайтда полициячилар тарқала бошлаган эди. Мўмай ўлжа қўлга тушганди. Кимдир улкан денгиз тошбақасининг тулуми, кимдир осма соат, кимдир тошойна, кимдир чормих, кимдир стол, товук, ўрдак ёки каптар – Худо берган нарсани кўтариб олган. Эркаклар костюми, аёллар туфлиси, улкан вазалар, авлиёлар тасвири, тоғоралар,

темир ўчоқ, чироклар, биллур қандиллар, шамдонлар, дори кутилари, портретлар, китоблар, соябонлар, гултуваклар...

Қовоқхона бекаси тумбани тахт қилиб, эшик олдида пойлаб турарди.

Камила икки қадам нарида генерал, уни (э, Худо, кеча у нақадар бахти-ёр эди!) авайлаб-асраган, меҳрибон энагаси (тани-жонини Худонинг ўзи асрасин) ҳар доим ғамхўрлик қилган, анвойи гуллар қулф уриб очилган (ҳозир улар пайхон қилинди), мушук ва канарейка қафаслари (улар энди йўқ – синдирилди) турадиган уйдан икки қадам нарида мана шундай бадбўй, чириган чўчкахона борлигини тасаввур ҳам қила олмас эди.

Кара де Анхел юзини боғлаб олган шарфни туширди, Камила уйдан жуда узоққа кетамиз, деб ўйлаган эди. Юзларини бот-бот силади, ҳайрат ичида хонага кўз югуртириб чиқди ва ҳамма нарсани эслади. Қўли осилиб қолди, бағри эзилиб ингради. Йўқ, бу туши эмас.

– Сеньорита, – карахт вужуди оғирлашиб қолган бўлса-да, кеча уларни фалокатдан огоҳлантирган киши гапираётганини аниқ сизди. – Сеньорита, ҳар ҳолда сиз бу ерда хавф-хатардан узоқдасиз. Тинчланишингиз учун нима қилишимизни хоҳлайсиз?

– Ҳозирча, сув... кўмир! – шоша-пиша хитоб қилди бека ва кўмир кизариб турган катта тоғорага ишора қилди.

Пайтдан фойдаланган Лусио Васкес чаққонлик билан ичимлик солинган графинни кўтариб, ютоқиб ярмисини ичди.

Бека тишлари орасидан “Муҳаббат – оловга ўхшар!.. Олов – муҳаббатга ўхшар...” деб, кўмирни елпий бошлади. Орқасидаги қизил доғ-дуғлар тўлиб кетган деворда Васкеснинг сояси тебранар эди. У ички хонага кирди.

– Шу ерда унга айтган эди... – хотинчалиш овозда чийиллади Васкес. – Юз саволга бир жавоб... мингтасига ҳам... Ким ароқни кўп нўш этар, бир кун шундан ўлар-кетар...

Бека косага ёниб турган кўмир бўлакчасини ташлади. Сув бир зумда пуштиранг тусга кирди. Кўмир сўниб, пиёз уруғига ўхшаб сув юзида суза бошлади. Бека уни қисқич билан олиб ташлади.

“Муҳаббат – оловга ўхшар, олов – муҳаббатга ўхшар”, – таъкидлади у. Камила сувни ичди ва овози тикланаётганини сизди.

– Дадам қаердалар?

– Тинчланинг! Кўмир сувидан ичинг... Генерал соғ-саломат, – жавоб берди Кара де Анхел.

– Аниқ биласизми?

– Шундай деб ҳисоблайман...

– Бизнинг қисматимиз...

– Тис-с-с! Бу ҳақда гапириб бўлмайди!

Камила яна унга қаради. Юзига боқиб, кўп нарсани англаш мумкин эди. Аммо қарашлари мулозимнинг ифодасиз қора кўзларига сингиб кетди.

– Ўтирсангиз яхши бўларди, сеньорита! – гапга аралашди бека. У мана шу сеньор биринчи марта кирган пайтда Васкес ўтирган скамейкани судраб келди...

Кундузи – шундан бери қанча йил ёки қанча соат ўтди? Мулозим гоҳ генералнинг қизига, гоҳ Биби Марям тасвири олдида турган шамга тикилиб қолди. Аланга тебранади... Кўз олди қорайиб кетди. Боши қотиб қолди. Уни ақл билан ҳам, куч билан ҳам эгиб олиш мумкин. Синчиклаб зехн солди: оқарган юзларидан кўз ёшлари оқиб тушмоқда, сочлари тўзғиган, озгин, фариштадек нозик. Оталарча меҳрибонлик билан қўлидан косани олар экан, ичида: “Бечора!” деб қўйди...

Бека маънодор йўталди: энди уларни ёлғиз қолдириш мумкин, аммо

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

шу захотиёк ётоқхонада маст-аласт чўзилиб ётган Васкесга кўзи тушиб жиғи-бийрони чиқди. Уй ичи бадбўй хидга тўлган эди. Камиланинг ноласи беканинг қарғиши ва бўғиқ йўталига қоришиб кетди.

– Ҳой, сен қирчанғи хайвон! – жаҳли чиққан бека энагаларга ўхшаб қарғишга тушди. – Ҳой, сен тасқара! Соғлигингдан бутунлай ажраласан-ку! Рост айтишади, орқангдан пойлаб юриш керак!.. Мана сенинг севгинг! Яхши!.. Жуда яхши!.. Остона хатладим дегунча ярим графинни бўшатибди-я. Башарангга туфураман... ҳеч ким текингаям олмайди... Қани, қорангни ўчириб қол-чи!..

Маст инграйди, боши билан полга гурсиллаб қулайди, бека оёғидан судрайди. Шамол эшикни тарақлатиб ёпади. Товушлар тиниб қолади.

– Ҳаммаси ўтиб кетди, ҳаммаси орқада қолди... – тасалли беради Кара де Анхел хўнграётган Камиллага. Дадангиз хавфсиз жойда, бу ерда ҳеч ким сизга тегмайди. Сизни хафа қилдириб қўймайман. Ҳаммаси яхши бўлади, фақат йиғламанг. Ўзингизни азобга қўйманг. Бўлди, йиғламанг. Қани, менга қаранг-чи, ҳозир ҳаммасини айтиб бераман... – Кара де Анхел қизнинг бошини силади.

Камила бора-бора тинчланди. У қизнинг рўмолини олиб кўз ёшларини артиб қўйди. Тонгнинг қизғиш-пушти ранглари эшик атрофларига ёйилиб, хонани ёритди. Тирик мавжудотлар бир-бирига суяниб, суйкалишади. Япроқлар орасидан қушларнинг тонгги хониши таралади. Қудуқлар ғижирлаб эснайди. Тонгги ҳаво туннинг қора сочларини – оқ-сарик ясама соч кийдирилган марҳумларнинг қора сочларини тортқилаб тўғрилайди.

– Фақат тинчланинг, акс ҳолда ҳаммамиз нобуд бўламиз. Ўзингизни ҳам, отангизни ҳам, мени ҳам ҳалок қиласиз. Мен тезда қайтиб келаман ва сизни амакингизникига элтиб қўяман. Энг муҳими – вақтдан ютиш. Сабр қилиш керак. Бунақа ишлар бирданига битмайди.

– Менинг ташвишимни тортманг! Энди қўрқмайман, сизга раҳмат. Ҳаммасига тушундим, шу ерда кутиб ўтираман. Фақат отамдан хавотир-даман. Соғ-саломатлигини билсам бўлди.

– Мен билиб келаман.

– Ҳозирми?

– Ҳа, ҳозир.

Кара де Анхел унинг юзларини меҳр билан силади.

Генерал Каналеснинг қизи ёш тўла кўзларини кўтарди.

– Марҳамат, боринг, билиб келинг.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ

Тонг шуълалари таралмай туриб Хенаро Родаснинг хотини уйдан қочиб чиқди. Эри тўшақда ётганича (латта қўғирчоққа ўхшаб ечинмасдан ўринга ағнаган эди!) қолаверди, ўғлини саватчага жойлади. Эрталабки соат олти.

Федина генерал эшигини тақиллатган пайтда Мерсед ибодатхонасидаги соат занг чалди. Худо хоҳласа, эрта келганига хафа бўлмасалар керак, қўлидаги болғачани маҳкам ушлаб ўйлар эди у. Уларга нима бўлди? Чикадими, йўқми? Лусио Васкес анави тентакка, эрига айтган гапларни тезроқ генералга етказиши керак.

Тақиллатишни тўхтатиб, қачон чиқишини кутиб турар экан, нималарни гапириш ҳақида тинимсиз ўйлар эди, гўё у Муқаддас Арк тагида бир телбани ўлдирган эмиш... уни қамокқа олиш учун тонг саҳарда келишар эмиш... энг ёмони – сеньоритани ўғирлаб кетишар эмиш...

“Буниси ҳаммасидан ёмон! Буниси ҳаммасидан ёмон!” – тақрорлар ва тинмай тақиллатар эди.

Юраги шувиллаб кетди. Наҳотки қамашган бўлса? Майли, у чинакам эркак. Сеньорита бошқа гап... Худоё ўзинг сақла! Қандай шармандалик! Бу беномуслар қўлига тушгандан кўра шу ерда ўлганим яхши... Тўдалашиб келади, ифлослар! Уларга шундай топшириқ берилган.

Яна эшикни тақиллатди. Уй, кўча, ҳаво – барабаннинг ўзи. Э, худо, очишмаяпти! Вақтни ўтказиш учун қовоқхона лавҳасини ўқишга тутинди. “Ту-с-теп”, “Яхшиям, кўп ёзишмаяпти!.. Э, йўк, ана, ён томонига суратлар солинган!..”

Бир томонда эркак, бир томонда аёл... Аёл: “Рақсга тушамизми?” деб сўраб турибди. Эркакнинг қўлида шиша, елкасида “Ташаккур” деган ёзув бор эди.

Тақиллатавериб чарчади – ҳеч ким йўк ёки атайлаб очишмаяпти – эшикни итариб кўрди. Қўли гўё чўзилиб кетгандек бўлди. Нима бало, эшик очиқ қолганми? Узун юбкасининг этагини кўтарди ва қандайдир фалокат шарпасини сезиб, йўлакдан ўтди. Даҳлизга кирди, ҳеч ким қаршисига чиқмади. Довдираб қолди, баданидан совуқ тер чиққандек бўлди. Юзига қон куйилди, нафаси тўхтади, нигоҳи тўхтади, оёғи юрмай қолди. Ерда юмалаб ётган гултувакларни, тўзғиб кетган қуш патларини, йиртилган пардаларни, синган ойналарни, бузилган шкафларни, сочилган қоғозлар ва қўйлақларни, стуллар, гиламларни кўрди – ҳаммаси оёқ остида кераксиз ахлатга айланиб, ер билан битта бўлиб ётарди...

Боши ёрилган хизматкор аёл Чабелона вайроналар орасида шарпадек кезиб, сеньорани излаб юрарди.

– Ха-ха-ха-ха! – хоҳоларди у. – Хи-хи-хи-хи! Камила, қаердасан? Нега ҳеч ким жавоб бермайди?.. Кетяпман, кетяпман! Кетяпман!

У ўзини Камила билан бекинмачоқ ўйнаётгандек ҳис қиларди. Уни бурчаклардан қидирар, каравотлар, гуллар тагини пайпаслаб кўрар, эшиклар орқасига қарар, ҳаммаёкни тўзғитиб, тит-питини чиқариб изларди.

– Ха-ха-ха!.. Хи-хи-хи-хи!.. Хо-хо-хо-хо! Кетяпман! Кетяпман! Чиқақол! Камила! Сени излаб тополмаяпман! Қани, бўл энди, Камилита, излайвериб тинка-мадорим қолмади. Ха-ха-ха-ха! Чиқақол!.. Мен кетяпман! Хи-хи-хи-хи!.. Хо-хо-хо-хо!..

У излаб-излаб фаввора ёнига судралиб келди ва осуда сувда ўз аксини кўриб, яраланган маймундек чинқириб юборди, ҳам кулги, ҳам кўркувдан лаблари қалтиради, кафтлари билан юзларини беркитиб, икки букилиб қолди. Шивирлаб, ким билсин, ўзиданми узр сўради, сўнг бирданига қаримсиқ кўрқинчли, хўрланган кимсага айланди. Яна чинқирди. Сочилган соч толалари ва бармоқлар панжаси орасидан тикилиб, том тепасига сакраб чиққан қуш ўзига қараб келаётганини, сояси эса ичкарига қочиб кетаётганини кўрди. Ғазаби кўзиди, қаддини кўтариб ўз соясига човут солди, қўллари билан сувни урди, ерни дўпиллатиб тепди. Супуриб ташламоқчи бўлди. Соя илондек буралди. Калтакланаётган ҳайвонга ўхшаб титраб-қақшади. Аммо қанча депсимасин у ўзгарай демасди. Саваланаётган сувдаги акси ҳазин парчаланар; тўлқинлар тинчланиши билан яна тебраниб асл ҳолатига қайтарди. У ғазаб ичида итдек ув тортар экан, тош қадамалари устидаги чангни тозалай олмаслигига ақли етди, сувда балиқдек ялтираб сузаётган бошқа чанг зарраларини ҳам қўллари билан ушлай олмаслиги, мушти билан ура олмаслигини ҳис этди.

Товонлари қонга ботди, қўлида қувват қолмади, аммо соя таслим бўлай демасди.

Ниҳоят, сабр-бардоши тугади, шайтоний ғазаб билан фавворага ташланди.

Иккита атиргул сувга йиқилди...

Атиргулнинг ўткир тикани кўзларини савалади...

У илондек буралиб, соясига қўшилиб сакраб, апельсин дарахтининг тагига кулади, атиргул тикани санчилган бармоқларидан қон сизиб оқди.

Кўчада ҳарбий оркестр пайдо бўлди. Ҳарбий деганича бор! Қудратни, шон-шавкатни кўринг! Улар ғалаба Арки остонасидан ўтдилар! Аммо ҳарбий созандалар қанчалик урингани, карнайчи қанчалик кучанганига қарамай шаҳарликлар уйқудан эринибгина уйғондилар. Бекорчиликдан зериккан аскарларга ўхшаб сакраб туриш қаёқда дейсиз! Байрам бўлса байрам-да!

Улар итоаткорлик билан чўқиниб, Республика Президентига нисбатан турли ёмон хаёлларга боришдан, унга қарши номуносиб хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлашни худодан сўраб илтижо қила бошладилар.

Оркестр садосини эшитган Чабелона ўзига келгандек бўлди. Қоронғилик. Ана, сеньорита Камила оёқ учида юриб келиб, кафтлари билан кўзларини беркитди.

– Қўйвор, Камила, сен эканингни билиб турибман... – норози оҳангда минғиллади ва қовоқларини босиб оғритаётган сеньоританинг бармоқларини олиб ташлашга уринди у.

Шамол кўчада жўхори пояларини шитирлатиб учиради. Мусиқа ва кўзини тўсган қора боғич (худди кўз боғлаш ўйини ўйнашаётгандек) кўхна кишлоғидаги ўқувчилик йилларини эслатди, йиллар оша бир сакраб, ёши улғайиб, манго дарахти тагида ўтиргандек бўлди, яна бир сакрагандан кейин текис йўлда ҳўкизлар тортиб бораётган аравада ёқимли хидлар таратаётган омборлар ёнидан ўтишаётганини кўрди. Гилдиракларнинг ғийқиллаган овози унинг қизлигини олган индамас аравакаш йигит нигоҳига сингиб кетаётгандек туюлди. Итоаткор ҳўкизлар кавшаниб, никоҳ чимилдиғини тортиб борадилар. Кенг текислик устида осмон маст одамдек чайқалади... ногоҳ хотиралар ҳар томонга сочилиб кетди, қандайдир одамлар ховлига селдек бостириб кирдилар... Ҳайвоний кичкириклар, ёввойи шовқин-сурон, ҳақорат, роялнинг қаҳқаҳаси, тишини олдираётган одамга ўхшаб кичкириши, тумандек ғойиб бўлиб кетган сеньорита, пешонасига урилган зарба, кимнингдир бўкириши, ҳаммаёқни босиб олган улкан соя...

Родасининг хотини Федина уни ичкаридан қидириб топди – боши қонга беланган, сочлари тўзғиган, кўйлаги тилка-пора, пашшаларга ем бўлиб ётар; назарида юзларини кўзга кўринмас бармоқлар аёвсиз юмдалаётгандек эди. Фединани кўриб, у беихтиёр бошқа хонага қочмоқчи бўлди.

– Оҳ, бечора, бахтиқора! – пичирлади Федина.

Бир дераза остида, полда генералнинг укаси Хуанга ёзган хат ётарди. Камилани унга топширмақчи бўлган эди... Федина охиригача ўқий олмади – Чабелона даҳшат ичида кичкирар – унга қўшилиб ойналар, синган буюмлар, титиғи чиққан оромкурсилар, пачақланган кутилар, йиртилган суратлар кичкирмақда эди, – бундан ташқари, вақт борида бу ердан кетиши керак. У тўрт букланган дастрўмолини ғижимлаб терларини, асабий титраётган арзон узуклар тақилган бармоқларини артди, хатни кўйнига тикиб, эшикка қараб шошилди.

Кечикди. Қандайдир зобит кўполлик билан кўлини ушлади. Уни аскарлар қуршаб олганди. Ичкарида пашшалар талаётган хизматкор фарёд соларди.

Қовоқхона бекаси ва Камиланинг илтимосига кўра “Тустеп” остонасида ўтириб, нималар бўлаётганини кузатиб турган – Лусио Васкес

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

кўрқканидан қарахт бўлиб қолди. Генерал камалгани ҳақида валақлаб юрган ошнаси Родаснинг хотинини кўлга олишган эди.

– Ана уни қаранглар! – Фединани ушлашаётганида остона олдига келиб қолган бека қичқириб юборди.

Ковоқхона олдига бир аскар келди. “Генералнинг қизини излашяпти!” – ўйлади музлаб кетган бека. Қўрқувдан сочлари тиккайиб кетган Васкес ҳам шундай деб тусмол қилди. Аскар эшикни ёпинглар, деб буюрди. Эшикни тамбалаб, тирқишларидан мўралай бошладилар.

Қоронғилиқда дадиллашиб қолган Васкес ўзини кўрққанга солиб, бекага ёпишмоқчи бўлди. Аммо у одатдагидек бўй бермади. Ҳатто мушт тушираёзди.

– Вой, тегманозик-ей!

– Қани, қани! Яна нима хоҳлайсан! Суйкалишини қара! Кўрдингми, бугун эрталаб сенга айтган эдим-ку, бу бефаросат генералнинг қизи ҳақида телефонда гапириб...

– Секин гапир! Эшитиб қолишади! – гапини бўлди Васкес. Улар тешикка эгилишиб, шивирлаша бошладилар.

– Майли, секин гапираман!.. Қисқаси, бу эси паст ҳамма ёққа кўнғирок қилиб, генералнинг қизи чақалоғимни чўқинтиради, деб жар солган эди... Хенаронинг олдига чоп, у кўрсатиб қўяди!

– Майли, – деди Васкес томоғида туриб қолган балғамини зўрға тупуриб ташлаб.

– Ҳамма ёқни ифлос қилдинг! Туф-э, ярамас! Қачонгача сенга ўргатаман!

– Жуда нозик деб ўйлаганмидинг!

– Тс-с-с!..

Шу дақиқада ҳарбий прокурор экипаждан тушди.

– Прокурор... – деди Васкес.

– У нима қилиб юрипти? – сўради Бўғмаилон.

– Генерални кўлга олмоқчи..

– Олифталигини қаранг! Уҳ! Вой-бўй!.. Генералга келди дегин?

– Ҳамма нарсага қизикаверсанг – тез қариб қоласан! Нега ясаниб олганини айттайми? Бу ердан тўғри Президент олдига боради.

– Мана одамларга бахт бериш!

– Генерални қамоққа олишмаса, кўзларим тешилсин!..

– У барибир қамалади.

– Оғзингни юм!

Прокурор каретадан чикди. У шивирлаб буйруқ бергач, капитан бир гуруҳ аскарга бош бўлиб, генералнинг уйига кириб кетди. Бир кўлида қилич, иккинчисида револьвер – рус-япон уруши тасвирланган суратларнинг айни ўзи!

Бир неча дақиқадан сўнг – ранги ўчиб кетган Васкесга бир соат ўтгандек туюлди – зобит уйдан чиқиб прокурор олдига келди. У оқариб кетган, қаттиқ ҳаяжон ичида эди.

– Қандай қилиб?... Нима?.. – ўшқирди прокурор.

Нафаси ичига тушиб, бўғилиб қолган зобитнинг тили калимага келмай қолди.

– Қандай қилиб?.. Қандай?.. Қандай қилиб қочади? – ваҳшат солар эди прокурор. Чаккасида сўроқ белгисига ўхшаган икки қора томир ўйнаб чикди. – Қандай?.. Қандай?.. Қандай қилиб... хонадон таланганми?..

У дарвозага қараб югурди, зобит орқасидан лўкиллади. Ҳамма ёққа кўз югуртириб чикди-да, семиз кўли билан қилич дастасини маҳкам ушлаб

кўчага чопди. Ранги оқарганидан лаблари пашша қанотидек юпқа тортиб, мўйлабга ўхшаб қолди.

– Қандай қилиб қочиб қолди? Шуни аниқлаш керак, – бўқирди у. – Тез буйруқ беринг! Телефон нимага ўйлаб топилган? Давлат душманларини кўлга тушириш учун! Эҳ, қари аблаҳ! Тутсам, дорга осаман! Унинг ўрнида бўлишни хоҳламас эдим!

Прокурорнинг кўзи Фединага тушди. Офицер билан сержант уни прокурор олдига судраб олиб келишди.

– Ҳу, қ-қ-қанжик! – бўқирди у ва ундан кўзини узмасдан давом эттирди. – Қани гапирмай кўр-чи! Лейтенант, ўнта аскар олинг-да, бунни тегишли жойга олиб боринг. Каталакка!

Юракни эзадиган, мунгли заиф кичкириқ бўшлиқни тўлдирарди.

– У ёқда нима қилишяпти? Чормихга тортишяптими? – зорланди Васкес. Чабелонанинг ноласи юрак-бағрини ўртаб юборди.

– Ким? – масхаромуз сўради бека. – Эшитмаяпсанми, аёл киши-ку! Ҳамма сенга ўхшаган йиғлоқи деб ўйлайсанми?

– Қўйсанг-чи!..

Прокурор атрофдаги хонадонларни тинтишга буюрди. Бир тўда аскар кичик офицер бошчилигида ҳар томонга тарқалди. Улар ҳовлиларни, хоналарни, омборларни, шийпонлар, қудуқларни титишга тушдилар. Томларга тирмашиб чикдилар, каравот тағларини, гиламларни, сандиқларни, шкафларни, жомадонларни титкиладилар, бочкаларни текширдилар. Ёпик эшикларни милтиқ қўндоклари билан буздилар. Лайчалар ғингшиб, ранги деворга айланган хўжайинларининг орқасига пусиб олдилар. Ҳамма ёқни кўппакларнинг улиши тутди.

Васкес зўрға тилга кирди:

– Ҳозир бу ёққа киришади!

– Ана энди қўлга тушдик!.. Арзийдиган иш бўлсаям майли эди.

Бека Камила олдига югурди.

– Ундай бўлса, – деди Васкес юзини бекитиб, – тез бу ердан чиқиб кетсин.

Жавобни кутиб ўтирмай эшик олдига тисарилди.

– Тўхта! Тўхтаб тур-чи! – қаттиқ шивирлади у тирқишдан мўралаб. – Прокурор бошқа буйруқ бераяпти, тинтув тамом бўлди. – Худога шукур!

Бека ҳам Лусио нимага хурсанд бўлаётганини ўз кўзи билан кўриш учун эшикка талпинди.

– Чормихга тортилган деганинг анави-ку!... – шивирлади у.

– Ким ўзи у?

– Уларнинг оқсочи. Ўзинг кўрмаяпсанми? – деди у Васкеснинг очкўз қўлларига чап бера туриб. – Ўзингни бос! Ўзингни бос деяпман! Қилигинг ярашмаяпти.

– Ух, бечорани судрашяпти.

– Мажағлаб ташлашибди-ку!

– Ўлай деб қолган одамни шунчалик хўрлашадими?

– Гапирма, кўриб қутим учиб кетди!

Қилич кўтарган капитаннинг буйруғига кўра бахтиқаро Чабелонани Каналеснинг уйдан судраб чиқишди. Прокурор ҳозир сўроқ қилолмайди. Кеча айни шу вақтларда бу хонадоннинг юраги эди, тўтиқуш қафасдан чиқиб, фаввора отилиб турганда, генерал қартада фол очиб ўтирар, Камила эркалик қилар эди.

Прокурор каретага чиқди, зобитлар изидан бордилар. Биринчи бурчакдан ўтиб, чанг ичида ғойиб бўлдилар. Тўртта ифлос эркак Чабелонани

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

“анатомия театри”¹ га олиб бориш учун замбил кўтариб келишди. Аскарлар саф тортиб қалъага қайтишди, Бўғмаилон корхонасини очди. Васкес ҳар доимги жойига ўтди. У, хибсга олинган Родаснинг хотинини ўйлаб изтироб чекаётганини яшира олмай қийналар, боши зирқираб оғрир, ҳаммаёқ заҳарга тўлиб кетгандек туюлар, гоҳо сархушлиги ғолиб келиб, қочиб кетган генерал қисматидан тинимсиз ташвишланарди.

Федина эса турма йўлида аскарлар билан олишиб борарди. Уни йўлқадан катта тош йўлга судраб тушдилар; дастлаб индамай борди, сўнг тоқати тоқ бўлиб, биттасига мушт туширди. У қўндоқ билан урди – буни сира кутмаганди! Бошқаси елкасига туртди. Чайқалиб кетди, тишлари такиллади, кўз олди қоронғилашди.

– Итдан тарқаганлар!... Сизларга милтиқ нимага берилган! Уялсанг бўлмайдими? – аралашди бозордан сабзавот ва меваларга тўла сават кўтариб келаётган бир аёл.

– Оғзингни юм! – дўк урди аскар.

– Ўзинг юм, совуқ башара!

– Майли, майли! Яхшилик билан бу ердан жўнаб қолинг! Қиладиган бошқа ишингиз йўқми? – кичкирди унга сержант.

– Мени-ку ишим кўп, сенлар бекорчилар.

– Жим бўлинг, – аралашди зобит. – Жим бўлинг, йўқса, аяб ўтирмаймиз!

– Шу етмай турувди! Санғиб юришади, пўписа қилишади, ким бўпсан ўзинг! Этинг суягингга ёпишиб қопти-ку! Шимингнинг шалвирашини қара!.. Одамларнинг оғзига урасан! Жанжалкаш битлиқилар! Гуноҳсиз одамларга тирғаласанлар!..

Аmmo бу нотаниш ҳимоячи орқада қолиб, қўрқоқ йўловчилар орасига сингиб кетди. Мусибатга ботган, абжағи чиққан Федина узун этаги билан тош йўлни супуриб, қўриқчилар қуршовида турмага қараб борарди.

Прокурор каретада Абел Карвахал уйига етиб келган пайтда сюртук ва шляпа кийган ҳуқуқ ҳимоячиси саройга отланмоқда эди. Ташқи эшикни ёпиб, оқ қўлқопини шошилмай кияётган пайтда ҳамкасблари қуршовга олишди. Уни ана шу бежирим кийимда байроқчалар ва қоғоз занжирлар билан безатилган полициянинг Иккинчи бўлимига олиб келишди. Бу ерда бетўхтов талаба ва пономар ўтирган камерага жўнатишди.

ТАНТАНА ҚИЛ, ЗАМИН!

Ёқимли ҳидларга тўлган тиниқ апрель ҳавоси мавжланиб турган дала-лар ва черепицали томлар оралиғидаги кўчаларда жонланиш бошланди. Ана, сут ташийдиган хачирлар йўрғалаб бормоқда, бидонларнинг қопқоғи шарақлайди, қамчилар қарсиллайди, ҳайдовчилар ҳарсиллаб нафас олади. Ана, сигирлар, бой хонадонлар оғилхоналарда, камбағаллар ҳовли бурчакларида уларни соғишга киришадилар, ҳали уйқуси ўчмаган баъзи харидорлар энг яхши сигирларни ўзлари танлаб олиб соғадилар ва идишларига кўпик эмас, кўпроқ сут тушириш пайдан бўладилар. Мана, нон тарқатувчилар – ялангоёқ, қорни ичига тортилган, букилмас оёқларини авайлаб, майда қадам ташлайдилар, бошида кўтариб бораётган йўғон саватларнинг оғирлигидан бўйни елкалари ичига кириб кетган; саватлардан янги ёпилган нон ва қовурилган кунжут ҳиди анқийди. Мана, тонг сахардан мусиқа чалинади, ҳар доимгидек шаҳарни дабдабали, айни замонда ёқимли куйловчи метал шарпалари ва шамоллар уйғотади, черковлардан

¹ “Анатомия театри” – тергов жараёнидаги қийноқ усулларига ишора.

таралган хазин, журъатсиз оҳанглар эрталабки ибодатга чорлайди, уларнинг маънос ва журъатсизлигига сабаб шуки, оддий байрам кунларида кўнгироқлар товушидан шоколад ва ширин сомсалар ҳиди таралади, миллий байрамларда эса тақиқланган мевалар таъмига қоришиб кетган бўлади.

Миллий тантаналар...

Кўчалар бўйлаб соғлом тупроқ ҳиди билан бирга шаҳарликларнинг қувончлари ҳам сузиб юради. Янги дастурмол ҳидини таратадиган байроқлар сояси остида дадил қадамлар ташлаб саройга қараб бораётган аскарлар оёғи остидан чанг кўтарилмасин деб одамлар деразалар остига сув сепиб кўядилар; расамади билан кийинган, бошига думалок ёки учбурчак шляпа кўндирган юқори мартабали жаноблар, камзуллари ичига дори-дармон халталарини яшириб олган шифокорлар, савлатдор генераллар тушган кареталар; улардан сўнг кадр-қиммати келажакда дафн маросими учун олийҳиммат ҳукумат ажратган маблағ миқдорига қараб белгиланадиган амалдорлар йўрға отларини ўйнатиб ўтадилар.

Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадҳиялар айтади! Мана, ниҳоят одамлардан узокда, ғоят узокда энг яқин кишилари ўртасида Президентнинг ўзи кўринади. У ўз халқидан рози; халқ ҳам тинимсиз кўрсатаётган ғамхўрликлари учун ундан миннатдор.

Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадҳиялар айтади. Хонимлар уни Худонинг суюкли бандаси ўрнида кўрадилар. Семиз рухонийлар унга мадҳу-санолар ўқишади. Қонуншунослар уни Донишманд Альфонс деб биладилар. Нишондор дипломатлар уни кўрганда ўзларини Қуёш қирол давридаги Версалда тургандек ҳис қиладилар. Қайта тирилган Перикл хузурида хорижий ва ўзимизнинг журналистлар булбулигўё бўлиб кетадилар. Шоирлар ўзларини Афинада кўрадилар ва бу ҳақда бутун дунёга жар соладилар! Авлиёлар қиёфасини яратишни касб қилиб олган ҳайкалтарошлар ўзларини Фидий деб биладилар; у жилмаяди, кўзлари чарақлайди, халқ ўз буюк ҳукмдорини қанчалик улуғлаётганини кўриб, кўллари артиб туради. Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадҳиялар айтади! Мотам қуйлари ёзишга мослашган бастакор Бахус мухлисига ва муқаддас мадҳиялар ижодкорига айланади ва помидорга ўхшаган башарасини балкондан осилтириб, ер қаерда қолди, деб тикилиб ўтиради.

Агар санъат қоҳинлари беихтиёр Афинага келиб қолдим, деб ўйласалар, яхудийлар ўзларини Карфаген саройида ҳукумат бошлиғи ишончини қозониб, халқ пулларини ўз ҳисоб кассаларига ўтказган ва бойиб кетиб, олтин-кумушларни суннат пайтида ўраладиган лахтак ўрнида кўрмайдиган молиячи деб тасаввур қилар эдилар.

Сеньор, сеньор, ер ва осмон сенинг шаънингга мадҳиялар айтади!

Қара де Анхел таклиф қилинганлар орасидан туртиниб-суртиниб (у чиройли ва иблис сингари маккор эди) ўтди.

– Халқ сизни чорламоқда, сеньор Президент!

– ... халқ??

Шу сўздан кейин хўжайин сўроқ белгилари кўяди. Ҳамма жим бўлди. Қутилмаган мусибат юқини жаҳл билан улоқтириб ташлаган (у кўзларида шу заҳотиёқ акс этди) хўжайин ўрнидан туриб, балконга чиқди.

Яқин кишилар кузатувида у халққа кўриниш берди. Тўғрироғи, халоскорлик байрами муносабати билан уни табриклаш учун йиғилган хотинлар тўдаси олдига чиқди. Сўзлаш шарафига муяссар бўлганлар:

– О, халқ ўғлони!.. – деб сўз бошлар эдилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Хўжайин қайнок туфугини ютди. Ҳеч шубҳасиз, турли қаланғи-қасанғи одамлар тўлиб ётган кичкина бир шаҳарчада, қашшоқ кулбада ўтказган ўқувчилик йилларини эслаган бўлса керак. Ҳамма жойда тайёр туришга улгурадиган мулозим шипшиб кўйди:

– Исо сингари халқ фарзанди...

– О-о-о, халқ фарзанди! – такрорлади нотик аёл. – Халқ фарзанди деб айтаман мен! Фалакдаги куёш бебаҳо ҳаётингни улуғлаб нуруни сочади ва бу илоҳий нур ҳамиша қора зулмат кўйнида машъум соялар туғдирадиган, сен – Сеньор, ўзинг айтганингдек, бугдой ўрнига юрган йўлларингга қабих бомба уруғларини сепмоқчи бўлган ёвуз кўлларни куйдириб, йўқ қилиб юборади, европалик билимдонлар қанчалик зўр бериб уринмасинлар, қанчалик тиришиб кучанмасинлар, бизнинг буюк бахтимиз кулиб, сенинг қимматбаҳо соғлигингга заррача шикаст етказа олмадилар.

Гулдурос қарсақлар Сигир Тумшукнинг (нутқ сўзлаётган майда савдогарнинг лақаби шундай эди) мадҳиясини бўлиб кўйди.

– Яшасин Президент!

– Яшасин Сеньор Президент!

– Яшасин Республиканинг Конституциявий Сеньор Президенти!

– Республиканинг Конституциявий Сеньор Президенти, Ватан халоскори, Улуғ Либерал Партиянинг доҳийси, Ҳақиқий Либерал, Ёшлар Ҳомийси бугун ва асрлар оша яшасин!

– Сеньор Президентнинг разил душманларидан мадад олаётган ёвуз кучлар ниятига етганда мана бу байроқ қора шармандалик бўёғи билан бўялган бўларди. Аммо унинг қимматбаҳо ҳаётини мададкор Худо асраб-авайлашини, Миллатнинг Биринчи Фуқароси деб аталмиш бу зотнинг душманлари бутун халқ энг кўрк... кўр-қинч-ли, энг зарур пайтда ҳар доим унга қалқон бўлишини билмас эдилар.

Ҳа, сеньорлар! Бугун биз ана шу машъум кунда улар мақсадига эришганда барча цивилизо... цивили-зация-лашган мамлакатларнинг, етакчиси бўлган давлатимиз, бизнинг Ватанимиз разил душманлар қўлида етим бўлиб қолган бўларди. Улар демократияни йўқотиш учун, унинг қоқ юрагига санчиш учун қора зулмат кўйнида, буюк нотик Хуан Монтальво¹ айтганидек, машъум ханжарларни қайрамоқдалар.

Ана шу сабабларга кўра байроғимиз бутун шон-шавкати билан хил-пираб турибди ва гербимиздаги муқаддас кушчамиз учиб кетгани йўқ, у худди “фелекс” кушига ўхшаб кул остидан қайта ту-ғи-либ чиқди. Дох... бу... доҳийларимиз бир томчи ҳам қон тўкмай Американинг миллий мустақиллигини эълон қилдилар ва халқнинг эркинликка бўлган талабини қон-дир-ди-лар, ҳиндиларнинг дох... доҳилари сўнгги нафасигача эркинлик ва бошқа инсоний ҳуқуқлар учун курашдилар!

Мана шунинг учун ҳам биз бугун муҳтожлар синфининг буюк ҳомийси, бошимизни силовчи отамиз, юқорида айтганимдек, мамлакатимизни Фультон ўз пароходи билан та-рақ-қи-ёт-га олиб борганидек, бизни бахтли манзилга етакловчи, Хуан Санта Мария² Лемпира³ ерларини озод қилиш учун машҳур порохини ёндиргани каби халоскоримиз. Яшасин бизнинг Ватанимиз! Яшасин Республикаимизнинг Конституциявий Президенти, Либерал Партия доҳийси, Ватан халоскори, Болалар, Аёллар ва Маориф Ҳомийси!

Сигир Тумшукнинг ҳайкириқлари табриклар ёғдусида чарақлаб,

¹ Хуан Монтальво (1833-1889) – эквадорлик ёзувчи ва файласуф.

² Хуан Санта Мария (1831-1856) – Коста-Рика қаҳрамони, душман қалъасини портлатиш пайтида ҳалок бўлган.

³ Лемпира – Гондурас республикасидаги вилоятлардан бири.

қарсақлар денгизига кўмилиб кетди.

Президент ўнг қўли билан балконнинг мармар панжарасига таянди, одамларга хиёл ўгирилиб қаради, кўзлари ёниб, хўмрайган ҳолда бир неча жумла сўз айтди. Эркақлар ва аёллар кўз ёшларини артдилар.

Президент бурун қоққанини сезиб қолган Кара де Анхел:

– Хонага қайтадиган вақт бўлмадими, Сеньор Президент, – деб шивирлашга журъат этди. – Бу одамлар сизни ўта ҳаяжонга солиб қўйди.

Президент яқин кишилари қуршовида залга кирди. Ҳарбий прокурор генерал қочиб кетганини айтиш ва биринчи бўлиб табриклаш учун унинг ёнига боришга ошиқди. Аммо бошқалар ҳам олдинга ташландилар. Прокурор тўхтади – уни қандайдир номаълум куч – қўрқув ушлаб қолди – қўлини узатганча қуруқ қолмаслик учун мулозим билан кўришишни маъқул кўрди.

Мулозим ўгирилиб қаради, ҳамон қўлини узатганча турган прокурор ногоҳ гумбурлаган товушни эшитди – у яна, яна такрорланди. Одамлар бақиришарди. Қочишар, сакрашар, стулларни улоқтиришарди. Хонимлар дод-фарёд, шовкин-сурон кўтаришарди. Аскарлар осма сумкаларини зўр-базўр очиб, милтиқларини ўқлаб югуришарди. Пулемётлар, синган ойналар, зобитлар, замбараклар...

Қандайдир полковник револьверини силкитиб юқоридаги майдон орқасига чошиб ўтди, бошқаси револьверини силкитиб айланма зинадан югуриб туша бошлади. Ҳеч нарса йўқ. Капитан револьверини силкитиб деразага тирмашди. Иккинчиси револьверини силкитиб эшикларни тепиб очди. Йўқ. Ҳеч нарса. Ҳеч нарса йўқ! Аммо хоналар совуқ эди. Баҳайбат залда ҳайратлар учади. Ҳеч нарса йўқ. Таклиф қилинганлар оз-оздан тўпланишди: кимдир қўрққанидан иштонини хўл қилиб қўйган, кимдир қўлқопини йўқотган, баъзиларининг юзига ранг кирган, аммо тили калимага келмайди, бошқаси гапиради, аммо қўрқувдан оқариб кетган. Президент қачон, қаерга ғойиб бўлганини ҳеч ким айта олмайди.

Бир зинапояннинг қуйи поғонасида катта ноғора ётарди. У даранг-дурунг қилиб пастга думалади – ҳамма ҳар томонга ўзини урди: жонингни кутқариб қол!

АМАКИ ВА ХОЛАЛАР

Мулозим камзул ва цилиндр кийган, болалар чизган расмлардаги сичқонларга ўхшаб кетадиган адлия вазири ҳамда сочлари тўкилиб, қадимги авлиёларга ўхшаб мункиллаб қолган халқ вакили билан бирга саройдан чиқди. Ноғорани думалатиб юборган бояги тентак уларни қаттиқ қўрқитиб қўйган, иложи топилганда ўйлаб-нетиб ўтирмай уни жазо бўлинмаси ёки унданам нарига жўнатиб хумордан чиққан бўлардилар. Ҳозир “Гранд отел”га ёки яқинроқдаги қовоқхонага кирган маъқулми, деб баҳслашиб боришарди. Халқ вакили – отелга бориш тарафдори, худди жамоат жойларида ўзини қандай тутиш қоидасини баён қилаётгандек (шубҳасиз, гап давлатга тегишли жойлар ҳақида эди), фикрини аниқ ва лўнда қилиб айтди. Ҳуқуқшунос гўё ҳукм ўқиётгандек кўтаринки руҳда гапирар эди: “Сохта дабдабага интилиш ярашмаган нарса, шунинг учун, дўстим, мен улуғвор отелдан кўра камтаргина қовоқхонани афзал кўраман, у ерда ўзингни эркин ҳис қиласан. Ялтираган ҳамма нарса олтин бўлавермайди.”

Кара де Анхел улар билан бурчакда хайрлашди – давлат вакиллари

бахслашаётган пайтда нарироқда юрган маъқул – ва Хуан Каналес яшайдиган Иньсенсо маҳалласига йўл олди. У иложи борича тезроқ қизни “Тустеп”дан олиб кетиши керак. “Ўзи олиб кетадими, ё бировни юборадими, менга нима, ўйлади арзанда. – Тезроқ кетгани яхши – масъулиятдан кутулади. Майли, илгаригидек яшайверсин. Ўтган кунгача уни билмасдим, хаёлимга ҳам келтирмагандим, мен учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди...” Уч киши ҳурмат билан унга йўл бўшатди. У ким билан саломлашганини ҳам билмай жавоб қайтарди.

Генералнинг укаси Хуан зарбхона яқинидаги Инсьенсо маҳалласидаги қорамтир, хунук, баҳайбат, бурчакларига сувоғи кўчган тўсиқлар ўрнатилган уйда яшар эди. Пойдеворига урилган тошлардан сув силқиб турибди, ёввойи ҳайвонларнинг қафасини эслатадиган темир панжарали деразалардан зал яхши кўринмасди. Бу ерга миллионлаб шайтонлар яширинган.

Арзанда тақиллатди. Ит вовуллади. Овозига қараганда у занжирлаб қўйилган қопоғон итга ўхшарди.

Кара де Анхел шляпасини қўлига олиб (у чиройли ва иблис сингари маккор эди), остонадан ўтди. Генералнинг қизи келадиган уйни кўриш мароқли эди; аммо итнинг вовуллаши ва “Марҳамат қилинг!”, “Марҳамат қилинг!” деб жилмайиб турган одамнинг овози – у шубҳасиз дон Хуан Каналес эди – қулоғини битириб қўяёзди.

– Марҳамат қилиб ичкарига кириш, бу томонга, сеньор, бу ёққа ўтинг, марҳамат!.. Қандай шамол учирди? – Дон Хуан таомилдаги сўзларни беихтиёр такрорлар, овозидан Президент мулозимини кўрганда доврираб қолганини сездирмасликка уринаётгани билиниб турарди.

Кара де Анхел хонани кўздан кечирди. Ярамас ит меҳмонга қараб нега бунчалик хуради? Ака-укалар тушган суратлар орасида генерал Каналес йўқ эди. Қарама-қарши томондаги катта тошойнада деворга ёпиштирилган тўртбурчак сарғимтир гулқоғозларнинг акси кўринади.

“Ит қайда бўлса ҳам уйнинг юраги, – ўйлади Кара де Анхел, Дон Хуан ўзининг хушмуомалалик дастурини намойиш қилаётган пайтда. – Ибтидоий замонларда ҳам уйнинг юраги эди. Қабиланинг кўкриқчиси. Сеньор Президентни ҳам итлар галаси кўриқлайди.”

Ойнада хўжайин пайдо бўлди. У қўлларини асабий силкитарди. Дон Хуан Каналес таомилдаги барча сўзларни айтиб бўлгандан кейин яхши сузувчига ўхшаб қатъият билан сувга шўнғиди.

– Сеньора Каналес, – деб гап бошлади у, – сеньора Каналес ва ожиз бандангиз акамиз қилган ишдан қаттиқ норози бўлдик. Қандай даҳшат! Қотиллик ҳамиша нафратга сазовор, аммо бу!.. Шундай одамни ўлдириш, шундай ҳурматли, обрўли одамни, армиянинг виждони ва номуси, Сеньор Президентнинг энг яқин кишисини ўлдириш!..

Кара де Анхел жим ўтирарди. Чўқаётган бахти қарони кўриб, ёрдам беролмай югураётган кишигина шундай мум тишлаб қолади. Одатда меҳмонга борганлар ўринсиз гап айтиб қўймайин, деб шундай тилини тийиб ўтиришади.

Сўзлари беҳуда кетаётганини сезган дон Хуан ўзини йўқотиб қўйди ва қўли билан ҳавони ушламоқчи бўлган ёки оёғини чўзиб, чуқур сув тагини босиб кўришга уринаётган одамнинг аҳволига тушди. Бусиз ҳам боши вақир-вуқир қайнаб ётибди. Муқаддас Арк остидаги қотилликка ва барча сиёсий ўргимчак тўрларига ўралашиб қолгандек ваҳима босди. Тўғри, у айбдор эмас. Аммо бу ҳеч нарсани англамайди, ҳеч нарсани – аралашгансан, тамом. Лотерея бу, дўстларим, лотерея! Мамлакат рамзи.

Кўчада лотерея билетларини сотувчи ашаддий католик ва эскифуруш Фульхенсио амаки шундай дейди. Бирданига у Кара де Анхел ўрнига суяклари ва жағлари асаб толаларига боғлаб қўйилган Фульхенсио амакининг скелетини кўриб қолди. Амаки қоқ суяк қўлида чарм портфелни ушлаб, шимининг орқа томонига уриб кўяр, жағларини ғалати кимиралиб масхарабозлик қилар, манқаланиб тамшанар эди: “Бани дўсдарим, бани дўсдарим, бу маблакатда ягода қобун латарея. Бир билетди тортшанг – турма, бошқашиди тортшанг отув. Учиншиди тортшанг – депутат, дипломат, президед, бидистр. Айар ҳамбаси латарея бўса, нимади ўйнайсан? Латарея – бани дўстим, латарея, латарея белатиди шотиб олинг!” Ғадирбудир, узум токидек эгилиб-букилган скелет тиришиб, энгашиб қолди ва оғзидан ютқизиқсиз лотерея билетлари кулгига айланиб отилиб чиқди.

Бундай хаёллардан узоқда бўлган Кара де Анхел сукутга чўмиб кузатар ва бу жирканч кўрқоқ билан Камила ўртасида қандай умумийлик борлигини ўйлар эди.

– Ғийбат қилишмоқда... Аниқроғи, қўшниларим хотинимга айтишмоқдаки, мен ҳам полковникнинг ўлимига алоқадор эмишман!.. – давом этди Каналес чўнтагидан зўрға чиқариб олган дастрўмоли билан йирик тер томчиларини артар экан.

– Мен ҳеч нарсани билмайман, – қуруқ жавоб берди мулозим.

– Аммо бу адолатсизлик! Тан оламан, биз хотиним билан Эйсебионинг хатти-ҳаракатларини кўпдан бери қоралаб келамиз. Деярли учрашмас эдик. Тўғрироғи, бутунлай учрашмасдик. Бегоналашиб кетгандик. Ассалому алайкум, хайрли кун, хайрли тун, салом ва хайр. Яхши бор, алвидо, алвидо ва бошқа ҳеч нарса.

Дон Хуан ёлғон гапираётгани билиниб турарди. Парда орқасидан кузатиб турган хотини ёрдам беришга шошилди.

– Нега мени таништирмаяпсан? – хитоб қилди у ва арзандага жилмайиб таъзим қилди.

– Тўғри айтасан! – паришон жавоб берди эри. Меҳмон билан барабар ўринларидан кўзғалишди. – Хотиним билан таништиришга ижозат этсангиз!

– Худит де Каналес...

Кара де Анхел бу исми эшитган эди, аммо у тўғри гапиряптими-йўқми, била олмади.

Бу ғалати, чўзилиб кетган ташриф давомида Камилага ҳеч қандай алоқаси йўқ, аммо ҳаётини издан чиқараётган, англаб бўлмайдиган ғайри табиий бир куч таъсирида эр-хотиннинг гаплари қулоғига кирмай қолди.

“Нега бу одамлар ўз жиянларининг тақдири билан қизикмайдилар, – ҳаёлга ботди у. – Агар Камила ҳақида гаплашганларида мен жон деб тинглаган бўлардим, хавотир оладиган ҳеч нарса йўқ, ҳеч ким сизлардан шубҳаланмаяпти, деб айтган бўлардим. Агар улар мендан сўраганларида... Э Худо, нақадар тентак одамман-а! Улар қондош, мен эса бутунлай бегонаман-ку, бу ерда ёлғиз ўзим, унинг дардида ўтирибман-ку...”

Ўзини донья Худит деб танитган хоним тўрли дастрўмоли билан бурнини артиб, энди нима бўларкин дегандек, жим бўлиб қолди.

– Сиз гапираётган эдингиз. Мен сизга халақит бердим... Кечирасиз...

– Биз...

– Ҳа...

– Сиз...

Айни бир пайтда учаласининг оғзидан чиққан – “Марҳамат, давом этинг!” – “Йўқ, сиз гапиринг” деган фавқулудда мулоим хитоблардан

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

кейин гап яна номаълум сабабларга кўра дон Хуанга тегди. (Хотинининг кўзлари “Ахмок!” деб қичқиради эди.)

– Эусебио полковник Парралес Сонриентени ўлдиришда қатнашганини эшитганимдан кейин (ғайри расмий, мутлақо ғайри расмий оҳангда) иккимиз қанчалик ғазабланганимизни дўстимизга айтаётган эдим...

– О, бўлмасам-чи. Бўлмасам-чи!

Доня Худит бўртиқ кўкракларини намойиш қилгандек қаддини кўтариб, гапни илиб кетди. – Менинг қайноғам генерал бундай мудҳиш жиноятга қўл уриб, авлодларини иснодга қолдиришга ҳеч қандай ҳақи йўқ эди! Ўзингиз ўйлаб кўринг, энди унинг касрига эрим балого қоладиган бўлди!

– Мен дон Мигелга худди шуни айтаётган эдим, кўпдан бери акам билан борди-келдини йиғиштириб қўйганмиз. Хатто ашаддий душманлардек бўлиб қолган эдик. Уйидаги суратларимни ҳам йиғиштириб қўйганди, мен эса ундан баттар эдим!..

– Биласизми, оилавий муносабатлар, жанжаллар, гина-кудратлар... – доня Худитнинг чуқур нафаси хона бўйлаб сузиб кетди.

– Мен ҳам шундай деб ўйлаган эдим, – деди Кара де Анхел.

– Аммо, оға-иниларни қон-қариндошлик иплари боғлаб туришини унутманг, дон Хуан...

– Нималар деяпсиз, дон Мигель? Сиз мени унга шерик қилиб қўймоқчи бўлаяпсизми?..

– Рухсат этинг!..

– Сиз нотўғри гапираяпсиз, – гап қўшди донья Худит хижолатдан ерга қараб. – Пул бор жойда ҳар қандай алоқалар узилиб кетади. Бу кўнгилсиз ҳодиса, аммо аслида шундай. Пул қариндошлиқдан устун туради!

– Гапимни тугатишга ижозат беринг!.. Мен оға-иниларни мустаҳкам алоқалар боғлаб туради деб ўйлайман, аммо ҳозир гап бутунлай бошқа масала ҳақида. Орангиздаги келишмовчиликлар мени қизиқтирмайди, ночор аҳволда қолган генерал менга айтдики...

– Ярамас! Ўз жиноятига мени шерик қилмоқчи бўлдимми? Бу тухмат!

– Мен сизлар билан бутунлай бошқа нарса ҳақида гаплашмоқчиман.

– Хуан, Хуан, сеньорнинг гапини эшит!

– У қизини сизга топширмоқчилигини айтди ва бу ҳақда сиз билан гаплашиб кўришни мендан илтимос қилди, сизнинг уйингизда...

Шу ерга келганда Кара де Анхел сўзлари беҳуда кетаётганини ҳис қилди. Бир дақиқа бу одамлар испан тилини тушунмайдими деган хаёлга ҳам борди. Сўзлар ялтираб турган қориндор Хуан ва ҳайкалдек қотиб ўтирган доня Худитга тегмасдан, уларни четлаб ўтиб, ойна ичида йўқолиб кетмоқда эди.

– Унинг тақдири нима бўлишини айнан сизлар ҳал қиласизлар...

– Ҳа, албатта... – Кара де Анхел уни қамоққа олмоқчи эмаслигини сезган дон Хуан бир лахзадаёқ ўз аслига қайтиб, виқор билан гапиришга ўтди. – Сизга нима дейишни ҳам билмай қолдим... ҳеч кутмаган эдим... Менинг уйим ҳақида, албатта, гап бўлиши мумкин эмас. Иложимиз қанча, олов билан ўйнашиб бўлмайди! У бахти қаро бизникида тургани яхши эди... аммо биз баъзи танишларимиздан қаттиқ шубҳа қиламиз... Шу пайтгача ғубор тушмаган хонадонимиз эшигини Сеньор Президентга душман одамнинг қизига очиб берсак, улар ёмон хаёлга боришади. Ўзингизга яхши маълум... бунинг устига... шавкатли акам... нима десам экан... ҳа, шавкатли акам ўз қизини Халқлар Доҳийсининг шахсий дўстига топширса, у эса ўз навбатида...

– У ўз бошини сақлаб қолиши учун ҳамма нарсага тайёр эди! – донья Худит кўкрагини янги ҳаво билан тўлдириб, гапга аралашди. – Тасаввур қилинг. Сеньор Президентнинг дўсти бу ҳақда Президентнинг ўзига хабар етказсин, деб қизини орага тикиштирмоқчи бўлдими?.. Хайриятки, бу қора ният амалга ошмади. Бизнинг “Армия князи” миз, – машҳур нутқидан кейин шундай ном орттирган эди, қочишдан бошқа чора тополмасдан жуфтакни ростлабди-ю, қизини бизга тўғрилапти-да, топган ҳийласини қаранг!

Мундирига доғ тушириб, қариндош-уруғларини шарманда қилишдан уялмаган одамдан яна нимани кутиш мумкин? Бизга ишонинг, бундай иснодни кўтариб юриш бизга осон эмас, хўрлик кўравериб, сочимиз оқарган. Бунга Худо шоҳид...

Кара де Анхелнинг кўзларидан чиққан ғазаб чақмоқлари қора тунни парчалаб ўтди.

– Демак, бошқа гапдан фойда йўқ...

– Безовта бўлганингизга ачинамиз... Кўнғироқ қилсангиз ҳам бўларди...

Донья Худит кўшимча қилди:

– Сиз учун... катта мамнуният билан... бажарган бўлардик... ишонинг... аммо биласиз-ку...

Уларнинг башарасига қарамасдан индамай кўчага йўл олди, занжирини шарақлатиб жонҳолатда юлқинаётган ит хурганча қолди.

– Мен бошқа оғаларингизникига ҳам бораман, – деди у остонадан ўтаётганда.

– Маслаҳат бермайман, – шоша-пиша жавоб берди дон Хуан. – Билсангиз керак, мен консерватор сифатида танилганман... Улар бўлса либерал ҳисобланадилар!.. Сизни ақдан озган ёки шунчаки ҳазил қиляпти деб ўйлашади...

У меҳмонга эргашиб кўчага чиқди. Сўнг изига қайтди. Дарвозани оҳиста ёпиб, йўғон қўлларини артди... Кимнидир (фақат хотинини эмас!) силаб эркалагиси келди ва ҳамон вовуллаб турган кўппагини силаб-сий-палай бошлади.

– Ичкарига кирмоқчи бўлсанг, итни ўз холига қўй! – шанғиллади донья Худит. У кечки салқинда роҳатланиб, ҳовлида атиргул кесмоқда эди.

– Мен ҳозир...

– Унда тез кийин, ҳали ибодат қилишим керак, соат олтидан кейин кўчага чиқиш ярамайди.

“ЯНГИ УЙ”ДА

Эрталаб соат саккизда (сув соатлари ҳар жихатдан яхши эди; соат миллари ҳам, вақт ҳам сакраб кетмасди), роппа-роса саккизда Фединанинг ҳаммаёғини обдон тинтиб-текшириб, ўзига хос белгиларини ёзиб олишгандан кейин гўрдек совуқ ва қоронғи, гитарадек қинғир-қийшиқ камерага ўтказишди. Бошидан-оёғигача, қўлтиқ тагию-тирноқ остигача синчиклаб текширишди, сабаби генерал Каналес ўз қўли билан ёзган ва бахтиқаро аёл генерал уйидаги хоналарда дайдиб юрганда топиб олган хат энги ичидан чиқиб қолганди.

У тик туравериб толиқди, узунлиги бор-йўғи икки қадам келадиган хонада юриб бўлмасди; ўтирганим яхшироқ деб ўйлади у. Полдан изиллаб совуқ чиқиб турарди, бир лаҳазада оёқлари, қўли, ҳатто қулоқларигача музлаб кетди (совуққа қанча чидаш мумкин экан!) – у ноилож ўрнидан кўзғалди; тик турди, яна ўтирди, тагин турди, ўтирди, турди, ўтирди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Турма ҳовлисида очик ҳавога олиб чиқилган маҳбус аёллар кўшиқ айтишарди. Улар астойидил куйлаётганларига қарамай, кўшиқларидан чириган сабзавот ҳиди анқиётгандек туюлади. Ярим мудроқ аҳволда такрорланаётган оғир оҳанг занжирини бирдан шиддатли, аммо маъюс қичқириқ узиб юборди. Ҳақоратли куфрона сўзлар... қарғиш... Забур оҳанглари эсалатадиган чўзиқ қалтироқ овозни эшитган Фединани ваҳима босди.

*Каталак хона билан
 Фоҳишахона ораси
 Бир қадам йўл,
 Қўлингни узатсанг
 Тегар осмонга;
 Сен билан бир жойда турибмиз ҳозир,
 Қайноқ бўсаларни тўйиб олавер.
 Ай-яй-яй-яй!
 Мен билан бирга бўл,
 Бу ер билан
 Фоҳишахона ораси
 Ва ёруғ олам
 Бир қадам йўл.*

Кўшиқдаги баъзи сўзлар оҳангга мос келмас эди; аммо улар “Янги уй” камокхонаси билан исловотхона ораси узоқ эмаслигини аниқ-тиниқ англатиб турарди. Тўғри, оҳангда гап кўп. Аммо бу ковушмаган мисраларда аччиқ ҳақиқат фарёд солмоқда, Фединанинг кути ўчиб, қалтирашга тушди. Авваллари ҳам кўрқиб қалтираган вақтлари бўлган, аммо бундай ҳолат қанчалик ваҳимали, кўрқинчли эканлигини, ниҳоятда даҳшатли эканлигини тасаввур ҳам қилиб кўрмаганди; буни у кейинчалик англаб етди, кўҳна пластинка ўз бағрида жуда кўп сир-асрорларни асрагани сингари бу товуш суяк-суякларигача зирқиратиб юборди. Эрта тонгдан бошлаб фарёд солиб куйлаш қанчалик оғир! Худди терисини шилиб олишаётгандек бадани тиришиб қолди, бу кўшиқни куйлашаётган маҳбус аёллар эса фоҳишаларнинг ётоғи турмадан кўра совуқроқ эканлигини ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган бўлса керак, бу кўшиқ улар учун озодлик ва ёруғликка чиқиш учун эҳтимол охирги илинж эканига шубҳа йўқ.

Федина бирдан ўғлини эслади ва шу заҳоти енгил тортгандек бўлди. Уни эмин-эркин кўтариб юрган пайтлари беихтиёр кўз ўнгига келди. Гўдаклар бир умр она юрагида яшайди. Эркинликка чиқса, энг аввало, уни чўқинтириши керак. Ҳозир айна пайти. Кўйлаги ҳали янги, қалпоғи ҳам – уни доня Камила совға қилган! Кейин меҳмонларни чақириш керак: нонуштага шоколад билан бўғирсоқ берса бўлади, тушликка валенсианча гуруч билан чўчка эти ва бодом тортилади, кечки таомга лимонад, музқаймоқ, вафли... Кўккўз босмахона ходимига таклифнома буюриб кўйган, уларни яқин кишиларига тарқатади. Анави Шумановдан иккита катта извош олинса яхши бўлади, отлари худди паровознинг ўзи, куюшқонлари кумушдек яраклайди, кучирлар қора камзул ва ялтироқ шляпа кийиб олишган. Бирдан чалкашиб кетаётганини сезиб қолди. Олдиндан чанг чиқариш яхши эмас – бирон ишқал чиқиб қолмасин яна, худди анави йигитнинг аҳволига тушиб ўтирса нима бўлади? У тўйга бир кун қолганда: “Мана, эртага, айна шу пайтда!..” деб гапираверди. Тўй арафасида эса бошига ғишт тушиб кетса бўладими?

У яна ўғли ҳақида ширин хаёллар сура бошлади ва ўзини тетик ҳис

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

қилди. Ҳамма нарсани унутиб, ярамас расмлар ўргимчак тўрига ўхшатиб чизиб ташланган деворга суяниб ўтирди. Яна хаёли жойига келди ва расмларни кўздан кечира бошлади. Салблар, Инжилдан олинган эркакларнинг исми ёзилган куни, чалкаш саналар ва мисра, булар етмагандек турли ўлчамдаги бетамиз нарсалар тасвири. Бир сурат тагига “Худо” деб ёзилган, ёнига 13-сана ва шамдонга ўрнатилган шайтон қиёфаси, гулбарглар ўрнига бармоқ сурати солинган атиргуллар; ҳакамлар, амалдорларнинг қинғир-қийшиқ башараси, қайиқлар, лангарлар, куёш, шиша идишлар ва туташ қўллар, кўзлар, ёй ўқи тешиб ўтган сурат ва яна узун мўйловли жандармларга ўхшаб кетадиган офтоб ва кампирнинг юзидек қаримсиқ ой, юлдузлар ва соатлар, сув парилари, қанотли гитаралар ҳамда ҳанжар тасвири чизилган...

Уни ваҳима босди. Бу ярамас хонадан тезроқ қочиб кетиш керак! Орқага тисарилган эди, яна худди шундай расмларга тўла деворга такалди. Қўркувдан кўзи тиниб, тили танглайига ёпишиб қолди, баландликдан думалаб тушаётгандек бўлди, дераза эмас, тоғлар турли томонга қараб чекинди, осмондаги юлдузлар аралашиб, қоришиб кетди.

Полда бир тўда чумолилар ўлик суваракни судраб кетмоқдалар. Федина ажи-бужи расмларга тикилар экан, қандайдир мудҳиш, ярамас нарсалар юрагини зирқиратди.

*Каталакхона билан
Фоҳишахона ораси
Ва чарогон осмон
Бир қадам йўл...*

мисралари қўшиқнинг бағрига ханжардек санчилди.

Шаҳарда Республика Президенти шарафига тантаналар давом этарди. Марказий Майдонга худди дор ёғочига осилгандек катта сурп ўрнатилган, бу ерда кечқурунлари содиқ фуқаролар учун саёз фильмлардан парчалар кўрсатилар, тамошалар росманасига оммавий қатл манзараларига ўхшаб кетарди. Ёниб-ўчиб турадиган чироқлар билан безатилган бинолар қора тун қўйнида ярқираб кўринарди. Боғ атрофига тўпланган оломонни найзадор панжаралар тўсиб турар эди. Жамиятнинг гули ҳисобланган казо-казолар байрам маросимида қатнашиш учун боғ ичкарасига бемалол киришмоқда. Ўз садоқатини намойиш қилиш учун майдонга оқиб келган оддий халқнинг сукут сақлаш ва фильмлардан парчалар тамоша қилишдан бошқа иложи йўқ. Чоллар ва кампирлар, майиб-мажруҳлар, бир-бирининг меъдасига уриб кетган эр-хотинлар банкага солинган балиқлардек зич қапишиб, эснаб ўтиришар ва сайрга чикқанларни кузатишарди. Баъзи эркаклар маъсума қизларга кўз қисиб, танишлари билан саломлашиб қўйишни қанда қилмасди. Ҳар замон, ҳар замонда осмонда мушақлар чарақлаб, шойи камалакдек етти рангда товланар ва бойлару камбағалларни бирдек ўзига маҳлиё қилар эди.

Турмадаги биринчи кун оғир кечади. Ёруғ оламдан ажралиб қоронғи зулмат қўйнида қолган маҳбус даҳшатли азобларни бошидан кечиради. Деворлар йўқолади, шифт ғойиб бўлади, пол кўзга кўринмайди, аммо барибир ўзингни эркин ҳис эта олмайсан! Нақ гўрнинг ўзи.

Федина гўлдираб дуо ўқий бошлади: “Муқаддас авлиё, Онагинам, ўзинг мадад бер, ахир сен мадад сўраб илтижо қилган бахти қароларни ҳар доим қўллаб келгансан-ку! Сенга сиғинаман, кўз ёшларимни тўкиб, оёқларингга тиз чўкаман, илоҳий онажон! Онажоним Мария, дуоларимни қабул қил! Гуноҳкор бандангни ўзинг қўлла! Омин!” Зулмат уни бўғиб ташлади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Дуо ўқишга ортик мажоли қолмади. Полга узала тушди ва узун қўллари – тобора чўзилиб, ўсиб бораётган қўллари билан барча маҳбуслар, ноҳақ камокқа олинганлар, сарсонлик-саргардонликда кезаётганлар, сайёҳлар учун совуқ гўристон бўлиб қолган ерни қучоқлаб нидо қила бошлади:

Ora pro nobis¹
Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis

У секин-аста ҳушига келди. Қорни очди. Чақалоғини ким эмизади? Эшик тагига эмаклаб келди. Тақиллатди. Ҳеч ким эътибор бермади.

Ora pro nobis
Ora pro nobis

Олис-олисларда кўнғирок ўн икки марта занг урди...

Ora pro nobis
Ora pro nobis
Ora pro nobis

Ўғли у ёқда, ёлғиз...

У ўн икки марта яхши санади... Анча енгиллашди. Тутқунликдан халос бўлганини кўз олдига келтирди. Мана, уйига кириб борди, ҳамма нарса жойида турибди. Хуанитега: “Сени кўрганимдан бахтиёрман”, дейди. Габриелитени чақиради, дон Тимотеога таъзим қилади. У ёқда, шаҳарда тантаналар давом этмоқда, дор ўрнига ўрнатилган экран Марказий майдонни безаб турибди, боғда эса сайрга чиққан одамлар қулларга ўхшаб дарвоза олдида давра олиб айланардилар.

У кута-кута ҳолдан тойганда камера эшиги очилди. Калитлар жаранг-лаганда у ўзини гўё жар оғзида ўтиргандек ҳис қилди ва оёқларини тез йиғиштирди. Икки киши қоронғида тимирскиланиб уни топди ва бир оғиз сўз айтмасдан шамол ғувиллаб турган тор йўлакдан судраб олиб кетишди, икки қоронғи хонадан ўтишгач, катта ёруғ хонага итариб киргизишди. Улар кирган пайтда ҳарбий прокурор котиб билан паст овозда гаплашиб ўтирар эди...

“Бу сеньор Кармелидаги Биби Марям ибодатхонасида орган чалади, – ўйлади Федина. – Уни танигандек бўлиб турибман. Черковда кўрганман. У ёмон одамга ўхшамайди!..”

Прокурор унга диққат билан разм солди. Сўнг расмий саволлар бера бошлади: исми, ёши, табақаси, касби, диний эътиқоди, манзили. Родаснинг хотини барча саволларга аниқ жавоб қайтарди, котиб сўнги жавобини қайд этаётган пайтда ўзи ҳам савол берди, аммо унинг сўзлари телефон кўнғироғи остида кўмилиб кетди, кўшни хонадаги аёл кишининг кескин хирилдоқ овози қисқа сукунатни бузди: “Ҳа! Хўш қандай экан? Жуда мамнунман!.. Эрталаб у ёққа Кандучуни жўнатган эдим... Кўйлагими? Ярашганда қандоқ, роса келиштириб тикилган эди-да!.. Нима?.. Йўқ,

¹Ўзинг мадад бер (лот.)

ҳеч қандай нуқсони йўқ... айтаяпман-ку, ҳеч қандай айби йўқ... Фақат кечикмасдан келинлар. Ҳа, ҳа. Ҳа... кечикманлар... Хайр... Хайрли тун... Хайр..."

Айни замонда прокурор Фединанинг саволига масхаромуз оҳангда жавоб қайтарди:

– Асло ташвишланманг! Сизга ўхшаб ҳеч нарсани билмайдиганларга тушунтириш учун биз бу ерда ўтирибмиз-да...

Унинг бақа кўзлари ногоҳ ўз ўрнидан отилиб чиқди. У овозини кўтарди:

– Фақат олдин сиз менга эрталаб генерал Эусебио Каналеснинг уйида нима қилиб юрганингизни айтиб беринг-чи...

– Менми?.. Мен генералникига бир иш билан келган эдим...

– Айнан қандай иш эканини билсак бўладими?..

– Мутлақо ўзимга даҳлдор иш! Уларга айтмоқчи эдим... мен... Сиз... Майли, ҳаммасини бир бошдан айтиб бера қолай: мен анави полковникнинг ўлими муносабати билан кечқурун уни қамоққа олишмоқчи эканини билдириб қўймоқчи эдим.

– Яна шу аҳволда нима учун қамоққа олишди, деб сўраяпсизми? Қанчалик сурбетлик бу?! Шунинг ўзи кам деб ўйлайсизми? Шу камлик қиладими? Камми шу? Камми?

Савол берган сари прокурорнинг ғазаби қўзиб борарди.

– Тўхтанг, аввал гапимни эшитинг! Сиз гапни бутунлай бошқа ёққа буриб кетяпсиз! Худо ҳақи, эшитинг, мен келганимда у йўқ эди. Мен уни кўрганим йўқ. Мен ҳеч кимни кўрганим йўқ, ҳамма кетиб қолган экан! Фақат энага бор эди!

– Сизнингча, бу камми? Камми, а? Қай пайтда келган эдингиз?

– Минорадаги соат олтига жом чалган эди!

– Хотиранингизга қойилман! Генерални қамоққа олинадидеб кимдан эшитган эдингиз?

– Менми?

– Ҳа, сиз!

– Эримдан эшитдим.

– У кимдан эшитди? Қаердан билади? Ким унга айтди?

– Бир ўртоғи, Лусио Васкес, у махфий полицияда ишлайди. У эримга айтган, эрим эса...

– Сиз эса генералга, – шошилишча гап қисқирди прокурор.

Федина бошини чайқади:

– Йўқ, Худо ҳақи, мен ҳеч кимга айтганим йўқ!

– Генерал қаерга кетди?

– Ё Худойим-ей, мен уни кўрганим йўқ, неча марта айтаман! Эшитяпсизми? Кўрганим йўқ, кўрганим йўқ, кўрганим йўқ! Алдаб нима қиламан? Анавига айтинг, ортиқча нарсаларни ёзиб ўтирмасин!.. – у бармоғи билан котибни кўрсатди. Котиб қатор нуқталар шимдирилган босма қоғозга ўхшаб қолган сепкилдор юзини буриб, унга қаради.

– У нимани ёзиши билан ишингиз бўлмасин! Саволларга жавоб беринг! Генерал қаёққа кетди?

Узун сукунат. Яна прокурорнинг болға билан ураётгандек ғаддор товуши эшитилди:

– Генерал қаёққа кетди?

– Билмайман! Мендан нимани хоҳлаяпсиз? Билмайман, уни кўрганим йўқ!.. Ё худойим-ей!..

– Сизнинг ўрнингизда бўлсам, тихирлик қилмасдим, ҳукумат ҳаммасини билади. Генерал билан гаплашганингиз бизга маълум!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

– Ёлғон гап бу, чин сўзим!

– Яхшиси, кулоқ солинг. Истехзо қилишнинг ўрни эмас. Ҳукумат ҳаммасини билади! Ҳаммасини! Ҳаммасини! – У ҳар гал “ҳаммасини” деганда столга мушт туширар эди. – Агар генерални кўрмаган бўлсангиз, мана бу хат кўлингизга қаердан тушиб қолди?.. Осмондан тушиб, кўлтигингизга кириб қолдимиз?

– У ерда ётган экан, мен дарвозахонадан топиб олдим! Сизга айтганимдан фойда йўқ, барибир ишонмайсиз, мени ёлғончига чиқараверасиз!

– “Ерда ётган экан!” Қандай саводсизлик! – пишқирди котиб.

– Хўп, майли, эртақ сўзлашни бас қилайлик! Яхшиси, бор гапни айтинг. Ёлғон-яшиқларингизни тўхтатмасангиз, ўлгунча мени унутмайдиган бўласиз!

– Мен бор гапни айтаяпман. Ишонмасангиз – ишонмай қўя қолинг. Иложим қанча? Сиз ўғлим эмассиз, калтаклолмайман.

– Бу сизга қимматга тушади, ҳали эслаб юрасиз! Энди бошқа саволга жавоб беринг. Генерал сизга ким бўлади? Синглисимисиз? Ёки бирон... мижозимисиз... У сизга нима учун керак?

– Менга... генералдан... ҳеч нарса керак эмас... уни бор-йўғи икки марта кўрганман, холос... Бу ерда шундай бўлиб қолдики... унинг қизи, унинг қизи ўғлимни чўқинтирмоқчи бўлган эди...

– Бу баҳона бўлолмайди!

– У васий бўлишга розилик берган эди!

Котиб гап қўшди:

– Роса ёлғон тўқияпти.

– Мен кўрқиб кетдим, бутунлай бошимни йўқотиб қўйдим. Ана шу Лусио кечаси генералнинг қизини ўғирлашмоқчи деб айтди...

– Ёлғонни йиғиштиринг! Генерал қаерда эканини менга айтиб берсангиз, ўзингизга яхши бўлади. У қаерда экани сизга маълум, буни мен яхши биламан, бунинг устига, бу нарса фақат сизга маълум, ҳозир у қаерда эканини менга, фақат менга айтиб берасиз... Хўш, ингиллашни йиғиштиринг, гапиринг, мен эшитаман!

Яна секин, худди руҳоний отадек дона-дона гапирди:

– Агар генерал қаердалигини менга айтсангиз... кулоқ солинг, унинг қаердалигини билишингиз менга маълум, генерал яширинган жойни менга кўрсатиб берсангиз, мен сизни кечираман. Сизни озод қилишга буйруқ бераман ва мана шу ердан тўғри уйингизга борасиз... Ўйлаб кўринг, яхшилаб ўйлаб кўринг!

– Э Худойим-а, билганимда ҳозирок айтиб берардим-ку! Қанийди шуни билсам! Пешонам бунча шўр бўлмаса! Билмайман дедим-ку! Нега ишонмайсиз?! Бу чин сўзим ахир!

– Тониб нима қиласиз? Бу ишингиздан ўзингизга фақат зарар келади-ку! Наҳотки шунга ақлингиз етмаса?!

Прокурорнинг гаплари орасидаги бир лаҳзалик сукут пайтида котиб ҳуштак чалиб, тишларини тозалаб ўтирарди.

– Кўраяпманки, яхшилик билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан! Битлиқи халқ! – Прокурор уйғонаётган вулқондек наъра тортди. – Куч ишлатишга тўғри келади. Шуни билиб кўйингки, сиз ўта оғир давлат жиноятини содир этгансиз. Сиз ҳозир қонун кўлидасиз, сотқин, исёнкор, қотил ва Сеньор Президентнинг ашаддий душманини қочириб юборишда айбланасиз... Сиз билан ортиқча гаплашиб ўтиришга ҳожат йўқ!..

Хенаро Родаснинг хотини бутунлай адойи тамом бўлди.

Бу дарғазаб махлуқ ҳозир манфур ишга қўл уриши аниқ, улар даҳшатли,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ўлимдан оғир жазони қўллашга шайланиб туришибди... Унинг қўллари қалтиради, оёқлари букилиб, тишлари тақиллай бошлади... Худди суяк-лари юлиб олингану, бармоқлари ўрнида курук қўлқоплар осилиб тургандек. Тишлари фалокатдан огоҳлантираётгандек, тиззалари кутурган отлар қўшилган чанадан сакраб тушаётгандек букилиб-букилиб кетади.

– Сеньор! – илтижо қилди у.

– Мен билан ҳазиллашиш қандай бўлишини кўрасиз! Қани тез бўлинг, генерал қаерда?

Олис бир ерда эшик очилиб, мурғак боланинг аччиқ йиғиси эшитилди. Қайноқ, ночор, адоқсиз мунгли нола...

– Ўғлингизга ачинмайсизми?!

Унинг гапи тамом бўлмасдан Федина бошини кўтарди. У ваҳимага тушиб, атрофга аланглади – бу фарёд қаердан келяпти?

– У икки соатдан бери фарёд солади. Кўраман деб беҳуда овора бўлманг, кўролмайсиз. У икки соатдан бери очликдан йиғлайди, агар генерал қаерга яширинганини айтмасангиз – очликдан тўнғиз кўпади!

Аёл эшикка интилди, аммо учта барзанги йўлини тўсди, учта баҳайбат иблис уни ўйинчоқ қилиб судраб келди. Сочлари тўзғиди, кофтаси ечилиб кетди, юбкаси сирғалиб тушди – бу латта-путгалар кимга керак? У деярли яланғоч, прокурор олдига эмаклаб келиб, тиз чўкди ва гўдакни эмизишга рухсат сўраб ялиниб-ёлворди.

– Генерал қаердалигини айтсангиз, барча истагингиз бажарилади.

– Исо алайҳиссалом ҳақи, сеньор, илтимос қиламан, – нола кўтарди у прокурор этигини кучоқлаб. – Исо ҳазратлари ҳақи эмизишга рухсат беринг, қандай қийналаётганини кўрмаяпсизми?! Бир эмизиб берай, майли, кейин мени ўлдирсангиз ҳам майли.

– Худони ўртага қўйиб нима қиласиз! Генерал қаердалигини айтма-гунингизча ўрнимиздан қимирламаймиз. Ўғлингиз ўлиб кетсин – бизга нима?

У остонада турганлар олдига тиззалаб бориб, оёқларига тиз чўкди, сўнг яна прокурор этикларини кучоқлаб, ўпишга уринди.

– Сеньор, ўғлимга раҳм қилинг!

– Келинг, ўғлингиз ҳақи, генерал қаердалигини айтинг. Тиз чўкишингиздан фойда йўқ. Майнавозчиликни бас қилинг. Саволга жавоб бермасангиз – болангизни эмизмайсиз.

Прокурор ўрнидан турди – ўтиравериш жонига теккан эди. Перо билан тишини кавлаб ўтирган котиб бахти қаро аёлнинг гапларини ёзишга чоғланди.

– Генерал қаерда?

Қиш чоғларида дамбадаги сувлар нола чекади. Чақалоқ ана шундай нола чекиб, бўғилиб йиғлар эди.

– Генерал қаерда?

Ярадор ҳайвонга ўхшаб қолган Федина лабларини тишлаб, нима қилишини билмай жим турар эди.

– Генерал қаерда?

Шу тарзда беш... ўн... ўн беш дақиқа ўтди. Ниҳоят, прокурор қора хошияли дастрўмол билан лабларини артиб, ошкора пўписага ўтди:

– Айтишни хоҳламасангиз, сўндирилмаган оҳак билан баданингизни артишга тўғри келади. Балки ана шунда генерал қайси йўл билан кетганини айтиб берарсиз!

– Нимани хоҳласангиз шуни қиламан... Фақат беринг менга... беринг...

чақалоғимни эмизишга беринг! Сеньор, мени бунчалик хўрламанг, кўриб турибсиз-ку, бу адолатсизлик! Сеньор унинг гуноҳи йўк. Яхшиси, қанча бўлса мени азобланг, майли!

Эшикни кўриқлаб турган одамлардан бири уни полга ағдарди. Бошқаси оёғи билан тепди, аёл полда тўлғана бошлади. У ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарсани сезмай қолди, фақат қулоғига биғиллаб йиғлаётган чақалоғининг ноласи эшитилар, фақат шуни сезарди, холос.

Бошқа урмасликлари учун у оҳакни арта бошлаганда соат тунги бир бўлганди. Чақалоғи йиғларди.

Ҳар замон, ҳар замонда прокурор:

– Генерал қаерда? Генерал қаерда? – деб сўраб турарди.

Соат... Икки...

Ниҳоят, уч... Ўғли йиғларди.

Уч, аслида беш бўлиши керак эди...

Ҳали тўрт бўлмапти... Ўғли ҳамон йиғлайди...

Тўрт... Йиғлайди...

– Генерал қаерда? Генерал қаерда?

Кўллари чарсиллайди, бармоқларининг териси шилиниб тушади, тирноқлари тагидан қон оқади. Федина оғриқдан инграйди, ғадир-будир бўлиб қолган кўлларида оҳакни артиб йўқотишга уринади. Оғриқдан эмас, ўғлини сўраш учун бир амаллаб ўзини кўлга олганда уни яна калтаклашади.

Прокурорнинг овози қулоғига кирмай қолди. Ўғлининг йиғиси тобора заифлашиб, ҳа, заифлашиб борарди...

Иигирма дақиқаси кам бешда улар кетишди, у полда ағдарилиб ётар, хушини йўқотган эди. Шилимшиқ сўлак лабларига ёпишиб қолган, майда-майда яра босган сийнасидаги нозик томирчалардан оҳакка ўхшаган оппоқ сут оқарди. Шамоллаб қизарган кўзларидан сийрак кўз ёшлари томчилайди.

Кейинроқ, тонг отганда уни камерага судраб кирдилар. У шу ерда ўзига келди. Ёнида бадани совиб, латта кўғирчоқдек шалвираб қолган чалажон ўғли ётарди. Она кўксини эмгач, унга салгина жон киргандек бўлди ва очкўзлик билан кўкракка ёпишди; аммо оҳакнинг аччиқ ҳидига чидай олмади, оғзидан чиқариб юборди, яна чинқириб йиғлашга тушди, қайта эмизишга қанча уринмасин, нафи бўлмади. Уни бир кўлида ушлаб, иккинчиси билан эшикни тақиллатиб, чақиришга тушди... Чақалоқ эса кўкариб борарди... Тобора кўкариб, кўкариб борарди. Наҳотки, бу беғубор, беғуноҳ норасида гўдакни онасининг кўлида ўлсин деб келтириб беришган бўлса?..

У яна эшикни тақиллатиб уриб, ёрдам сўраб бакира бошлади...

– Ҳой, ўғлим ўлаяпти! Ўғилчам ўлаяпти! Вой кадрдоним, вой шириншакарим, вой дўмбоғим! Ёрдамга келинглар! Очинглар! Очинглар! Худо ҳақи, очинглар! Ўғлим ўлаяпти! Муқаддас Биби Марям! Авлиё Антоний! Муқаддас Катерина!

Девор ташқарисида байрам давом этарди. Бугун байрамнинг иккинчи куни. Дорга ўхшаган чойшаб осиглик; боғда қуллар айлана бўйлаб дарвозани айлантиришади.

МУҲАББАТ ЖАФОСИ

– Келади... Келмайди...

– Гапларим эсингиздан чиқмасин!..

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

У кечикмокда. Келса бўлди-да, тўғрими?

– Келмасдан иложи йўқ. Сиз ташвиш тортманг. Агар келмаса, майли, Худо мени парча-парча қилиб ташласин!..

– Отам ҳақида бирон-бир гап топиб келармикин? У шунга ваъда берганди...

– Умид қилиш керак...

– Фақат ёмон хабар эшитмасам бўлгани!.. Нима бўлаётганини яхши тушунолмай қолдим. Чамаси, ақлдан озаётганга ўхшайман... У тезроқ кела қолсайди, ҳаммасини билгим келади... агар аҳвол ёмон бўлса, келмасаям майли!

Бека уйдаги ясатилган хос хонада каравотда ётган Камиланинг қалтироқ овозини эшитиб ўтирарди. Пол устига ўрнатилган Биби Марям хайкали олдига қўйилган шамчиरोқ хира нур таратади.

– Келади, келади, яхши хабарлар олиб келади, шу гапларим ёдингизда турсин... Буни қаердан билади деб ўйлайсизми? Юрагим сезиб туради, ҳаммаси худди рисолада ёзилгандай... Аслида у эркакларни... Сизга айтиб берсам ишонмайсиз... албатта, ҳар хил бўлишади... э, куриб кетсин, ҳаммаси бир гўр... Худди итнинг ўзи... Суяк ҳидини олса бўлди, уймалашиб қолади...

Камила оловни пуфлаб ёндираётган беканинг ҳаракатларига бефарқ қараб ётарди.

– Муҳаббат – музнинг ўзи. Сўра бошласанг – ширин-шакар, кейин қарасанг, биттагина чўп қолади!

Кўчада қадам товушлари эшитилди. Камиланинг юраги қаттиқ уриб кетди, иккала қўли билан кўксини чангаллади. Товушлар эшикдан узоқлашади ва аста-секин йўқ бўлди.

– У келаяпти деб ўйлагандим.

– Ҳозир келади!

– Менимча, у аввал қариндошларимникига боради. Топдим, у Хуан амаким билан бирга келади...

– Пишт! Сутга мушук тегиб қўйди. Ҳайдаш керак...

Камила мушукка қаради, стуллардан бирида турган идишдаги сутни ича бошлаган мушук беканинг ҳайқириғидан кўрқиб, мўйловларини ялаб қочишга шайланди.

– Мушугингизнинг оти нима?

– Ладан...

– Мениям мушукчам бор эди. Капля деб чақирардик.

– Ана, кимдир келаяпти! Балки...

У келган эди.

Бека эшикни очгунча, Камила сочларини тартибга солиб улгурди. Юраги дукуллайди. Бутун кун бўйи (унинг адоғи йўқдек туюлди) тинкамадори қуриди, рухан эзилди, довдиради, ўзаро пичирлашиб гаплашаётган жарроҳлар ҳузурида турган оғир беморга ўхшаб шалпайиб қолди.

Қара де Анхел остонадан ўтиши билан юзидаги ташвиш ифодасини сидириб ташлаган эди. У очик чехра билан:

– Яхши хабарлар бор, сеньорита! – деди.

Камила каравот оёғига суяниб турар, юзи тахтадек қотиб қолган, кўзлари ёшга тўла эди. Мулозим уни қўлидан ушлади.

– Аввало, энг муҳими, отангиз ҳақида. – У бекага бир қараб олиб, товуш оҳангини ўзгартирмасдан бошқа нарса ҳақида гапирди:

– Отангиз бу ерда эканингизни билмайди...

– Ўзи қаерда?

– Тинчланинг!

– У соғ-саломат эканини билсам бўлди!..
 – Ўтирсангизчи, дон-н-н-н... – гапга аралашди бека унга курси қўйиб берар экан.

– Раҳмат...

– Сизлар бемалол гаплашиб олинглар, ҳозир сизларга керагим йўққа ўхшайди, яхшиси, мен бориб Лусиодан хабар олай, эрталаб чиқиб кетганича дараги йўқ.

Мулозим Камилани ёлғиз қолдириб ташқарига чиқманг демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганича қолди. Бека кийимларини алмаштириш учун ичкари хонага кириб кетди, унинг ўрнига Камила жавоб берди:

– Қилган барча яхшиликларингиз Худодан қайтсин, сеньора! Эшитяп-сизми?.. У нақадар меҳрибон камбағал аёл! Фақат олижаноб гаплар билан дилимни овутди! Сиз жуда бадавлатсиз, олижаноб, насли тоза одамсиз, у сизни кўпдан бери яхши билади...

– Ҳа, меҳрибон аёл экани кўришиб турибди, аммо, шундай бўлса ҳам унинг олдида ҳамма гапни айтиш мумкин эмас, у бизни холи қолдиргани маъкул. Отангиз ҳақидаги маълумот шуки, у хавфсиз жойда, то чегарадан ўтиб кетгунча бошқа ҳеч қандай маълумот ололмайсиз. Қани, айтинг-чи, бояги хотинга отангиз ҳақида бирон нарса дедингизми?

– Йўқ, у ҳаммасидан хабардор деб ўйладим.

– Шуниси маъкул, у ҳеч нарсани билмаслиги керак.

– Амакиларим нима дейишди?

– Отангиз билан бўлиб, уларникига боролмадим. Аммо эртага кириб ўтаман, деб уларни огоҳлантирдим.

– Ташвишга қўйганим учун кечирасиз. Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, уларникида тинчроқ бўламан. Айниқса, Хуан амакимникида. У мени чўқинтирган отам, ўзининг қизидек бўлиб қолганман...

– Тез-тез кўришиб турардингизми?

– Деярли ҳар куни... Ҳа... Деярли... Агар боролмай қолсак, у бизникига ё бир ўзи, ё хотини билан келарди... Дадам уни жонидан ортиқ суярди. Дадам: “Мен йўқ бўлсам, Хуан билан қоласан. Сен уни ардоқлашинг ва отанг ўрнида кўришинг керак”, деб кўп такрорларди. Якшанба куни ҳар доим бирга тушлик қилардик.

– Нима бўлишидан қатъи назар, сизни полициядан яшириш учун бу ерга олиб келганимни билиб қўйганингиз яхши.

Пилиги тозаланмаган шамчироқ шабкўр одамга ўхшаб тебраниб, хира нур сочади.

– Нимани ўйлаб қолдингиз?

У содда ва хотиржам гапирарди.

– Отамни ўйлаяпман, ҳозир унга қанчалик оғир, бегона жойларда... қоронғи... сизга қандай тушунтирсам... У оч қолган, ухлагиси, сув ичгиси келади... унга қарайдиган ҳеч ким йўқ... Унга Биби Марям мадақкор бўлсин!.. Унинг сурати олдида бугун кун бўйи шам ёниб турди...

– Ҳар хил хаёлларга бориб, бошингизга фалокатни чақирманг. Пешонага нима битилган бўлса, шу бўлади. Такдир бизни учраштирди, отангизга ёрдам бераман, деб ким ўйлаб кўрибди? – Қизнинг қўлидан ушлади, у қаршилиқ қилмади, иккаласи Муқаддас аёл тасвирига узоқ тикилиб ўтиришди.

*Самовот эгаси ушлаб калитин
 Оптоқ қорга туширди илоҳий тасвир.
 Осмонда нур сочган ёруғ юлдузга
 Бокира танингни қўйди муҳрлаб!*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бундай осуда дамларда айтишга сўз топилмайди, беором юраклар эса бир хилда депсиб ура бошлайди.

– Менга айтинг-чи... Дадам ҳозир жуда узоқда бўлса керак... Биз буни тахминан қачон била оламиз?..

– Аниқ айтолмайман. Фақат вақт кўрсатади.

– Қўп кутамизми?

– Йўқ...

– Хуан амаким билса керак?

– Бўлиши мумкин...

– Уларни тилга олганимда менга нега ғалати тикиласиз?

– Нималар деяпсиз? Асло ундай эмас. Аксинча, улар бўлмаса, зим-мамдаги масъулият янада оғирроқ бўларди... Улар бўлмаса, сизни қаерга олиб бораман?

У қариндошлар ҳақида бутунлай бошқа оҳангда гапирар эди. (Соқчилар генерални ҳайдаб келаётганини кўз олдига келтирганда уни даҳшат босарди. Балки қонга беланган танасини занжирга солиб олиб келишар?..)

Эшик кўкқисдан зарб билан очилди. Бека ҳовлиқиб кирди. Тиргаклар полга тарақлаб тушди. Шам нури тебрланди.

– Кечирасизлар, сизларни безовта қилдим... Менинг Лусиомни олиб кетишибди... Кўшним айтиб берди, ёнидан қоғоз чиқиб қолибди. Турмага жўнатишибди. Ҳаммасига ана шу мишиқи Родас сабабчи. Куни билан мен ҳам юрагим дук-дук уриб, не ҳасратда ўтирдим. Бу битлики бўлса сиз билан Лусико бегойимни олиб кочди деб соткинлик қилибди...

Мулозим уни тўхтатолмай қолди. Бир дунё сўз... ва бирдан портлаш... Бир дақиқа, балки ярим дақиқа ичида ҳамма нарса: Камила, ўзи, бахти қаро севгиси осмонга учиб кетди. У ўзига келганда Камила юзини ёстикқа босиб аччиқ кўз ёши тўкар, бека эса ҳар бир сўзи тўфонга айланиб, оламга ўт қўяётгани ва ўзини ҳам тириклай ўпқонга тортиб кетаётганини ўйлаб ўтирмай, қизни қандай ўғирлашгани ҳақида тинимсиз сайрамоқда эди.

Камила узоқ йиғлади. Сўнг ойпараст қизларга ўхшаб ўрнидан турди ва ўраниб олиш учун бирон нарса беришни бекадан сўради.

– Агар сиз олижаноб одам бўлсангиз, – деди у Мигелга бека узатган шол рўмолни олар экан, – мени амаким Хуаннинг олдига олиб боринг.

У ҳозир қизга бор ҳақиқатни айта олмаслигини, тақдир ўқи юрагини тилка-пора қилиб юбораётганини, айтилмаган сўзлари эса кўзларига жойлашиб олиб умидсиз нола чекаётганини билдиришдан ожиз эди.

– Шляпам қаерда? – сўради у бўғиқ овозда.

Шляпасини қўлига олиб, барча орзу-умидлари барбод бўлган ковоқхона ичкарасига охирги марта назар солиш учун ўрнидан турди.

– Фақат, – деди у остонада бир зум тўхтаб, – фақат кечикмадикми деб кўрқаман...

– Бегона жойга бораётганим йўқ-ку. Ўз туғишганларимникига бораман. У ер мен учун – ўз уйим.

Кара де Анхел унинг қўлини оҳиста ушлади ва худди юрагидан узиб олаётгандек шафқатсиз сўзларни айтишга мажбур бўлди:

– Уларникига бориш мумкин эмас. Улар сиз ҳақингизда эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Улар акасидан воз кечишди. Бугун эрталаб амакингиз Хуан буни менга айтди.

– Уларни кўрганим йўқ деб ўзингиз айтдингиз-ку! Фақат бораман дегансиз уларга! Гапларингиздан тонадиган бўлиб қолдингизми? Қариндошларимга беҳуда тўхмат қиляпсиз. Қўлингизга тушган ўлжадан

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

воз кечолмаяпсиз – мана, гап қаерда? Мен ҳақимда эшитишним хоҳлашмайди, мени қабул қилишмайди эмиш! Ақлдан озиб қолибсиз! Қани, кетдик!

– Ақлдан озганим йўқ. Хўрланишингизни кўргандан кўра – ўлганим яхши. Сизга ёлғон гапирдим... сабабини... билмайман. Сабаби, элданбурун азобланишингизни хоҳламайман. Мен эртага тагин уларникига бормоқчи ва сизни кўчада қолдирмасликларини сўраб ялиниб-ёлбормоқчи эдим, энди бундай қилиб бўлмайди. Сабаби, ўзингиз бораман деб оёқ тираб олдингиз, энди ҳаммаси бекор..

Бека ҳайкалча олдидаги шамни кўтариб, уларни кўчагача кузатди. Кўчалар саҳродек кимсасиз! Мўъжазгина аланга тебраниб, ўчиб қолди.

ЭШИКЛАР ОЛДИДА

Тўқ-тўқ! Тўқ-тўқ-тўқ!..

Дарвоза тақиллатадиган болғанинг қувноқ садолари ҳовли бўйлаб тарқалади. Роҳатланиб мудраётган ит уйғониб кетди. Ўрнидан сакраб туриб, хуришга тушди. Камила мулозимга ўгирилиб қаради – бу ерда – амакисининг дарвозаси тагида ҳеч кимдан кўркмас эди – унга ғурур билан хитоб қилди:

– У мени танитай турибди. Олмос! Олмос! – кичқирди итга қараб. – Олмос, мен келдим! Танитай қолдингми-а? Югур, уларга хабар бер.

Яна йўлдошига ўгирилди:

– Озгина кутамиз.

– Ҳа-ҳа, майли, мени ўйлаб ташвишланманг, кутамиз.

У ҳамма нарсасидан ажралган ва ҳеч нарсага умид қилмайдиган одам сингари лоқайд гапирарди.

– Эшитишмаяпти, шекилли. Қаттиқроқ тақиллатиш керак.

У тилла рангига бўялган, қўл шаклида ясалган болғачани кўп марталаб дарвозага уриб турди.

– Оксочлар ухлаб қолганга ўхшайди. Шу пайтгача очишлари керак эди! Дадамнинг гаплари бежиз эмас экан, биласизми, у ҳам уйқуси камлигидан қийналарди, – уйқусизликдан безор пайтларида: “Оксочлардек тўйиб ухлашни хоҳлайман!” деб қўярди.

Ит вовуллайди, ичкаридан бошқа садо чиқмайди. У гоҳ дарвоза олди-дан, гоҳ ҳовлининг энг ичкарисидан тинмай ақиллайди – ит ҳовлидаги тошларни шақиллатиб югуради.

– Ажабо! – деди қиз эшик олдида кўзғалмай, жимжитлик уни руҳан эзиб ташламоқда эди. – Улар ухлаб қолишган. Қаттиқроқ тақиллатиб кўрай-чи...

– Тўқ! тўқ-тўқ! Тўқ-тўқ!-тўқ!

– Ҳозир чиқиб қолишади, эшитишмаяпти, холос.

– Қўшнилари чикса яхши бўлмайди, – деди Кара де Анхел. Туман пардаси қуюқлашган. Аммо бошқа эшикларнинг очилиб-ёпилиши эшитилиб турарди.

– Чарчаб қолганингиз йўқми?

– Ҳечқиси йўқ, тақиллатинг! Яна бир дақиқа кутайлик, ҳозир чиқишади.

Камила вақт тезроқ ўтсин деб ичида санай бошлади: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч, ўн тўрт, ўн беш, ўн олти, ўн етти, ўн саккиз, ўн тўққиз, йигирма, йигирма бир, йигирма икки, йигирма уч... йигирма уч... йигирма уч... йигирма тўрт, йигирма беш...

– Келишмаяпти!

... йигирма олти, йигирма етти, йигирма саккиз, йигирма тўққиз, ўттиз, ўттиз... ўттиз, ўттиз бир, ўттиз икки, ўттиз уч... ўттиз уч, ўттиз тўрт... ўттиз беш, – у элликкача санашдан чўчимокда эди, – ўттиз олти... ўттиз етти... ўттиз саккиз...

Ногоҳ, ҳеч кутилмаганда унинг хаёлига у Хуан амакиси ҳақида рост гапирган экан, деган фикр куйилиб келди. Нафасини ичига ютиб, эшикни қатъият билан қаттиқ тақиллата бошлади. – тўқ, тўқ-тўқ-тўқ, – у болгани кўлидан кўймади. – Тўқ, тўқ, тўқ, тўқ, тўқ, тўқ – бўлиши мумкин эмас!.. тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ-тўқ.

Жавоби оддий – ит тинмай акиллайди. Уларга нима ёмонлик қилган эди, нега очишмаяпти? Яна тақиллатди. Ҳар бир зарбадан кейин илинж пайдо бўларди. Эшикни очишмаса, ахволи нима кечади? Шу хаёлнинг ўзи уни ваҳимага соларди. У тақиллатди, тақиллатди. Ашаддий душманининг бошига болға билан ураётгандек тақиллатаверди. Оёқларидан мажол кетди, оғзи қуриб қолди, тили танглайига ёпишди, кўркувдан тишлари тақиллай бошлади.

Дераза ғийқиллади, овозлар эшитилди. Ҳаммаёқ илиб кетгандек бўлди. Келишмаяпти, худойимга минг қатла шукур! Ёнидаги одамдан тезроқ кутулиш керак, унинг кўзлари қоп-қора, аммо мушукникидек ёмон тикилади. У чиройли, фариштадек кўринганига қарамай, ёмон одам. Кўчалар ва уйлар олами дарвоза билан тўсилганига қарамай қорамтир юлдузлар сингари тутатиб кетган. Уйда ҳеч кимга билдирмасдан яширинча нон ейиш мумкин – бекитиб ейилган нон ширин туюлади-да! Уй донишмандликка ўргатади, у химоя қилади, мустаҳкам туради, у – худди оилавий фотосуратга ўхшайди: отаси галстук таққан, онаси қимматбаҳо либосларга бурканган, болаларнинг сочи ҳақиқий атир билан хўлланган. Кўча эса қалқиб туради, хавфли, хатарли, ойна сингари алдамчи. Кўча – умумий кирхона, у ерда еттиёт бегоналарнинг чойшаблари ювилади.

Болалигида бу эшиклар орасида неча марталаб ўйнаган эди. Ўйинлар Хуан амакисини кўчага кузатиб чиққунича давом этарди, шу ердан туриб кўм-кўк осмон остида ярқираб турган томларни томоша қиларди.

– Ойна очилганини эшитдингиз-а, тўғрими? Бизга эса очишмаяпти... Балки биз... бошқа жойга келиб қолгандирмиз?

У болғачани ташлаб унинг пиллапоялари олдига чошиб борди. Йўқ, адашган эмас. Хуан амакисининг уйи. Тунука тахтачага: “Хуан Каналес. Инженер”, деб ёзиб қўйилган.

Ўпкаси тўлиб, болаларча хўнграб йиғлаб юборди. Ақлининг энг тегран жойларидан жажжи қора отларга минган қора фикрлар қайнаб чиқа бошлади. Кара де Анхел тўғри гапирган экан. Камила эшитишни ҳам хоҳламаган эди, аслида, у ҳақ бўлиб чиқди.

Кўчани қаймоқдек қуюқ, семиз ўтдек ўткир хидли лойқа туман босди.

– Мени яна озгина кузатиб қўйинг. Дастлаб Луис амакимникига борамиз...

– Хоҳлаган жойингизни айтинг...

– Хўп, кетдик бўлмаса, – кўз ёшлари ёмғирдек қуюлди, – булар менинг киришимни хоҳлашмаяпти.

Улар юриб кетишди. Қиз ҳар дақиқада орқасига қараб кўяр, ҳали ҳам умиди узилмаган эди; мулозим эса хўмрайиб, жим борарди. Бундай қилиқ дон Хуан Каналесга ярашмайди!

Бунақа ҳақоратни кечириш мумкин эмас! Улар кетишди, ит акиллаб қолди. Умидлар узилди. Вовуллаш ҳам тинди. Зарбхона олдида сархуш

хат ташувчига дуч келишди. У ойпараст каби чайқалиб, хатларни йўл-йўлакай сочиб борар, кўлларини кўкка чўзиб, ғалаги овозлар чиқарарди, узун сўлаги чўзилиб, хизмат курткасидаги тугмачага ўралиб қолган эди. Камила билан Кара де Анхел бирданига унинг ёнига югуриб боришди, хатларни йиғиб, халтасига солишди ва энди бундай қилманг деб тайинлашди.

– Сиз-лар-га раҳ-мат!.. Кат-та раҳ-мат де-яп-ман...

Хат ташувчи зарбхона деворига суянганча қийналиб гапирар эди. Улар кетишди. Хат ташувчи ҳам халтасини қучоқлаб, кўшиқ куйлаб йўлга тушди:

*Осмонга чиқмоқ учун
Зарурдир икки зина;
Узун бўлади бири,
Иккинчиси калтароқ.*

Кейин нақоротга ўтди:

*О, илоҳа, сен кўкдасан,
Айт-чи, қаерда манзилинг.
Ўз мамлакатинг сари
Борасан, борасан, борасан!*

– Айлиё Иоанн бармоғини чўзиб, хат ташувчилар орасидан мени... Гу... Гу... Гумерсиндо Соларесни кўрсатади...

Яна куйлайди:

*Ўлсам агар, айтинг-чи,
Тобутимни кўтаради ким?
Фақат роҳиба аёллару,
Хизматга тайёр бир поп!*

– Оҳ-оҳ-оҳ-оҳ, ҳеч кимга, ҳеч кимга ке-ра-гинг йўқ-дир сенинг.

Қокилиб, туман ичида ғойиб бўлди. Бўйи кичкина, калласи катта эди.

Айни шу дамда Хуан укаси Хосе Антониога телефон қилиб гаплашмоқда эди. Марказий тармоқ жавоб бермади. Гўшакдан тинимсиз шовқин ғувиллаб турди. Ниҳоят, ер остидан чиққандек овоз келиб қолди. У дон Хосе Антонио Каналеснинг уйини сўради, ҳеч қутилмаганда акасининг таниш товушини эшитди.

– Лаббай, ҳа. Мен ўзим, Хуанман... Танаймай қолдингми деб ўйлабман... Гап бундай, тасаввур қилиб кўр. Ана шу нусха билан, ҳа... Нимасини айтасан, нимасини айтасан! Ҳа, тушунарли... Ҳа... ҳа... Нима? Йў-ўқ, албатта очганимиз йўқ!.. Оқибатини ўйлаб кўргин... Бу ердан сеникига кетишгандир... Нима, нима? Ўзим ҳам шундай ўйлагандим... Ҳа, жуда кўрқиб кетдик!.. Ҳа, сизлар ҳам шундай бўлдингларми?.. Хотинингга катта зиёни тегади... Меники очмоқчи бўлди, рухсат бермадим!.. Албатта, ўз-ўзидан маълум!.. Қўшнилари-чи... Албатта, албатта! Меники ундан баттар... Жони чиқаёзди... Сендан кейин Луисникига боришса керак... А, шундайми?.. Бориб бўлишибдими?

Тонг оқимтир, заиф, ҳар жой-ҳар жойда лимон ёки апельсин шарбатини эслатадиган журъатсиз ёруғ шуъла, гуриллаб ёна бошлаган гулхан алангасининг олтинранг жилоси – тонг. Улар дон Хосе Антонио дарвозасидан узоқлашиб бормоқдалар.

Камила ҳар қадам ташлаганда:

– Уларни худо жазолайди, – деб такрорлайди.

Унинг тишлари тақиллайди. Нам босган кўзларига яшил ўтлоқлар маъносиз телмуради – тонгни бу даражада аччиқ қаршилашни у тасаввур ҳам қила олмасди. У тақдир зарбаси қарахт қилиб кўйган кишиларга ўхшаб

гандираклайди. Оёғи тушовлангандек. Хаёли жойида эмас.

Кушлар тонгни шахар боғидаги ёки кичик кулбалардаги сархуш қалин бутокларда кутиб оладилар. Самовий садолар қалтираб тонг шуъласига қоришиб кетади. Атиргуллар уйғониб тангри таолога салом берадилар, гўшт дўконидаги ўтмас болталар уларга жўр бўлади; хўрозлар қанот қоқиб, кичкириб кўшиқларини машқ қиладилар; катта саватлардан нон иси таралади; тунги дайдилар тентирайдилар, эшик ғийқиллайди – кампир черковга шошилади ёки дастёр қиз хўжайинини нонушта қилиб кетмоғи учун нон дўконига югуради.

Тонг ёришмоқда...

Кузғунлар ўлган мушук жасадини тортқилашади, қулунлар оч кўзларини ялтиллатиб, нафаси бўғилиб, биялар ортидан югуришади. Бир кўппак оқсоқланиб, думини қисиб, ҳадиксираб маъюс боқади ва тишларини ғижирлатади. Улар деворлару эшикларга кичик Ниагара шоввасини чоптирадилар.

Тонг ёришмоқда.

Туни билан марказий кўчаларни супуриб чиққан, шарпани эслатадиган дағал кийим кийган хиндулар тизилишиб, кулбаларига қараб борадилар; уларнинг кулгиси ва тушуниб бўлмайдиган сўзлари тонг сукунатида чирилдоқлар товушига ўхшаб таралади. Бошлари узра соябон ўрнига супургиларини кўтариб олишган. Бодомдек тишлари оппок. Гоҳо-гоҳо баъзилари тўхтаб, кўриқчиларга қаратиб бурнини қоқади. Ибодатхоналар олдидан ўтаётганда ҳаммаси шляпасини қўлга олади.

Тонг отмоқда...

Биринчи маросимхонадан қуюқ тутун кўтарилади. Олисда паровозлар хуштак чалади.

Қовоқхона бекаси улар бирга қайтганини кўриб, ниҳоятда шод бўлди.

У кечаси билан кўз юммай чиқди, улар келиши билан Васкесга овқат бериш учун турмага чопқиллаб кетди.

Кара де Анхел хайр-маъзур қилди, Камила эса бахтсиз қисмати учун куйиб йиғлади.

– Кўришгунча, – Мигель нега шундай деганини ўзи ҳам билмай қолди. Қайтиб келиши учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди.

Ташқарига чиқар экан, ҳозир онасининг ўлимидан кейин биринчи марта йиғлаб юборишини ҳис қилди.

*Рус тилидан
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
таржимаси*

(Давоми бор)



ЯХШИ ДЎСТГА ЖОН БАҒИШЛАБ

Муқазали МАҚАТОЕВ

(1931 – 1975)

XX аср қозоқ шеъриятидаги ёрқин юлдузлардан бири. Шоир ва таржимон. Шекспир сонетларини, Дантенинг “Илоҳий комедия”сини қозоқчага таржима қилган. Кўплаб шеърлари халқнинг сеvimли кўшиғига айланиб кетган. Қозогистон Давлат мукофоти совриндори (1999 йил вафотидан кейин).

АЁЛЛАР

*Аёллар-ай, аёллар-ай, қандайсиз?
Гўзалликда Кўёшдайсиз, Ойдайсиз!
Биров қовоқ уйса – ундан қолмайсиз,
Биров севдим деса – сизлар бормайсиз.*

*Хаммасини билиб туриб, индамай,
Кетасизлар тинглаб туриб, тингламай.
Аёллар-ай, мугомбирлар, қувларсиз,
Аёллар-ай, барчангиз сулувларсиз!*

*Аёллар-ай, аёллар-ай, қандайсиз?
Ширинликда асалдайсиз, болдайсиз!
Аёллар-ай, мугомбирлар, қувлар-ай,
Аёл деса – кўзлар порлаб турган-ай.*

*... Аёлларни эркаклардан кўп дейди,
Ўй-бай, ўй-бай, бўлаверсин кўп, майли!
Аёл ахир гўзаллик-ку, гўзаллик,
Гўзалликлар сира кўплик қилмайди!*

* * *

*Тугилади чин шоир, туғилар у,
Ҳализамон бол – заҳар томизар-ку.
Есирларнинг айрилмас сирдоши бўп,
Жаллоднинг ҳам кўзидан ёш оқизар у.*

*Шеър сўзлари ёмғирдай отилганда,
Отилганда, осмондан ўқилганда,
Соқовларга тил битар,
Кар эшитиб,
Кўз пайдо бўлажакдир сўқирларда.*

Тугилади чин шоир ҳализамон...

КУЙЛАСАММИКАН?..

*Куйласаммикан, йигласаммикан – билмайман,
Олдимда турган одамни манов ким дейман?!
Олдимда турар адашиб юрган орзуйим,
Йиглатсаммикан, юпатсаммикан – билмайман...*

*Олдимда менинг адашиб кетган ҳув армон,
Айирув қийин чехрасин бунинг мунглардан.
Етилмаётиб гулларин унинг ким юлган?
Олдимда менинг – оғоч-ку кўклай қувралган!*

*– Танимадим-ов... тополмадим-ов сени мен,
Кўзларинг ўхшаш, жоним-ов, қайда кўрганман?
– Охирги марта адашиб келиб, сен билан,
Сирлашмоқ учун, мунглашмоқ учун келганман...*

*Самарим менинг кўклади, бироқ ўсмади,
О, қачон менда ёшликнинг ўти ўчгани!*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

68

Бир пайтлар мени орзу қилгансан, тўғрими?
Эсингга ол-чи... (эсига олди – эслади!..)

– Эсимда, ҳа-я, эсимга тушиди қора қиз,
Унутилиб кетган, совушиб кетган орамиз.
Течаги хумор, мастона жоннинг ўрнида
Тандир бўп қолган аёл утирар, қарангиз!

Ёшлиқдан ёлғиз қовоқ билан бир қош қолган,
Қоп-қора сочлар энди оқара бошлаган.
Олов бўп севган, жонидай кўрган “жон ёри”
Ўқилган хатдай тўрт буклаб йиртиб ташлаган.

– Эсимда менинг ёнингга сенинг борганим,
Парво қилмадинг, сўзимни менинг олмадинг.
Осмонда эдинг, қулғу билан сен алдадинг,
Алдаган кўйи олислайвердинг, армоним!..

– Олислайвердинг, олислайвердинг, армоним,
Адашиб сендан, довонлар турар олда минг.
Зувлатиб утган, чанглатиб кетган йўлингда
Гул бўлиб ўсиб, қурай¹ бўп қотиб қолганман.

– Эсимда менинг, эсингга сен ҳам олиб кўр,
Ул кундан қолган эсдалик борми, олиб кел.
Илашиб кетган, адашиб кетган сен билан
Ёшлигим қайда, ёз куним қайда – топиб бер!

– Эшикни очиб, йўлга кузата олмадим,
Хуш бўл деб энди қўлингни қисиб қолмадим.
Пайқамабман ҳам, не бўлиб кетди ён-ёғим,
Чўрт кесилдимми умидсиз менинг армоним?!

Жонимда менинг армон бўп мангу юр, майлинг,
Доп этиб сўнган умиднинг несин пуфлайин?
Ёшлик-ов, сени тушунмиш қийин, билмайин,
Куйласаммикан, йигласаммикан, билмайман...

Жумакен НАЖИМАДДИНОВ

(1935 – 1983)

Олмаортадаги Консерваторияда, Москвадаги олий адабиёт курсларида таҳсил олган. «Йўқ, унутиб бўлмайди» достони учун Қозоғистон Ёшлар уюшмаси мукофотиغا сазовор бўлган (1967).

ВАТАН

Ўз болангман, ўсайин бир чиниқиб,
Заводларда пўлат ийлаб, тош йиқиб.
Семирай деб келмадим мен ҳаётга,
Четда юриб, ҳаво ютиб, тиниқиб.

Эндигина той-той босган сабийман,
Бола каби орзуга бой, шошилдим.
Ғайратлиман, дадил, ёшман ҳали мен,
Эркаланиб бўйинларингга осилдим.

Жўмард халқнинг ўғлиман мен шийдаткор,
Туйгуларим қанотида олов бор.
Юрагимга ўт оламан мен ундан,
Ерга томсам – бол-асалдир ер тагин.
Вазн тўплайман қўргошиндан мен тагин.
Ранг оламан ўзингдаги олтиндан!

(1961)

¹ Қурай – қуриб-қотиб қолган дарахт, шох.

СОАТ

Соат ночор, туролмайди бир унсиз,
 Чиқ-чиқлайди, лаҳзаларни санайди.
 Соат бўлса ҳамки қанча тинимсиз,
 Синовидан ўтказади талайни.

Мен-чи, баъзан ун чиқармай қоламан,
 Зерикади ёнбошим ҳам тўшакдан.
 Шундагина соатимни аяйман,
 У-чи, санар вақтларимни бўш ўтган.

АҚЛ ВА ЖАҲЛ

Кўкрагимда бир шивир бор, дупур бор,
 Сабрсиз жаҳл ақл билан қилар жанг.
 Туйғу ва сир, қани, сиртга чиқинглар,
 Мен сизларга ҳакам бўла олмасман.

Давом этар ақл ва жаҳл уруши,
 Икковин ҳам қўлламасман, чин сўзим.
 Икковининг енгса ҳамки қайсиси,
 Мағлуб бўладиган томон – мен ўзим.

* * *

Ҳаво яшил, сув ҳам, қир ҳам ям-яшил,
 Ям-яшиллик ерни қамрар, яшасин!
 Қизил бўёқ қизартирар, ол энди
 Яшил бўёқ яшартирар оламни.

Ер ям-яшил, кўнгишлар ҳам ям-яшил,
 Кун қалайча қип-қизил бўй ёнмасин.
 Қизил кун ва яшил ернинг ўртасин
 Ўзга бир ранг бузарми деб қўрқасан.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Дўст йигласа – ахир қандоқ куларман?
 Йиглайман-да, йиглатади дўст мени.
 Юволмасам дўст кўнглин гам-ҳасратдан,
 Ёвлар кесиб олақолсин тилимни.

Дўст гавдасин суямаса – қўл нега?
 Қўл дегани нега керак, ё пир-а!
 Шу бояги қизил тил ва дўмбира
 Лаззат бера олмаса гар дўстимга.

Ҳалолликни ажратмайман дўстликдан,
 Ўрганганман икковин ҳам зўр тутиб.
 Яхши дўстга жон багишлаб, шу билан
 Мен яшайман ёвларимни қўрқитиб.

ИККИ КЎЗИМ

Икки кўзим – икки юлдуз, ёнади,
 Бирин бири улар кўрмайди бироқ.
 Оқ қоғозга икки нуқта томади,
 Бирин бири улар кўрмайди бироқ.

Икки нуқта кўрар бўлса бир-бирин,
 Қўшнуқтамас, чизик бўлар эди-я.
 Икки кўзим кўрар бўлса бир-бирин,
 Бир бошимни бузиб бўлар эди-я.

АЁЛ

Аёл! Аёл – Ернинг гўзал одами!
 Аёл сўзи келиб чиққан илоҳдан.
 Жозоба-ю гўзалликнинг олами,
 Яралган у томоқ билан иякдан.

Қаймоқ лаблар, сал очилса кулай деб,
 Кулмай туриб, кўнгиш кулар, қойилман.
 Шунда унинг олган енгил бир дами
 Тортиб олар юзта шеър юз шоирдан.

ШУҲРАТ ҲАҚИДА ИККИ ТҮРТЛИК

1

Шуҳрат, шуҳрат! Юрар, ана, у кезиб,
Баъзиларнинг умрин мангу ёш қилар.
Баъзиларни алдаб тошга миндириб,
Баъзиларни тош остига бостираар.

2

Шуҳратда таъм бор эмиш,
Ўзича ҳар ким гувлайди.
Оз тотганлар бол демиш,
Кўп тотганлар ув¹ дейди.

Фариза ЎНҒАРСИНОВА

1939 йил туғилган. Шоир ва таржимон. Болалар газета ва журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлаган. Қозоғистон давлат мукофоти лауреати (1984). Қозоғистон халқ шоири.

* * *

“Ватан деган нима?” – дейсан, ўғлим, менга.
У – сенинг кексайган онанг.
Йўрғазингдан жонингга сингийверган
Кўшиқларинг ва шеърларинг, болам!

Яшил ўрмон, булбул куйи янграган,
Асқар тоғлар, булоқлар.
Ватан – эшик олдида бирга ўйнаган
Жўра, бола ўртоқлар.

Ватан – манов ўз уйинг, қара, жоним,
Ўйнаган дала, богинг.
Отанг чиққан бу уйдан, аканг чиққан,
Ўсган бунда қадимги боболаринг.

Ватан – эл келажаги, жони, қони,
Ўзинг асрайсан уни.
Ўғлим, сенсан кенг, обод бизнинг уйининг
Энг ишончли устуну!

ҚИЗ СЎЗИ

Сенинг ўтли қучоғингда,
Бор дунёни унутиб, толиқсидим².
Юрагимни ўртади жон иссигинг,
Манов чексиз далада фақат икков
Юргандаймиз. Ўзимни Аршга кўмдим.
Кўзим очсам, ширин дам кўздан учиб
Кетажакдай – кўзимни тарс-са юмдим.

Сен ёнимда юрдинг-да,
Кўзларимни тўлдирдинг илиқликка,
(Бу бахтни мен ўхшатдим улугликка).
Тотлилигин сездим мен бул умрнинг,
Ҳар бир кунни тўлган эди бахтга лиққа
Сахий ҳам бизлар эдиқ, бешафқат ҳам,
Кўзларимиз қалмашарди бахтдан жиққа.

Эҳтиётлаб қучасан минг айланиб,
Ундан сайин эсимни чиқардинг-да,
Эриб кетдим кўмилиб роҳат-нурга...
Яхши сўзинг барин айтдим сенга ёниб,
Ичимдами, ёки сас чиқардимма?
Кўзларимиз қалмашарди бахтдан жиққа.

Бироқ... ўзинг айнидинг.
Унутдик биз ёшликнинг жаннат кунин,
Сен мисқиллаб³, мен эса йиглаб турдим.
Ҳаёт отлиқ ҳайбатли кенг дарёга
Сочларимдан ушлаб оп улоқтирдинг.
Шундагина эсим кириб, бул ёлгончи
Дунё – алдоқ эканин билдим.
Билдим...

¹ Ув – захар, оғу

² Толиқсимоқ – ўздан кетиш, толиб кета ёзмоқ.

³ Мисқиллаб – киноя қилмоқ масхараламоқ

Мухтор ШАХАНОВ

1942 йил Ўтрор туманининг Шилик овулида туғилган. Шоир, драматург, жамоат арбоби, элчи. Кўплаб халқаро мукофотлар соҳибдори. Қозоғистон ва Қирғизистон халқ шоири.

ТУШУНИШ ТЕОРЕМАСИ

Хонани қайғу булутдай ёнганида,
 Одамзотнинг олғир қуши баногоҳ –
 Лев Толстой жон топираётганида,
 Хотини келиб, қўлини ўпиб, урди оҳ:
 “Тиёлмасдан ёмон феълим таъсирини,
 Ўзинг билан ўтказдим ярим ас(и)римни.
 Мен бадбахтни кечир, жоним, гуноҳ кўп,
 Мана энди-энди очилди кўзим.
 Юрак тўла афсус-аттанг ва оҳ кўп,
 Кечир мени, кечир мени, азизим!..”
 Унсиз, ичдан шивирлади донишманд:
 “Ҳе... сенмидинг? Ешингни арт, бердинг панд.
 Йиллаб, ҳеч ким қайтаролмас ўтганни,
 Қочдим сендан,
 Яшагунча сен билан
 Ортиқ кўрдим дунё кезиб кетганни.
 Қочганимга сабаб бир сен эмас-у,
 Россиядан ажралмасдай бўлдим-ку,
 Изим қолди совуқ қор узра оптоқ.
 Кулли оламни тамшандирган ақлим ҳам
 Сендан таянч-суянч топмади мутлоқ.
 Бир ҳақиқат гап бор – келди хонаси,
 Ўзил-қизларимнинг бўлдинг онаси.
 Қартайиб эр-хотин қара-я буни,
 Тушуншимай қолди бири-бирини.
 Айтгим келмас шўрисан деб манглайнинг.
 Бироқ ўзинг шу тақдирни танладинг.
 Тушунмадинг, тушунмадинг мени сен,
 Тушунмадим, афсус-аттанг, сени мен.
 Тушуншига тиришмадинг мени сен.
 Ғамхўрим бўп чўздинг қанча қўл учин,
 Тушуншини хоҳламадинг бироқ сен.
 Кечирмайман, кечирмайман шунинг-чун...”
 Қалбин, лабин надоматлар қилиб банд,
 Кўзин юмди шундай улуг донишманд.
 Қайда, қайда кўнгил сирин
 Кўздан сезган заковат?!

Уч масофа, уч мезон бор, уч тенглик:
 Бу – юксаклик, бу – теранлик, бу – кенглик!
 Бу учовин, менсимаслик – бу кўрлик,
 Кўзи бўлиб кўзсизлик бу, қулоғи бор гаранглик.
 Тушунмаслик гурбат бўлар, бахтсизликдир ул
 Ҳа, инсоний одатларда йўқ ҳалиям сара йўл.
 Ўнгай эмас, бас, бу кураш, ўнгай эмас, ўнгаймас.
 О, бирлик, о, мувофиқлик – сен шунчалар муқаддас!
 Керак бўлса, тушунмаслик – гуноҳ эмас ниҳоят,
 Тушуншига тиришмаслик – мана, мана жиноят!
 О, қанчалар булоқ кўзин эл тушунмай кўмдилар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Шуйтиб, қанча бойтерақлар сувсизликка чўмдилар.
 Уҳ, қанчалаб улугларни юрт тушунмай ўлдирди,
 Шуйтиб, манов тирикликка улуг зиён келтирди.
 Брунони ўтга ёққан,
 Галилейни судга тортган,
 Биржон солнинг¹ арқон боғлаб қўлига,
 Илон бўлиб Улугбекнинг ўрмалаган йўлига –
 Тушунмаслик эди-ку.
 Шулар бари доғ бўп тушиди
 Одамзоднинг шўрига.
 Тушунмаслик оз ёйдими қанотин?
 Абайни ҳам савалаган
 Тушунмаслик балоси!²

Талантига тамшайтириб талайни,
 Ёзганида Аезов ҳам “Абай”ни,
 “Бундай роман боролмайди узоққа”, –
 Деб, тишини гижирлатиб, мазоққа
 Мазоқ қўшиб, қамчи қўшиб қамчига,
 Тушунмаслик киришиди-ку янчишга!
 Аезовнинг кайфияти хўб синди,
 Изза тортди, қўлин силтаб,
 Ичдан унсиз хўрсинди.
 “Тушунувчан халқим омон бўлсин!” – деб,
 “Халқим эзуликлар томон бўлсин!” – деб,
 Ёзаверди, ёзаверди романин,
 Тўрт муҳташам китоб қилди қолганин!

Ўтган ўтди,
 Бироқ бари ҳисобда.
 Нодонликни – жиноят деб ҳисобла!
 Қандай азоб тушунмаслик, жоҳиллик,
 Жоҳилларга гап кор этмас ақллик.
 Тушунмаслик – гуноҳ эмас, десак ҳам,
 Тушунмишга уринмаслик – чинакам
 Ёмон ишидир, жиноятдир, гуноҳдир,
 Оқибати афсус, аттанг ва оҳдир!
 Тушунмаслик мисоли бир кўк туман,
 Шу кўк туман тугдиради кўп гумон.
 Бир ёш талант гап бошласа минбардан,
 Юрт тушунмай қолса-я деб тураман.
 Келаетир, келаетир даҳолар,
 Кўринг, тингланг, уларни ким баҳолар?!

Темирхон МАДАДБЕК

1945 йил Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон туманида туғилган. Шоир, таржимон, ношир, муҳаррир. «Жулдуз» адабий журналининг бош муҳаррири бўлган. Кўплаб шеърли тўпламлар, танқидий асарлар, тадқиқотлар муаллифи. Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати (2000).

ТУРКИСТОН БОЗОРИ

Кун чиқмасдан янгратади соз, ўйин, Кун чиқмасдан тўйлатади азонин,
 Кун чиқмасдан қайнатади қозонин. Туркистоннинг бозорин айт, бозорин!

¹ Биржон сол – атоқли қозоқ халқ оқини.

² 1900 йилда Абай волость раҳбарлигига сайловлар пайтида бир тўда қабиҳ ниятли кишилар томонидан уртага олиб, саваланади. Муаллиф ўша воқеаларни назарда тутмоқда.

Оралаб кўр, орала завқ олгани,
Не изласанг – топилади, бор ҳали.
Думаланиб ётар қовун-тарвузлар,
Тамшантирар ўрик, гилос, шафтоли.

Сўриларда мунчоқ каби тизмаги,
Кулимсирар кун нурида узум ҳам.
Битта-битта узиб еса ўзбагим,
Қозоқ ейди бир еганда юзин ҳам.

Чўлласангиз кўк чой турибди тайёр,
Чойхонага келинг, сизда ихтиёр.
Манов юрган янгам хўн семирибди,
Белида нақ беш чақирим мато бор.

Носвойидан қоқиб, ташлаб бир отим,
Нор чавандоз етаклайди гиротин.
Қора қошин ўйнатиб бир келинчақ,
Шопиради қимиз билан шубатин¹.

Бир тўп йигит бирин-бири судрайди,
Қора кўзлар қора кўзни имлайди.
Оқ қалпоқли Бейсембойлар анг солиб²,
Олачопон Тошмат қўшиқ куйлайди.

Қара, қара манов турган сулувга,
Қора кўзи олов бўлиб ёнўвда.
Олма-ёқ қўй олмаси-ю ёнгогин,
Бозорламас одам фақат олувга.

Кўр она-ер неъматларин, озигин,
Олма-ёқ қўй, томоша қил қизигин.
Қалбга қўнар қучоқ-қучоқ согинчлар,
Шопирасан қувончининг соф қимизин.

Иран ҒАЙИБ

1947 йил Қизилўрда вилояти Сирдарё туманида туғилган. Шоир, дostonнавис. Политехника институтининг Тоғ-кон факультетини тамомлаган, Москвадаги Олий адабиёт курсларида ўқиган.

«Қўрқитнинг қabri» китоби учун Қозоғистон Давлат мукофотига сазовор бўлди.

САККИЗЛИКЛАР

Аттанг-ай!
Барин кеч билдим, –
Сеҳр таратган созмидинг?
Шеъридай ўтли Пушкиннинг,
Ифорлар сочган ёзмидинг?
Яширган қайғу-ноласин,
Улоқдай учрадинг, ў, қандай!
Ётсиниб, хуркиб қарашинг, –
Дантеснинг отган ўқиндай!

* * *

Энди, қалқам, йўқ одамсан мен учун,
Мен ҳам йўқман, бахтинг-тахтинг келишин.
Бир тупроқдан яралганмиз иккимиз,
Тошийдик-у, тополмадик бахт учин.
“Меникисан...”, “Сеникиман...” дедик чин,
Изимизда нелар қолган, ўйлагин.
Йўқ дулдулга миниб олган юрагим,
Кўп зорланмай, юпат деб ҳам сурагин.

* * *

Ўтган умрим – кўрган туш,
Ўтди, кўрдим, бас қилдим.
Тушдагилар ўнгми деб,
Ўтган кунга тикилдим.
Ўтган кунлар – ўкинч,
Келётган кун – ажойиб.
Ўкинчлар кўнаймоқда,
Ажойиблар озайиб.

¹ Шубат – туя сутидан қилинган айрон.

² Анг солмоқ – ашула айтмоқ.

* * *

Ўлмаслик-чун курашаман ўла-ўлгунча,
 Қани ким бор кураша олса худди менча.
 Эмланаман, эмлайман жон ярасин,
 То бўйнимга вақт қуруқ илмагунча.
 Мен умр сургим келмас ўлмоқ учун,
 Ибрат бўлиб қолсин, майли, менинг ишим.
 Сутдан оқ, қордан оптоқ бўлмогим шарт
 Қора ернинг остига кирмоқ учун.

* * *

Келмоқ учун кетмоқ керак, дединг сен,
 Қадримга ҳам етмоқ керак, дединг сен.
 Йўлин топиб, қилол солмай кўнгилга,
 Қилкўприкдан ўтмоқ керак, дединг сен.
 Кўп гапларни айтмоқчийдинг, тўсилдинг,
 Чорасизда чиққанин кўр эсимнинг.
 Тақдир муҳри пешонамга босилди,
 Тақдир муҳри – қора холи кўксингнинг.

Нурлан ЎРАЗЛИН

1947 йил Олмаота вилоятининг Уйғур тумани Улқандихон овулида туғилган. Шоир, драматург, жамоат арбоби, таржимон. «Аср билан хайрлашув» шеърий тўплами учун Қозоғистон Давлат мукофотиغا сазовор бўлган (2002 й).

ТИЛАК

Мана, жоним...
 Мана, имоним...
 Сенсиз умр суролмам.
 Дунёнинг ўзгарганин
 Кўриб, унсиз юролмам.

Бир ўй бермас сира тиним,
 Булқинади гул-тана,
 Яратгандан сўраганим:
 Омонлик бер кулбама!

Яйраб кирдим қирққа, мана,
 Кўнди шуъла тўримга.
 Берар бўлсанг урпогима,
 Элимга бер, еримга!

Чайқалмасин бўсагалар,
 Омон турсун Ер доим.
 Қўшоғим-ла² кўш оқарар
 Даврон бергин, Худойим!

Керак эмас синов-ўйин,
 Кир изламам қаердан.
 Бирга юриб, бирга кўрайин
 Насибани, буюрган.

Мана, жоним...
 Мана, имоним...
 Сенсиз умр – афсус, оҳ.
 Мен нетайин ўзгарганин
 Ер-жаҳоннинг...

* * *

Шубҳа-гумон кўпайди...
 Кўч кетганма?
 Дўст кўп дердим,
 Қарасам, дўст йўқ менда.
 Сийлаганни дўст демоқ – соддалик бу,
 Шунда қалай?
 Бор умрим бўш ўтганма?

Гуноҳқор ким?
 Ўзимми, ўзгаларми?
 Ҳалол бўлса, сўз тинглаб, ўзгарарми?
 “Кечаги дўст – бугун ёв” бўлмаса гар,
 Кўз олдимда эврилиб, бўзарарми?

¹ Қуруқ – отни бўйсундириш учун бўйнига ташланадиган арқон, чилвир.

² Қўшоқ – рафика, умр йўлдоши.

Сўроқ, савол кўнайди юракдаги,
Кеча-кундуз ёнаман, жисмим – маёқ!
Дўстим қилди хиёнат, бузуқ таги,
Сотди дўстим, кўзлари қилт этма-ёқ...

Насиббек АЙТЎҒЛИ

1950 йил Шарқий Туркистоннинг Тарбағатой вилояти Шаушек туманида туғилган. 1974 йил Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Навоийнинг «Садди Искандарий» достонини, Юнус Эмро, Бо Цизю, Ж.Родари, М.Исаковский, А.Барто, С.Михалков, С.Баруздин, В.Берестов, Т.Сидиқов, С.Жусуев асарларини қозоқчага таржима қилган. Ёзувчилар уюшмасининг Муқағали Мақатоев номидаги, Халқаро Жамбул номидаги мукофотлар совриндори (2004).

БОЛАЛИК АНҲОРИ

Ул эдик у пайт, қиз эдик,
Бир эмас эдик, юз эдик.
Бақанас деган ўзандан
У ёққа кечган биз эдик,
Бу ёққа кечган биз эдик.

Бурумдин ҳидлаб бол қизнинг,
Ифорин ютдик ялпизнинг.
Бақанас ўзи юпатди
Кўнглини биздай ёлғизнинг.

Одамнинг ёшликдаги умри –
Чопишган отларнинг дутури.
Қулогимда ҳалиям юрибди
Қизларнинг тотли шивири.

Ўралса баъзан ўйга шу –
Йиртилар кўнглим бардоши.
Ҳалиям юракда юрибди
Қизларнинг ўтли сиймоси.

Олисга юзни тузадик,
Кеча ул эдик, қиз эдик.
Бақанас деган анҳордан
У ёққа ўтган биз эдик,
Бу ёққа ўтган биз эдик.

Абдулла АЙМОҚ

1954 йил Жанубий Қозоғистоннинг Ўрдабоши туманида туғилган. Ўнға яқин шеъррий тўпламлари нашр қилинган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими директори.

БИР ЭРКАКНИНГ ШИКОЯТИ

Урдим бошни деворга ҳам, эшикка,
Қора бошим дардини ким эшитгай?
Баъзан-баъзан номус чўқиб ўтади,
Шундай пайтлар топилмайди тешик ҳам.

Мен юраман етказолмай тийинни,
Ажратолмай ҳазил ё чин, ўйинни.
Қизларимнинг парволари – фалакда,
Қувиб юрар тутқич бермас қуюнни.

Бизнинг уйнинг ҳар кими ўз-ўзича
Гўё улкан уммонларнинг тўлқини.
Хотин юрар вайсаб-вайсаб кўзимча,
Қовоғидан ёғар қорнинг салқини.

Ўз-ўзимга қувват бериб, шўпнайиб,
Уйдан чиқдим қизил гўлдай қаққайиб.
Нари бордим, бери келдим, ўзимча,
Сўнг мен яна ўйга қайтдим ҳўпнайиб.

Булар менинг номусимни уқмайди,
Айтган сўзим симоб каби, юқмайди.
Баъзан оғриб йиқиламан тўшакка,
Бири келиб бошин ўйга суқмайди.

Шундай қилмоқ – бандаларга ҳожатма?
Худо, бундай кўргуликни йўлатма!
... Ўйга кириб, ҳар кимга бир термулиб,
Дарров тушиб қолдим қадим ҳолатга.

ҚОЗОҚИ ТҮЙ

Чақирмади тўйига булар мени,
Чақирса, элга кулгу бўлармиди?

“Манови ҳам келибди” деб, жирканишиб,
Аллакимлар гап қилиб турармиди?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Чақирмаса тўйига, чақирмасин,
Юраги шунга яйраб лопирласин!
Мен каби фойдаси йўқ бир бечора
Еб кетса, жин чалмасин бунинг ошин.

Йигилибди биз ёқнинг тўралари, –
Тадбиркору амалдор, бойнинг бари.
Мен ҳам бир пайт буларга қўшилардим,
Бугун суриб қўйишди мени нари.

Хув бири белга қўлин тирабдилар,
Келган эмиш тўйига атоқдилар.
Мен борсам, бирортаси қимир этмас,
Миннатим йўқ-ку ахир чатоқ қилар.

Шу кунларда бировга берган – олар,
Кетини ҳам қўяр ўрни тўрда булар.
Мени ҳам атоқли деб ўйладими,
Бир-икки бор чақириб кўрган улар.

Бола кезда тўйлардан қолмас эдик,
Чопар эдик терлаб-пишиб, толмас эдик.
Шу болалар кўплари турар, ана,
Улгайишган, қориндор, гавдалар тик.

Ким бор эди ола қарағудай бизга,
Десаки: “Сен кел, сен қайт изга”.
Қайтанга ҳаммамизни чорлаб олиб,
Тенг товоқ ош қўярди ҳаммамизга.

Ўн бола паловга кеп бош солардик,
Тўймасак, яна бориб ош олардик.
Қайтанга ҳамма хурсанд эди. Энди
Улгайиб бўлдикми биз олағизлик?!

Бизнинг халқ тўйлар кўриб ўсган ҳар чоқ,
Тўй билан қайта ёнган ўчган чироқ.
Карвондан қолиб қўйган гадейи ҳам
Бўсага ҳатлайверган ялангоёқ.

Қозоқи тўй... “Сен кел, сен кет...”?
Шўрли бошим!
Мард йигитлар тарқатсин элга ошин!
Бироқ тўйда ҳеч кимни оламанг,
Қайтанга “Ҳамма келсин” деб талашинг!

Манов турган қоринбой тўралар ҳам,
Унутмагандир ахир: ҳаёт – ҳакам.
Бир тўйим бор менинг ҳам тарқалмасдай,
Кўрасиз, ҳамма келар, ҳамма одам!!!

Эсенғали РАВШАНОВ

Шоир, таржимон, ношир, эссенавис. 1957 йил Қорақалпоғистонда таваллуд топган. Қозоғистон Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърларини қозоқ тилига таржима қилиб, китоб ҳолида нашр қилдирган. Кўплаб шеърлари рус, литва, болгар, чех, украин, ўзбек ва инглиз тилларига таржима қилинган. 2010 йилда “Қушлар бизнинг дўстимиз” номли эсселардан иборат китоби ўзбек тилида нашр қилинган.

СИЁСИЙ БЎЛМАГАН ШЕЪР

– Чет элларда киминг бор?
– Сўраманглар!
– Йўқ, сен айт!
– Ундай бўлса, айтай такрор:
Қўлдан келса, олиб келгин, ўзга юртда
Отам, онам, икки бувим, бир акам бор.

Қай бир йили, соатни санаб тонгда,
Узим ҳам ўтиб кетгим келган эди.
Онам пақир “қўй-қўй”лаб, чирқиради,
Бир огиз сўз билан олиб қолган эди.

Қозогистон заминидан кетган бари.
– Хат ёзадими?
Келмади ҳеч хатлари.
Осмонистон деган ҳув мамлакатдан
Тунни ёпиниб ўзлари кеп туради.

Сатчиб тураман мен шунда, тикиламан,
Нега бунни айтди дема, бу бир алам.
Қозогистон еридан кетганимда
Ўша юртга кетажакман ҳали мен ҳам...

* * *

Беш юз йил муқаддам
Худди шу тоғда
Шоҳона хабари бўлиб замоннинг,
Худди шу муддатда,
Худди шу чоғда
Чодири турганди Бобур султоннинг.

Бунни қушлар айтди менга азонги,
Гуллар айтди менга шивирлаб.
Тун бўйи яралган янги газални,
Ерга бир теккизиб олган иримлаб.

Тилак тилаб отланган у шу ерда,
Шу тоғларга қўлин ёйган қаҳрамон.
Йўқса, нега Бобур ёзган сўзларда
Олмаотанинг оқ ёмғирин кўраман?!

Ярим олам – Бобуришохнинг мероси,
Ганг томонга от йўрттирар шоҳ Бобур.
...Хиндиларнинг кўрар бўлсам киносин,
Мен шуларни ёд оламан негадир...

У шошилди забт этай деб замонни,
Бир шаҳд ила отланганин англарсиз?
Яна бир кун қўнса эди, дунёни
Байт биланоқ эгалларди жангларсиз.

Ана, тоғлар!
Тап тортмайди ҳеч кимдан,
Ёз тонглари, бунча гўзал, оқ манглай!
... Кўнглим яйраб уйғонаман уйқумдан,
Шоҳ Бобурнинг чодирини ётгандай...

Ғалим ЖАЙЛИБОЙ

1958 йил Қарағанда вилояти, Жангаорқа туманида туғилган. Қозоғистон Менежмент, иқтисодиёт ва режалаштириш институтини тамомлаб, мамлакат Ташиқи ишлар вазирлигининг турли нашрларида муҳаррир, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир уюшма раиси. Шеърлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

ҚОП ОРҚАЛАБ БОРАЁТИР ҚИЗ БОЛА

Бахт орзусин даст кўтарган, тўйин-да,
Оқ билагин ортиб олган бўйинга.
Қоп орқалаб бораёттир қиз бола,
Олмаотада, Арбат кўча бўйинда.

Қалтирайди гулдай бадан, гул изи,
Ярқираб бир ёнармикан юлдузи?
Қоп орқалаб бораёттир кучада
Қозогимнинг полвон туғар бир қизи.

Кўчаси бу тиланчининг, мастнинг-да,
Минг-минг одам... ўхшаб кетар тошиқинга.
Қайишиб борар,
Майишиб борар нозик тан
Олатойдай ола қопнинг остинда.

Оқ юзлари очиқ экан оқ тонгдай,
Бозорига етса дейман қоқталмай,
Оғзи боғлиқ хитойи қоп ичида
Тақдирининг бор салмоғи ётгандай.

Ҳадеб қарар ўтган-кетган, ҳа, ҳадеб,
Кимга айтарсан, “гўзалликни кўр-а!” деб.
“Кўкбозор”га бораёттир қиз бола,
Эски нимча, эски этикни суйралаб.

Бахт изларми, Тахт изларми...
Куз. Қалъа.
Қамчи урар вақт ва аёз из сола.
Давру даврон юкин енгиллатай деб,
Қоп орқалаб бораёттир қиз бола...

* * *

Кийик кунлар – кўкёлдан қочган саяёқ,
Тошларни аяйман мен, осмонни аяб.
Менинг йиртқич йилларим ўз оғзига
Оққув-шеърни босади сесканма-ёқ.

Қиз ва гулни шеър қилган чиройлана,
Талай шоир ўтган йўл бу, талай доно.
Сувдай оқиб-тошган шеър-ўлангани,
Бўро – омма чайнайди қалайгана.

Шеър тўкилган юракдан қон шовуллар,
Ёшлик йиглаб боради жон совутар.
Бардоши адо бўлган овсар каби
Шоир борар, атрофда тош, довуллар.

Халқим қайғу кечганда, юртим қайғу,
Сариқ ваҳима соатлар чирқиллайди.
Шоирлари кафтини ёйган элнинг
Аёллари саркарда ул туғмайди.

Булан ЖАМБУЛ

* * *

Елга учди бандидан гул узилиб,
Тура ана қанча гул хув тизилиб.
Қув тақдир боглаб олмиш гуллар билан,
Гуллар юзи кетибди дув қизиниб.

Согиниш-ла толдириб довдир кузни,
Қушлар кетиб боради ташлаб бизни.
Қай бир куни бузилар давраимиз ҳам,
Худой чорлаб олганда бир-бир бизни.

* * *

Томди кўзлардан қонли ёш,
Ҳасрат не деб ҳам юпанар?
Ярим жон йиглаб йиглолмас,
Киприклар қувраб қолганлар.

Ҳар лаҳза ёлгончи, алдамчи,
Ростинг йўқ, чиндан ҳам ёлгонсан.
Ёлғони – биз кеча ёр эдик,
Ростлиги – бузун сен армонсан.

Асел САЛИҚ

АВТОБУСДАГИ ВОҚЕА

Кечки маҳал. Қош қорайган. Кун салқинтоб. Кун говгум.
Деразадан термулганча автобусда ўтирдим.
Бир пайтда денг қартанг¹ аёл кира-сола гандираб,
Турғизди-да боз бировни, ёнгинамга чўкди жим.

Ўтирди-да қартанг аёл тийин-танга санади,
Сал гулдураб: “Қизим, айт-чи, қанча экан?” – деб сўради.
“Қартайганда ёмон экан, кўз ҳам кўрмай қоларкан...” –
Деди-да у кулган бўлиб аланг-жаланг қаради.

Автобусда келаяпмиз текис йўлда тебраниб,
Қартанг аёл алланелар айтаётир гудраниб.
Ол мен эса маъни бермабман боёқишининг гапига,
Ора-тура қараб-қараб гўлдирайди сўзланиб.

Деразадан тикиламан. Тун қоронги кез эди.
Бир пайт қартанг аён мени туртиб қолиб сўзлади:
“Жим ўтирма, танишайлик, йўл қисқарсин, қароғим,
Ўқиш қайда, айта ўтир, отинг-жунинг ким?” – деди.

Ўз-ўзидан мингирланиб, келажакдан сўзлади,
Мен-чи, уни тингламоқчи эмасдим, ҳеч бўлмади.
“Сайёҳман мен, фол очаман, барин кўраман кўздан,
Мени топсанг, айтажакман ҳаммасин...” – деб қўйлади.

Тинч урётган юрагимни чўчинтирди сўзлари,
У – маст эди! Анқиб турар! Пир-пир учар кўзлари.
Бир гаплари қизиқтирса, бир гапидан уялдим,
Аттанг, уят – аёл одам бундай ҳолда юргани!

Нега бунча зормандаги ҳавас қўйди бу аёл?
Ўйладими ароқ чиркин арралайди гамни ё?
Аясанг-чи ҳеч бўлмаса ўзганимас, ўзингни,
Кайф-сафога берилдингми? Халқ бераркан не баҳо?!

Ўйланаман, айтолмайман таъналарим ўзига,
Ўсал жоннинг яраларин босгим келмас кўзига.

¹ Қартанг – эрта қартая бошлаган.

У шуусиз ҳам билар балки хато йўлнинг азобин,
Унсиз, қулоқ бердим унинг алжираган сўзига.

“Ароқ мени юпатади, у аллалар кўнгилни,
Ростин айтсам, жек кўраман манов сатанг умрни...” –
Деразага тикилди-да, ўзин кўриб қолдим,
Тура-сола автобуснинг эшигига югурди.

Чехрасига боқиб турсанг ажабтовур аёл-оқ,
Бўлган бўлар бир кезлари гўзал юзли, жони пок.
Кимдир уни алдаганми, нозанин қад эгилган,
Ва ароққа ружу қўйган, шўрликкина, думбулроқ...

Қарайман-да, аяйман-да, шўрлик умр, жирканчлик,
Кимлар уни чалган, йиққан – ёлгон кибр, манманлик?
Қимга жаҳл қилиб, недан энди ичимликка бош эгдинг,
Ўз-ўзингни хор-зор қилдинг, нега бунча тубанлик?!

Эй нозик жон, ақлли эдинг, нега бунча настладинг?
Енгил йўл деб, бузуқ йўлни бунчалар ҳавасладинг?!
Ўзлинг бордир, қизинг бордир, қандоқ кириб борасан?
Нега турмуш шалтоқларин сен ўзингга мосладинг?

Саволларнинг чангалидан чиқолмадим, чиқмадим,
“Эс бер унга!” – деганимча Яратганни йўқладим,
“Нега? Нега?” деган сўроқ гипна бўғди бўғзимдан,
Йиглаб кетдим, то манзилга бора-боргунча йигладим...

Анор ШАМШАДИНОВА

* * *

Жонинг,
Орзуланиб турган,
Танинг
Бўш қолмаган шеърдан.

Кўркинг –
Хос ботирнинг тури,
Ўзинг –
Мени эргаштирган ўғри.

Зотинг
Яхшиликка ёт эмас,
Отинг
Бошланади нурдан.

Кўлинг
Қафтларимга тегса,
Ўрни
Бўлади ўн кун чўгли.

Қонинг
Бўйда тўла оққан,
Жонинг
Жонга жуда ёққан.

Кўзинг –
Аллоҳ нури, ё раб!
Сўзинг –
Маъно-маъно, ажаб.

Кулгинг –
Тақдир берган сиринг.
Бир кун
Сенсиз ўтиши қийин.

Келсанг,
Кўклам келар бирга.
Кетсанг,
Бу тириклик – азоб!..

Музаффар АҲМАД
таржималари



Ф.М.ДОСТОЕВСКИЙ

ИБЛИСЛАР

Роман¹

УЧИНЧИ БОБ

СЕВГИ ХОТИМАСИ

II

Петр Степанович бош суқиб қараган хона катта доирасимон пойгоҳ даҳлиз эди. Бу ерда Алексей Егорич ўтирган эди, Петр Степанович уни чиқариб юборди. Николай Всеволодович залнинг эшигини ёпди-да, тўхтаб кутди. Петр Степанович унга тез синчиклаб қаради.

– Хўш?

– Яъни агар эшитган бўлсангиз, – шошиб сўзлади Петр Степанович, худди кўзи билан унинг юрагига суқулиб кирмоқчи бўлгандай, – биздан ҳеч ким ҳеч нарсада айбдор эмас, ва ҳаммадан бурун албатта сиз, негаки, бу шундай тўғри келиб қолган... воқеалар уйқаш тушган... хуллас, ҳуқуқий жиҳатдан сизга алоқаси йўқ, шунинг учун учиб келиб сизга етказяпман.

– Ёниб кетдими? Сўйилдими?

– Сўйилган, лекин ёниб кетмаган, шуниси чатоқ-да, лекин сизга чин сўзим, мен бунда айбдор эмасман, ҳар қанча мендан шубҳалансангиз ҳам, гуноҳим йўқ, – балки гумон қилаётгандирсиз ҳам, а? Ҳаммасини – ростини айтайми? Биласизми, ҳақиқатан калламдан бир фикр ўтганди, – сиз ўзингиз менга шама қилган эдингиз, менга ҳазиллашган, китиқ патимга теккандай (сиз буни жиддий тарзда айтолмасдингиз-ку, тўғрими?), лекин мен журъат қилмадим, ҳеч қачон журъат қилмасдим, ҳатто юз рубль берсангиз ҳам, – менга нима фойда, ҳеч қандай фойда йўқ мен учун, мен учун... (У жуда шошиб-пишиб сўйлар, худди тартаракка ўхшарди). Лекин воқеалар қандай уйқашганлигини қаранг: мен ўз ҳамёнимдан (эшитяпсизми, ўз ёнимдан, сизнинг бир тийинингиз ҳам йўқ эди, асосийси, сиз буни ўзингиз биласиз) анов бадмаст тентак Лебядкинга икки юз ўттиз рубль бердим, уч кун бўлди, кечагина, – эшитяпсизми, уч кун бўлди, кеча “маъруза”дан кейин эмас, буни билиб қўйинг: бу бир-бирига мос келгани жуда муҳим, негаки, Лизавета Николаевна сизникига борадими, йўқми, мен у вақтда аниқ билмас эдим ахир; ёнимдан чиқариб пул берганимнинг ёлғиз сабаби шуки, сиз уч кун бурун ўзингизни кўрсатдингиз, ҳаммага сиригингизни ошкор қилмоқчи бўлдингиз. Хўш, менга нима... сизнинг ишингиз... валломат... аммо, тан оламан, хайрон бўлдим, бошимга тўқмоқ билан ургандай. Бироқ бу туришлар ёмон бадимга тегиб кетди, – эътибор беринг, эскичароқ килиб

¹ Давоми. Боши 2013 йилнинг 1-2-3-4-5-6-7-8-9-сонларида.

айтяпман, лекин гапим жиддий, – буларнинг бари мен кўзлаганларимни чиппака чиқариши мумкин, шунинг учун Лебядкинларни қандай бўлмасин жўнатиб юбораман, деб ўзимга сўз бердим, сизга хабар қилиб ўтирмай уларни Петербургга жўнатаман дедим, бунинг устига капитаннинг ўзи ўша ёққа қанот қоқиб турганди. Бир хато ўтди: пулни сизнинг номингиздан бердим; яхшими ё йўқми? Балки, хато эмасдир, а? Энди эшитинг, бу ишнинг оқибати нима бўлганини эшитинг яхшилаб... – У сўз орасида жуда қизишиб кетиб Ставрогинга бурнини теккизгудай яқинлашиб борди, унинг камзулининг ёқасидан торта бошлади (худо ҳақи, балки, атайлаб). Ставрогин унинг қўлига қаттиқ урди.

– Нима қиялпсиз... қўйинг-е... қўлни синдирасиз-ку... ҳаммасининг оқибати қандай бўлганида, – яна шакилдоқдек шақиллай кетди у еган зарбасига сира эътибор бермай. – Мен кечқурун пул бердим, эртасига барвақт синглиси билан бирга йўлга чиқсин деб; бу ишни аблаҳ Липутинга топширдим, ўзинг олиб чиқиб жўнат дедим. Аммо аблаҳ Липутин одамларга томоша кўрсатишга овора бўлиб кетди – балки эшитгандирсиз? «Маъруза»да? Унда эшитинг, эшитинг: иккови ичиб ўтиришиб, шеър тўқишади, унинг ярми Липутинники; Липутин капитанга фрак кийдиради, мени эса уларни эртаминан жўнатиб юбордим деб ишонттиради, капитанни эса саҳнага чиқариш учун қазноқда яшириб ўтиради. Аммо капитан кутилмаганда ичиб, маст бўлиб қолади. Кейин жанжал чиқади, бу ёғи ҳаммага маълум, капитанни беҳуш маст холда уйига олиб бориб ташлашади, Липутин эса чўнтагидан икки юз рублни аста олиб қўяди, фақат танга-чақасини қолдиради. Аммо, бахтга қарши, капитан ўша икки юз рублни эрталаб чўнтагидан чиқариб, ҳаммага кўрсатиб мақтанган. Федька эса худди мана шуни кутиб турган, Кирилловникида ўтирганида ҳам баъзи гапларни эшитган, (шама қилганингиз эсингиздами?) кейин бундан фойдаланиб қолмоқчи бўлган. Бор ҳақиқат шу. Федька пулни топмаганидан мен хурсанд бўлдим, аблаҳ мингни қўлга киритаман деб ўйлаган! Жуда шошиб қолган, кейин ёнғиндан кўрқиб кетган... Ишонасизми, бу ёнғин бошимга тушган бало бўлди. Қуриб кетсин ҳаммаси! Бу шунақанги бебошлик. Мана кўрдингизми, сизнинг олдингизда туриб, сиздан кўп нарса кутиб, ҳеч нарсани яширмайман: майли-да, бу йиғин ҳақидаги гап анчадан бери миямда етилиб келарди, чунки у ғоятда халқбоп ва кўп тарқалган нарса; бироқ мен уни биз ҳаммамиз оёққа қалқийдиган бебаҳо бир дам, алангали бир лаҳза учун сақлаб келардим-у... Улар эса кутилмаганда бирдан ўзбошимчалик қилиб, буйрукни кутиб ўтирмай, худди мана шу ҳали бош кўтармай ўтираверадиган, нафас ҳам чиқармайдиган бир лаҳзада! Йўқ, бу ёмон ўзбошимчалик!.. Хуллас, мен ҳали ҳеч нима билмайман, бу ерда иккита шпигулинчини айтишяпти... аммо бунда *бизникилар* ҳам бўлса, агар биронтаси бунда қўл теккизган бўлса – ўзидан кўрсин! Мана кўрдингизми? Озгина бўш қўйдингизми, тамом! Йўқ, бу аблаҳ демократлар ўзларининг бешликлари билан бизга таянч бўлолмайди! Бу ерда фақат қудратли, сажда қилса арзийдиган, мустабид бир ирода зарур, тасодифий бўлмаган алланима, мустаҳкам маснад... Ана ўшанда бешликлар ҳам думларини қисиб, қуллуқ қилиб туражаклар ва зарурат чоғида керак бўлажаклар. Аммо ҳар нечук, ҳозир у ерда бутун дунёга жар солишмоқда, бонг уришмоқда, Ставрогин хотинига ўт қўйиши керак эди, шунинг учун шаҳарга ўт кетди деб, аммо...

– Шаҳарга жар солишяптими?

– Яъни унчалар эмас, тан оламан, мен ҳеч нарса эшитганим йўқ, аммо ахир халойиққа, айниқса, уйи ёнганларга бир нима деб бўлармиди: *Vox*

ropuli vox dei¹. Аҳмоқона бир овозани тарқатиш кийин бўптими?.. Лекин, моҳиятан, сизнинг сира хавотирланадиган ерингиз йўқ-ку, ахир. Ҳақ-хуқук томонидан ҳам, виждон томонидан ҳам сиз топ-тозасиз, сиз ахир бундай бўлишини истамагансиз-ку? Истамаганмисиз? Ҳеч қандай далолат йўқ, воқеаларнинг бир-бирига тўғри келиб қолганини демаса агар... Ахир Федька сизнинг ўшанда Кирилловникида айтган эҳтиётсиз сўзингизни эслаб ўтирармиди, (негаям ўшанда ўша сўзларни айта қолган экансиз?) аммо бу умуман, ҳеч нарсани англатмайди, Федьканинг эса сиробини тўғрилаб кўямиз. Мен шу бугуноқ уни орадан йўкотаман...

– Ўликлари ёниб кетмаптими?

– Ёнмаган; бу аблаҳлар ишни пишиқ қилмаганлар. Аммо сизни хотиржам кўрганимдан мен хурсандман... Негаки сизнинг бу ерда ҳеч қандай, ҳатто фикрда ҳам, айбингиз бўлмагани учун, аммо ахир яна бари бир-да... Гапимга кўшилаверинг: буларнинг бари сизга ғоятда қўл келади: сиз кутилмаганда эркин эркакка айланиб қолдингиз ва ҳозирнинг ўзида пули ошиб-тошиб ётган гўзал бир қизга уйланиб олишингиз мумкин, бунинг устига уни аллақачон қўлга киритдингиз. Кўрдингизми, воқеалар жуда одми, жўн тарзда тўғри келиб қолса, нималар бўлишини? А?

– Сиз аҳмоқ хомкалла менга пўписа қиляпсизми?

– Э, кўйинг-е, кўйинг-е, дарров хомкаллага чиқардингиз-а, гапингизни қаранг? Маза қилиб, хурсанд бўлиш ўрнига, сиз... Мен атай югуриб келдим сизни хурсанд қилай деб... Мен нима учун сизга дўқ-пўписа қилар эканман? Бошимга ураманми дўқ-пўписани! Менга сизнинг эмин-эркин ихтиёрингиз керак, кўрқитгандан нима чиқади. Сиз нур ва офтобсиз... Сиздан ўлардай кўрқадиган мен, сиз мендан эмас! Мен ахир Маврикий Николаевич эмасман-ку... Буни қаранг, мен бу ёққа енгил извошда учиб келсам, Маврикий Николаевич тушмагур, боғингизнинг панжараси олдида, боғнинг орқасидаги бурчакда... шинел кийиб ўтирибди, ёмғирда роса бўкибди, кечаси билан қимирламай ўтирганга ўхшайди! Ажойиб-а! Одам ақлдан озаман деса ҳеч гап эмас!

– Маврикий Николаевич? Ростдан-а?

– Рост, рост. Боғ панжарасида ўтирибди. Бу ердан, менимча, уч юз одимлар нарида. Мен тез ўтиб кетдим, аммо у мени кўрди. Хабарингиз йўқмиди? Унда бу гапни сизга етказганимдан хурсандман. Шунақа одам жуда хавфли-да кези келса, яна тўппончаси бўлса, бунинг устига зим-зиё кеча, ёмғир, балчиқ, табиийки, қаҳр-ғазабга минган, – нега деганда, унинг аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а, хо-хо! Нима деб ўйлайсиз, нега ўтирибди?

– Албатта Лизавета Николаевнани кутаётгандир-да?

– А-ана! Нима, қиз унинг олдида чиқармиди? Яна... шариллаган ёмғир... вой, аҳмоғ-ей!

– Қиз ҳозир унинг олдида чиқади.

– Эҳ-е! Ана, холос! Демакки... Лекин, кулоқ солинг, унинг ишлари энди бутунлай ўзгариб кетди-ку; ҳозир Маврикийни бошига урадимми? Сиз ахир, энди озодсиз, эртагаёқ унга уйланишингиз мумкин? У ҳали билмайди, – буни менга қўйиб беринг, мен дарров ҳаммасини тўғрилайман. Қаерда у, хурсанд қилиб кўяйлик.

– Хурсанд қиласизми?

– Бўлмаса-чи, юринг.

– У мурдаларни билмайди дейсизми? – кўзини ўзгача қисди Ставрогин.

¹ Халқ товуши – Худо товуши (лот.).

– Билиб ўтирибдими, – ғирт тентак бўлиб деди Петр Степанович, – нега деганда, қонуний томондан олганда... Эҳ, сиз! Билганда нима! Хотинлар бундай нарсаларни оппа-осон ҳазм қилиб юборишади, сиз уларни билмайсиз! Бундан ташқари, энди сизга тегса, ўзининг фойдаси, негаки, ҳар қалай, бошини балога қўйди, бундан ташқари, мен унга “кишти-кема” ҳақида гапирдим: мен аён билдимки, унга фақат “кишти-кема” билангина таъсир қилиш мумкин, у ўзи билармон қиз экан-да. Ҳеч ҳавотир олманг, у мурдалар устидан ҳўп этиб, сакраб ўтиб кетади, ла-ла деб! Боз устига сиз бутунлай, бутунлай софсиз, сизда гуноҳ йўқ, тўғри эмасми? У мурдаларни эсида сақлаб қўяди, кейин сизни, икки йиллардан сўнг, пайт топиб чақиб олади. Ҳар қандай аёл никоҳдан ўтаётди, эрининг эски ҳаётидан шундай бир нарсаларни ғамлаб, йиғиб қўяди, аммо ўшанда... бир йиллардан сўнг нима бўларкин? Хо-хо-хо!

– Агарда сиз чопқир извошда бўлсангиз, уни ҳозир Маврикий Николаевичнинг олдига элтиб қўйинг. У ҳозир менга сизни кўришга тоқатим йўқ, мен бу ерда қолмайман, кетаман сизни ташлаб, деди ва албатта, менинг экипажимда боришга рози бўлмайди.

– А-ана! Ростдан кетармиши? Нега бундай бўлди экан-а? – тентакланиб қаради Петр Степанович.

– Шу бугун кечаси мен уни қандайдир яхши кўрмаслигимни сезиб қолди шекилли, лекин буни аввалдан биларди.

– Наҳот сиз уни яхши кўрмасангиз? – ажабланиб сўради Петр Степанович. – Ундай бўлса, нега сиз олижаноб инсон сифатида кеча у сизни келганда, уни огоҳлантирмадингиз, севмаслигингизни айтмадингиз, бу ерда олиб қолдингиз? Унда жуда ёмон тубан иш қилибсиз; мени ҳам унинг қошида жуда ёмон ҳолатга қўйибсиз.

Ставрогин бирдан кулиб юборди.

– Мен ўз маймунига куляпман, – деб изох берди у шу захоти.

– Э! Мени майнавозчиликка берилиб кетди деб ўйлабсиз-да, – жуда қувнаб кулди Петр Степанович ҳам, – мен сизни роса кулдирибман-да! Буни қаранг, мен сиз кириб келганингиздаёқ, башарангиздан “бахтсиз” лигингизни билдим. Ҳатто балки, тўла-тўқис “омадсизлик” дир, а? Ўх, бас бойлашаман, – деб кичкирди камоли хурсандлигидан овози бўғзига тикилиб, – сиз тун бўйи стулда ёнма-ён ўтириб, бутун қимматли вақтни аллақандай юксак олижаноблик ҳақида баҳслашиб ўтказгансиз... Ҳе, кечиринг, кечиринг; менга нима; мен кечанинг ўзидаёқ аниқ билган эдим бу ишларингиз тентаклик билан тугашини. Мен уни сизга фақат эрмак учун олиб келгандим, мен билан ҳеч қачон зерикиб қолмаслигингизни кўрсатмоқчи бўлгандим; бунақа ишларга ҳали уч юз марта десангиз ҳам, ярайман; мен умуман, одамларга ёқишни яхши кўраман. Мабодо, агар у энди сизга керак бўлмаса, ўзи шундай бўлади, деб ўйловдим, шунинг учун келувдим, унда...

– Нима, уни фақат менга эрмак учун олиб келганмидингиз?

– Бошқа нимага бўларди?

– Мени хотинимни ўлдиришга мажбур қилмоқчи эмасмидингиз, мабодо?

– А-ана, ахир сиз ўлдирибсизми? Мунча ҳаммасига аянчли тус берасиз!

– Бари бир, сиз ўлдиргансиз.

– Наҳот мен ўлдирган бўлсам? Сизга айтдим-ку, заррача қўлим йўқ деб.

Бирок, мен сиздан ҳавотирга туша бошладим...

– Давом этинг, сиз айтдингизки: “Энди у сизга керак бўлмаса, унда...”

– Унда менга қўйиб беринг! Уни бошлаб Маврикий Николаевичга тутказаман, дарвоқе, уни боғ панжарасига мен ўтқизганим йўқ, яна бу фикрни қаллангизга келтириб ўтирманг. Мен энди ундан кўрқаяпман.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мана чопқир извошда деяпсиз, ахир мен унинг олдидан лип этиб ўтиб кетдим... ёнида тўппончаси бўлса-чи?.. Яхшиям, мен ҳам тўппончамни ёнимга солиб олган эканман. Мана у (чўнтагидан тўппончасини чиқариб кўрсатди-да, яна шу заҳоти яширди) – узоқ йўлда ҳамроҳ... Дарвоқе, мен сиз учун буни боплайман: унинг юраккинаси ҳозир айнан Маврикийга илиқиб тургандир... ҳар қалай, ичиккандир... биласизми – худо ҳақи, менинг бу қизга бироз раҳмим келади! Маврикийга етишгандан сўнг у дарҳол сизни эшашга тушади, – унга сизни мақтайди, уни эса кўзига қараб туриб уришади, – аёлнинг юраги шунақа-да! Ана, яна куляпсизми? Димоғингиз чоғ бўлганидан жуда хурсандман. Майли, кетдик. Мен тўғри Маврикийдан бошлай қоламан, анави... ўлганларни... ҳозир айтмай кўя қолсак-чи? Бари бир кейин билиб олади.

– Нимани билади? Ким ўлдирилганимиз? Сиз ҳозир Маврикий Николаевич ҳақида нима дедингиз? – бирдан эшикни очди Лиза.

– Э! Сиз эшитиб турганмидингиз? Тинчланинг, Маврикий Николаевич соғу саломат, ҳозир ўзингиз кўрасиз, у шу ерда, йўл бўйида, боғ панжараси олдида... кечаси билан шу ерда ўтирганга ўхшайди; шалаббо бўлган, шинелда... Мен келаётганда, у мени кўрди.

– Ёлғон. Сиз “ўлди” дедингиз... Ким ўлди? – қўймай сўрарди қиз ёмон шубҳага ботиб.

– Менинг хотиним, унинг акаси Лебядкин ва хизматкор ўлдирилган, – қатъият билан деди Ставрогин.

Лиза сесканиб тушди ва ранги докадай оқарди.

– Ваҳшиёна қотиллик, Лизавета Николаевна, талончилик, – шу заҳоти жағи-жағига тегмай гапирди Петр Степанович, – ёнғин баҳонасида боскинчилик; қароқчи Федька билан тентак Лебядкиннинг машмашаси, бу аҳмоқ пулини ҳаммага кўз-кўзлаб юрган экан... мен бу ерга учиб етиб келдим... бошга теккан тошдай. Ставрогин эшитиб, ерга кулаб тушаёзди. Биз ҳозир маслаҳат қилиб тургандик: сизга айтайликми, айтмайликми деб?

– Николай Всеволодович, у тўғри айтяптими? – базўр сўради Лиза.

– Йўқ, ёлғон.

– Нега энди ёлғон! – сапчиб тушди Петр Степанович. – Бу нимаси!

– Эй, худойим-ей, одам жинни бўлиб қолади! – қичқирди Лиза.

– Э, тушунсангиз-чи ахир, у ақлдан озай деб турибди! – жон-жаҳди билан бақирарди Петр Степанович. – Ахир нима деманг, унинг хотини ўлдирилган. Қаранг, рангида ранг қолмаган... Ахир у тун бўйи сиз билан бирга бўлди-ку, бир зум ҳам сиздан айрилмади-ку, қандай қилиб ундан шубҳаланиш мумкин?

– Николай Всеволодович, худони ўртага солиб сўрайман, айбингиз борми, йўқми, мен қасам ичаманки, сизнинг сўзингизга ишонаман, худо ҳақи, ернинг нариги четига десангиз ҳам, сиз билан бирга бораман, ҳа, бораман! Йтдай эргашиб бораман...

– Нега уни бунчалар қийнайсиз, эй, хомкалла! – тутақиб кетди Петр Степанович. – Лизавета Николаевна, худо ҳақи, мени ховончага солиб майдалаб ташланг, унда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, аксинча, ўзи ўлгандан баттар бўлиб турибди, алахсираяпти, кўриб турибсиз-ку. Ҳеч қандай, ҳеч қандай айби йўқ, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган!.. Ҳаммаси қароқчиларнинг қилмиши, уларни бир ҳафтада тутиб келишади ва жазосини беришади... Федька Каторжний билан шпигулинчиларнинг иши, бутун шаҳар шундай деяпти, менинг ҳам фикрим шу.

– Шундайми? Шундайми? – титраб-қакшаб охирги ҳукми кутарди Лиза.

– Мен ўлдирганим йўқ, мен бунга қарши бўлганман, аммо мен уларнинг

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ўлдирилишини билардим, мен қотилларни тўхтатиб қолганим йўқ. Лиза, энди бора қолинг, – деди Ставрогин ва залга кириб кетди.

Лиза юзини қўллари билан тўсиб уйдан чиқиб кета бошлади. Петр Степанович отилиб унинг орқасидан бормоқчи бўлди-ю, аммо шу заҳоти залга қайтди.

– Ҳали шундайми? Шундайми ҳали? Сиз ҳеч нарсадан кўркмайсизми? – тамомила қутуриб кетганча ташланди у Ставрогинга, у сўз топмай абдирар, оғзидан кўпик чиқарди.

Ставрогин зал ўртасида серрайиб турар, миқ этиб оғиз очмасди. У чап қўли билан бир тутам сочини чангаллаганча ҳушини йўқотиб илжайрди. Петр Степанович унинг енгидан қаттиқ тортди.

– Эсингизни едингизми? Кунингиз энди шунга қолдими? Ҳаммани балоғардон қилиб сотиб, ўзингиз узлатга кетасизми?.. Аммо мендан кўркмасангиз ҳам мен бари бир пачағингизни чиқараман!

– Э, сиз шақиллаётган эдингизми? – ниҳоят Ставрогиннинг кўзи унга тушди. – Чопинг, – бирдан ҳуши ўзига келди, – орқасидан чопинг, карета олинг, уни ташлаб кетманг... югуринг, югуринг ахир! Уйига кузатиб қўйинг, ҳеч ким билмасин, у ёққа қадам босмасин... мурдалар... мурдалар... каретага зўрлаб ўтқизинг. Алексей Егорич! Алексей Егорич!

– Тўхтанг, бакираверманг! У Маврикийнинг кучоғига ташланади... Маврикий сизнинг каретангизга ўтирмайди... Э, тўхтанг! Каретадан ортиқроқ иш бор!

У яна тўппончасини чиқарди; Ставрогин унга вазмин қаради.

– Эй-ҳа, майли, ўлдилинг, – деди у оҳиста, муросасозлик билан.

– Уф, шайтон, қаранг, ёлғонни ўз устига олишини қаранг! – қалтираб кетди Петр Степанович. – Худо ҳақи, ўлдирмасанг ҳақинг кетади! Сизга у росткам тупурса, арзирди!.. Сизнинг нимангиз “кишти-кема” экан, сиз эски, таги тешик юк кемасидан фарқ қилмайсиз, бузиб ёқиб юбориш керак!.. Алам, алам, алам қилса, кўзингизни очинг! Э-эх! Сизга ҳеч нарсанинг қизиғи қолмабди-да, пешонангиздан ўқ ейишни соғинган бўлсангиз?

Ставрогин ғалати иршайди.

– Агар сиз бундай масхаравоз бўлмаганингизда, мен, майли, от дердим... Зиғирдаккина ақлингиз бўлганда...

– Майли, мен масхаравоз бўла қолай, аммо сиз менинг суянган тоғим, сиз масхаравоз бўлманг! Мени тушуњапсизми?

Ставрогин тушунар, балки фақат ёлғиз ўзи тушунарди. Ставрогин Петр Степановичнинг ғайрати бор деганда, Шатов бундан хайратланганди.

– Жўнанг энди бу ердан, қорангизни кўрмай, эртага бир гап бўлар. Эр-тага келинг.

– Шундайми? Шундайми?

– Мен невилай!.. Йўқолсин, йўқолсин!

У залдан чиқиб кетди.

– Балки шуниси ҳам тузукдир, – деб гўлдиради ўзича Петр Степанович тўппончани яшираркан.

III

У Лизаевта Николаевнага етиб олиш учун югурди. Қиз ҳали уйдан унча узоқлаб кетмаганди. Уни Алексей Егорович тўхтатиб қолмоқчи бўлди, у хурмат-иззат билан қаддини таъзимда букиб, фрак кийган, бош яланг ҳолда қиздан бир қадам орқада борар, тўхтамай экипажни кутишни илтижо қиларди; қария кўрқиб кетган, йиғламоқдан бери бўларди.

– Ичкарига кир, хўжайин чой сўраяпти, сендан бошқа одам йўқ, – деб

қарияни туртди Петр Степанович, сўнг Лизавета Николаевнани қўлтиқлаб олди.

Қиз қўлини тортиб олмади, аммо, афтидан, унинг ҳуши ўзида эмас, ҳали хаёли жойига келмаганди.

– Биринчидан, сиз у ёққа эмас, – бидирлади Петр Степанович, – биз бу ёққа, боғни четлаб ўтамиз; иккинчидан, нима бўлмасин, яёв бориб бўлмайди, уйингизгача уч чақирим бор, устингизда эса кийимингиз ҳам йўқ, жиндай сабр қилиб турсангиз эди. Мен извошдаман, от шу ерда ҳовлида, дарров олиб чиқаман, ўтқизаману олиб бориб қўяман, ҳеч ким кўрмайди.

– Мунча яхшисиз... – майин деди Лиза.

– Садағангиз кетай, менинг ўрнимда ҳар қандай одамгарчиликни биладиган инсон...

Лиза унга бошини кўтариб қаради-да, хайрон бўлиб қолди.

– Ох, худойим, мен сизни анави қариями дебман?

– Қулоқ солинг, сиз буни шундай қабул қилаётганингиздан хурсандман, негаки, бу ҳаммаси жуда ёмон бир ваҳм, ҳамон шундай экан, яхшиси, мен чолга карета тайёрлашни буюраман, узоғи билан ўн дақиқа кетади, биз эса қайтиб бориб эшик олдида кутиб турамыз, а?

– Мен олдин... ўлдирилганлар қаерда?

– Э, хаёлингизга келганини қаранг! Мен шундан кўркувдим... йўқ, бу расволарни ўз холига қўямиз, сизга ҳеч кўрадиган жойи йўқ.

– Уларнинг қаердалигини биламан, мен ўша уйни кўрганман.

– Билсангиз, нима бўпти? Кўрмайсизми, ёмғир, туман (нима бало, қори хайр қилмоқчи бўлаяпманми!)... Қулоқ солинг, Лизавета Николаевна, иккисидан бири: ё сиз мен билан извошда кетасиз, унда андак тўхтаб турасиз ва бир қадам олдинга юрмайсиз, чунки яна йигирма қадам юрилса, унда бизни албатта Маврикий Николаевич кўриб қолади.

– Маврикий Николаевич? Қани? Қани?

– Хўш, агар сиз у билан кетаман десангиз, унда сизни яна бироз кузатиб қўйиб, унинг ўтирган жойини кўрсатаману, сўнг камина кулингизга ижозат; мен ҳозир унга рўпара бўлишни истамайман.

– Вой, худойим-ей, у мени кутяптими! – бирдан тўхтади қиз ва юзи кизариб кетди.

– Аммо, садағангиз кетай, у ваҳма қилиб ўтирадиган одам эмас! Биласизми, Лизавета Николаевна, булар менинг ишим эмас; мен бутунлай четдаги одамман, буни ўзингиз яхши биласиз; аммо мен сизга яхшилик қилмоқчиман... Бизнинг «кишти-кемамиз» ҳамон беҳуда бир нарса, шалок юк кемасидан фарқ қилмас, ёқиб юборишдан бошқага ярамас экан...

– Ох, ажойиб! – қичқирди Лиза.

– Ажойиб-а, аммо кўзингиздан шашқатор ёш оқяпти. Бу ерда матонат зарур. Эркакка ҳеч нарсада ён босиш керак эмас. Бизнинг асримизда, хотин киши... уфф, шайтон (тупугини ютди Петр Степанович)! Асосийси, ачиниб ўтирадиган жойи йўқ: балки бари яхшилик билан тугар. Маврикий Николаевич шундай инсонки... бир сўз билан айтганда, ҳиссиётчан одам, ичимдагини топ дейдиганлардан, нафсламрга, бу ҳам соз, бир шарти шуки, ваҳма қилмаса...

– Ажойиб, ажойиб! – жазавага тушиб кулди Лиза.

– Э, ҳа, шайтон... Лизавета Николаевна, – бирдан тутатди Петр Степанович, – нафсламрга, мен фақат сизни деб... бўлмаса, менга нима. Кеча ўзингиз хоҳиш билдирганингизда, мен камарбаста бўлдим, бугун эса... Хў-ўп, мана шу ердан Маврикий Николаевич кўриниб турибди, хув ана,

ўтирибди, бизни кўраётгани йўқ. Биласизми, Лизавета Николаевна, сиз “Полинька Сакс”ни ўқиганмисиз?

– У нима?

– Шундай “Полинька Сакс” деган қисса бор. Талабалигимда ўқиганман... у ерда жуда давлатманд Сакс деган мансабдор ҳақида ёзилган, у чорбоғида хотинини ўйнаш билан кўлга туширган... Э, ўх, шайтон, тупурдим! Мана кўрарсиз, Маврикий Николаевич ҳали уйга етмаёқ сизни оламан деб айтади. У ҳали бизни кўргани йўқ.

– Оҳ, майли кўрмасин! – қичкириб юборди Лиза бирдан телбаларча. – Юринг, юринг! Ўрмонга кетамиз, далаларга!

Шунда у орқасига қараб югурди.

– Лизавета Николаевна, бу ахир ожизлик-ку! – унинг орқасидан югурди Петр Степанович. – Нега хохламайсиз унинг кўришини? Аксинча, унинг кўзларига тикка ва мағрур қаранг... Агар сиз анави... қизликни... ташвиш қилаётган бўлсангиз... Э, ўх, бу шунақанги бидъат ваҳима, шунақанги қолоқлик... Э, қаёққа ахир, қаёққа ахир? Эҳ, ха, югуришини қаранг! Яхшиси, Ставрогиннинг олдига қайта қолайлик, менинг извошимни оламиз... Қаёққа кетяпсиз ўзи? У ёқ далалар... ана, йиқилди!..

У тўхтади. Лиза худди кушдек боши оққанча учиб борар, Петр Степанович эса ундан эллик қадамча орқада қолиб кетганди. Қиз дўннга қоқилиб йиқилди. Шу заҳоти четдан бир ёмон ҳайқириқ чиқди, Маврикий Николаевич унинг чопиб кетаётиб йиқилганини кўриб қолган, даланинг ўртасидан унга қараб югурганди. Петр Степанович кўз-очиб юмгунча Ставрогиннинг дарвозасига қочиб кириб, тезроқ извошига ўтириш пайига тушди.

Маврикий Николаевич эса қаттиқ қўрқиб кетганча, ўрнидан ўнглана бошлаган Лизанинг тепасида эгилиб, унинг қўлидан ушлаб турарди. Бу ақл бовар қилмас аҳвол, учрашув йигитнинг ақлини шошириб қўйган, юзидан дувиллаб ёш қуйиларди. У ўзи эъзозлаган қизни шундай бир соатда, шундай бир ҳавода кечаги башанг, бугун эса эзилган, ғижимланган, лой чапланган ёлғиз қўйлақда дала ўртасидан югуриб кетаётганини ўз кўзлари билан кўрганди... Унинг тили калимага келмас, елкасидан шинелини ечиб қалтираган қўллари билан қизнинг устини ўрай бошлади. Қиз бирдан ўзининг қўлига лабларини босганини сезиб, у кутилмаганда қичкириб юборди.

– Лиза! – қичқирди у, – мен ҳеч нарса қилолмайман, лекин мени ўзингиздан нари ҳайдаманг!

– Э-ҳа, кетдик тезроқ бу ердан, мени ташлаб кетманг! – шундай деб қиз йигитнинг қўлидан тутганча уни ўз орқасидан тортиб кетди. – Маврикий Николаевич, – қиз бирдан қўрқиб овозини пасайтирди, – мен у ерда ботир бўлиб кетдим, бу ерда эса ўлимдан қўрқяпман. Мен ўламан, тез орада ўламан, аммо мен қўрқяпман, ўлишдан қўрқяпман... – дея пичирларди у йигитнинг қўлини маҳкам қисиб.

– О, ким бор ахир бу ерда! – жони ҳалқумига келиб атрофга алангларди йигит, – биронта ўткинчи ҳам кўринмайди! Оёғингизни совуқ олдирасиз... ақл-ҳушингиздан айриласиз!

– Майли, майли, – деб уни юпатарди қиз, – сиз бўлсангиз мен қўрқмайман, қўлимдан ушланг, мени етакланг... Энди қайга борамиз, уйгами? Йўқ, мен олдин ўлганларни кўрмоқчиман. Унинг хотинини сўйиб кетишибди, ўзи эса мен ўлдирдим, дейди, бу ахир, ёлғон, ёлғон, тўғрими? Мен сўйилганларни ўзим кўрмоқчиман... мен учун... улар туфайли шу кеча у мени севмай қўйди... Кўрсам, биламан. Тезроқ, тезроқ, мен биламан ўша уйни... у ерда ёнгин... Маврикий Николаевич, дўстгинам, мени кечирманг, мен номуссиз-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ман! Мени кечирининг кераги йўқ. Нега йиғлаяпсиз? Менга бир шапалок тушуриш ва мени шу далада ўлдириб кетинг итдай қилиб!

– Ҳеч ким сизга қози эмас, – катъият билан деди Маврикий Николаевич, – сизни худо кечирсин, мен эса сизга ҳеч қози эмасман!

Аммо уларнинг гап-сўзларини баён этиш жуда ўнғайсиз туюларди. Улар бу орада қўлма-қўл ушлашиб, худди телбалардай шошиб-пишиб тез юриб боришарди. Улар тўғри ёнғин сари йўл олишганди. Маврикий Николаевич ҳалиям бирон от-арава учраб қолар, деб умидини йўқотмаган, лекин атрофда зоғ учмасди. Майдалаб, эзмаланиб ёғаётган ёмғир ҳар қандай зиё, ҳар қандай ранг-тусни ўчириб, ютиб, бутун атрофни ўз қамровига олган, ҳамма нарсаларни кўрғошиндай туссиз дудмал ҳаюлога дўндирганди. Аллақачон тонг отган, аммо ҳамон туман босганлигидан атроф қоронғу эди. Шунда бирдан мана шу рутубатли, совуқ қоронғуликдан уларга қарама-қарши одим отиб келаётган ажабтовур, ақл бовар қилмас бир шарпа намоён бўлди. Ҳозир буни тасаввур қилиб шундай ўйлайманки, мен Лизавета Николаевнанинг ўрнида бўлганимда ҳам, ўзим кўзларимга ишонмасдим; холбуки қиз бу орада шодумон қичкириб юборди ва шу заҳоти рўпарадан келаётган одамни таниди. Бу Степан Трофимович эди. Унинг қандай чиқиб кетгани, қочиб кетиш билан боғлиқ асосий телбаворий фикр қандай амалга ошгани – бунинг ҳикояси ҳали олдинда. Фақат шу тонг чоғи у жонсарақ бир иситмада бўлганлигини эслатиб ўтаман, аммо бетоблиги ҳам уни тўхтатиб қололмаган: у лой-шалаббо ердан шахдам одим ташлаб борарди; ўзининг хонанишинлиги ва тажрибасизлигига қарамасдан, у қулай фурсат туғилиши ҳамон қўзлаган ишини охиригача ўйлаб, пишитиб йўлга тушганга ўхшарди. Йўлбоп узун энгли шинель кийган, белига локланган кенг тўқали чарм камар боғлаган, оёғида янги қўнжи баланд этик, икки ёни осилган шим. У анчадан бери ўзини мана шундай йўлчи қиёфасида тасаввурига келтириб юрар, кенг камар, ялтироқ гусарча қўнжли баланд этикда ҳали у қойиллатиб юролмас, лекин уларни бир неча кун илгари ҳозирлатиб қўйганди. Лекин бу либослар ҳали ҳаммаси эмас. Унинг бошида айвони кенг шляпа, бўйнига юмшоқ тивит шарф маҳкам қилиб ўралган, ўнг қўлида таёқ, чап қўлида эса ғоятда миқти, аммо тиғиз юк жойланган саквояж кўтариб олганди. Боз устига яна унинг ўнг қўлида очилган соябони бор эди. Мана шу уч нарса – соябон, таёқ ва саквояжни йўлнинг дастлабки чақиримида олиб юриш ниҳоятда ноқулай бўлди, иккинчи чақиримдан бошлаб эса янада оғирлашди.

– Наҳотки шу ўзингиз бўлсангиз? – деб қичқирди Лиза унга бошдан-оёқ нигоҳ соларкан. Илк кўрган чоғидаги, хурсандчилик қайғули бир хайрат билан алмашган эди.

– Lise! – деб қичкириб юборди Степан Трофимович ҳам, унга худди абдирагандай пешвоз бориб.

– Chere, chere, наҳот сиз ҳам... шу туманда-я? Шафақни кўряпсизми! Vous etes malheureuse, n'est-ce pas?¹ Кўряпман, кўряпман, гапирманг, мандан ҳам сўраманг. Nous sommes tous malheureux, mais il faut les pardonner tous. Pardonnons, Lise², ва биз мангу озод бўлмаймиз. Оламини шундай енгамиз ва бир қадар эрк топмаймиз – il faut pardonner et pardonner!³

– Лекин нега тиз чўкяпсиз ахир?

– Мен дунё билан хайрлаша туриб, сизнинг сиймоингизда ўзимнинг бутун ўтмишим билан хайрлашаман! – У йиғлаб юборди ва қизнинг ҳар

¹ Сиз бахтсизсиз, тўғрими? (франц.)

² Биз ҳаммамиз бахтсизмиз, аммо уларнинг ҳаммасини кечиринг керак. Кечирайлик, Лиза.

³ Кечиринг керак, кечиринг, кечиринг!

иккала кўлини ўзининг ёш окиб турган кўзларига суртди. – Менинг ҳаётимда неки гўзал нарса бўлган эса, унинг қошида тиз букаман, кўзга суртаман ва ташаккур айтаман! Мана энди ўзимни қоқ иккига ажратдим: у ёқда – кўкка учишни хаёл қилган телба, *vingt deux ans!*¹ Бу ерда эса – адо бўлган ва совқотган қари мураббий... *chez ce marchand, s'il existe pourtant ce marchand...*² Оҳ, ёмғирда ивиб кетибсиз-ку, *Lise!* – қичқирди у ёмғирда бўккан ерда ўзининг ҳам тиззалари зах торганини сезиб, оёққа тураркан, – сизга нима бўлди, уст-бошингиз бундай?.. Яна пойи пиёда ва яна бундай яйдоқ далада... Йиғлаяпсизми? *Vous etes malheureuse?*³ Воҳ, мен нимадир эшитувдим... Аммо ҳозир қайдан келяпсиз? – у кўрқиб кетган қиёфада саволларни қалаштирарди, ҳеч нарсани англамагандай Маврикий Николаевичга харосон тикиларди, – *mais savez-vous L'heure qu'il est!*⁴

– Степан Трофимович, сиз у ёқда ўлдирилганларни эшитдингизми?.. Шу тўғрими? Тўғрими?

– Садқаи одамлар! Кори-борлари ёнганини тун бўйи кўрдим. Қилмиш-қидирмиш... (Унинг кўзларида яна ўт чакнади). – Абдираганлардан қочиб бораяпман, ваҳимали кўрқинч тушлардан қочиб бораяпман Россиямни кидириб, *existe-t-elle aa Russie? Bah, c'est vouse cher capitaine!*⁵ Гумон қилмас эдим асло, сизни бир кунмас-бир кун жасорат чоғи учратарман деб... Аммо менинг соябонимни олинг, яна нега бундай пиёда юрибсиз? Худо ҳақи, жуда бўлмаса шу соябонни олинг, мен бари бир бироз юриб экипажга тушаман. *Stasie* (Настасья демокчи) бутун кўчани бошига кўтариб қичқирмасин деб, арава ёлламадим, мен кетаётганимни билиб қолса, дунёни бошига кўтарарди. Мен имкони борича *incognito* жўнатиб юбордим. Билмайман, бу “Голос”да ҳамма ёқни қароқчи босган деб ёзишади, лекин мен йўлга чиққан заҳотим, дарров қароқчилар келиб таламаса керак, деб ўйладим, *Chere Lise*⁶, сиз ҳозир кимдир кимнидир ўлдирмоқчи деддингизми? *O mon Dieu*⁷, мазангиз қочдим!

– Кетдик, кетдик! – жазава ичида қичқирди Лиза яна Маврикий Николаевични орқасидан эргаштириб. – Тўхтанг, Степан Трофимович, – бирдан у Степан Трофимович томонга юрди, – тўхтанг, бечорагина, мен сизни чўқинтирай. Балки сизни боғлаб қўйиш керакмиди, аммо майли, чўқинтира қолай. Сиз ҳам “бечора” Лизани дуо қилинг, майли, озроқ бўлса ҳам, ўзингизни қаттиқ уринтирманг. Маврикий Николаевич, бу гўдакка соябонни беринг, албатта, қайтариб беринг. Ана шундай... Юринг энди, юринг энди!

Чала ёнган уй олдида калин издиҳом тўпланган, издиҳом Ставрогин ҳақида не-не мишмишларни эшитмаган, у ўз фойдасини кўзлаб хотинини ўлдирди, дейишарди. Лиза билан ҳамроҳи машъум уй олдида етиб келганларида оломон шу гаплар билан банд эди. Аммо бари бир яна такрор айтаман, аксар кўпчилик индамай, қимирламай тингларди. Фақат бадмаст бакироқларгина оғизларидан кўпиклар сочишар, уларга “ўзини тутолмайдиган” анов шаҳарликка ўхшаганларгина қўлларини силкитиб қўшилишарди. Уни ҳамма бўш-баёв юмшоққина одам деб танир, лекин унга қандайдир бирон нарса қаттиқ таъсир қилса, у қутилмаганда бирдан ўзини йўқотиб қўяр ва осмону фалакларда уча бошларди. Мен Лиза билан Маврикий Николаевич қандай етиб келганларини билмай қолдим. Биринчи марта Лизани

¹ Йигирма икки йил!

² Ушбу савдогарда, агар у мавжуд бўлса, ушбу савдогар...

³ Бахтсиз бўлиб қолдингизми?

⁴ лекин биласизми, ҳозир соат неча бўлди?

⁵ Борми ўзи ўша Россия? Воҳ, бу сизмисиз қадрли капитан?

⁶ Азизам Лиза.

⁷ О, худойим.

хайратдан лол қолган ҳолда мендан анча узокда оломон ичида кўрдим, Маврикий Николаевични эса аввалига пайқаганим ҳам йўқ. Тиқилинча уни суриб юборишганим, бир зумги у қизни йўқотиб қўйган. Лиза теварак-атрофида ҳеч нарсани илғамай, пайкамай худди касалхонадан қочиб чиққан одамдай, иситмаси ошиб ҳоли-жонига қўймаётгандай оломонни ёриб ўтиб борар ва бу албатта, оломоннинг эътиборидан четда қолмади: ғовур-ғувур бошланиб, бирдан дод-вой кўтарилди. Шунда кимдир: “Бу Ставрогиннинг одами!” – деб бақирди. Нариги томондан эса: “Ўлдиргани етмагандай, томошага ҳам келади!” – деган қичқириқ эшитилди. Мен шунда бирдан қизнинг орқа томонидан кимнингдир қўли кўтарилиб, унинг бошига зарба туширганини кўрдим; Лиза йиқилди. Маврикий Николаевичнинг ўкиргани эшитилди, у ёрдамга ташланди ва Лизани ўзидан тўсиб турган одамни бор кучи билан урди. Лекин худди шу дақиқада бояги шаҳарлик лангар ташлаётган киши уни орқадан икки қўли билан кучоқлаб олди. Бошланиб кетган ур-йиқитда бир қанча вақт ҳеч вақони кўриб бўлмади. Афтидан, Лиза оёққа турди, лекин яна бошқа зарба тушиб, яна ерга кулади. Бирдан оломоннинг ораси очилди, чўзилиб ётган Лизанинг атрофи бироз бўшади, қонга беланган, ақл-хушини йўқотган Маврикий Николаевич қизнинг тепасида бақирар, йиғлар, қўлларини бир-бирига уриб қасирлатарди. Кейин нима бўлгани аниқ эсимда йўқ; Лизани бирдан кўтариб олиб кетишаётгани ёдимда қолганди. Мен унинг орқасидан югурдим, у ҳали тирик эди, эҳтимол, хушини ҳам йўқотмаганди. Оломон ичидан шаҳарлик киши билан яна учтасини тутишди. Булар учаласи ҳам ҳозиргача бу ёвузликда қатнашганларини бўйниларига олмай келдилар, бизни нотўғри ушлашди, деб оёқ тираб турадилар. Шаҳарликнинг айби кўриниб турган бўлса ҳам, эси кирди-чикди одам шекилли, шу пайтгача бўлиб ўтган воқеани тушунтириб беролмайди. Мен ҳам, гарчи узокроқ гувоҳ бўлсам-да, терговда кўрсатма беришим керак эди: мен ҳаммаси мутлақо тасодифан рўй берди, одамларнинг зардаси қайнаб турганлиги рост, лекин улар маст-аласт, калавасининг учини йўқотган, нима қилаётганини англамасди, дедим. Ҳозир ҳам шу фикрда турибман.

ТЎРТИНЧИ БОБ

СЎНГГИ ҚАРОР

I

Шу куни эрталаб Петр Степановични кўплар кўришганди; кўрганлар унинг ҳаддан ташқари ҳаяжонланган ҳолатда бўлганлигини эслайдилар. Туш чоғи соат иккида у Гагановнинг уйига борган, Гаганов куни кечагина қишлоқдан келган, уйи тўла меҳмон эди, улар оғизлари тинмай ҳозиргина рўй берган воқеаларни ҳовлиқиб сўйлашарди. Петр Степанович ҳаммадан кўп гапирар, ўзини эшитмаганларига қўймасди. Уни бизда ҳамма вақт “боши тешиқ маҳмадона талаба” деб билишар, аммо ҳозир у Юлия Михайловна ҳақида оғзини кўпиртирар, юз берган бошбошдоқлик ичида бу мавзу ҳаммани қизиқтирарди. Унга жуда яқин, нозик сирдош бўлгани боис Юлия Михайловна борасида анча-мунча янги ва кутилмаган тафсилотларни ҳикоя қилиб берди; талмовсирагандай бўлиб (албатта, ғоятда эҳтиётсиз) унинг шаҳарда ҳамма танийдиган одамлар ҳақида билдирган фикрларини очиқ-ойдин айтди, бундан нафсониятлари озор чеккандай бўлди. Қўй оғзидан чўп олмаган содда одамдай гапларининг тутантириғи йўқ эди, аммо виждонли

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

бир сифатида тоғдай уюлиб ётган ноаён, ноаниқ нарсаларни кийнаиб бўлса-да, ўзини тушунтириб бериш мажбурияти остида қолган одамдай тутар, нимадан бошлаб, нима билан тугатишни соддадиллиги туфайли ҳеч билолмаётгандай кўрсатарди. У худди эҳтиётсизликка йўл қўйгандай бўлиб, Юлия Михайловна Ставрогиннинг бутун сир-асроридан хабардор ва бутун найрангни ўзи бошқариб турарди, деганга олиб келди. Юлия Михайловна Петр Степановични ҳам йўлдан урган экан, нега деганда Петр Степанович ҳам бахти қаро Лизага ошику беқарор экан, “унинг бошини шунчалар айлантириб ташлашганки”, натижада Петр Степановичнинг ўзи қизни каретага ўтқизиб, Ставрогиннинг уйига олиб борган. “Ҳа, ҳа, сиз маза қилиб куласиз-да, жаноблар, лекин мен буларнинг ҳаммаси нима билан туғашини билганимда эди, билганимда эди!” – деб хулоса қилди у. Ставрогин борасида берилган турли-туман серташвиш саволларга у тўғридан-тўғри жавоб бериб, менинг фикримча, Лебядкин билан рўй берган ишқал ғирт тасодифдан бошқа нарса эмас ва ҳаммасига пулларини мақтаниб кўрсатган Лебядкиннинг ўзи айбдор. У айниқса шу нарсани яхшилаб тушунтирди. Эшитиб ўтирганлардан бири: сиз бекорга ўзингизни “кўрсатяпсиз” деди: сиз Юлия Михайловнанинг уйида эдингиз, ичдингиз, ҳатто ётиб ҳам қолдингиз, энди эса элбурутдан уни қоралаяпсиз, бу одамлар назарида унча чиройли бўлмапти-да. Бироқ Петр Степанович дарров ўзини химоя қилди: “Мен еган, ичган бўлсам, чўнтагимда пулим йўқлигидан эмас, у ерга, мени қўймай таклиф қилиб туришгани учун айбдор эмасман. Бунинг учун улардан қанчалар миннатдор эканлигимни ўзимга қўйиб бераверинг”.

Умуман, хулоса унинг фойдасига бўлди: “Йигити тушмагур бемаъни ва устига-устак, аравани қуруқ олиб қочади, аммо Юлия Михайловнанинг аҳмоқликларига у айбдор эмас-ку? Аксинча, кўп ҳолларда хонимни тўхтатиб қолган-да...”

Соат иккиларга бориб бирдан шундай хабар тарқалди: устида шунча гап-сўзлар бўлиб турган Ставрогин кутилмаганда туш чоғидаги поездда Петербургда жўнаб кетибди. Ҳамма анг-танг; кўпларнинг қовоғи солинди. Петр Степанович эса шунчалар хайратга тушдики, айтишларича, ҳатто башараси ўзгариб кетиб: “Э, ким уни чиқариб юборибди?” деб қичкирибди ҳам. У шу заҳоти Гагановникидан югуриб чиқиб кетган. Бироқ уни яна икки ёки уч хонадонда гап сотганини кўрганлар бўлган.

Хуфтон тушган пайтда у Юлия Михайловнанинг хузурига ҳам ўтишга муваффақ бўлган, у бунга жуда катта қийинчиликлар билан эришган, негаки, хоним уни қабул қилишни қатъиян истамаган. Фақат орадан уч ҳафта ўтгачина бунинг хонимнинг ўз оғзидан эшитиб билдим. Ўшанда хоним Петербургда кетиш учун отланиб турганди. Хоним тафсилотларини айтиб ўтирмай, “у мени чексиз лол қилиб қўйди”, деди. Назаримда, у хонимни агар ортиқча “оғиз очсангиз”, тил бириктирганимиз ошқор бўлади, деган мазмунда кўрқитган. Кўрқитиб қўйиш зарурати эса унинг ўша пайтдаги ниятлари билан яқиндан боғланиб кетар, албатта, хонимга бу ниятларнинг қандайлиги маълум эмасди, фақат кейинроқ, беш кунлар ўтгач, хоним нега ўзининг “гуллаб” қўйишидан унинг шубҳаланганлигини, яна қаҳр-ғазаб қилишидан чўчиганлигини фаҳмлаб етди...

Бутунлай қоронғу тушган кечки соат саккизларда *бизникиларнинг* ҳаммаси – бешовлон прапоршик Эркелнинг шаҳар чеккасидаги Фомин тор кўчасида қийшайиб турган торгина уйида йиғилишди. Петр Степановичнинг ўзи шу ерда умумий мажлис чиқаришни тайинлаганди; аммо кечириб бўлмас даражада кечикар, аъзолар уни бир соатдан бери кутишарди. Ушбу прапоршик Эркель деганимиз ўша Виргинскийнинг уйдаги анжуманда

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

қўлидан қоғоз-қаламини қўймай ўтирган, шахримизга бошқа ёқдан келиб қолган индамас офицер. Ўзи бу ерга яқинда келган, опа-сингил икки кампирнинг кимсасиз овлоқдаги уйида ижарада турар, кўп ўтмай бу ердан жўнаб кетадиган эди; Эркелникада йиғилсалар, ҳеч кимнинг кўзи тушмасди. Бу йиғитча, айниқса, мутлақо миқ этиб оғиз очмаслиги билан ажралиб турарди. У ғала-ғовур йиғинда ҳатто ўн кеча десангиз ҳам бир оғиз сўз айтмай ўтираверар, ҳар қанча вағир-вуғур гап ўтмасин, индамас, аксинча, болаларча маъсум кўзларини бир зум бўлсин сўзловчилардан узмас, фақат тингларди. Ўзи истараси иссиққина, чехрасидан ақл ёғилиб турарди. У бешликнинг аъзоси эмасди; бизникилар у қаердандир қандайдир соф ижро ишларига дахлдор топшириқ билан келган бўлса керак, деб тахмин қилишарди. Эндиликда унинг ҳеч қандай алоҳида топшириқ билан келмаганлиги маълум, у ўзининг аҳволини англармиди, англамасмиди, бу ҳам даргумон. У Петр Степановични яқин вақтларда учратиб, унга эътиқод қўйганди. Агарда у қандайдир эртароқ йўлдан озган даюс олабўжига дуч келиб қолсаиди ва ушбу шумтака унинг миясини турли ҳавойи ижтимоий-романтик гаплар билан ачитиб, биронта қароқчилар тўдасини ташкил этишни топширса ва хамир учидан патир дегандай, дуч келган одамни талаш, ўлдиришни буюрса, у шубҳаланиб ўтирмай буни албатта адо этган бўларди. Унинг аллақайларда қолган касалманд онаси бор эди, – онасига унча катта бўлмаган маошининг ярмини қанда килмай жўнатиб турарди. Она шўрлик ўғилчасининг патила-патила малла сочли бошгинасини қандоқ ўпарди денг, қандоқ авайлар, тинмай дуолар қиларди. Мен бу ҳақда кўп сўз юритаётганимнинг сабаби шуки, унга жуда ҳам юрагим ачийди.

Бизникилар асабийлашмоқда эдилар. Ўтган кечанинг воқеалари уларни лол қилиб қўйган, чамаси, юраклари пўкиллаб қолганди. Улар шу пайтгача ғайрат билан иштирок этиб келган оддий, аммо мунтазам бўлиб турган жанжал-тўполонлар улар учун ҳеч қутилмаган ечим топди. Тунда чиққан ёнғин, Лебядкинларнинг ўлдирилиши, Лизанинг оломон қилиниши – булар уларнинг дастурларида кўзда тутилмаган ишлар эди. Улар ўзларини бошқариб турган қўлни зулмкорлик ва хуфякорликда айблай бошлашди. Бир сўз билан айтганда, улар Петр Степановични кутиб ўтираркан, ўзларини ўзлари роса қайрашди, ундан айрим нарсаларни аниқ тушунтириб беришини қатъиян талаб қиламиз, дейишди, агарда у олдин ҳам бир неча бор бўлганидек, яна бундан ўзини олиб қочса, унда бешликни ҳам тарқатиб юборамиз, лекин унинг ўрнига “ғоялар тарғиботи” билан шуғулланадиган янги яширин жамият тузамиз, деб келишиб олдилар. Аммо бу энди бизнинг наздимизда барча овозлар тенг бўлган демократик ташкилот бўлади. Липутин, Шигалев ва халқ билимдони бу фикрни тўла, қўллаб-қувватлайдилар; Лямшин гарчи кўринишдан рози бўлса ҳам, оғиз очмади. Виргинский иккиланиб турди ва олдин Петр Степановичнинг ўзидан эшитайлик, деди. Петр Степановичнинг ўзидан эшитамиз, деб келишдилар. Аммо ҳамон ундан дарак йўқ эди; бу беписандлик уларнинг қонини қайнатди. Эркель оғзига мум солгандай индамас, фақат чой келтириш ҳаракатига тушганди; кампирлар тайёрлаб берган чойни стаканларга қуйиб, патнисга териб ўзи олиб чиқди, самовар киритмади, хизматчини бу ёққа қўймади.

Петр Степанович ниҳоят соат саккиз яримда кириб келди. У тез-тез юриб диван яқинидаги думалоқ стол олдига ўтди, одамлар шу стол атрофида ўтиришганди; шапкасини қўлидан қўймади, чой ҳам ичмади. Қиёфасида қаҳр, қатъият, кибр акс этарди. Афтидан, аъзоларнинг авзойидан уларнинг норозиликларини сезд.

– Мен оғзимни очмай турай, аввал сиз ёрилинг, тўлиб турганга ўхшайсиз,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

– деди у қахрли илжайиб аъзоларнинг турқ-атворларига бирма-бир назар ташлаб.

Липутин “хамманинг номидан” гап бошлади ва қалтираган овоз билан “агар шундай давом этадиган бўлса, ўз пешонамизни ўзимиз мажаклаймиз”, деди. О, улар пешоналарини ёришдан асло қўрқмайдилар, ҳатто бунга ҳамиша тайёрдирлар, аммо буни фақат умумий иш учунгина адо этажаклар. (Ҳаммалари қимирашиб, маъқуллашиб қўйишди). Шунинг учун улар билан очик гаплашиш даркор, улар олдиндан билишлари керак “бу ёғи нима бўлади?” (Яна қимирашиб қўйишди, бир қанча томоқ қиришлар эшитилди). Бундай ҳаракат қилиш таҳқирли ҳамда хатарли... Буларни биз қўрқаётганимиз учун айтаётганимиз йўқ, фақат битта одам ҳаракат қилса-ю, бошқалар оғзини очиб қараб турса, унда битта одамнинг ёлғони туфайли бошқа ҳамма тумшугидан илинади. (Хитоблар: Шундай! Шундай! Умумий маъқуллаш).

– Жин урсин, нима керак сизларга?

– Бизнинг умум ишимизга, – қизишди Липутин, – жаноб Ставрогиннинг найранглариининг нима алоқаси бор? У аллақандай сирли равишда марказга тегишли бўлса бу ўзига, аслида бу фантастик марказнинг таг-туғи борми, лекин биз буни ҳам билишни истамаймиз. Ҳолбуки, қотиллик рўй берди, полиция оёққа турди, ипнинг учидан тортиб калаванинг тагигача етиб келишади ахир...

– Сиз Ставрогин билан бирга қўлга тушасиз, биз ҳам қўлга тушамиз, – қўшиб қўйди халқ билимдони.

– Умум ишига ҳеч қандай фойдаси йўқ, – ҳорғин тугатди Виргинский.

– Ҳаммаси бекор! Қотиллик тасодифан бўлган, Федька талончилик мақсадида қилган.

– Ҳм. Бироқ, қизиқ, тўғри келиб қолибди-да, – юзини буриштирди Липутин.

– Агар хоҳласангиз, сиз орқали бўлган.

– Қандай биз орқали бўлади?

– Биринчидан, Липутин, сиз бу найрангга қатнашдингиз, иккинчидан, сизга Лебядкинни жўнатиб юбориш тайинланганди, пул ҳам берилганди, сиз нима қилдингиз? Агар йўлга чиқариб юборганингизда, ҳеч нарса рўй бермасди.

– Э, сиз ўзингиз айтмадингизми, чиқиб шеър ўқиса яхши бўларди деб?

– Таклиф эди, буйруқ эмас. Буйруқ йўлга чиқариб юборишга бўлганди.

– Буйруқмиш. Бу сўзингиз қизиқ жуда... Аксинча, сиз ўзингиз буюрдингиз: жўнатишни тўхтат деб.

– Сиз янглишгансиз, аҳмоқчилик ва ўзбошимчалик қилгансиз. Қотиллик Федьканинг иши, буни талончилик мақсадида бир ўзи қилган. Сиз даранг-дурунгни эшитгансизу қўрқиб кетгансиз, ишонгансиз. Ставрогин аҳмоқ эмас, далолати шуки, у соат ўн иккида поездга ўтириб, жўнаб кетган, ундан олдин ҳоким ўринбосари билан кўришган; агар бирон гап бўлганда, уни куппа-кундузи Петербургга қўйиб юборишмасди.

– Э, биз жаноб Ставрогин ўзи ўлдирди деяётганимиз йўқ, – уялмасдан захарханда қилди Липутин, – у худди менга ўхшаб буни ҳатто билмаслиги ҳам мумкин; сиз жуда ҳам яхши биласизки, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ эди, гарчи қош қўяман деб, кўз чиқардим, шекилли.

– Сиз кимни айбляпсиз? – тумтайиб қаради Петр Степанович.

– Шахарларга ўт кўювчиларни айблайман-да.

– Энг ёмони, сиз нуқул гап берасиз. Айтганча, ўкиб кўрмайсизларми. Бошқалар ҳам билиб қўйсин, бу фақат маълумот учун.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

У чўнтагидан Лебядкиннинг Лембекега ёзган имзосиз хатини чиқариб Липутинга узатди. Липутин ўқиб ҳайрон бўлди ва ўйланиб хатни ёнидаги кишига чўзди; хат тезликда даврада айлантирилди.

– Бу ҳақиқатан Лебядкиннинг қўлими? – сўради Шигалев.

– Унинг қўли, – дейишди Липутин билан Толкаченко (яъни халқ билимдони).

– Фақат билиб қўйинг деяпман, чунки Лебядкинга юрагингиз ачишяпти, – такрорлади Петр Степанович хатни қайтариб оларкан, – шундай қилиб, жаноблар, аллақандай Федька бизни мутлақо тасодифий ҳолда хатарли одамдан холос қилди. Баъзан тасодифнинг қудрати мана шунда! Ибратли, а, тўғрими?

Аъзолар тезгина бир-бирларига қараб олишди.

– Мана энди, жаноблар, менинг ҳам сўрайдиган галим келди, – қаддини кўтарди Петр Степанович. Билсак бўладими, сиз шаҳарни изн бўлмай туриб ёқишга қандай ҳаддингиз сиғди?

– Э, нима деяпсиз! Биз, биз шаҳарни ёқибмизми? Тўнкаш ҳам эви биланда! – дея теваракдан хитоблар янгради.

– Мен бунга ҳаддидан ошиш деб биламан, – сўзидан қайтмай давом этди Петр Степанович, – ахир бу Юлия Михайловна билан ади-бади айтишиш эмас-ку. Жаноблар, мен сизларни бу ерга тўплаганимнинг сабаби, сизни қилинган ишнинг хатаридан огохлантириш, сиз аҳмоқларча бунга бошингизга бало қилдингиз, энди бу сиздан бошқаларнинг бошига ҳам жуда катта хавф-хатар соляпти.

– Рухсат этинг, биз сизга ҳозир бу ерда баёнот бермоқчи эдик, биз зулмкорлик ва тенгсизлик даражасини айтмоқчимиз, аъзоларнинг бошидан ошириб туриб, уларга билдирилмаган ҳолда мана шундай жуда жиддий ва шу билан бирга ғалати чора қўлланган, – дарғазаб ҳолда деди шу пайтгача жим ўтирган Виргинский.

– Демак, сиз қилмадим дейсизми? Мен эса фақат сиз ўт ёққансиз дейман, сиз, бошқа ҳеч ким эмас. Жаноблар, алдаманг, менда аниқ маълумотлар бор. Ўзбошимчалик қилиб сиз ҳатто умум ишимизни хавф остига қўйдингиз. Сиз чексиз бўғинлар орасидаги битта бўғинсиз, холос ва марказга бўйсунушга мажбурсиз. Ҳолбуки, ичингиздан уч киши ҳеч қандай кўрсатма бўлмагани ҳолда шпигулинчиларни ўт қўйишга ундагансиз, шундан сўнг ёнғин чиққан.

– Ким уч киши? Ичимиздан ким улар?

– Бундан уч кун бурун кечаси соат тўртда Толкаченко сиз “Незабудка”да Фомка Завьяловни кўндиришга урингансиз.

– Кечирасиз, – ўрнидан сакраб турди Толкаченко, – мен бир оғиз сўз айтдим, холос, ҳеч қандай ниятда эмас, фақат шунчаки, чунки у эрталаб калтакланган эди, яна шу заҳоти бас қилдим, чунки у ғирт маст эди. Агар сиз эслатмасангиз, эсимда ҳам йўқ. Битта сўздан ҳаммаёқ ёниб кетмайди.

– Сиз битта арзимас учқундан бутун порох заводи портлаб кетганига ажабланиб турган одамга ўхшайсиз.

– Мен бурчакда ўтириб, шивирлаб қулоғига айтгандим, сиз қандай қилиб эшитдингиз? – бирдан ақлини ишлатди Толкаченко.

– Мен ўша ерда стол тагида ўтиргандим. Амин бўлингки, жаноблар, мен барча қадамларингиздан бохабарман. Сиз киноя қилиб куляпсизми, жаноб Липутин? Мен эса, мисол учун шуни биламанки, сиз бундан тўрт кун илгари ярим кечаси уйқуга ётишдан аввал хотинингизнинг ҳаммаёғини чимчилаб ташлагансиз.

Липутиннинг оғзи ланг очилиб, ранги оқариб кетди.

(Кейинчалик маълум бўлдики, у Липутиннинг қилмиши ҳақида унинг

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

хизматчиси Агафьядан сўраб билган, Агафьяга у бошидан айғоқчилиги учун пул-мул бериб турган, булар кейинроқ маълум бўлди).

– Мен бир фактни қайд этсам бўладими? – кутилмаганда ўрнидан турди Шигалев.

– Айтинг.

Шигалев жойига ўтирди ва ўзини тузатди.

– Каминанинг тушунишича, буни тушунмасликнинг иложи ҳам йўқ, сиз олдин ўзингиз, сўнг яна иккинчи бора жуда чиройли қилиб – гарчи ғоятда назарийроқ бўлса-да, чеқсиз бўғинлар билан қопланган Россиянинг манзарасини чизган эдингиз. Ўз навбатида ҳар бир ҳаракатдаги тўда маслакдошларни кўпайтириб, ёндош бўлимлар воситасида ҳадсиз тарқалиб, маҳаллий ҳокимиятнинг обрўсини тўкиш, бунинг учун тўхтовсиз ва мунтазам равишда фош қилувчи тарғиботни кучайтириш вазифасини олган, жойларда саросима, адабсизлик ва жанжал-тўполонлар чиқариш, мутлақо ҳеч нарсага ишонмаслик кайфиятларини ёйиш, яхшироқ ҳаётни қўмсаш ва ниҳоят, асосан халқ қуроли бўлган ёнғинларни авж олдириш ва шулар баробарида айти тарихий дамда бутун мамлакатни керак бўлса умидсизликка кўмиб ташлаш топширилганди. Булар сизнинг сўзларингизми ахир, улар сўзма-сўз менинг эсимда қолган? Бу бизга шу пайтгача номаълум бўлиб қолаётган, афсонавийга ўхшаган комитетнинг вакили сифатида сиз томонингиздан эълон қилинган ҳаракат дастури шуми?

– Тўғри, лекин жуда чўзиб юбордингиз.

– Ҳар ким сўз айтишга ҳақли. Бизга билдирилишича ва чамаланишига кўра Россияни эндиликда қоплаган юзлаб бўғинлар алоҳида бўғинлардан тармоқланиб, жамланган ҳолда, (агар ҳар бир бўғин ўз вазифасини аъло даражада адо этса) унда бутун Россия айти муддатда, бир ишорани кутарди...

– Ох, жин урсин, сизсиз ҳам иш кўп! – креслода бурилди Петр Степанович.

– Ижозат этинг, мен тугатай, фақат битта савол: биз жанжал-тўполонларни кўрдик, аҳолининг норозилигини кўрдик, бу ердаги идора, маҳкаманинг қулашида қатнашдик ва ниҳоят, ўз кўзимиз билан ёнғинни кўрдик. Яна нимага норози бўласиз? Ахир сизнинг дастурингиз шу эмасмиди? Бизга яна нима деб тўнкайсиз?

– Ўзбошимчалик! – ғазаб билан кичқирди Петр Степанович. – Мен бу ерда эканман, менинг рухсатимсиз иш қилмаслигингиз керак. Етар. Чақув тушган, балки эртага ё бугуннинг ўзидаёқ кечаси сизларни тутиб кетишади. Мана сизга аниқ маълумот.

Шу тоб ҳаммаларининг оғизлари очилиб қолди.

– Ёнғин уюштиришга чақирганларнигина эмас, балки бутун бешликни қўлга олишади. Чақувчи бутун тармоқнинг сир-асроридан хабардор. Мана, қилган шўхликларингизнинг оқибати!

– Ставрогиндир-да! – кичқирди Липутин.

– Нима... нима учун Ставрогин? – бирдан тутилиб қолди Петр Степанович. – Э, шайтон, – у дарҳол сергак тортди, – бу Шатов! Чамаси, ҳаммаларингиз билсангиз керак, Шатов ўз вақтида бу ишга дахлдор эди. Мен шуни маълум қилишим керакки, унда шубҳа уйғотмайдиган кишилар орқали кузатиб, шунга ҳайрон қолдимки, у тармоқнинг сир-асроридан хабардор ва... қисқаси, ҳаммасини билади. Олдин ишда қатнашганлиги айбини ювиш учун у ҳаммани сотади. Шу пайтгача у иккиланиб келди ва мен уни аяб юрдим. Сиз энди ёнғин чиқариб, уни бўшатиб юбордингиз: у ларзага тушган ва энди ҳеч иккиланмайди. Биз эртагаёқ ўт қўювчилар ва сиёсий жинояткорлар сифатида қўлга олинамиз.

– Наҳотки? Шатов қаердан билади?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Эхтирослар жўш урди.

– Ҳаммаси батамом аниқ гап. Мен сизга барча йўл-йўригим, уни қандай очганимни айтишим шарт эмас, аммо сиз учун ҳозир фақат бир нарса қилишим мумкин: бир одам орқали Шатовни жиловлайман, шунинг учун у ҳеч қандай шубҳаланиб ўтирмай чакувни кейинга суради, аммо фақат бир кунга, холос. Бир кундан ортиғига иложим йўқ. Шундай қилиб, сиз индин кунни эрталабгача амин бўлишингиз мумкин.

Ҳаммалари жим.

– Э, унинг жойи жаҳаннам! – зардаси қайнаб қичқирди Толкаченко.

– Аллақачон тинчитиш керак эди! – столни дарғазаб муштлаб деди Лямшин.

– Аммо қандай қиламиз? – ғўнғиллади Липутин.

Петр Степанович дарҳол масалани ўз кўлига олди ва режасини баён этди. У шундан иборат эдики, Шатов кўлидаги яширин типографияни топшириш баҳонасида эртага қоронғу тушганда ўша хуфя жойга чақирилади ва “ўша ерда масаласи ҳал этилади”. Петр Степанович кўпгина зарурий тафсилотларга ҳам тўхталиб ўтдики, биз бу ерда уларни тушириб қолдирамиз, шу билан бирга Шатовнинг марказий жамиятга нисбатан дудмал муносабатларини батафсил тушунтириб берди, булар энди ўқувчиларга маълум.

– Шундоқку-я, – бўшашиброқ деди Липутин, – лекин яна устига-устак... яна ўшанака бир воқеа... одамларни жуда шошириб қўямасмикин.

– Шубҳасиз шундоқ, – деб тасдиқлади Петр Степанович, – аммо бу ҳам кўзда тутилган. Гумонни бошқа ёққа буришнинг чораси кўрилган.

Шундан сўнг худди олдингидай аниқ қилиб Кириллов ҳақида, унинг ўзини отмоқчи эканлиги, бунга ишора бўлишини кутиб юрганлиги, ўлиmidан сўнг хат ёзиб қолдирмоқчилиги ва нимани хоҳласалар, шуни унда ўз устига олмоқчилигини сўйлаб берди. (Қисқаси, буларнинг ҳаммаси аллақачон ўқувчиларга маълум).

– Унинг ўзини ҳаётдан маҳрум қилиш ҳақидаги фалсафий, менимча телбаларча фикри – у ёққа маълум бўлган (тушунтиришда давом этарди Петр Степанович). У ёқда ҳар бир тук, ҳар бир зарра ҳисобда, ҳаммаси умум ишнинг фойдасига яратилади. Манфаат кўзланиб ва унинг нияти тамомила жиддийлигига ишонч ҳосил қилишиб, унга Россияга етиб бориши учун маблағ беришган (у нимагадир албатта Россияда ўлишни истаган), унга бажариш учун топширик беришган (у бажарган) ва яна бунинг устига фақат унга айтилган вақтдагина ўзини ўлдириш кераклигини бўйнига қўйишган, у ваъда берган. Эътибор беринг, у ишимизга алоҳида бир асосда даҳлдор ва фойда етказишни хоҳлайди; шундан ортиқ гапни сизга айтолмайман. Эртага, *Шатовдан сўнг*, мен унга айтиб тураман, у Шатовнинг ўлимига сабабчи менман, деб ёзади. Бунга ишонишга асослар бор: улар дўст бўлишган ва Америкага бирга боришган, у ерда жанжаллашиб қолишган, булар ҳаммаси хатда тушунтириб кетилади... ва... хатто, шароитга қараб, Кирилловга яна баъзи бир нарсаларни ёздириш мумкин, мисол учун, варақаларни ва яна қисман бўлса ҳам ёнғин чиқишини. Дарвоқе, мен буни ҳали ўйлаб кўраман. Хавотир олманг, бунинг ваҳимаси йўқ; ҳаммасини ёзади.

Иштиболар туғилди. Ривоят ғоят хаёлий бўлиб кўринди. Ҳаммалари Кириллов борасида озми-кўпми бироз эшитишган эди; Липутин эса ҳаммаларидан кўпроқ биларди.

– У фикридан қайтса-чи, хоҳламаса-чи, – деди Шигалев, – ундоғигаям, бундоғигаям, у жинни, демак, умид кутиш сароб.

– Ташвишланманг, жаноблар, у адо этади, – гапни кесди Петр Степанович. – Аҳдимиз бўйича мен уни бир кун олдин огоҳлантириб қўйишим

керак, демак, худди шу бугун. Мен Липутинни hozир мен билан бирга уни-кига бориши ва ўзи ишонч ҳосил қилишига таклиф этаман, у эса, жаноблар, шу бугуноқ қайтиб келиб, сизга гапларим тўғри ёки нотўғри бўлганини еткази. Дарвоқе, – деди у бирдан мислсиз тажанг бўлиб гапини бўларкан, сиздақа майда-чуйда кимсаларга овора бўлиб оғзимни оғритиб шунча гап уктириб ўтирибман-а, дегандай қилди, – дарвоқе, ўз билганингизча ҳаракат қилаверинг. Агар бир қарорга келмасангиз, ўртадаги аҳдимиз тугайди, – бунга сабаб ёлғиз сизнинг ўзбошимчалигингиз ва соткинлигингиз бўлади. Шундай қилиб, ушбу дақиқадан эътиборан йўлимиз бошқа-бошқа бўлади. Аммо шуни билиб қўйингки, жаноблар, бундай ҳолда, сиз Шатов чакуви ва унинг оқибатлари келтириб чиқарадиган ишқалликларидан ташқари ўз бошингизга яна битта кичкина хунук бир нарсани орттирасиз, у ҳақда аҳдлашилган чоғда қатъият билан айтилганди. Гап менга келганда эса, жаноблар, мен сизлардан унчалар кўркмайман... Мени сизларга боғлаб бермаган, ўйламай қўя қолинг... Айтмоқчи, бу ҳаммаси бари бир...

– Йўқ, биз дадил бўламиз, – деди Лямшин.

– Бошқа йўли йўқ, – ғўнғиллади Толкаченко, – агарда Липутин Кириллов ҳақидаги гап тўғрилигини тасдиқласа, унда...

– Мен қаршиман; мен юрагимнинг бутун қуввати билан ишни қон тўкиш билан ҳал қилишга қаршиман! – ўрнидан турди Виргинский.

– Бирок? – деб сўради Петр Степанович.

– Нима *бирок*?

– Сиз *бирок* деб айтдингиз... мен шуни кутяпман.

– Мен, афтидан, *бирок* деганим йўқ... Мен шуни фақат айтмоқчиманки, агар бир қарорга келинса, унда...

– Унда?

Виргинскийнинг овози ўчди.

– Менимча, ўз ҳаётининг хавфсизлигини ўйлаб ўтирадиган вақт эмас, – деб кутилмаганда жавоб берди Эркель, – бироқ, умум ишига зарар етадиган бўлса, унда ўз жонингни ўйлаб, қалтираб ўтиришга ҳожат қолмайди...

У тутилиб қолиб, қизариб кетди. Шу тобда ҳамма қанчалар ўзи билан ўзи овора бўлмасин, унга ажабланиб қарашди, унинг орага гап қўшиши шунчалар кутилмаган ҳол эди.

– Мен умум иш учун, – деди бирдан Виргинский.

Барчалари ўринларидан қўзғалишди. Эртага чошгоҳда, ҳамма бир жойда йиғилмаса ҳам, бир-бирлари билан хабарлашишга келишди ва ўшанда тугал шартлашиб оладиган бўлдилар. Типография кўмиб қўйилган ер маълум қилинди, вазифалар ҳамда мажбуриятлар тақсимланди. Липутин билан Петр Степанович биргаликда дарҳол Кирилловнинг олдида жўнашди.

II

Бизникиларнинг бари Шатов сотади деган гапга ишонишди; бироқ Петр Степанович ўзларини соққадай ўйнатаётганига ҳам ишонч ҳосил қилишди. Ундан сўнг эртага ҳаммалари жам бўлиб, қандай бўлмасин, ўша жойга боражакларини билдиришди, чунки Шатовнинг куни битганини билишарди. Ўзларини худди улкан ўргимчакнинг тўрига илинган пашшалардай сезишарди; жаҳлдор бўлиб қолишган, кўрққанларидан дағ-дағ қалтирашарди.

Шак-шубҳа йўқки, Петр Степанович уларнинг олдида айбдор эди: агарда у бор ҳақиқатни андаккина бўлсин, безаброқ кўрсатишга ҳаракат қилганда эди, ҳаммаси бундан кўра ҳамжихатликда ва *осонроқ* ўтган бўларди. Ҳодисани айтилик, рим-фуқаролиги йўналишида ёки шунга

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ўхшашроқ тарзда чиройли қоғозга ўраб тақдим этиш ўрнига у аъзолар юрагига ваҳима солди, уларнинг ҳаёти хавф остида қолганлигига урғу берди, бу энди тўпориликдан бошқа нарса эмасди. Албатта, ҳаммаси ҳаёт учун кураш билан белгиланади, бошқача йўлнинг ўзи ҳам йўқ, бу барчага маълум, лекин ахир бари бир...

Бироқ Петр Степановичнинг римликлар кўнглига қараб ўтиришга вақти йўқ эди; бир чеккаси ўзи ҳам бошвоғини йўқотиб қуйганди. Ставрогиннинг қочиб қолиши уни тамомила эсанкиратиб, эзиб ташлаганди. У, Ставрогин ҳоким ўринбосари билан кўришди, деб ёлғон айтди; ҳамма гап шундаки, Ставрогин ҳеч ким, ҳатто онаси билан ҳам кўришмай кетганди, – яна қизиғи ҳам шуки, ҳеч ким ундан қаёққа кетяпсан, деб сўрамаган. (Кейинчалик, бошлиқлар худди мана шу масалада алоҳида тушунтириш беришга мажбур бўлди). Петр Степанович кун бўйи ҳамма ёқдан суриштирди, аммо ханузгача ҳеч нарсани билолмади, у ҳеч қачон бунчалар қаттиқ хавотирга тушмаганди. Ахир, у Ставрогиндан мана шундай биратўла ва оппа-осон воз кечиб кета олармиди, уни қўлдан чиқаролармиди! Мана шунинг учун ҳам, у бизникиларнинг кўнглига қараб ўтирмади. Бунинг устига улар унинг кўлини боғлаб қўйишди: холбуки, у дарҳол пайсалга солмай Ставрогин ортидан парвоз қилишга шайланганди, холбуки, Шатов уни тутиб қолди, ҳар эҳтимолга қарши бешликни чамбарчас мустаҳкамлаш зарур эди. “Уни шундай ташлаб кетиб бўлмайди-ку, бир кун келиб асқотиши мумкин”. Назаримда, у мана шуларни ўйлаганди.

Шатовга келганда, у албатта, сотади деб ўйлади, бунга Петр Степановичнинг ишончи комил эди. *Бизникиларга* чақув ҳақида айтганда, у ғирт ёлғонлади; у ҳеч қачон бу чақувни кўрмаган ва у ҳақда эшитмаганди, аммо унинг борлигига беш қўлдай ишонарди. У, Шатов ҳозирги аҳволга мутлақо чидай олмайди – Лизанинг, Марья Тимофеевнанинг ўлимини асло қўтаролмайди, – ва худди айни шу вазиятда бир қарорга келади, деб хаёл қиларди. Ким билсин, бундай деб ўйлашга унинг қандайдир асослари бўлгандир балки. Яна шу нарса маълум эдики, Шатовни шахсан кўришга унинг кўзи йўқ эди; қачонлардир ўрталарида жанжал чиққан, Петр Степанович эса ўлардай кекчи. Ишончим комилки, асосий сабаб мана шунда эди.

Бизнинг кўча йўлкаларимиз тор, ғишт ётқизилган, ё тахта-ёғоч тўшалганди. Петр Степанович йўлканнинг ўртасидан уни ўзи батамом эгаллаган ҳолда Липутинга заррача эътибор бермай юриб борар, Липутинга йўлқадан жой етмас, шунинг учун унга етиб олиши ёки бир қадам орқада бориши ё ёнида гаплашишга тўғри келса, кўчанинг ўртасига тушиб, лой кечишига тўғри келарди. Петр Степанович бирдан ўтган шу яқин кунларнинг бирида худди мана шундай Ставрогиннинг кетидан унга етиб олиш учун лойда лўкиллаб юрганини эслади, Ставрогин ўшанда мана ҳозиргидек унга ўхшаб йўлканнинг ўртасидан уни бутунлай эгаллаб қадам ташлаганди. У мана шу ҳолатни эслади-ю, ич-ичидан қутуриб кетди.

Аммо Липутин ҳам қаттиқ хафа эди. Майлига, Петр Степанович *бизникилар* билан кўнгли тусаганча муомала қилаверсин, лекин нега унга бундай қилади? Ахир у бизникилар ичида ҳаммадан кўпроқ *билади-ку*, ҳаммадан кўра ишга яқинроқ, ҳаммадан кўра унга маҳрамроқ ва шу пайтгача билвосита бўлса ҳам, яхши-ёмон кунида унинг ёнида турибди. О, у биларди, Петр Степанович *иложи бўлмай қолганда* уни нобуд қилиб юбориши мумкинлигини. Аммо у Петр Степановични анчадан бери ёмон кўриб қолган, ундан кўрққани учун эмас, калондимоғ муомаласидан безган эди. Энди мана шундай ишга қўл уришга тўғри келиб турганда, у бизникиларнинг ҳаммасидан ортиқ аччиқланарди. Э воҳ, у биларди, эртага

тайинланган жойга “худди кулдек” ўзи биринчи бўлиб боради, бошқаларни ҳам етаклайди. Ҳозир мабодо агарда эртагача Петр Степановични қандай бўлмасин, ўлдиришнинг иложини қилса эди, ҳеч шак-шубҳасиз ўлдиради.

У ўз ўй-хаёлларига чўмганча, мик этмай, ўз дилозори ортидан лўкиллаб борарди. Ҳамроҳи уни тамомила унутгандай эди; ўқгин-ўқтин беписанд кўполлик билан тирсагини чиқариб уни туртиб юборарди. Бирдан Петр Степанович бизнинг энг кўркам кўчаларимиздан бирида тўхтаб қовоқхонага кирди.

– Қаёққа кетяпсиз? – зардаси қайнаб деди Липутин, – бу қовоқхона-ку.

– Бифштекс егим келяпти.

– Қўйинг, бу ерда одам кўп.

– Майли.

– Аммо... кечга қоламиз. Соат ўн бўлиб қолди.

– У ерга кеч қолиб бўлмайди.

– Мен кечикаман! Улар мени кутиб туришади.

– Майли; фақат уларнинг олдига қайтиб боришингиз бемаънилик. Мен бугун сизлар билан овора бўлиб овқат еганим йўқ. Кирилловга қанча кечроқ борилса, шунча яхши.

Петр Степанович алоҳида бир хонага кирди. Липутин бир четдаги креслода аччиқланиб, унинг овқатланишига қараб ўтирди. Петр Степанович шошилмас, овқатни иштаҳа билан ер, қўнғироқ чалиб, хантал сўрар, кейин пиво чақирар, лекин бир оғиз ҳам сўз айтмасди. У жуда чуқур ўйга чўмганди. Унинг қилар иши иккита – иштаҳа билан таом ер ва ўй ўйларди. Липутин уни шунчалар ёмон кўриб кетдики, ўқрайиб ундан кўзини узмай ўтираверди. Бу аллақандай асабий хуружга ўхшарди. Унинг оғзига солаётган ҳар бир лукмани ҳисоблар, қандай оғзини катта очаётгани, чапиллатиб сўраётгани, ёғлироқ бўлакни чайнаётгани ёмон ғашини келтирар, бифштексни-ку кўргани кўзи йўқ эди. Ниҳоят, унинг кўз ўнги қоронғилашиб, фикрлари чалкашиб кета бошлади; боши бироз айланди; елкасини дам иссиқ, дам совуқ нарсалар жимирлатиб ўтди.

– Сиз зерикиб кетдингиз, манавини ўқиб кўринг, – кутилмаганда Петр Степанович унга бир қоғоз парчасини итқитди. Липутин уни шам ёруғига тутди. Қоғозга нималардир майда ҳарфлар билан хунук қилиб ёзилган, ҳар бир қаторда ўчирилган сўзлар учрарди. У хатни ниҳоят ўқиб тугатганда, Петр Степанович овқатнинг пулини тўлаб чиқиб кета бошлаганди. Кўча йўлкасида Липутин унга қоғозни қайтариб узатди.

– Ўзингизда турсин, кейин айтаман. Майли, сиз нима дейсиз?

Липутин сесканиб тушди.

– Менинг фикримча... – бунақа варақа... фақат кулгили бемаънилик.

Қаҳр ниҳоят портлади; у худди ўзини тутиб кўтариб учириб олиб кетилаётгандек сизди.

– Агарда биз, – деди у бутун вужуди қалтираб, – бунақа варақалар таркатадиган бўлсак, унда биз ўз нўноқлигимиз, ишни билмаслигимиз билан ҳамманинг нафратига қоламиз.

– Ҳм. Мен бошқача фикрдаман, – шахдам қадам ташларди Петр Степанович.

– Мен эсам бошқача; наҳот сиз буни ўзингиз тўқиб чиқарган бўлсангиз?

– Бу билан ишингиз бўлмасин.

– Мен яна шундай ўйлайманки, «Нурли зот» деб аталган байт энг паст, ярамас шиғирлардан бири, уни ҳеч қачон Герцен ёзмаган.

– Чакки гапиряпсиз, яхши шеър.

– Мен, мисол учун, шунга ҳам ҳайрон бўламанки, – фикрлари жўш уриб,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

рухланиб қанот қокди Липутин, – бизга охири барбод бўладиган нарсаларни тавсия этишяпти. Бу нарса, яъни ҳаммасининг барбод бўлишини ишташ Европада табиийроқ, нега деганда, у ерда пролетариат мавжуд, биз эса бу ерда фақат хаваскорлармиз ва менимча, ёлғиз чанг кўтаряпмиз.

– Сизни фуръечи деб ўйловдим.

– Фуръеда бошқача, батамом бошқа.

– Биладан, бемаъни.

– Йўқ, Фуръе бемаъни эмас... Мени кечиринг, май ойида ғалаён бўлишига ҳеч кўзим етмайди.

Липутин ҳатто тугмаларини ечиб қўйди, у шунчалар қизиб кетганди.

– Бўлди, етар, айтмоқчи, эсимдан чиқмасин, – ғоятда совуққонлик билан бошқа мавзуга сакраб ўтди Петр Степанович, – сиз мана шу варақани ўз қўлингиз билан териб, босиб чиқарасиз. Шатовнинг типографиясини қўмилган жойидан оламиз, сиз уни эртагаёқ қабул қиласиз. Иложи борича қисқа вақт ичида сиз варақани териб, имкон қадар кўпайтирасиз, кейин қиш бўйи тарқатилади. Маблағлар кўрсатилади. Нухалар иложи борича кўп бўлсин, чунки биздан бошқа жойларга олиб кетилади.

– Йўқ, мени кечиринг, мен ўз бўйнимга бундай... Олмайман.

– Йўқ, оласиз. Мен марказий комитетнинг йўриғи бўйича иш олиб боряпман, сиз бўйсунингиз керак.

– Мен, бизнинг хорижий марказларимиз рус воқелигини унутиб қўйишган деб ҳисоблайман, ҳар қандай алоқалар узилган, шунинг учун фақат довдирашади... Яна ўйлашимча, Россиядаги юзлаб бешликлар ўрнида фақат биз бормиз, холос, тармоққа келганда, ҳеч қанака тармоқнинг ўзи йўқ, – хансираб тўхтади Липутин.

– Сиз ишга ишонмай, унинг орқасидан чопгансиз... энди менинг кетимдан худди тубан ит каби югуриб юрибсиз, бундан ортиқ ҳазар қиладиган иш йўқ, чамамда.

– Йўқ, чопаётганим йўқ. Биз орқада қолиб, ўзимизнинг янги жамиятимизни тузишга ҳақлимиз.

– Тентак! – бирдан ғазаб билан бўкирди Петр Степанович кўзлари олакула бўлиб.

Бироз вақт икковлон бир-бирларига тик қараб қолишди. Петр Степанович шартга бурилиб, яна ўз йўлини давом эттирди.

Липутиннинг бошидан чақмоқдай бир фикр ўтди: “Ўгириламани орқамга қараб кетаман: агар ҳозир кетмасам, бошқа ҳеч қачон кетмайман”. У росмана ўн қадам ташлагунча яна шундай ўйлади, аммо ўн биринчи қадамида унинг калласида бир янги ва ашаддий бебок фикр чақнади; у ўгирилиб, ортга қараб кетмади.

Филипповнинг уйига етишди, аммо ҳали унга етмай тор кўчага бурилишди, девор ёқалаб кўзга ташланмайдиган сўқмоқ тушганди, шу боис бироз вақт ариқнинг тик қия қирғоғидан юриб боришди, қияликда оёқ турмас, йиқилмаслик учун деворни ушлаб қадам босиш керак эди, деворнинг қийшайган энг овлоқ қоронғу жойига келганда Петр Степанович деворнинг бир тахтасини суғуриб олди; жой очилди, у дарҳол шу очик жойдан нарига ўтди. Липутин ҳайрон бўлди, аммо ўз навбати билан у ҳам ўтди; кейин тахтани яна жойига қўйдилар. Бу Федька Кирилловникига борадиган ўша яширинча йўл эди.

– Шатов биз бу ердалигимизни билмаслиги керак, – жиддий шипшиди Петр Степанович Липутинга.

Ш

Кириллов ҳар доимгидай шу дамда ҳам ўз сахтиён диванида ўтириб чой ичарди. У ўрнидан пешвоз турмади, аммо сергакланиб, кириб келувчиларга хавотирланиб қаради.

– Тўғри топдингиз, – деди Петр Степанович, – мен ўша масалада.

– Бугунми?

– Йўқ, йўқ, эртага... шунга яқин вақтда.

Шундан сўнг у шошиб стулга ўтирди, бироз хавотирланиб, безовта бўлиб қолган Кирилловга тикилди. Кириллов дарҳол ўзини тутиб олди, одатдаги кўринишига қайтди.

– Ановлар ҳеч ишонишмайди. Липутинни бошлаб келганимга жаҳлингиз чиқмадими?

– Бугун жаҳлим чиқмайди, эртага бир ўзим бўлишни хоҳлайман.

– Аммо мен келмасдан бурун эмас, менинг ҳузуримда бўлсин.

– Сиз бўлмасангиз девдим.

– Эсингиздадир, хат ёзиб қолдириш ва имзо чекишга ваъда бергансиз, мен айтиб тураман.

– Менга бари бир. Ҳозир узоқ ўтирасизми?

– Мен бир одам билан кўришишим керак, ярим соат қолди, майли, хоҳишингиз, мен ярим соат ўтираман.

Кириллов индамади. Бу ўртада Липутин чеккароқда, архиерейнинг сурати тагига жойлашди. Бояги ашаддий бебок фикр унинг миясида борган сари чуқур ўрнашарди. Кириллов қарийб унга эътибор бермасди. Липутин Кирилловнинг назариясини аввалроқдан билар ва унинг устидан доим кулиб юрарди; аммо ҳозир оғзини очмас ва ён-верига қовоғини уйганча алангларди.

– Мен чойга ҳам қарши эмасман, – деб сурилди Петр Степанович, – ҳозир бифштекс егандим, сизникида чой ичсам керак, деб ўйловдим.

– Ичаверинг, бемалол.

– Илгари ўзингиз қуйиб узатардингиз, – авзойи ўзгариб деди Петр Степанович.

– Бари бир. Липутин ҳам ичсин.

– Йў-ўқ, мен... ичмайман.

– Хоҳламайсизми ё ичолмайсизми? – тезда унга ўгирилди Петр Степанович.

– Мен у кишиникида ичолмайман, – маънолироқ қилиб деди Липутин. Петр Степанович қошини чимирди.

– Мистицизмнинг ҳиди келади; сизлар қандай одамсизлар, буни шайтон билади!

Унга ҳеч ким жавоб бермади; бир дақиқа жим бўлиб қолдилар.

– Аммо мен бир нарсани биламан, деб кескин қўшимча қилди Петр Степанович, – ҳеч қандай ваҳималар ҳар биримиз ўз бурчимизни адо этишимизга тўсиқ бўлолмайди.

– Ставрогин кетдими? – сўради Кириллов.

– Кетди.

– Яхши қилибди.

Петр Степанович кўзларини ола-кула қилмоқчи бўлди-ю, яна ўзини босди.

– Сиз нима деб ўйлайсиз, менга бари бир, ишқилиб, ҳар ким ўз сўзида турса, бас.

– Мен сўзимда тураман.

– Доим ишончим комил, сиз ўз бурчингизни адо этасиз, зеро, сиз мустақил ва илғор кишисиз.

– Кулгили гапирасиз-да.

– Майли. Кулдирсам ёмонми. Сизни хурсанд қилолсам мамнун бўламан.

– Мен ўзимни отишимни жуда хоҳлайсиз, йўқ дейишимдан кўрқасизми?

– Яъни сиз ўз кўзлаган мақсадингизни бизнинг ҳаракатимиз билан боғладингиз. Сизнинг режангизга ишониб, биз баъзи ишларни амалга оширдик, шунинг учун сўзингиздан қайтишингиз бизга тўғри келмайди, бизни ноқулай аҳволга қўясиз.

– Ҳеч кимнинг ҳеч қандай ҳақи йўқ.

– Тушунаман, тушунаман, ихтиёр тўла сизда, биз ҳеч нарса, бироқ сизнинг бу тўла ихтиёрингиз рўёбга чиқа қолсин.

– Мен сизларнинг бутун ярамасликларингизни ўз устимга олишим керакми?

– Кулоқ солинг, Кириллов, сиз кўрқяпсизми? Агар сўзингиздан қайтмоқчи бўлсангиз, ҳозир айтинг.

– Кўрқаётганим йўқ.

– Сиз кўп гапиряпсиз, шунинг учун бунга айтяпман.

– Тез кетасизми?

– Яна сўраяпсизми?

Кириллов унга нафратомуз назар солди.

– Ана, кўрдингизми, – деб давом этди борган сари фиғони ошиб ва хавотирланиб Петр Степанович қандай йўсинда гап юритишни билмасдан, – сиз ёлғиз қолиш, фикрингизни жамлаш учун менинг кетишимни хоҳлаяпсиз; аммо буларнинг барчаси сизнинг ўзингиз учун, биринчи навбатда сизнинг ўзингиз учун хавфли аломатлар. Сиз кўп ўйламоқчисиз. Аммо, менимча, кўп ўйлашнинг кераги йўқ, ўзи шундоқ. Очиғи, сиз мени хавотирга солиб кўйдингиз.

– Мен фақат бир нарсадан қаттиқ хафаман, ўша дамда менинг тепамда сизга ўхшаган газанда туради.

– Э, бунинг фарқи йўқ. Мен ўша вақтда ташқарига чиқиб эшик олдида кутиб тураман. Сиз ўйлаётган бўлсангизу қаҳрингиздан тушмасангиз, унда... бу жуда хатарли. Мен ташқарига чиқиб кетаману сиз тасаввур қилинг, мен ҳеч нарсани тушунмайман ва сиздан чексиз пастда турган одамман.

– Йўқ, сиз чексиз эмас; сизнинг укувингиз бор, аммо кўп нарсани тушунмайсиз, чунки сиз тубан одамсиз.

– Кўп хурсандман, кўп хурсандман. Сизга хузур бахш этганимдан бошим осмонда... шундай бир дақиқада.

– Сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз.

– Яъни мен... ҳар қалай, қамоли диққат билан эшитяпман.

– Кўлингиздан ҳеч нарса келмайди, сиз ҳозир ҳам майда хусуматингизни ҳеч яширолмайсиз, ҳолбуки, бунга ошкор қилиш сизга ярашмайди. Сиз менинг ғашимга тегсангиз, балки мен яна ярим йилга кечиктирарман.

Петр Степанович соатига қаради.

– Мен ҳеч қачон сизнинг назариянгизни тушунган эмасман, аммо сиз уни биз учун тўқиб чиқармаганингизни биламан, демакки, бизсиз ҳам ижро этаверасиз. Яна шуни ҳам биламанки, ғояни сиз еганингиз йўқ, ғоя сизни еди, шунинг учун сиз ижро этасиз.

– Қандай? Мени ғоя еганми?

– Шундай.

– Мен эмасми ғояни еган? Қандай яхши. Сизнинг кичкина ақлингиз бор. Фақат менинг қитиғимга тегяпсиз, фахрлансам арзийди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

– Ғоят соз, ғоят соз. Айнан худди шундай қилиш керак, сиз фахрланинг.
 – Бас; чойингизни ичдингиз; жўнанг.
 – Жин урсин, кетиш керакка ўхшайди, – ўрнидан кўзгалди Петр Степанович. – Бирок ҳар қалай ҳали эрта. Менга қаранг, Кириллов, қассобнинг хотининикидан анов одамни топаманми, биласиз-ку? Ёки у ҳам алдаганми?
 – Топмайсиз, чунки у одам у ерда эмас, шу ерда.
 – Жин урсин, шу ердами, қаерда?
 – Ошхонада еб-ичиб ўтирибди.
 – Нима ҳақи бор? – ғазабдан қизариб кетди Петр Степанович. – У кутиши керак эди... бекор гап! На паспорти ва на пули бор!
 – Билмадим. У хайрлашгани келибди; кийиниб олган, йўлга шай, кетади-ю қайтиб келмайди. У сизни аблах деди, сизнинг пулингизни кутмасмиш.
 – Э, ҳа! У кўркаётандир, мен... Э, ҳа, мен уни ҳозирнинг ўзида ҳам, агар... У қаерда, ошхонадами?

Кириллов ён томондаги кичкина қоронғу хужрага эшикни очди, хужрадан уч зина пастга тушиб ошхонага ўтиларди, бу ерда яна бир тўсик билан ажратилган хужра бўлиб, бунда одатда ошпаз аёлнинг каравоти жойлашганди. Федька мана ҳозир худди шу ерда бурчакда девордаги санамлар тагида дастурхон ёзилмаган тахта стол олдида ўтирарди. Унинг олдида яримта, таксимчада нон ва сопол товоқда яхна гўшт ва картошка қўйилганди. У яхна гўшт билан газак қилар, ширакайф эди, аммо устидан пўстинини ечмаган, чамаси, йўлга чиқишга тайёр эди. Тўсикнинг нариги ёғида самовар шақиллаб қайнар, аммо у Федька учун қўйилмаганди, самоварни мана бир ҳафтадан бери, балки ундан ҳам ортиқроқ ҳар кеча Федьканинг ўзи ўт қалаб, қайнатар, “Алексей Нилич ичсинлар, кечаси чой ичишни яхши кўрадилар”, дерди. Мен шуни аниқ айта оламанки, ошпаз аёл бўлмагани учун яхна гўшт билан картошкани Федька учун Кирилловнинг ўзи ҳозирлаганди.

– Бу нима қилиқ? – пастга тапиллаб тушиб келди Петр Степанович. – Нега буюрилган жойда кутмадинг? – дея у столи гурсиллатиб урди.

Федька ҳезланди.

– Сен шошма, Петр Степанович, сен шошма, – ҳар бир сўзини олифта-ларча дона-дона қилиб деди у, – сен ўзинг аввало, яхши тушуниб ол, сен жаноб Кириллов, Алексей Ниличнинг уйига қадам ранжида қилиб келгансан, сен доим унинг эшикларини тозалаб қўйишинг мумкин, нега деганда у ақлли-хушли, билимдон инсон, сен эса, э, туф-ей, занғар!

Шундай деб у юзини четга буриб, қуруқ тупургандай бўлди. Унинг кеккаяётгани, бир нимага қарор қилгани, айна портлашдан илгари бемалол эзмаланиб насихатгўйлик қилишга майли борлиги, бунинг тагида эса катта хатар яшириниб ётгани сезиларди. Аммо Петр Степанович шу тобда хатарга эътибор берадиган аҳволда эмасди, буни у хаёлига ҳам келтирмасди. Кун бўйи рўй берган хангомалару омадсизликлар унинг бошини айлантириб ташлаганди... Липутин уч зина юқоридаги қоронғу хужрадан қизиқсиниб қарарди.

– Буюрилган ерга бориш учун тоза паспорт ва етарли пул олишни истайсанми, йўқми? Розимисан, йўқми?

– Қара-я, Петр Степанович, сен мени бошдан алдаб, лақиллатиб келясан, шунинг учун сени қабих, тубан кимса деб биламан. Худди бамисоли иркит битга ўхшайсан. Сен менга бегуноҳ қонлар учун катта пул ваъда қилдинг, жаноб Ставрогиннинг устидан ҳам қасам ичдинг, бу сен томондан ярамас беадабчиликдан бошқа нарса эмас. Мен бу ярим мингнинг ис-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

мисини кўрганим йўқ, бир томчиси ҳам тегмади, жаноб Ставрогин боягинда сенинг икки бетингга тарсаки урибди, бу бизга ҳам маълум бўлди. Энди мен фақирга дўк-пўписа қилиб, яна пул ваъда қиляпсан, қандай ишлигини айтмаяпсан. Ақлим етиб турибди, мени Петербургга жўнатишингдан мақсад қандай бўлмасин, жаноб Ставрогин, Николай Всеволодовичдан ўч олиш, ичинг тўла фасод, яна мен содда фақирни оппа-осон кўлга туширмоқчисан. Сен ҳаммадан ортиқ биринчи қотилсан. Ҳақни яратувчи худойимнинг ўзига бузуклигинг боис ишонмайсан, шу билан қотил деган номингни оқлайсан, биласанми ўзинг? Тошга сиғинадиганлардан фарқинг йўқ, ваҳшийлар билан бир қаторда турасан. Алексей Нилич ҳақиқий донишманд, сенга дунёнинг қандай қурилгани, яратувчи ҳақ эгамни ҳар бир нарсанинг келиб чиқиши, қисмату, ҳайвоноту, набототни Апокалипсис китобидан тушунтириб берди. Аммо сен тош тўнкадек қар ва кўр бўлиб олгансан, аксига олиб оёқ тираб турасан, прапоршик Эркелни ҳам йўлдан оздирдинг, ўша атеист деб аталган йўлдан оздирувчи алвасти газанда каби...

– Ҳе, туркингни қара, ароқхўр! Черковда санамларни шиласан, яна худо ҳақида гап сотасан!

– Кўриб турибсан-ку, Петр Степанович, тўғри, шилганман; фақат дурмарваридини олганман, э, сен қаердан биласан, балки менинг ҳам кўзимдан оққан ёш бошимга тушган хўрликлар туфайли жавохирга айлангандир, нега десанг, у туп-тус мен шўрлик етимчанинг ўзи, на бошида бошпанаси ва на паноҳи бор. Китобларда ўқиганмисан, узоқ қадим замонларда бир савдогар бозоргон шунақа кўз ёши тўкиб, ёлвориб, дуо ўқиб муқаддас биби она-мизнинг дур-гавҳарини ўғирлаб кетибди, кейин бориб бутун халойикнинг ичида тиз чўкиб пулнинг ҳаммасини санамнинг пойи мақдамига қайтариб қўйибди, ана шунда ҳимояткор она уни халойикнинг кўз ўнгида мадақкор пардаси билан ўраб олибди, ўша замондаёқ шу нарса туфайли мўъжиза рўй берибди, шундан кейин бунинг барини давлат китобларига бошлиқлар ёзиб чиқсинлар, деб буюрилган. Сен эса худонинг дасти анжоми устига сичқон қўйиб юбординг ва илоҳ дасти устидан кулдинг. Сен менинг она табиатдан ато хўжамсан, сени ўсмирлик пайтимда қўлимда кўтариб юрганман, бўлмаса, ҳозир шу ернинг ўзиде сени асфаласофилингга жўнатардим!

Петр Степанович ҳаддан ортиқ ғазабга минди:

– Гапир, бугун Ставрогин билан кўришдингми?

– Мени сўроқ қилишга сенинг ҳақинг йўқ. Жаноб Ставрогин сенинг қошингда қаддини тикка тутиб турибди, на бир маслаҳат берди, на истак билдирди ва на буйруқ, на пул чўзди. Сен менинг китиғимга тегдинг.

– Пул қўлингга тегди, икки мингни ҳам оласан, Петербургда, жойга етиб борганингда, яна оласан.

– Сен, кадрдоним, ғирт ёлғон гапираяпсан, сенга қараб, ақлинг заифлигига кулгим келяпти. Жаноб Ставрогин сенинг олдингда баланд шоҳсупада тургандай, сен унга пастдан ақли йўқ лайчадай қарайсан, акиллайсан, холбуки ул зот юқоридан туриб тупуришга ҳам сени арзитмайди.

– Э, сен, аблах, биласанми, – деб қутуриб кетди Петр Степанович, – бу ердан сени бир қадам нарига чиқармайман, тўғри полициянинг қўлига топшираман.

Федька сакраб оёққа турди, ғазаби тошиб кўзидан ўт чакнади. Петр Степанович тўппончасини чиқарди. Шу он кўз очиб-юмгунча яшиндай тез, хунук воқеа рўй берди; Петр Степанович тўппончани ўқталишга улгурмай, Федька чакмоқдай чаптастик қилиб, бор кучи билан юзига зарба урди. Ўша заҳоти иккинчи бор яна юзига ёмон урди, кейин учинчи, тўртинчи зарб тушди башарасига. Петр Степанович дирвайиб қолди, кўзлари

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

шоҳқосасидан чикди, нимадир деб гўнғирлади-ю, бирдан бор бўйи-басти билан ерга қулади.

– Ана энди, уни олинлар! – ғайритабиий ғолибона қичқирди Федька ва шитоб билан шапкасини, тахта тагидан тугунчасини тортиб олди-да, зумда ғойиб бўлди. Петр Степанович беҳуш хирилларди. Липутин ҳатто уни ўлди деб ўйлади. Кириллов ҳапқириб ошхонага етиб келди.

– Сув қуйинг! – деб қичқирди у ва челақдан тунока ялоқда сув олиб, унинг бошидан қуйди. Петр Степанович қимирлади, бошини сал кўтарди, унинг кўзлари бир нуқтага маъносиз тикиларди.

– Қалай, тузукмисиз? – сўради Кириллов.

Петр Степанович унга танимасдан тикилиб боқарди; бироқ ошхонада кўринган Липутинга кўзи тушиб ўзининг қабиҳона кулгиси билан илжайди-да, бирдан полда ётган тўппончага ёпишиб, дик этиб ўрнидан турди.

– Агар сиз эртага аблах Ставрогинга ўхшаб қочиб кетмоқчи бўлсангиз, – деб қутуриб ташланди у Кирилловга, унинг ранги кумдай ўчган, тили тутилар, сўзларни аниқ талаффуз қилмасди, – сизни мен ернинг нариги ёғида ҳам... пашшадай осаман... мажақлаб ташлайман... билдингизми!

Шунда у тўппончасини Кирилловнинг пешонасига тиради; аммо дарҳол ҳуши ўзига келиб, қўлини тортиди, тўппончани чўнтагига солиб, бошқа бир оғиз ҳам сўз айтмай, уйдан чопиб чиқиб кетди. Липутин унга эргашди. Бояги туйнукдан ўтишди ва яна деворни ушлаб қияликдан боришди. Петр Степанович тор кўчадан жадал юриб кетди, Липутин базўр унга етиб борарди. Биринчи муюлишга етганда Петр Степанович бирдан тўхтади.

– Хўш? – у дағдаға билан Липутинга ўгирилиб қаради.

Тўппонча Липутиннинг эсида эди ва ҳамон бояги ҳодисадан дағ-дағ қалтирарди; аммо жавоб бирдан унинг тилидан ўз-ўзидан отилиб чикди:

– Мен ўйлайманки... ўйлашимча... “ҳеч ким Смоленскдан Тошкентга қадар кутмас талабани сабрсиз”.

– Кўрдингизми, ошхонада Федька нима ичганини?

– Нима ичарди? Ароқ-да.

– Билиб қуйинг, у умрида охирги марта ароқ ичди. Эсингизда турсин, кейин мулоҳоза қилиб кўрарсиз. Энди жўнанг, эртагача менга керагингиз йўқ... Аммо эҳтиёт бўлинг, тентаклик қилманг!

Липутин уйга қараб зинғиллади.

IV

У анчадан бери бировнинг номига паспорт тайёрлатиб қўйганди; одамнинг сира хаёлига келмайдиган бир иш: мана шу саранжом-саришта инсон, оилада ўзибилармон, гарчи фурьепараст бўлса ҳам, ҳар қалай амалдор ва ниҳоят, ҳаммадан бурун сармоядор ҳамда судхўр бир кимса – анча вақтлардан буён ҳар эҳтимолга қарши мана шу паспортни ғамлаб қўйишдек ҳавойи бир фикрга келган, унинг ёрдамида хорижга қочишни кўзлаган, яъни *агарда*... у *агарда* имкон туғилиши мумкин деб ҳисоблар экан-да! Лекин унинг ўзи бу *агарданинг* нимани англатишини, албатта, ҳеч қачон тушунтириб беролмаган бўларди-я...

Аммо у бирдан ўзи ечимини топди ва жуда қутилмаган тарзда юз берди. У йўлкада кетатуриб Петр Степановичдан “тентак” деган сўкиш эшитгандан сўнг, Кирилловнинг қошига кириб борганда туғилган шаддод фикр шундан иборат эдики, эртагаёқ ҳаммасини ташлаб, хорижга жўнаб қолади! Кимда-ким бундай фантастик нарсалар ҳозирда бизнинг одми воқелигимизда рўй бермайди, деб ишонмаса, чет эллардаги барча рус муҳожирларнинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқсин. Биронтаси ақлга тўғри келадиган

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ҳолда расамади билан қочган эмас. Ҳамон ўша-ўша бош-кеги йўқ шарпалар салтанати, бошқа ҳеч нарса эмас.

Уйга халлослаб келгач, у дарҳол ичкаридан эшикни беркитиб, юкини жойлаш учун сак олди-да, апил-тапил йиғиштирина бошлади. Ҳамма гап пулни сақлашда, унинг қанчасини ва қандай ўнғаришда. Ҳа, айнан сақлаш муҳим, зеро, энди унинг тушунчасича, бир соат ҳам кечикиш мумкин эмас ва ҳали тонг ёришмай туриб катта йўлга чиқиб олиш керак. Ҳали вагонга қандай чиқишини билмайди, – у шаҳардан ташқаридаги қайсидир иккинчи ёки учинчи катта бекатда поездга чиқаман деб тахмин қилиб қўйган, бекатларгача яёв юриб боради. Шундай қилиб, у ғайришуурий тарзда нима қилаётганини ўзи билмай хаёллари тўзғиб, чарх уриб, сакка нарсаларини жойларкан – бирдан тўхтаб қолди, ҳаммасини ташлади-да каттиқ инграб ўзини диванга отди.

У бирдан шуни сезиб, англаб қолдики, хўп, қочишга-ку, қочади, лекин ҳамма гап шундаки, Шатовгача қочадими ёки Шатовдан кейинми? – бу муаммони ечишга ҳозир мутлақо қодир эмаслигини ҳис қилди; у ҳозир кўпол, ҳиссиз жусса, жонсиз этдан бошқа нарса эмас, уни ташқаридан даҳшатли бегона бир куч ҳаракатга солади, ҳа, унинг чет элга кетиш учун паспорти бор, ҳа, у Шатовга чап бериб қочиб қолиши мумкин (акс ҳолда, бунча шошилишнинг нима ҳожати бор эди), аммо Шатовгача қочаётгани йўқ, Шатовдан қочаётгани йўқ, аксинча, айнан Шатовдан сўнг қочади, бу аллақачон шундай ҳал бўлган, имзоланган ва муҳр босилган. У чидаб бўлмас алам-изтироб ичида, дам сайин ўз-ўзидан ажабланиб ва титраб-қақшаб, оҳ уриб, инграб, дам донг қотиб, эшикни ичидан беркитиб олган куйи эрталаб соат ўн биргача диванда чўзилиб ётиб, амал-тақал тонг оттирди, қарангки, худди мана шунда кутилган туртки келди ва унинг қарорини мустаҳкамлади. Соат ўн бирда у энди эшикни очиб, уйдагиларнинг қошига чиқиши ҳамонқоқ эшитдики, ҳамманинг юрагига кўркув солган, черковларни талаган, яқинда одам ўлдириб, уйларга ўт қўйган, полиция анчадан бери кидириб юриб, уш-лолмаётган қароқчи, қочоқ сургун Федька шаҳардан етти чақирим узоқда, катта йўлдан Захарьин кишлоғига буриладиган жойда тонг қоронғусида ўлдириб кетилган ҳолда топилган, ҳозир бутун шаҳарнинг оғзида шу гап. Липутин дарҳол апил-тапил уйдан кўчага югурди, воқеанинг тафсилотларини билмоқчи бўлди, шу нарсаларни аниқладик, биринчидан, боши мажакланган ҳолда топилган, иккинчидан, полициянинг қўлида мавжуд маълумотлару айрим аниқ далолатларга кўра уни шпигулин фабрикасининг ишчиси Фомка ўлдирган, бу ўша Лебядкинларнинг ўлдирилиши, уйларига ўт қўйилишида унга шерик бўлган кимса, ўрталаридаги жанжал йўлда кетаётганларида Федька гўёки яшириб қолган катта пул туфайли чиққан, бу пул гўёки Лебядкиндан ўмарилган бўлган... Липутин Петр Степановичнинг ҳам уйига кириб ўтди, орқа эшикдан яширинча бориб шуни билдики, Петр Степанович кеча ярим кечаси соат бирларга яқин уйга қайтгану то эрталаб соат саккизгача тун бўйи кимираммай ухлаган. Албатта, ҳеч қандай шак-шубҳасиз, Федькага ўхшаган одамнинг ўлдирилишида хайрон қоладиган жойи йўқ, шундоқ яшаганлар шундоқ ўлим топиши табиий ва бу жуда кўп учрайди, лекин “Федька бу кеча умрида охирги марта ароқ ичяпти”, деган машъум сўзларнинг кутилмаганда тўғри келиб қолиши ва башорат бўлиб чиқиши шу қадар ишончли эдики, Липутин бирдан бутунлай иккиланмай қўйди. Туртки етарли бўлди; устига тош қулагандай ва мангуга босиб қолгандай эди. Уйга қайтиб келгач, у индамай сакни оёғи билан қаравот тагига итарди, кечкурун эса белгиланган вақтда ҳаммадан олдин биринчи бўлиб шартлашилган ерга Шатовни кутиб олгани борди, бироқ, рост, паспорти ҳамон ёнида эди...

БЕШИНЧИ БОБ

ЙЎЛЧИ

I

Лизанинг фожиаси ва Марья Тимофеевнанинг ўлими Шатовга оғир таъсир қилди. Мен аввал андак эслатган эдим, уни эрталаб йўл-йўлакай учратган, менга унинг ақл-хуши жойида эмасдек кўринганди. Гап орасида яқинда кечки пайт соат тўққизларда (демак, ёнгиндан уч соат илгари) Марья Тимофеевнани бориб кўрганлигини айтганди. У эрталаб ўликларни кўргани борган, аммо, билишимча, ўшанда ҳеч ерда ҳеч қандай гувоҳлик бермаганди. Орада кун охирлаган чоғда унинг кўксида бўрон кўзгалди ва... ва шуни аниқ тасдиқлаб айтоламанки, хуфтон тушганда, шундай бир он келдики, у ўрнидан шартта туриб, бориб ҳаммасини айтиб, маълум қилгиси келди. *Ҳаммаси* деганда нима назарда тутиларди – буни фақат унинг ўзи билади. Албатта, ҳеч нарсага эришолмасди, ўзи қўлга тушарди, холос. Яқинда рўй берган ваҳшийликни фoш қилиш учун унинг ҳеч қандай далиллари йўқ, фақат ғира-шира тахминларга эга, шуларга кўра ёлғиз ўзи тўла ишонч ҳосил қилганди. Лекин у ўзининг айтишича, “аблаҳларни пачақлаб ташлаш учун” жонини қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Петр Степанович унинг юрагидаги бу туғённи ҳар ҳолда тўғри фахмлаб етган ва ўзининг эндиги даҳшатли ниятини эртагача кечиктириб, ўзини қаттиқ хатарга қўяётганини биларди. У одатига кўра такаббурлик қилиб мана шу “одамनावийларни” сира менсимас, Шатовни-ку, айникса, жуда ёмон кўрарди. У ҳали ҳорижда юрган чоғларидаёқ, Шатовдан “йиғлоқи жинни” деб нафратланар, бундай гўл одамни илло-биллога келтирмай сиробини тўғрилашга қаттиқ ишонар, бугун кун бўйи уни бир зум ҳам кўздан қочирмаслик, биринчи хавф туғилгандаёқ дарҳол олдини олишига кўзи етарди. Бироқ улар томонидан кутилмаган бир воқеа рўй бериб, “аблаҳлар”ни яна озгинагина вақтга кутқариб қолди.

Кечқурун соат саккизларда (бу ўша *бизникилар* Эркелникида тўпланишган, Петр Степановични кутиб, дарғазаб бўлиб ҳаяжонланишаётган пайт) Шатов қаттиқ боши оғриб, бадани увишиб каравотида узала тушиб чўзилиб ётар, қоронғу, чироқ ёқилмаганди; ҳайрону лол қотиб нима қилишини билмай азоб чекар, фиғони чиқар, сира бир қарорга келолмас, ичида ўзини сўкиб бу ишдан ҳеч нарса чикмайди, деб ўйларди. Аста-секин у енгил қуш уйқусига кетди, туш кўриб, босинқираб, алахсиради; тушида у ўз каравотига арқон билан боғлаб ташланган, кимир этолмас эмиш, бу ёқда бутун уй тарақлар, деворлар, дарвоза, унинг эшигини зарб билан уришармиш, Кириллов томондаги уй ҳам тақиллар, бутун бино ларзага тушиб зириллар, жуда олис, таниш, юрагини ўртаган овоз уни ўзига нолакор чорлар эмиш. У дафъатан кўзини очди ва тўшакдан қаддини кўтарди. Не ажабки, дарвоза ҳамон тақилларди, аммо тушдагидек қаттиқ бўлмаса-да, тез-тез такрорланар, кети узилмасди, ғалати “аламзада” овоз эса гарчи у қадар нолакор эмаса-да, пастдан тоқатсиз жаҳлланганча тўхтовсиз эшитилиб турар, дарвоза олдида яна кимнингдир анча вазмин, босиқ овозига қўшилиб кетарди. У сакраб ўрнидан турди, кичик дарчани очди-да, бошини ташқарига чиқарди.

– Ким у? – кўркувдан тиришиб кичқирди у.

– Агар сиз Шатов бўлсангиз, – кескин, қатъиятли овоз эшитилди пастдан, – марҳамат қилиб, тўғрисини ва ростини айтинг, мени уйингизга кўясизми, йўқми?

Ана, холос, худди ўзи, у овозни таниди.

– Marie!... Сенмисан?

– Мен, мен, Марья Шатова, ишонинг, извошни бошқа бир дақиқа ҳам тутиб туrolмайман.

– Ҳозир... чирокни ёқай... – заиф нидо чиқди Шатовнинг кўксидан. Кейин югуриб гугурт кидирди. Одатда, шундай холларда гугурт топилмайди. Шамдон билан шамни ерга тушириб юборди, пастдан яна тоқати тоқ бўлган овоз эшитилди, у ҳаммасини ташлаб, дарвозани очиш учун тик зиналардан ўзини пастга отди.

– Илтимос, сакни ушлаб тулинг, мен манави тўнкани жўнатиб юборай, – уни пастда Марья Шатова хоним шундай қаршилади ва унинг қўлига энгилгина қўлда кўтариладиган анжом сакни тутқазди, сак қалин, пухта матодан ясалган, ўртасига бронза чиннигуллар солинган, Дрезденда ишланганди. Хоним жаҳл билан извошчини уриша кетди:

– Мендан ортиқча пул оляпсиз. Мени бир соатдан зиёд шу ифлос кўчаларда айлантириб юрдингиз, ўзингиз айбдорсиз, билмас экансиз, бу ярамас кўчани, бу аҳмоқ уйни. Олинг, шу ўттиз тийинингизни ва бошқа мендан сўраманг.

– Эҳ, бегойим, ўзингиз Вознесенский кўчасини кўрсатдингиз, бу кўча эса Богоявленский. Вознесенский тор кўча, бу ердан анча узок. Ахта жониворни терга ботирдик.

– Вознесенскийми, Богоявленскийми, сиз яхши биласиз, шу ерликсиз, бунинг устига адолат қилмаяпсиз. Сизга бошдаёқ айтдим Филипповнинг уйи деб, сиз биламан дедингиз. Эртага керак бўлсам, мени қозихонадан топасиз. Энди мени тинч қуйинг.

– Мана, мана, яна беш тийин! – Шатов чўнтагидан апил-тапил беш тийин чиқарди-да, извошчига берди.

– Илтимос сиздан, ундай қилманг! – қизишиб кетди madame Шатова, аммо извошчи “ахта”ни чухлади, Шатов эса хонимнинг қўлидан тутиб, дарвоза ичкарасига олиб кириб кетди.

– Тезроқ, Marie, тезроқ... булар ҳаммаси арзимас нарсалар, э-ҳа, тоза шалаббо бўлибсан-ку! Аста, бу ердан юқорига чиқилади, – буни қара, афсус, чироқ йўқ, – зина тикка, маҳкам оёқ бос, маҳкам, ана, менинг хужрам. Кечир, чироқ йўқ... Ҳозир!

У шамдонни қўлга олди, аммо гугурт ҳадеганда топилавермади. Шатова хоним хонанинг ўртасида индамай кимирламай кутиб турарди.

– Худога шукур, ниҳоят топилди! – Шатов хужрага чироқ ёққач, хурсанд бўлиб қичкириб юборди. Марья Шатова хужра ичига бир сира кўз югуртирди.

– Менга ночор яшашингизни айтишганди, мен бари бир бунчалар деб ўйламовдим, – ижирғаниб деди хоним ва каравот томонга қадам ташлади.

– Оҳ, чарчадим! – у ҳорғин ҳолда каравотнинг қаттиқ тўшагига ўтирди.

– Илтимос, сакни қўйинг ва ўзингиз стулга ўтиринг. Майли, яна ўзингиз биласиз, қаққайиб турманг бундай. Сизникига вақтинча келдим, иш излайман, бу ерни билмайман, пулим ҳам йўқ. Агар сизга ортиқча бўлсам, яна сўрайман, марҳамат қилиб менга ҳозироқ айтинг, виждонли одам бўлсангиз, шудай қилишингиз керак. Мен ҳар қалай эртага бирон нарсамни сотарман ва меҳмонхона пулини тўларман, меҳмонхонага эса мени барака топинг, ўзингиз олиб бориб қўясиз... Оҳ, фақат жуда чарчадим!..

Шатов қақшаб кетди.

– Керакмас, Marie, меҳмонхона керакмас! Қанақа меҳмонхона? Нимага, нимага?

У ёлвориб қўлларини қовуштирди.

– Хўп, агар меҳмонхонага борилмаса, унда бари бир ишни равшанлаштириш керак. Шатов, эсланг, сиз билан Женевада никоҳдан ўтиб, икки ҳафта-ю бир неча кун бирга яшовдик, мана уч йил бўляпти, сиз билан жанжал-сурон кўтармай ажрашдик. Лекин сиз ўйламанг, мени илгариги тентакчиликлардан биронтасига қайтади деб. Мен иш топаман деб қайтдим, нега тўғри бу шаҳарга десангиз, чунки менга фарқи йўқ. Мен тавба, пушаймон қилиш учун ҳам келмадим; сиздан илтимос, асло бундай хаёлга бормасангиз.

– О Marie! Қўйинг буни, қўйинг! – ноаниқ ғўлдиради Шатов.

– Оҳ, ундай бўлса, буни ҳам тушунишга онгингиз ўсибди, унда яна шуни ҳам қўшимча қилай, ҳозир сизга мурожаат қилиб, тўғри уйингизга келган эканман, бунинг маъноси шуки, сизни доимо аблаҳ одам эмас-ку, деб ҳисоблаганман, балки бошқа... ярамаслардан... яхшироқ-ку деганман.

Унинг кўзларидан ўт чақнади. Афтидан, қандайдир “ярамаслардан” кўп нарсаларда панд еганди.

– О, илтимос сиздан, ҳозир сизни “яхшисиз” деб айтиб, устингиздан кулмадим, асло, ишонинг. Мен тўғриси айтдим, сўзамолликни ёқтирмайман, тоқатим йўқ. Бироқ булар ҳаммаси бекорчи гаплар. Мен доим ишонардимки, сиз одамнинг жонига тегмайсиз, бунга ақлингиз етади... Оҳ, бас энди, чарчадим!

Шунда хоним унга узок, изтиробга тўла ҳорғин нигоҳ ташлади. Шатов хонанинг бу бетидани унинг рўпарасида беш одим нарида туриб, худди онадан янги туғилгандек, юзи қандайдир ажиб порлаб уни тингларди. Бу дағал, қудратли, мўйлари доим тик инсон бирдан батамом майин, мулойим тортиб, чехраси очилди. Юрагида ҳайратомуз кутилмаган алланима титраб кетди. Уч йил айрилиқ, уч йил илгари бекор қилинган никоҳ унинг юрагидан ҳеч нарсани қувиб чиқаролмаганди. Эҳтимолки, у мана шу уч йил мобайнида ҳар кун уни орзу қилар, унга бу хилқат ғоятда қадрдон бўлиб қолган, зеро, қачонлардир биринчи марта унга: “Сизни севаман” деб айтганди. Мен Шатовни биламан ва шуни аниқ айтаманки, унга биронта аёл “Сизни севаман”, деб айтиши мумкинлигини ҳеч қачон ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. У ақл бовар қилмас даражада маъсум ва номусли, ўзини жуда бадбашара одам деб билар, афт-ангорини, феъл-атворини ғоятда ёмон кўрар, ўзини аллақандай бозорларда етаклаб юриб томошага қўйиладиган нечукдир алвастига тенглаштирарди. Шуларнинг ҳаммасига кўра, у виждонли бўлишни бошқа барча нарсдан юқори кўяр, ўз эътиқодларига қаттиқ берилар, риюя қиларди, жуда тумтайиб қовоғини уюб юрар, мағрур, тажанг, камгап эди. Мана энди шу уни икки ҳафтагина севган (у доим, доим бунга ишонарди!) хилқат, – у ўзидан кўра мислсиз даражада юқори кўядиган хилқат, нафсиламрга бу хилқатнинг хатоларини жуда соғлом фикр юритиб тушунарди, у нима қилмасин, *барча-барчасини* кечиришга тайёр хилқат (бу ҳақда ҳатто савол ҳам бўлиши мумкин эмас, ҳатто қандайдир аксинча, назарида хоним олдида фақат ёлғиз ўзигина айбдор бўлиб чиқарди), мана шу хилқат, мана шу аёл, мана шу Марья Шатова яна унинг қошида намоён, яна унинг уйида... бунга сира ақли бовар қилмасди! У ҳайратдан лол эди, бу ҳодиса унга қандайдир даҳшатли бўлиб кўринар ва шу билан бирга унда мислсиз бахт муждаси намоён бўлар, буни у кўтаролмас, балки ҳатто хоҳламас, кўзини очишга кўрқарди. Туш эди бу. Аммо хоним унга шу изтироб тўла нигоҳи билан бокқанда, у бирдан беҳад суюкли хилқат азоб чекаётгани, унга мислсиз озор етганини англади. Унинг юраги тўхтаб қоладигандек эди. У аёлнинг юзига дард билан тикилди: бу ҳорғин чехрани навқирон ёшлик дамларининг сайқали аллақачон тарк этганди. Рост, аёл

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ҳамон кўхлик эди – унинг кўзи билан қараганда эса гўзал эди. (Аслида, бу аёлнинг ёши йиғирма бешларга чиққан, бўй-басти анчагина пишиқ ва кучли, қадди баланд (Шатовдан ҳам баланд), қуюқ сочлари оч-қорамтир, оқ юзи думалоқ, ҳозир ҳароратдан ҳовурланиб, йилтираб турган кўзлари катта-катта ва тим қора эди). Бироқ илгариги унга яхши таниш енгил-елпи, маъсум ва содда хассослик ўрнини энди саркаш тажанглик, инжиқлик, ноумидлик ва қандайдир сурбетлик эгаллаган, бунга эса унинг ўзи асти кўниколмас, юрагига оғир ботарди. Аммо ҳаммасидан ёмони у касал эди, буни Шатов аниқ билди. Ўзининг аёл олдида дағ-дағ титраб турганига қарамасдан, у бирдан унинг қошига бориб, шартта икки қўлидан ушлади:

– Marie... биласанми... сен балки жуда толиққандирсан, худо ҳақи, жаҳлинг чиқмасин... Агар рози бўлсайдинг, чой опкелайми, а? Чой мадор бўлади, а? Агар хўп десайдинг!..

– Розилигимни сўраб ўтирасизми, албатта, розиман, ҳалиям болага ўхшайсиз-а. Жон дейман-ку. Уйингиз мунча тор! Мунча совуқ бу ер!

– О, мен ҳозир ўтин, ўтин... ўтиним бор! – типирчилаб қолди Шатов, – ўтин... яъни, бироқ... ҳа-я, ҳозир чой, – у жон аччиғида бир қарорга келгандай қўлларини силтади ва бош кийимини қўлига олди.

– Қаёққа кетяпсиз? Нима, уйда чой йўқми?

– Бор, бор, бор, ҳозир бўлади ҳаммаси... мен... – у токчадан тўппончани олди.

– Мен ҳозир тўппончани сотаман... ё гаровга қўяман...

– Вой, бу тентаклик қачонгача давом этади! Пулингиз бўлмаса, мана, меникини олинг, саккиз танга шекилли; бошқа йўқ; уйингиз худди жиннихонага ўхшайди.

– Керакмас, керакмас сенинг пулларинг, мен ҳозир, бир зумда, мен тўппончасиз ҳам...

Шу тоб у тўғри Кирилловникига чопди. Бу чамаси Кирилловникига Петр Степанович билан Липутин келмасларидан икки соат бурун рўй бераётган эди. Бир ҳовлида яшайдиган Шатов билан Кириллов деярли бир-бирлари билан кўришмас, кўришиб қолган чоғларида эса саломлашмас ва гаплашмас эдилар: Америкада улар шунча узоқ “бирга ётган” эдилар.

– Кириллов, сизда доим чой бўлади, сизда чой ва самовар борми?

Одатига кўра хонасида у ёқдан-бу ёққа юраётган (у одатда тун бўйи у бурчакдан бу бурчакка юриб чиқарди) Кириллов бирдан тўхтади ва югуриб кириб келган кишига синчиклаб қаради, лекин ҳайрон бўлмади.

– Чой бор, қанд бор, самовар ҳам бор. Лекин самовар керак эмас, чой қайноқ. Ўтиринг, бемалол ичинг.

– Кириллов, биз Америкада бирга ётганмиз... Хотиним келиб қолди... Менга чойингизни беринг... Самовар керак...

– Агар хотинингиз бўлса, самовар зарур. Аммо самовар кейин. Менда иккитаси бор. Энди столдаги чойнакни олинг. Қайноқ, жуда қайноқ. Ҳаммасини олинг; қандни олинг, ҳаммасини. Нон... нон кўп; ҳаммасини олинг. Бузоқ гўшти бор. Бир рубль пул бор.

– Бера қол, оғайни, эртага қайтараман! Оҳ, Кириллов!

– Бу ўша Швейцариядаги хотинингизми? Бу яхши. Сизнинг бундай чопиб кирганингиз ҳам яхши.

– Кириллов! – деб кичкирди Шатов чойнакни қўлтиғига, нон ва қандни икки қўлига олиб, – Кириллов! Агарда... агарда сиз ўзингизнинг кўрқинчли хаёлларингизни қўйиб, худосизликнинг алахсирашларидан қайтсангиз эди... О, қандай одам бўлардингиз-а, Кириллов!

– Швейцариядан кейин хотинингизни жуда яхши кўрасизми дейман.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Агар Швейцариядан кейин бўлса, бу яхши. Чой керак бўлса, яна келинг. Кечаси қачон бўлса ҳам, келаверинг, мен умуман ухламайман. Самовар бўлади. Рублни олинг, мана. Хотинингизнинг олдига боринг, мен шу ерда сизни ва хотинингизни ўйлаб ўтираман.

Марья Шатова бу югур-югурдан мамнун бўлди, ютоқиб чой ичди, аммо самоварга ҳожат бўлмади: у ярим пиёла чой ичди, бир лукмагина нон еди, холос. Бузоқ гўштини ирганиб, фиғони чиқиб, рад этди.

– Касал бўлиб қолибсан, Marie, ҳолинг йўқ, дардинг кўп... – ботинмасдангина деди Шатов, унинг атрофида авайлаб гирдикапалак бўлиб.

– Рост, касалман, илтимос, ўтиринг. Бўлмаса, чойни қаердан олдингиз?

Шатов андак қисқа қилиб Кириллов ҳақида сўзлаб берди. Marie у ҳақда бироз эшитган экан.

– Жиннилигини биламан; илтимос, етар; тентаклар камми дунёда? Сиз Америкада бўлгансиз-ку? Биламан, ёзган эдингиз.

– Ҳа, мен... Парижга ёзувдим.

– Етар, илтимос, бошқа нарсани гапиринг. Эътиқодингиз славянпарастликми?

– Мен... унчаликмас-а... Рус бўлишнинг иложи бўлмагандан кейин славянпараст бўлдим, у зўраки сўз ўйини қилган одамдай оғзини қийшайтириб ясама кулди.

– Сиз рус эмасмисиз?

– Йўқ, рус эмасман.

– Э, булар бари бемаънилик. Илтимос, ўтирсангиз-чи ахир. Нега у ёқдан-бу ёққа чопаверасиз? Сизнингча, мен алахсираяпманми? Балки, алахсираб қоларман. Сиз ҳовлида фақат икки кишимиз дедингизми?

– Икков... пастда...

– Яна ҳаммаси ақллилар. Пастда нима? Сиз пастда дедингизми?

– Йўқ, ҳеч.

– Нима ҳеч? Мен билишим керак.

– Мен ҳозир ҳовлида икки киши турибмиз демокчийдим, пастда илгари Лебядкинлар яшашарди...

– Бугун кечаси сўйиб кетишган хотинми? – деди аёл бирдан. – Эшитдим. Келган заҳоти эшитдим. Бу ерда ёнғин бўлдими?

– Ҳа, Marie, ҳа, балки худди шу дамда мен аблаҳларни кечириб, тубанлик қилаётгандирман... – у бирдан ўрнидан туриб, худди жазавага тушгандай кўлини юқорига кўтарганча у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Аммо Marie уни яхши тушунмади. У жавобларни хаёли қочиб эшитарди; у сўрар, аммо эшитмасди.

– Бу ерда ажойиб ишлар бўлаётган экан. Оҳ, қанчалар тубан ҳаммаси! Ҳаммаси қандай ярамаслар! Э, ўтирсангиз-чи, ахир, бўлди-да, о, мунча жаҳлимни чиқараверасиз! – У тамомила ҳолдан тойиб бошини ёстикқа қўйди.

– Marie, майли, хўп... Сен андак чўзилсангмикин, Marie?

Аёл жавоб бермай, кўзини ҳолсиз юмди. Оқарган ранги ўлик тусига кирди. У шу заҳоти ухлаб қолди. Шатов атрофига аланглади, шам пилигини тўғрилади, яна хавотирланиб унинг юзига боқди, кўлини олдига қилиб қаттиқ қисди ва оёқ учида босиб хонадан даҳлизга чиқди. Пиллапоя саҳнида у юзини бурчакка босди ва шу аҳволда қимир этмай, сас чиқармай ўн дақиқача турди. Бундан ҳам узоқроқ турар эди-ю, аммо бирдан пастдан оҳиста, эҳтиёткор товушлар эшитилди. Кимдир юқорига кўтариларди. Шатов пастдаги дарвозани кулфламаганини эслади.

– Ким бу? – шивирлаб сўради у.

Нотаниш одам шошилмай, жавоб бермай чиқиб келарди. Тепага чиқиб тўхтади; қоронгуда уни кўриб бўлмасди; бирдан унинг эҳтиёткор саси эшитилди:

– Иван Шатовмисиз?

Шатов ўзини танитди, уни тўхтатиш учун дарҳол кўлини чўзди; аммо нотаниш одамнинг ўзи унинг кўлидан ушлади ва шунда Шатов қандайдир кўрқинчли газандани ушлаб олгандай сесканиб тушди.

– Шу ерда тулинг, – тез шипшиди у, – ичкарига кирманг, сизни ҳозир таклиф қилолмайман. Хотиним бугун қайтиб келди. Мен ҳозир чироқ олиб чиқаман.

У шам кўтариб қайтиб чиққанда, қандайдир ёш офицер қаршисида турарди; унинг исмини билмас, аммо қаердадир кўрган эди.

– Эркель, – ўзини танитди бояги киши. – Мени Виргинскийда кўргансиз.

– Эсимда; сиз ёзиб ўтирувдингиз, – бирдан тошиб кетди Шатов жазаваси кўзиб унинг яқинига бостириб бораркан, ҳамон шивирлаб сўзлаб, – сиз кўлимдан ушлаганингизда менга кўлингиз билан бир ишора қилдингиз. Аммо билиб кўйинг, мен тупураман бундай ишораларнинг ҳаммасига! Керакмас менга... истамайман... Сизни ҳозир зинадан ташлаб юборишим мумкин, биласизми шуни?

– Йўқ, мен бунга ҳеч билмайман, яна шуни ҳам билмайманки, нега мендан жаҳлингиз чиқяпти, – оккўнгиллик ва соддафаҳмлик билан жавоб берди меҳмон. – Мен сизга бир гапни айтиб қўйишим керак, шунга келганман, асосийси, вақт кетмасин. Сизда дастгоҳ сақланади, у сизники эмас, ҳисоботдаги нарса, ўзингизга маълум. Менга тайинланган гап шуки, сиз уни эртага кечки соат еттида Липутинга топширасиз. Иккинчи тайинланган гап шуки, шундан бошқа сиздан ҳеч қачон ҳеч қандай нарса талаб қилинмайди.

– Ҳеч нарсами?

– Мутлақо ҳеч нарса. Сизнинг илтимосингиз қондирилади ва сиз батамом четга чиқасиз. Шуни сизга етказиш менга тайинланган.

– Ким тайинлади сизга?

– Менга белги берган кишилар.

– Сиз ҳориждан келганмисиз?

– Бу... бу, бунинг сизга аҳамияти йўқ.

– Эҳ, шайтон! Нега сизга тайинланган бўлса олдинроқ келмадингиз?

– Мен баъзи кўрсатмаларга риоя қилдим, мен ёлғиз ўзим эмасдим.

– Тушундим. Тушундим, бир ўзингиз бўлмагансиз. Эҳ, шайтон! Э нега Липутиннинг ўзи келмади?

– Шундай қилиб, мен сизнинг олдингизга эртага роса кеч соат олтида келаман, у ёққа яёв юриб борамиз. Учовимиздан бошқа ҳеч ким бўлмайди.

– Верховенский келадими?

– Йўқ, у бўлмайди. Верховенский эртага эрталаб соат ўн бирда шаҳардан жўнаб кетади.

– Шундай деб ўйловдим, – қутуриб шивирлади Шатов ва ёнбошига муштлади, – қочибди-да, шум!

У ҳаяжонланиб ўйга ботди. Эркель унга тикилиб қараб турар, индамай кутарди.

– Сиз қандай оласиз? Ахир уни шундоқ кўлга олиб кўтариб бўлмайди.

– Бунга ҳожат йўқ. Сиз фақат жойини кўрсатасиз, биз кўриб, ишонч ҳосил қиламиз. Биз фақат жой қаердалигини биламиз, жойнинг ўзини билмаймиз. Сиз ахир бошқа бировга бу жойни кўрсатмагандирсиз?

Шатов унга тикилди.

– Сиз, сиз ўзингиз-ку ҳали ёш боласиз, шундай тентаккина боласиз, – сиз ҳам шу ишга қўйдай бошингизни тикдингизми? Э-ҳа, уларга шундай қўй оғзидан чўп олмаган ғўр керак-ку! Хўп, бораверинг энди! Э-эх! Анов аблаҳ ҳаммангизни лақиллатиб қочди-кетди.

Эркель равшан ва осуда нигоҳ билан қараб турар, лекин худди тушунмаётгандай тутарди ўзини.

– Верховенский қочди, Верховенский! – шиддат билан тишларини гижирлатди Шатов.

– Йўғ-е, ҳали у шу ерда, кетгани йўқ. У фақат эртага кетади, – ишонч билан юмшоқ қилиб деди Эркель. – Мен уни гувоҳ сифатида иштирок этишга таклиф қилдим. Менга кўрсатма фақат ундан (оғзидан сути кетмаган боладай оғзидан гуллади у). Бироқ, афсуски, у кўнмади. Йўлга чиқишини баҳона қилди; ҳақиқатан оёғи куйган товукдай негадир шошяпти.

Шатов лақма болага ачингандай яна бир қараб қўйди, лекин бирдан худди ниманидир ўйлагандай қўл силтади: “Ачиниб ўтиришга арзимамайди”.

– Яхши, бораман, – деб гапни кесди у бирдан, – энди қани, жўнанг, рав!

– Мен роппа-роса олтида келаман, – одоб билан таъзим қилди Эркель ва шошилмай зинадан тушиб кета бошлади.

– Тентаквой! – чидолмай қичқирди зина тепасидан Шатов.

– Нима-а? – деган овоз пастдан келди.

– Ҳеч, бораверинг.

– Мен бир нарса дедингизми дебман.

II

Эркель шундай “тентаквой” эдики, бошида энг керакли бўлган мағизи йўқ эди, бошида тўраси йўқ эди; аммо зиғирдаккина, бўйсунувчан тобе мағиз етарлигина эди, ҳатто айёргина эди. У “умум иши”га, моҳиятан Петр Степановичга мутаассибларча, кўзи очилмаган болаларча берилган, унинг чизган чизигидан чиқмас, *бизникилар* йиғинида келишилган ва ўзи зиммасига топширилган эртанги вазифаларни оғишмай адо этарди. Петр Степанович унга элчи бўлиб боришни топшираркан, уни бир чеккага тортиб ўн дақиқача сўзлашди. Ижро этиш иштиёқи ушбу пойи патак, юзаки ўйлайдиган, ҳамиша бошқанинг иродаси, инон-ихтиёрига бўйсунитгани маъқул кўрадиган тийнатнинг айрилмас эҳтиёжига айланиб кетганди – о, албатта, бунда “умум иши” ёки “буюк иш” равнақи назарда тутилди. Аммо бунинг ҳам фарқи йўқ эди, зотан, Эркелга ўхшаган майда фанатик мутаассиблар ғояга хизмат қилиш нималигини асло тушунолмайдилар, улар ғояга эмас, уни ифодаловчи шахсга хизматбардорлик қиладилар. Ҳиссиётчан, меҳрибон ва оққўнгил Эркель Шатовга қарши тиш қайраган қотиллар ичида энг тошюрағи эди, у ҳеч қандай шахсий ғарази бўлмаган ҳолда кўзи пир этмай одамқушликда иштирок эта оларди. Мисол учун, унга Шатовнинг уй шароитига эътибор қаратиш топширилганди, Шатов уни пиллапояда қарши олиб, ўзи ҳам билмаган ҳолда иситма алангасида ёниб, хотиним қайтиб келди, деб айтиб қўйганда, – Эркель бунга заррача қизиқиш билдиргани йўқ, савқи табиийлик билан муғамбирлик қилди, ҳолбуки, миясидан хотини қайтиб келган бўлса, бу албатта, кўзлаган ишимизга ўз таъсирини кўрсатади, деган фикр йилт этиб ўтди...

Аслида, ўзи ҳам шундай бўлди; худди мана шу битта нарсанинг ўзи “аблаҳлар”ни Шатовнинг аҳди ниятидан сақлаб қолди ва шу билан бирга ундан “қутулиш”ларига қўл келди. Биринчидан, янги юз берган ҳол Шатовни қаттиқ ҳаяжонга солди, уни издан чиқарди, унда одатдаги хушёрлик ва эҳтиёткорликдан асар ҳам қолмади. Энди унинг мияси бутунлай

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

бошқа ташвишлар билан банд, ўз жонини сақлаш, хавфсизлик ҳақида қайғуришдан жуда узоқда эди. Аксинча, у Петр Верховенский эртага қочиб кетяпти, деган гапга чиппа-чин ишонди: унинг шубҳалари қанчалар ҳақ чиқди! Ичкарига қайтиб киргач, у яна бурчакка бориб ўтирди, тир-сакларини тиззаларига тиради ва қўллари билан юзини беркитди. Аччиқ хаёллар уни қийнарди...

Мана, у яна бошини кўтариб, оёқ учида юриб, аёлдан хабар олди: “О, худойим! Уни эртагаёқ иситма қисти-бастига олади, эрталаб зўраяди, ҳозирок бошланганга ўхшайди! Қаттиқ шамоллаган. Бу зах баттарин иқлимга у ўрганмаган, бу ёқда вагон, учинчи класс, атрофда шамол, қуюн, ёмғир, усти юпун, камзули юпка, эгнида ҳеч нарсаи йўқ... Шундай аҳволда уни ёлғиз ташлаб кетиши мумкинми! Халтаси-чи, халтаси кичкинагина, буришган, енгилгина, ичида ҳеч вақоси йўқ! Шўрлик хотин тамомила ҳолдан тойибди, нималарни кечирмаган бошидан! Орияти кучли, шунинг учун шикоят қилмайди. Аммо ёмон тажанг, тажанг! Касал-да, фаришта ҳам узоқ касал бўлса тажанги чиқади. Пешонаси алангаи оташ бўлиб ёнаётгандир, кўзларининг таги моматалоқ бўлиб кетибди. Шундаям, юзи жуда кўхлик, тархи чиройли, сочлари шалоладай ёйилган, худди...”

Шунда у кўзларини тезроқ аёлдан олиб қочди, тезроқ ўзини яна нари олди, унинг сиймосида ёрдамга муҳтож, бахтсиз, музтар бир хилқатдан бошқа қандайдир бир нарсаи кўриш фикридан чўчигандай, четланди, – “Умидга бу ерда бало борми! О, қанчалар пастарин, қанчалар қабиҳдир одам!” – у яна хона бурчагига қайтиб борди, ўтириб, юзини қўллари билан тўсди ва яна орзуларга, хаёлларга берилди... Кўз ўнгида яна умид рўёлари жилваланди.

“Оҳ, чарчадим, оҳ, чарчадим!” – аёлнинг нолаларини эсларди у, унинг заиф, синик, хириллаган овози қулоғида жарангларди. Оҳ, худойим! Уни шундоқ ташлаб кетиб бўладими, ёнида саккиз танга чақаси; кичкина, бужмайган ҳамёнчасини узатди-я! Иш жойи қидириб келдим дейди, иш жойи нима эканлигини билармикин ўзи, улар Россиянинг нималигини қаердан билишарди? Булар ҳаммаси эркатой болалар, фақат хаёллар, хаёлларида бир нарсаларни тўқиб чиқаришган, яна тажанг бўлади, жаҳли чиқади боёқишнинг нега Россия бизнинг хориждаги хаёлларимизга ўхшамайди деб! О, бахти қаролар, о содда, гўллар!.. Лекин ҳақиқатан, бу ер анча совуқ экан...”

Шатов аёлнинг шикоят қилганини эслади, ўзи печни ёқаман деб ваъда берганди. “Ўтин келтириш мумкин, фақат уйғотиб юбормасам бўлди. Аммо ёқиш мумкин. Бузоқ гўштини нима қилдим? Ўрнидан турса, балки, егиси келиб қолар... Хўш, бу кейин; Кириллов тун бўйи ухламайди. Унинг устига нима ёпиб қўйсам экан, жуда қаттиқ, тош қотиб ухляпти, бироқ совқотаётганга ўхшайди, оҳ, совуқ!”

Шунда у яна хабар олиш учун аёлнинг устига борди; қўйлаги бироз қайрилиб, ўнг оёғининг бир қисми тиззасигача очилиб қолибди. У бирдан кўрқиб кетиб, дарҳол юзини четга бурди, устидаги қалин пальтосини ечди, эгнида эски юпка камзул қолди, у аёлнинг очилиб қолган оёғига қарамасликка ҳаракат қилиб, пальтони оҳиста унинг устига ёпди.

Ўтин келтириб ёқиш, оёқ учида юриш, ухлаётган аёлга разм солиш, бурчакда хаёлларга ботиб ўтириш, кейин яна аёлдан хабар олиш кўп вақтни олди. Икки-уч соат ўтди орада. Худди мана шу вақт ичида Верховенский ва Липутин Кирилловнинг ҳузурида бўлишди. Ниҳоят, Шатов ҳам бурчакда пинакка кетди. Аёл ингради; у кўзини очди, уни чақирди; Шатов жиноят қилиб қўйгандай дик этиб ўрнидан турди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

– Marie! Кўзим уйкуга кетибди... Оҳ, мен қанчалар ярамасман, Marie!
Аёл қаерда эканлигини билмагандай, ҳар ёққа олазарак қараб, ўрнидан турди ва бирдан ғазаб ичида норози бўлиб типирчилади.

– Мен ўрнингизни эгаллабман, мен ўзимдан кетиб ухлаб қолибман; нега дарров мени уйғотмадингиз? Сизга оғирим тушиши мумкинлигини ўйламадингизми?

– Сени уйғотолмадим, Marie.

– Уйғотишингиз керак эди! Сизга бу ерда бошқа тўшак йўқ, мен эса ўрнингизни олиб қўйибман. Сиз мени бундай ярашмаган ҳолга қўймаслигингиз жойиз эди. Мени сизнинг ҳайр-эҳсонингизга муҳтож деб ўйлайсизми? Дарҳол ўз ўрнингизга ётинг, мен анов бурчакдаги стулларга жойлашаман...

– Marie, стуллар кўп эмас, солишга тўшаклар ҳам йўқ.

– Унда ерда ётаман. Бўлмаса сизга ерда ётишга тўғри келади. Мен ерда ётаман, дарҳол, дарҳол!

Аёл ўрнидан кўзгалди, бир қадам қўймоқчи бўлди, лекин бирдан қаттиқ чангак оғриқ унинг бутун кучи, бутун ихтиёрини қирқди-ю, қичкириб, инграб юборди-да, шу заҳоти тўшакка шилқ этиб қулади. Шатов югуриб келди, Marie юзини ёстикқа ботирганча унинг қўлини тутди-да, уни бор кучи билан ғижимлаб, қисиб синдира бошлади. Бу аҳвол бир дақиқа давом этди.

– Marie, азизам, хўп десанг, бу ерда доктор Френкель деган бор, танишим, жуда яхши... Мен дарров бориб уни олиб келардим.

– Бўлмади!

– Нега бўлмасин! Marie, айт, қаеринг оғрияпти? Балки иссиқ қилиш керакдир... балки қоринга... Буни докторсиз ҳам қилиш мумкин... Ё хантал қўяйми?

– Бу нима экан? – аёл бошини кўтариб, унга кўркиб қараркан тушунмай сўради.

– Яъни, нима дейсанми? – англамади Шатов, – нимани сўраяпсан? О, худойим, мен эсанкираб қолдим, Marie, кечир, ҳеч балони тушунмаяпман.

– Эҳ, қўйинг, сиз тушунадиган иш эмас. Жуда кулгили бўларди... – аламли илжайди аёл. – Менга бирон нарса ҳақида сўзлаб беринг. Хонада юриб, сўйлайверинг. Тепамда серрайиб турманг, менга бунақа қараманг, сиздан буни беш юзинчи маротаба сўраяпман!

Шатов бор кучини ишга солиб унга қарамасликка ҳаракат қилиб, кўзларини ерга тикканча хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

– Бу ерда – жаҳлинг чиқмасин, Marie, ўтиниб сўрайман, – бу ерда бузук гўшти бор, яқин жойда, чой ҳам бор... Боя ҳеч нарса емадинг...

Аёл ижирғаниб, фиғони чиқиб, қўлини силтади. Шатов ночор тилини тишлади.

– Менга қаранг, мен бу ерда ширкат асосида муқова корхонаси очмоқчиман. Сиз шу ерда яшайсиз-ку, нима деб ўйлайсиз? Қилса бўладими, йўқми?

– Эҳ, Marie, бизда китоб ўқишмайди, китобнинг ўзи ҳам йўқ. Ким китоб муқовалатарди?

– Ким?

– Бу ердаги ўқувчи дейман, умуман, бу ернинг аҳолиси, Marie.

– Шунинг аниқроқ қилиб айтмайсизми, ким дейсиз, ким эканлиги эса номаълум. Грамматикани билмайсиз.

– Тилнинг аҳволи ўзи шунақа. Marie, – ғўлдиради Шатов.

– Оҳ, аҳвол, аҳвол дейсиз, олиб боринг аҳволингизни, жонга тегди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Нега бу ернинг аҳолиси ёки ўқувчиси муқовалатмайди?

– Негаки, китоб ўқиш ва муқовалаш бу – тараққиётнинг жуда катта икки даври. Аввалига у секин-аста ўқишни ўрганади, бунга асрларча вақт кетади, албатта, аммо китобни жўн бир нарса деб билиб, йиртиб оёқости қилади. Муқова эса китобга ҳурматни билдиради, ўқишни жон-дилдан яхши кўриб, уни касб-кор деб қараганини англатади. Бутун Россия ҳали бу даврга етгани йўқ. Европа анчадан буён муқовалашга киришган.

– Бу олифта гап бўлса ҳам, ҳар қалай яхши айтилди ва менга уч йил бурунги вақтларни эслатди; уч йил аввал сиз баъзан гапларни жуда қойил қилардингиз.

У олдинги инжиқ гапларини қандай айтган бўлса, буни ҳам шундай ижирганиб айтди.

– Marie, Marie, – кўнгли эриб деди унга Шатов, – о, Marie! Бу уч йил ичида қанча кўп нарсалар сувдай оқиб ўтиб кетганини сен билсайдинг! Мен кейин эшитдим, мен этикодими ўзгартирганим учун мендан нафратланибсан. Мен кимлардан юз ўгирдим? Тирик ҳаёт душманларидан; ўз эгаменлигидан кўрқадиган чириган либерал зотчалардан; фикр ва эркинликларидан, ўлимтиклар ва сассик алафларнинг қартайган тарғиботчиларидан юз ўгирдим! Нимаси бор уларнинг: қартайиш, ўртамиёналик, энг баттарин ва тубан лаёқатсизлик, ҳасад тўла тенглик, ўз кадрини билмайдиган тенглик, малайнинг тушунчасидаги тенглик ёки тўқсон учинчи йилдаги французнинг биладиган тенглиги... Асосийси, ҳаммаёқда ярамаслар, ярамаслар ва ярамаслар!

– Тўғри, ярамаслар кўп, – хириллаб, оғриқ билан жавоб берди аёл. У кимираммай, худди кимирашдан кўрққандай бошини ёстикнинг ёнбошроқ томонига қўйиб, шипга иситма, ҳарорат ичидаги кўзларини ҳорғин тикканча оёқларини чўзиб ётарди. Юзи оппоқ оқарган, лаблари қотиб қуруқшаганди.

– Сен биласан, Marie, сен биласан! – хитоб қилди Шатов. Аёл буни инкор этгандай бошини чайқамокчи бўлди, шунда уни яна бирдан ваража тутди. У яна бошини ёстикқа яширди ва яна бир дақиқа давомида югуриб келган, кўркувдан ўзини йўқотиб қўйган Шатовнинг қўлларини қисиб, қайириб, эзғилаб турди.

– Marie, Marie! Жуда жиддийга ўхшайди-ку аҳволинг, Marie!

– Бас қилинг... Истамайман, истамайман, – деб нидо қиларди аёл қаҳри келиб, яна юзини шипга бураркан, – менга раҳмингиз келиб бундай қараманг! Хонада юриб турунг, айтинг, бир нарсаларни гапиринг...

Эсини йўқотган Шатов яна бир нималар деб гўлдирай бошлади.

– Сиз бу ерда нима иш қиляпсиз? – аёл тоқатсизланиб, ижирганиб Шатовнинг сўзини бўлди.

– Бир савдогарнинг идорасига қатнайман. Marie, агар истасам, бу ерда ҳам яхши пул топишим мумкин эди.

– Ўзингизга яхши бу...

– Ох, ундай дема, Marie, шунчаки айтдим...

– Яна нима билан шуғулланасиз? Нимани тарғиб этияпсиз? Сиз ахир тарғиб этмай туrolмайсиз-ку; феълингиз шундай!

– Худони тарғиб қиляпман, Marie.

– Унга эса ўзингиз ишонмайсиз. Мен бу нарсани ҳеч қачон тушунолмаганман.

– Кўяйлик, Marie, бу кейин.

– Марья Тимофеевна ким эди бу ерда?

– Бу ҳам кейин, Marie.

– Менга бунақа танбех берманг! Ростми, унинг ўлимини ўша одамларнинг ёвузлигидан кўриш мумкинми?

– Айни шундоқ, – тишларини ғижирлатди Шатов.

Marie бирдан бошини кўтарди-да, азоб билан қичқирди:

– Менга бошқа ҳеч қачон буни гапирманг, ҳеч қачон, ҳеч қачон гапирманг!

Шунда у яна ўша титроқ азоб ичида ўзини тўшакка ташлади; бу учинчи марта такрорланди, лекин бу сафар унинг оҳ-воҳлари кучайди, фарёдга айланди.

– Вой, бу бадфеъл! Вой, бу саркаш! – ўзини ётган жойида у ёқдан-бу ёққа отар, тепасида турган Шатовни нари-бери итарарди аёл.

– Marie, нима десанг қиламан... юр десанг юрай, гапир десанг гапирай...

– Э, кўрмаяпсизми, ахир, бошланди-ку?

– Нима бошланди, Marie?

– Мен қайдан билай? Мен нимани ҳам биламан... О, куриб кеткур! О, олдиндан ҳаммаси куриб кетсин!

– Marie, сен нима бошланганини менга айтсайдинг... бўлмаса мен... мен нимани тушунаман, бундай...

– Сиз даҳмаза, бефойда эзма. О, ҳаммасига минг лаънат!

– Marie, Marie!

У аёл ақлидан оза бошлади деган хаёлга келди.

– Вой, нега ахир кўрмайсиз мени тўлғоқ тутаетганини, – аёл қаддини кўтариб, унга юзи қаҳру ғазабдан ўзгариб, кўрқинчли оғриқ, алам-изтироб билан қаради. – Қарғиш урсин бу шумқадам болани!

– Marie, – нидо қилди ниҳоят гап нимадалигининг фаҳмига етган Шатов, – Marie... Нега шуни олдиндан очиқ айтмадинг? – у бирдан хуши ўзига келиб сергак тортди ва шахд билан бош кийимини қўлига олди.

– Бу ерга келганимда, билибманми буни? Билсам келармидим бу ерга? Менга ўн кун бор дейишганди! Қаёққа кетяпсиз, қаёққа кетяпсиз, тўхтанг!

– Дояга бораман! Тўппончани сотаман; энди ҳаммадан ҳам пул керак!

– Тўхтанг, доя керакмас, битта кампир, хотин киши бўлса, бас, ҳамёнимда саккиз танга бор... Қишлоқ хотинлари шундоқ ҳам туғаверади... Ўлсам, садқаи сар...

– Доя ҳам бор, кампир ҳам. Фақат сени мен қандай, мен қандай ёлғиз ташлаб кетаман, Marie!

Аёл иситмалаб, алаҳлаб ётар, кейин ёрдамсиз қолдиргандан кўра ҳозир ёлғиз қолдирган афзал эканини англаган Шатов унинг тинимсиз инграётгани, қаҳр-ғазаб билан қичқираётганига кулоқ солмай, оёғини қўлига олиб орқа-олдига қарамай пиллапоядан отилиб пастга тушди.

*Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ таржимаси*

(Давоми бор)





Мақсуд ШАЙХЗОДА

(1908 – 1967)

А.Абдуллаев чизган сурат

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

119

ШАЙХЗОДА – ТАРЖИМОН

XX асрнинг 20-30-йилларида янги ўзбек адабий тилининг шаклланиши нафақат “Ўтган кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон” сингари ўлмас эпик полотноларнинг, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон сингари шоирлар қаламига мансуб лирик дурдоналарнинг майдонга келишига, балки жаҳон адабиёти ўлмас намуналарининг ўзбек тилига зўр маҳорат билан таржима қилинишига ҳам катта имконият яратди. Шу йилларда таржимон-ёзувчилар олдида биринчи навбатда рус адабиёти классиклари асарларини, 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб эса ўрта мактабларнинг адабиёт дастурларидан ўрин олган жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш вазифаси юкланди. Шу муборак жараёнда Чўлпон бошчилигида ўзбек бадиий таржима мактаби майдонга келди.

Шу мактабда сабоқ олган таржимон-шоир ва таржимон-ёзувчилар орасида Максуд Шайхзода фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

1936 йилда улуғ рус шоири А.С.Пушкин вафотининг 100 йиллигини нишонлаш бўйича катта тайёргарлик ишлари бошланади. Ўзбекистон ҳукумати шу қарорга асосланган ҳолда истеъдодли таржимон-ёзувчиларни Пушкин асарларини таржима қилиш ишига жалб этиб, Тошкент вилоятидаги хушманзара масканлардан бири Чимёнда улар учун ижодий шароит яратиб беради. Етти ёзувчи 1936 йилнинг эрта баҳоридан қарийб куз ойларига қадар шу ерда тикилган етти ўтовда ижод билан шуғулланидилар.

Рус тилини, рус ва жаҳон адабиётининг мумтоз намояндалари ижодини аксар ҳамкасбларига нисбатан яхши билганлиги сабабли, Шайхзоданинг ҳам шу етти таржимон-ёзувчилар гуруҳидан ўрин олиши табиий эди. У Чимёнда Пушкиннинг бадиий оламига янада чуқур кириб, унинг ўндан зиёд лирик дурдоналарини катта илҳом билан ўзбек тилига жўшиб-қайнаб таржима қилади. Сўнгра буюк шоирнинг “Мис чавандоз” достони ҳамда “Моцарт ва Сальери” “кичик трагедия”сини ўзбек тили наволарида сайратиб юборади.

Замондошларнинг нақл қилишларича, етти таржимон учун битта “Русча-ўзбекча луғат” бўлган. Шу луғат ўтовдан-ўтовга кўчавериб ва титкиланавериб бир ҳафтага қолмай, шалокланиб кетган. Фақат икки кишигина бу луғатга камдан-кам мурожаат этишган. Булар Ойбек билан Шайхзода эди.

Шайхзоданинг Пушкин лирикасидан қилган таржималарига назар ташлаган киши таржима қилинган шеърининг ёмбидек қуймалигини сезмай иложи йўқ. Шайхзода рус шоирининг ҳар бир шеърдаги лирик туйғу ва фикр ҳаракатини чуқур ҳис этибгина қолмай, шу шеърга поэтик жозиба бағишлаган ритм, интонация, такрор, қофия ва товуш товланишларига хос бадиий нафосатни ҳам ўз таржимасида беришга интиланган. Афсуски, шоир 50-йиллар аввалида олис ўлкаларга бадарға қилингани ва тирик қайтиб келганидан кейин ҳам совет давлатининг тавқи лаънатидан халос бўлмаганлиги сабабли, Пушкин асарлари тўрт жилддигининг 1954-1955 йиллардаги нашрида унинг таржималари ёш шоирлар томонидан ўзбек тилига қайта ўгирилган. Натижада Пушкиннинг Шайхзоданинг олтин қалами билан адо этилган таржималари қайта нашр этилмаган.

Совет даврида рус ва жаҳон ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржима қилишда асосан икки омил етакчилик қилди. Уларнинг бири – юбилейлар, машхур ёзувчиларнинг йирик таваллуд саналари, қардош халқлар адабиётларининг Ўзбекистондаги ҳафталиклари. Иккинчиси – рус ва жаҳон адабиёти намояндалари асарларининг мактаб ўқув дастурларига киритилишидир. Шайхзода шу икки омилнинг “шарофат”и билан қардош халқлар, рус ва жаҳон адабиёти намояндаларининг юзлаб шеърларини Қодирий ва Чўлпон тилида жаранглатиб юборди. Шубҳасиз, ўткинчи даврлар талаби билан ўзбек тилига ўгирилган бу шеърларнинг бир қисми ўзининг долзарблик фазилатини аллақачон йўқотган. Аммо улар орасида меҳр ва маҳорат билан таржима қилинган шеърят дурдоналари ҳам оз эмас. Бироқ улар қайсидир газета ва журнал тахламлири орасида чанг босиб, ўз тадқиқотчи-изланувчиларини кутиб ётибди.

Яхшиямки, шоир “Асарлари”нинг сўнги, 6-жилдига Шекспирнинг 8 та сонети, Байроннинг “Чайльд Гарольд зиёратлари” (1-қўшиғи), Маяковскийнинг 6 та, Нозим Ҳикматнинг 8 та, Сулаймон Рустамнинг 6 та шеъри ва Самад Вурғуннинг “Негрнинг орзулари” дostonидан парча киритилган экан, улар Шайхзода таржима асарларининг қўлами тўғрисида чала бўлса-да, тасаввур беради.

Шайхзода янги озарбайжон шеърияти бешигида улғайганлиги туфайли унга сарбаст шеърлар, кутилмаган поэтик образлар, поэтик тафаккурнинг ғайритабиий ўйинлари бегона эмас эди. Шу ҳол унинг Маяковский ижодига ҳам адабиётшунос олим, ҳам таржимон сифатида мурожаат этишига сабаб бўлган. Шўро даврининг Маяковскийга бўлган ҳароратли муносабати, шу даврда Маяковский ва Ҳамза сингари “минбар шоирлар”га, “жангчи ва жарчи шоирлар”га бўлган эҳтиёж Шайхзодадаги шу майлга озик бериб турган. Шайхзоданинг Маяковскийдан қилган таржималари (инқилоб дохийиси ҳақидаги ва “Жуда соз” дostonлари) гарчанд 50-йилларда салбий баҳоланган ва таржимон таржимада сиёсий хатоларга йўл қўйган, деб айбланган бўлса-да, улар ўзбек бадий таржима санъатининг ўша даврдаги энг юксак намуналари бўлган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади.

Таржимон-шоирнинг адабий меросида, юкорида тилга олинган асарлардан ташқари, яна учта мумтоз таржима асар бор. Шуларнинг бири – буюк инглиз драматурги У.Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедиясидир. Бу асар 1935 йилда Чўлпоннинг буюк таржимасида Ҳамза номидаги театр (ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик драма театри)да саҳналаштирилиб, томошабинлар ўртасида зўр муваффақият қозонган ва таржима ўзбек таржима маданиятининг шох намунаси сифатида эътироф этилган. Аммо Чўлпон “халқ душмани” деб эълон қилиниши билан унинг номи театр афишаларидан ўчириб ташланган. Ўтган асрнинг 50-йилларида мазкур асарга бўлган қатта эҳтиёж талаби билан мазкур театр жамоаси Шайхзодага мурожаат қилиб, асарни қайта таржима қилиб беришни илтимос қилади. Шайхзода “Ҳамлет”ни таржима қилишга розилик беради. Буюк сўз устасидан кейин “Ҳамлет”ни таржима қилиш осон эмас эди. Шайхзода бу ўта жиддий ва масъулиятли вазифага киришишдан аввал “Ҳамлет”нинг Чўлпон қаламига мансуб таржимаси ва турли талқинларини кунт билан ўрганadi. Чўлпоннинг сояси бўлиб қолмаслик учун таржима устида қаттиқ ишлаб, ойлаб бедор тунларни ўтказadi. Спектаклда банд бўлган артистлар, кўникмага кўра, Чўлпон таржимасидаги репликалар, монолог ва диалогларни ижро этишда давом қилган бўлсалар-да, “Ҳамлет”нинг Шайхзода қаламига мансуб таржимаси ҳам даҳо асарга муносиб ижодий иш эди.

Шайхзода 60-йилларда мазкур театрнинг илтимоси билан Шекспирнинг яна бир асари – “Ромео ва Жульетта” трагедиясини ҳам таржима қилиб берди. Аммо мудҳиш тамға шоир манглайдан ҳали олиб ташланмагани учун рақиблар бу таржима асосидаги спектаклнинг намойиш этилишига тиш-тирноқлари билан қаршилиқ кўрсатишди.

Кун билан тундан, оқ билан қорадан, ҳаёт билан ўлимдан иборат ҳаётнинг ғаройиблигини қарангки, қонли 1937 йилда грузин адабиётининг асосчиси Шота Руставели туғилган сананинг 750 йиллиги “кўп миллатли совет халқи”нинг байрами сифатида нишонланди. Шу тарихий воқеа муносабати билан ўзбек шоирлари зиммасига “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” эпосини ўзбек тилига ўгириш вазифаси Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Амин Умарий, Темур Ғафтоҳ, Даврон, Ғиёс Соатий, Холид Расул ва Жуманиёз Шарифийга юкланди. 6500 сатрга яқин бўлган асарни қисқа муддатда таржима қилиш осон бўлмагани учун ундан 1700 сатр ажратиб олинди. Асар “Одиссея” ва “Илиада”лар услубига яқин, Руставелининг ўзи кашф этган услубда ёзилгани учун уни ўзбек тилига таржима қилиш қийин кечди. Ғафур Ғулом, Миртемир ва Амин Умарий томонидан қилинган таржималар муаллиф услубига яқин бўлгани учун 1937 йилда “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асари Шайхзоданинг кириш ва хотима сўзлари билан бирга Х.Қурбонов, С.Ҳусайн ва Н.Охундий муҳаррирлигида нашр қилинади. Асар ёш авлод томонидан, айниқса, қизғин кутиб олинади. Шу ҳол боис М.Даврон томонидан тўлдирилиб, 1941 йили А.Умарий муҳаррирлигида қайта чоп этилади.

1959 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъатининг ўнқунлиги ўтказилиши муносабати билан республика раҳбарияти “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”ни тўлиқ таржима қилиб, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриётига унинг академик нашрини тайёрлаш вазифасини топширади. Нашриёт грузин адабиётининг бу шоҳ намунасини ўзбек тилига таржима қилишга таржимонлик фаолиятлари билан катта ҳурмат ва эътибор қозонган Шайхзода ва Миртемирни жалб этади.

“Ҳар икки таржимон ҳам академия нашриётининг таклифини мамнуният билан қабул қилиб, ижодий ишга ғайрат билан киришдилар” – деб ёзган эди Ж.Шарифий.

Нашриёт Грузиядан “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” асарининг махсус қилинган русча сатрма-сатр таржимасининг тўла матнини олди. Бу таржима 1937 йилдагидан тамоман фарқ қилар эди. У ҳағто бир неча мартаба русчага баддий таржима қилинган илгариги матнлардан, масалан, К.Бальмонт, П.Петренко, Ш.Ницубидзе, Г.Цагарали таржималаридан ҳам катта фарқ қиларди. Шу нарса Шайхзода билан Миртемир учун яна қўшимча қийинчиликларни туғдирди. Натижада улар ўзларининг 1937 йилда қилган таржималарини ҳам қайтадан таржима қилишга мажбур бўлдилар.

Мухтарам таржимонларимиз Шайхзода ва Миртемир “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон”нинг тўла ва мукамал матнини ўзбек тилига таржима қилиб, нутилмас ёдгорлик, бебаҳо асарни халқимизга тақдим этдилар”.

Наим КАРИМОВ

Уильям ШЕКСПИР

Сонетлар

*Ким қулай соатда туғилган экан,
Шухрату давлатдан баланд димоғи.
Менга илтифотни толе ким қилган,
Менга муҳаббатдир бахтлар булоғи.*

*Шаҳзода маҳрами, бекнинг улфати,
Валломат лутфидан шароб ичади,
Қачонким, офтоб ботиб кетади,
Кунгабоқарнинг ҳам зари ўчади.*

*Зафарлар эркаси машҳур саркарда,
Охири урушда енгилса бир кун,
Бутун хизматлари пуч бўлар бирдан,
Унинг шум қисмати соқитлик, сургун.
Менинг унвонимга йўқ завол кун:
Севдиму, севаман, севарлар мени.*

* * *

*Дунёдан, фалакдан бўлсам даргазаб,
Бошимга келганда фалокат қатор,
Мен гаранг ва лоқайд самога қараб,
Ялинаман, аммо бу ҳеч қилмас кор.*

*Шўрлик қисматимдан нуқул нолийман,
Санъатда, ижодда соврунлар олган,
Элнинг арзандаси умидга тўлган
Бахтлилар ўрнида бўлсайдим, дейман.*

*Шу дамда бехосдан келасан ёдга,
Ўзим сустлигимни қаргайман паққос,*

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бўйсунмай фалакка ва самовотга,
Руҳим тўргай каби қилади парвоз.

Сенинг севгинг билан хотиранг билан
Дунё шоҳларининг баридан зўрман.

«ҲАМЛЕТ» ДАН ПАРЧА

II ПАРДА

Иккинчи сахна

Ҳамлет

Оҳ, мен қандай ярамас, олчоқ бандаман!
Бу қандай гап: ўткинчи бир актёр мунда –
Ўз хаёли тўқиган сезгиларига
Шуурини шунчалик қарам қилдиким –
Менгиздан қон ўчди, кўзи ёшланди,
Товушлари бўғилди, бутун туриши –
Юрагини қақшатган дардларга ойна,
Сўрасангиз: не учун шунча дард, алам?
Гекуба учун эмиш!
Гекубага бу кимдур?
Ё Гекуба бунга ким?
Аммо бу-чи, нолийди шунча юракдан.
Агар менинг дардларим бўлсайди унда
Не-не мудҳиш тўфонлар ёғдирарди ул?
Хуноб бўлиб зорлаган буларди сахна.
Унинг ролин кўрганда мот бўлиб дарҳол
Ақлидан ёзар эди гуноҳкор киши,
Беғуноҳлар, камтарлар ибрат оларди.
Кулоғлар ҳам, кўзлар ҳам поймол буларди.

Мен-чи:

Аянч, анқов, махлуқман, дайди, сарсари,
Уйқуаро юраман. Бекорчи танбал.
На ўз ҳақим тўғроли бир огиз гап бор,
На қиролнинг қасоси учун ҳаракат,
Ахир уни тожидан, уни жонидан
Қўп жирканч найранг ила ажратдилар-ку!
Ёки мен қўрқоқманми? Кимда журъат бор?
Қани менга шاپалоқ урмоқчимилар?
Ё берулар боладай ўғит-насихат?
Бурнимдан ўшлайдилар ёки бемалол –
Мени бебурд, ёлгончи атайдиларми?
Ким бу ишга ишқивоз? Дадил сўйласин?
Ҳаммасига хўп дея тилхат бераман.
Чунки менинг жигарим – каптар жигари,
Чунки йўқ жигаримда сафврою зарда.
Бўлмаса мен бу баттол йиртқични сўйиб
Жасадин қузгунларга ташламасмидим!
Оҳ, муттаҳам, бадахлоқ! Қонхўр, ёлгончи,
Зино қилиб юрувчи номард бадқирдор!
Оҳ, интиқом!
Қандай эшак эканман ўзим дарвоқе!
Ўлдирилган отанинг фарзанди бўлсам,
Менга, қасос ол, деса фалакнинг ўзи,
Мен-чи, бузук хотиндай ҳасрат қиламан,
Ёки дашном бераман оқсочлар каби!
Тфу, лангнат! Уйгонгин, эй менинг зехним!

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қайдадур эшитгандим: гўё ўтмиши
 Қоронғу бўлган киши ўз қилмишига
 Ўхшашлик бир ўйинни томоша қилса –
 Серпайиб ўз айбига иқрор бўларкан.
 Қотил қанча жим турса, индамаса ҳам
 Билдириб қўяр экан ўз жиноятин.
 Актёрларга топирай тамошо чоғи
 Отамнинг ўлимига ўхшашли бирон
 Воқиа ўйнасинлар амаким учун.
 Амакимдан кўз олмай қарайман ўзим,
 Агар бўлса безовта – у ёғи маълум.
 Бироқ, кўрган арвоҳим балки иблисдур.
 Истаган қиёфатга киролур иблис.
 Балки шайтон мажолсиз ҳолимни билиб,
 Мени ҳалок қилгани дасиса қурган!
 Кўрганимдан ҳам яққол далиллар лозим.
 Улар бу ёзувларда. Энди саҳнада
 Қиролнинг виждонига қураман тузоқ.

НОЗИМ ҲИКМАТ

ТУН ШЕЪРЛАРИ

I

Энг ажиб денгиз –
 ҳали биз кезмаган денгиздир.
 Энг ажиб гўдак –
 ҳали улғаймаган гўдакдир.
 Энг ажиб кунларимиз –
 ҳали биз яшамаган кунлардир.
 Ва сенга айтмоқчи бўлган
 энг ажиб сўзим
 ҳали айтилмаган сўзимдир.

2

Чўкка тушдим, қараяпман тупроққа,
 майсаларга қараяпман.
 Кўнгизларга қараяпман,
 яшил-яшил гуллар очган бутоқларга қараяпман.
 Сен баҳор тупроғи кабисан севгилим,
 сенга қараяпман...
 Чалқасига ерга ётдим осмонни кўраяпман.
 Дарахтларнинг бутоқларин кўраяпман
 Сен, баҳор мавсумида
 осмон кабисан севгилим,
 сени кўраяпман...
 Тунда қирда олов ёқтим,
 оловга мен тегаман,
 сувларга мен тегаман,
 ёмишга мен тегаман,
 қумушга беланаман.
 Сен, юлдузлар тагида
 ёқилган бир оловсан, севгилим,
 сенга тақиламан...
 Мен инсонлар ўртасида яшайман,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Чексиз, чегарасиз, билониҳоя –
Сўзламас, тушунмас ва кўрмас ҳаёт.

8

Чиримас ойнадай тиниқ қиш кун
топ-тоза олманинг этин тишламоқ!..
Бу – менинг севгилим, бир арчазорда
эркин нафас олиш бахтига ўхшар.
Сени севишим ҳам шу тахлит, жоним!

ЯШАМОҚҚА ДОИР

Яшамоқ, бу ҳаёт дегани.
Ҳаётда эса

майнабозликлар

сира кетмайди.

Парижлик кўп эркин бўлмоғи лозим,
масалан, олмахон турмуши каби.
Яъни, сен ҳаётнинг таишқарисида,
бўлак бир нарсани кутмайсан асти.
Яъни сенинг барча интилишларинг
яшамоқ,

яшамоқ

бўлмоғи керак.

Ҳаётда кўп жиддий яшамоғинг шарт.
Ва шу даражада, шу йўсиндаки,
масалан, қўлларинг боглоглиқ бўлса,
деворга орқангни таянтирсалар,
ёхуд каттагина кўзойнак билан
ва оқ кўйлак билан

лабораторияда

инсонлик йўлида, инсонлар учун
ўлмоқ даркор бўлса ўла олгайсан.
Ҳа, башар йўлида, инсонлар учун,
ҳатто юзларини сен кўролмаган

инсонлар учун,

ҳатто ҳеч ким сенга бундай ўлимга
Зўрламай, қистамай тургани ҳолда,
ҳатто энг чиройли, энг ширин нарса
ҳаёт эканини билганинг ҳолда
инсонлик йўлида ўлмоқдан қўрқма!
Яъни ҳаётингни шу қадар жиддий,
шунча ишонч билан давом эттирки,
ҳатто етмишларга кирган чоғингда
хотиржамлик билан зайтун эчкайсан.
Ва бундан болалар баҳра кўрар деб
ўзингни чеккага чиқарма, асло!
Йўқ, сен ҳам ишонгин, у мевалардан
териб емоқликка.

Ўлимдан қўрқма,

аммо, ўлим бор деб ишонмагин ҳам...



Дулат ИСАБЕКОВ

БОНАПАРТНИНГ УЙЛАНИШИ

Икки пардали комедия



Қатнашувчилар

БОНАПАРТ
АВҒОНБЕК
ИСПАНЭЛИ
АБДАШИМ – Бонапартнинг отаси
УЛТУҒАН – Бонапартнинг онаси
ЧАПАЙ – Бонапартнинг укаси
РОЛЛАН
РЭТ
БЕКТУР – ВИКТОР
ТОШПҮЛАТ
ОММАВИЙ САҲНА ИШТИРОКЧИЛАРИ

Воқеа шу кунларда бўлиб ўтади.

Парда олди

Ёқимли куй эшитилиб, парда олдида Чапай пайдо бўлади.

ЧАПАЙ (*у ёқдан бу ёққа юриб*). Ура! Бонапарт акам келинчак олиб келадиган бўлди. Барчангизни тўйга таклиф қиламиз. Албатта келингизлар. Кувончимизга шерик бўлингизлар.

Нур сўнади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи кўриниш

Саҳнанинг икки томонидан эркак-аёл аралаш катта-кичик ёндаги одамлар чиқиб, ўртада тўпланишади, аёллар юзларини чимдиб, ўзаро дув-дув гап қилишади:

- Бутун уруғимизни уятга қолдирадиган бўлди!
- Уят ҳам гапми, шарманда бўлдик!
- Энди одамларнинг юзига қандай қараймиз!
- Шармандалиқлар ҳали олдинда!
- Ҳа, номусдан ўладиган бўлдик!
- Бу кунимиздан ўлганимиз яхши!
- Қуда томон эшитиб қолса, “томоша”нинг каттаси ўшанда бўлади!

*Испанэли билан Авғонбекдан бошқа ҳамма кетади,
Чапай пайдо бўлади.*

ЧАПАЙ (*у ёқдан-бу ёққа юриб*). Ура! Бонапарт акам келинчак олиб келадиган

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

127

бўлди. Барчангизни тўйга таклиф қиламиз. Албатта, келингизлар. Қувончимизга шерик бўлингизлар.

ИСПАҢЭЛИ. Хой, бола, отинг нима эди?

ЧАПАЙ. Чапай.

ИСПАҢЭЛИ. Сенлар ростдан ҳам тўйга тайёргарлик кўряпсанларми?

ЧАПАЙ. Ҳа-да. Сизинг уйингизга ҳам таклифнома бериб келдим.

АВҒОНБЕК. Шунақа, де. Бизнинг уйга ҳам олиб бордингми?

ЧАПАЙ. Йўқ. Улгурмаяпман. Мана таклифномангиз. *(Таклифномани унинг кўлига тутлади.)*

ИСПАҢЭЛИ. Отанг уйдами?

ЧАПАЙ. Мен чиқиб кетаётганимда уйда эди.

АВҒОНБЕК. Бўлмаса сен бундай қил. Чопкиллаганингча уйга бор. Отанг билан онанг ҳеч қажоқ кетмай турсин. Биз ҳозир борамиз. Ўта зарур иш бор.

ЧАПАЙ. Испанэли амаки, тинчликми, нима бўлди?

ИСПАҢЭЛИ. Боргач айтамиз. Сен тезроқ уйингга бор.

ЧАПАЙ. Таклифномаларни тарқатиб юрган эдим...

АВҒОНБЕК. Бор, дегандан кейин бор-да. Қанақа бемаза боласан! Айтганини қил. Таклиф қоғозларингни кейин ҳам тарқатасан... Тарқатиш лозим бўлса.

Ч а п а й ч о т и б к е т а д и.

Н у р с ў н а д и.

Иккинчи кўриниш

Бонапартларнинг уйи. Испанэли, Авғонбек, Рэт оқ соқол, Абдашим ва Ултуган ўтиришибди.

РЭТ. Қани, бошланглар. Ана у икковини чақиринглар, кирсин бу ёққа.

Абдашим билан Ултугон киришади. Айбдор кишилардек, бошлари қуйи эгилган, гамгин, унсиз келиб бир чеккага ўтиришади.

РЭТ. Хой, бeфapocат лапашанглар, бир ойдан кейин уйланадиган болаларингнинг суннат қилинмаганлиги ростми?

АБДАШИМ. Қилинмаган бўлса...энди...

РЭТ. Суннат қилинмагани ростми-йўқми, мингилламай шуни айт!

АБДАШИМ. Рост бўлса ростдир. Ким текшириб ўтирибди.

РЭТ. Хў, бeфapocат! Айтиб турган гапига қаранглар. Пирурған!

ИСПАҢЭЛИ. Хой, Абдашим, бор-йўғи олти болангнинг қайси бири суннат қилинган-у, қайси қилинмаган – шуни билмайдиган нима жин урди сени!

АБДАШИМ. Иш, иш деб... фурсат бўлмай... кейинчалик эсдан чиқиб кетибди.

АВҒОНБЕК. Иш биргина сен эмас, ҳаммамизнинг бошимизда бор. Бу ерда ўтирганларнинг биронтаси беиш юргани йўқ.

ИСПАҢЭЛИ. Мана бу Рэт оқсоқолнинг ўн бир ўғли, йигирма уч набираси бор. Шуларнинг биронтасини суннат қилдириш эсдан чиқмаган. Тўғрими, оқсоқол?

РЭТ. Бундан Худо асрасин.

ИСПАҢЭЛИ. Олти бола, деб, Худо берган олти фарзандни, кўп, деб юрган бу ношукурга қаранглар. Рэт оқсоқол совхознинг олти юз кўйини боқиб юрган пайтларида совлиқларнинг қайси қочган-у, қайси бири қочмай қолган – барини беш бармоғидек биларди. Тўғрими, оқсоқол?

РЭТ. Албатта.

ИСПАҢЭЛИ. Ана, эшитдингми? Олти юз совлиқ! Сен бўлсанг олти болангга бош бўлолмай юрибсан.

АБДАШИМ. Энди... Совлиқ... Одам мол эмас-ку.

АВҒОНБЕК. Вот именно, одам мол эмас. Сен эса молсан! Молсанлар!

УЛУҒАН. Мен ҳамми?

АВҒОНБЕК. Ҳа, сен ҳам. Икковингга ҳам ўзларингни оқлай оладиган важларинг йўқ.

УЛТУҒАН. Хой, қайнижон, Президентимиз ўз кўли билан топширган олтин медални олиб келанимда дастурхон тепасида ўтириб икковимизни кўкларга кўтариб ардоқлаган, олтин янгам, асл оғам, деб мактаган эдинг-ку. Ўшандан бери нима ўзгара қолди?

АВҒОНБЕК (*ҳовуридан тушиб*). Айтсам айтгандурман. Қотиб қолган фикр йўқ. Бугунги гаплардан кейин фикр ўзгармай қолармиди.

ИСПАНЭЛИ. Вой, товба-а, булар ўз айбларини бўйинларига олиш ўрнига бизга давогарлик қилмоқчи, шекилли.

АВҒОНБЕК. Шунга айт-а. Болаларингга эгалик қилмай шунча йилдан бери нима иш битириб юрибсанлар?

АБДАШИМ. Нега бунақа дейсан? Улар ўз холича ўсаётганлари йўқ-ку.

ИСПАНЭЛИ. Бунақа қилиб ўстирганларинг бор бўлсин. Бир болангни суннат қилдирмаганлигини нега эсларингдан чиқариб қўйдинглар? Менга шунга айт-чи.

АБДАШИМ. Ўзларинг биласанлар, болалар энди ўша бошлаганда перестройка бошланиб кетди.

ИСПАНЭЛИ. Перестройкага қадар нима иш битирдиларинг?

АБДАШИМ. Унга қадар атеизм авжида эди. Болани суннат қилдириш – эскилик қолдиғи, деб мулаларга қирғин келтирган, суннат қилдирилган бола қомсомолга қабул қилинмасин, деб жар солган ўзларинг эмасми! Рэт оқсоқол, сиз айтақолинг, шундай бўлгани ростми?

РЭТ. Э-э, нимасини айтасан, талай совдалар бўлиб ўтди-ку. Энди Худонинг ўзи юзини тесқари қилсин.

УЛТУҒАН. Юқоридан топширик бўлди, деб ҳаммани бесарамжон қилиб келган ўзларингга айб кўп. Юқоридан бизга айтишади, биз сенларга айтамыз, деб ташаббус кўрсатавергандан кўра, ота-боболаримиздан мерос қолган удумларни асраб қолишга ҳаракат қилсаларинг бўлмасмиди?

АВҒОНБЕК. Мен ҳам шундай фикрдаман. Атеизмнинг қиличидан қон томиб турган пайтларда ҳам динга мустаҳкам бўлган кишилар мусулмон йўлидан тоймаган. Райком секретари Есентойнинг ўзи учта ўғлини ярим кечада яшириқча Рэт оқсоқолниқига олиб келиб, суннат қилдириб кетган экан. Шу ростми, оқсоқол?

РЭТ. Ҳа, шунақаси ҳам бўлган.

УЛТУҒАН. Эшитишимизча, ўша Есентойнинг ўзини ҳам болалик чоғида мана шу отамиз суннат қилган экан.

ИСПАНЭЛИ. Бас қил, бунақа беадаб нарсани гапирма!

АВҒОНБЕК (*қулиб*). Ў-ў, отамиз зўр, ҳатто райкомникини ҳам кўрибди!..

ИСПАНЭЛИ. Бекорчи гапларни тўхтатинглар. Хой, Абдашим, ўша кофир боланг қаёқда?

АБДАШИМ. Тилингни тий! Мусулмонни кофир дема!

ИСПАНЭЛИ. Суннат қилинмаган бўлса, нима деймиз?.. Чақир уни. Ўз оғзидан эшитайлик.

ОВОЗЛАР:

– Бонапартни чақиринглар!

– Бонапарт бу ёққа келсин!

ИСПАНЭЛИ. Бонапартмиш! Ёмон итнинг отини Бўрибосар кўяди, дейишади. Бошқа от топилмагандек, мишиқи болаларингга Бонапарт деб от қўйганларингга бало борми!

УЛТУҒАН. Вой-бў, шу болам туғилганда унга Бонапарт деб от қўйган ўзларинг эмасми. Франсуз деган эл бор экан, уларнинг ҳам, бизга ўхшаб, ботирлари кўп экан. Ўша мамлакатга бориб қолсанг, Кўнгрот, Ноймон, Арагон деган фамилиялар ҳар қадамда учраб турар экан. Улар бизни ҳурмат қилиб, авлодларимиз номларини фамилия қилиб олаётган экан, нега биз фарзандларимизни уларнинг исми билан атамаслигимиз керак? Ўз миллатинг билан ўралашиб қолиш яхши эмас, деб туриб олгансанлар.

ИСПАНЭЛИ. Замон шунақа эди-да, янгажон. Менинг отимни ҳам ота-онам Испанэли деб қўйишибди. Мана бунинг оти эса – Авғонбек. Бунга нима дейсанлар?

УЛТУҒАН. Учинчи ўғлимга Хошимин деган от қўйган эдиларинг, паспорт олиш чоғида югуриб-елиб юриб аранг Қўйшиман деб ўзгартириб олдим. Бутун дунё-

даги аллақачон вафот қилиб кетишган дохийлару казо-казолалар ҳозир бизнинг қишлоғимизда юришибди. Чапай дейсизми, Шорс дейсизми... Бу Бонапартимиз қаёқда қолди?

ОВОЗ. Мана, келди.

Б о н а п а р т киради.

АВҒОНБЕК. Мартабали Бонапарт Абдашим ўғли, мана, рўпараларингизда турибди.

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, чақирганда нега тезда кела қолмайсан? Шунча одамни қуттириб қўйиб, қаёқда юрибсан?

БОНАПАРТ. Коммунизмнинг оддий-техника базасини яратяпмиз.

ОВОЗЛАР: – Нима деди? – Бу бола нима деб алжираяпти?!

БОНАПАРТ. Ишда юрибман, деганим-ку.

АВҒОНБЕК. Шунақа дегин? Коммунизмнинг оддий-техника базаси сенга қараб қолган бўлса, Худо урган экан!

АВҒОНБЕК. Ҳой, довдир, коммунизм деганинг аллақачон марҳум бўлиб кетмаганими? Сен нима деб валдираб турибсан! Эсинг жойидами ўзи?

БОНАПАРТ. Ахир бизга шунақа тарбия берган ўзларингиз-ку. Буни тезда унутиб бўлармиди.

АВҒОНБЕК. Хўш, нима иш қилаётган эдиларинг?

БОНАПАРТ. Олдинги куни Рузвелтнинг жарга ағнаб кетган тракторини тортиб чиқара олмапмиз.

Қўлида газета ушлаган Б е к т у р киради.

БЕКТУР. (ҳеч кимга эътибор бермаган ҳолда). Рузвелт! Черчилль! Бонапарт! Шорс! Ўз болаларига маънили бир исм қўя олмаган содда қоғоғим-эй!.. Испанэли, Эронбек! Ирокбек! Ҳа-ҳа-ҳа! (Чиқиб кетади.)

ИСПАНЭЛИ. Бу йигит нима қилиб юрибди?

АВҒОНБЕК. Уни ҳеч ким чақирмаган эди-ку, қаёқдан келиб қолди?.. Нега кирди-ю, нега чиқиб кетди?

АБДАШИМ. Танимадиларингми? Ўзимизнинг Бектур-ку. Қишлоғимизнинг шоири.. Бечора бола... Қурилиш цехида туппа-тузук ғишт терувчи уста бўлиб ишлаб юрарди, ўтган йили томдан бошига нимадир тушиб, шикастланди-ю, кейин бирдан шоир бўлди-қолди. Энди юриши мана бу...

ИСПАНЭЛИ. Хўп. Энди бошқа гап-сўзларни қўйиб турайлик. Хўш, Бонапарт мирза, уйланишга тайёрмисан?

БОНАПАРТ. Тайёрман.

АВҒОНБЕК. Номаяқулнинг нонини ебсан! Тайёр эмассан.

БОНАПАРТ. Бунинг учун қандай тайёргарлик керак? Эсим жойида, ўн икки мучам соғ. Қалинмолининг ҳам ярмисини бериб қўйган бўлсаларингиз. У қизни бир-икки марта кўрганман. Менга маъқул, у ҳам мени унатиб турибди. Яна нима керак?

ИСПАНЭЛИ. Бунинг, яна нима керак, дейишига қаранглар. Керак бўлганда қандай!

БОНАПАРТ. Масалан?

ИСПАНЭЛИ. Масалан, дейди-я! Масалан... Ҳой, Авғонбек, нима кераклигини бунга ўзинг айтақол. Сен унча-мунча нарсага уялмайсан-ку.

АВҒОНБЕК. Бўлмаса, гапни чўзмайлик-да, тўғриси айтиб қўя қолайлик. Биз куда тушиб, тўйга ҳозирлик кўряпмиз. Сен эса... Сен ҳали ҳам суннат қилдирмаган экансан. Шу ростми?

БОНАПАРТ. Мен қаёқдан билай?

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, гумроҳ, буни сендан бошқа ким билиши керак? Мен билишим керакми?

БОНАПАРТ. Ота-онам...

АВҒОНБЕК. Ух! Бунинг айтиб турган гапига қаранглар! Ота-онасимиз! Отанг

билан онанг ҳеч балони билмайди. Миялари айниб қолган уларнинг.

АБДАШИМ. Ҳой, Авғонбек! Оғиз ўзимники, деб тўғри келган нарсани гапираверасанми! Сизлар ақлли-ю, бизлар аҳмоқ бўлиб қолдикми-а!

АВҒОНБЕК. Ўз болангга ўзинг бош бўлолмай юрганингдан кейин, бошқа нима ҳам деймиз.

УЛТУҒАН. Ҳой, кайним! Орамизда ўтирган мўйсафид отамиз олдида одоб сақлаб индамай қўяқолай десам, бизни одам сафидан чиқариб юбординг, миялари айниб қолган, деб ҳақорат қиялсан! Худога шукур, олти ўғил, уч қизни дунёга келтирдим. Сизлар – хотининг икковларинг мажлис сайин: “Президентимизнинг қазоқ халқининг сонини йигирма миллионга етказиш тўғрисидаги даъватини амалга оширайлик!” деб жар соласанлар. Айтишни сенлар айтасанлар-у, туғишни биз туғяпмиз. Миямиз айниган бўлса айнигандир, лекин, сенларга ўхшаб лавозим талашиб юриб ёлғиз бола билан қолганимиз йўқ.

ИСПАНЭЛИ. Бопладингиз, янга. (*А в г о н б е к к а*). Ажаб бўлди, сенга шу керак эди! Бундан кейин эр-хотин икковинг митингларда нутқ сўзлашни қўйиб, гапдан амалий ишга ўтарсанлар. (*Қулади.*)

РЭТ. Ортиқча гапларни бас қилингллар! Асосий масалага ўтингллар.

АВҒОНБЕК. Тўғри, асосий масалага ўтайлик. (*Б о н а п а р т га ўғирилиб*). Демак, суннат қилинган-қилинмаганингни ўзинг ҳам билмайсан. Ў-ў, нодон! Буни билиш учун донишманд бўлиш керак эканми?

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, Авғонбек, ҳалитдан бери ғиди-биди қилиб ўтиргандан кўра ташқарига чиқиб кела қолмаймизми?

АВҒОНБЕК. Тўғри айтасан. Шу пайтгача хаёлимизга келмаганига хайронман. Қани, Бонапарт! Тур ўрнингдан, олдимизга туш! Ўзимиз кўрайлик-чи.

А в г о н б е к билан И с п а н э л и Б о н а п а р т ни бошлаб чиқиб кетишади.

ЧАПАЙ. Ота, Бонапарт акам уйланмайдиган бўлди-ми?

АБДАШИМ. Шошмай тур, ўғлим. Ташқарига чиқиб кетишган амакиларинг нима деб қиришаркин, ҳамма нарса шунга боғлиқ.

ЧАПАЙ. Ота, Бонапарт акам уйланақолсин. Қишлоғимизнинг ярмисига таклиф қоғозини тарқатиб қўйганман. Уларга нима деймиз!

АБДАШИМ. Сабр қил, болам, сабр қил.

ЧАПАЙ. Бонапарт акамнинг қаллиғини мен ҳам кўрганман. Жудаям чиройли қиз экан. Бу йилги “Туман маликаси” танловида биринчи ўринни олган экан.

АБДАШИМ. Унда, бизни Худо урди, деявер!

ЧАПАЙ. Нега?

АБДАШИМ. Гўзалликда биринчи ўринни олиб ўтирган қиз бундай хабарни эшитса, обдон юзи қора бўламиз-ку.

УЛТУҒАН. Биринчиликни олган бўлса, нима бўлибди, осмондан тушмаган-ку! Уни ўтган йили бир тўйда мен ҳам кўрганман... Унақа кўкларга кўтариб мақтайдиган қомати ҳам йўқ, козоқнинг қадимги қорапучиқ кизи. Эл оғзида, бу номни қизига тadbиркор отаси дунё сочиб сотиб олиб берган, деган гап юрибди.

ЧАПАЙ. Ёлғон! Одамлар хасад қилганларидан шунақа дейишади. Жуда чиройли қиз.

УЛТУҒАН. Ҳа, майли, чиройли бўлса чиройлидир. Менинг ўғлимнинг ҳам ҳеч кимдан кам жойи йўқ.

А в г о н б е к билан И с п а н э л и киришади.

АВҒОНБЕК. Рост экан.

ИСПАНЭЛИ. Ҳа, суннат қилдирилмаган экан.

РЭТ. Йигитнинг ўзи қани?

АВҒОНБЕК. Ўша қизга уйланмайдиган бўлсам, ўзимни осиб қўяқоламан, деб ишига кетди.

АБДАШИМ. Бу нима дегани?!

УЛТУҒАН. Хотини курсин, боламдан айрилиб қоламанми! (*Чотиб чиқиб кетади.*)

ИСПАНЭЛИ. Ҳозирга қадар билмаган нарсамизни нимага ҳам бугун билақолдик!

АБДАШИМ. Нимани айтяпсан?

ИСПАНЭЛИ. Эсанкираб қолган одамдек, “нимани” дейсан-а! Кун бўйи нима тўғрисида бош қотирыпмиз. Ана у болангни дардини айтяпман.

АВФОНБЕК. Эсларингиздан чиқиб кетган экан, индамай юравермайсизларми. Келиб-келиб айни уйланадиган кунларида эсларингизга кела қолдим.

АБДАШИМ. Бу гапни бошлаган ўзларинг-ку! Бизларга жонларинг ачийдиган чин дўст бўлсаларинг, илгари қаёқда эдиларинг? Сенларга ишнинг битгани эмас, битмагани маъкул. Дув-дув гап тарқалса – бас.

ИСПАНЭЛИ. Об-бў, у яна бизга даво қила бошлади-ку. Мен сенинг ўрнингда бўлсам даво қилиш эмас, ернинг тагига кириб кетган бўлардим, билдингми? Айбингни бўйнингга олиб, индамай ўтиришнинг ўрнига юзимизга чанг соласан! Биздан бўлмаса-да, мана бу оқсоқолдан уялсанг бўларди!

АБДАШИМ. Авлодимизнинг қатгаси бўла туриб, билмаганимизни билдириб ўргатмаган бу кишида ҳам айб бор.

АВФОНБЕК. Вой, номард-эй!

ИСПАНЭЛИ. Сен энди бизни қўйиб, оқсоқолга ёпишмоқчимисан?! Тилингни тий, гуноҳга ботма!

АБДАШИМ. Гуноҳга ботадиган шариатни бузганим йўқ.

ИСПАНЭЛИ. Шариатни бузмаганинг шуми, ёшинг эликдан ошган бўлса-да, хали Қуръон ўқишни билмайсан.

АБДАШИМ. Гўё сен ўзинг қойил қилиб юргандек. Мачитга таҳорат олмай кирасан-у.

ИСПАНЭЛИ. Сен таҳорат олган-олмаганлигимга қараб турадиган кўлимдаги обдаста эдингми? Чин мусулмон экансан, нега болангни мусулмон йўлига солишга чаманг келмади?!

АВФОНБЕК. Ҳой, сен икковларинга нима бўлди, бекордан-бекорга ғиди-биди қилиб қолдиларинг?! Бефойда жанжални бас қилинглар!

АБДАШИМ. Бемаъни жанжални бошлаган ўзларинг эмасми? У дединглар, бу дединглар, мияси айниган, дединглар.

ИСПАНЭЛИ. Ўзинг намоз ўқимасанг, болангни суннат қилдирмаган бўлсанг, еганинг қолбаса, ичганинг ароқ бўлса, кофир бўлмай ким бўлдинг!

АБДАШИМ. Ҳой, Испанэли, одамнинг тилини қичитиб, айтмоқчи бўлмаган гапимни айттирасан. Копир, кофир дейсан. Темир йўлнинг нариги томонида яшайдиган ўрислар оиласи бор, биласанлар. Уларнинг суннат-пуннатинг билан, намоз-помозинг билан ишлари йўқ. Шундай бўлса-да, бинойидай яшаб келишяпти. Болалари эса полопондай суйимли. Қизларининг сулувлигини айтмайсанми...

РЭТ (*унинг гапни бўлиб*). Ҳой, нодон, нималар деб валдираяпсан?! Биров сендан, кимнинг дўзахга тушиши-ю, кимнинг жаннатга киришини, ким чиройли-ю, ким алвасти эканлигини сўраб ўтирибдими?

АБДАШИМ. Энди, сўрамаса айтмаймизми? Совхоз бекор бўлгунга қадар раб-комнинг раиси, парторг бўлиб, ҳаммага йўл-йўриқ кўрсатиб юрган атеистлар партия бекор қилиниши билан бирдан художўй бўлиб қолганларига нима дейсизлар?

РЭТ. Бўлди. Бусиз ҳам гап кўпайиб кетди. Хўш, энди нима қиламиз, деган ўйдасизлар?

Сукут.

ИСПАНЭЛИ. Келинчакни олиб келишга атиги бир ой қолганда нима қилиш мумкин? Ҳозирга қадар қандай юрган бўлса, шундай юраверсин. Уни текшираётган ҳеч ким йўқ. Атеизмдан ҳам бирон нишона қолиши керак-ку.

РЭТ. Пичинг қилмасдан бўладиган гапни айт.

АВФОНБЕК. Гапнинг тўғриси шуки, Бонапартни тез фурсатда суннат қилиш керак. Иложи бўлса бугундан қолдирмаганимиз маъкул.

АБДАШИМ. Бугун? Бонапартнинг ўзи бунга кўнмаса нима қиламиз?

АВФОНБЕК. Кўнади. Кўндирасан.

АБДАШИМ. Ҳой, алдаб-сулдаб ётқизиб қўядиган ёш бола эмас-ку.

АВҒОНБЕК. Қўл-оёғини боғлаб, домланинг олдига олиб келиб ётқизиш – сенинг мажбуриятинг.

АБДАШИМ. Бир ой... Бир ой давомида, Худо ўзи асрасин-у, тузалмаса нима бўлади?

АВҒОНБЕК. Тузалмай жин урибдими! Ўз вақтида биз ҳам уч кундан ортик ётган эмасмиз-ку.

АБДАШИМ. Бу, энди, ўша вақтда эди, унда ёш эдик...

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, ортикча гапни қўйиб туринглар. Наридан борса, ўн кун. Ўн беш кун, ҳам дейлик. Ўн беш кунда у эмас, операсия қилиб уланган қўл ҳам битиб кетади.

Ниманидир эслаб, илжайиб турган Авғонбек шарақлаб қулади.

РЭТ. Ҳой, сенга нима бўлди, эсинг жойидами ўзи?

АВҒОНБЕК. Уят бўладиган бўлди-да.

РЭТ. Кимдан?

АВҒОНБЕК (*қулишда давом этиб*). Ке... Келиндан. Никох кунига қадар батамом битиб, яхши бўлиб кетса-ку нур устига аъло нур...

РЭТ. Аҳмоқ каллага бемаза фикр келади, дейдилар. Қиқирлашингни бас қил! Уруғимиз шанига доғ тушмасин десак, шу бугундан ишга киришайлик. Овулга ўтов тикилсин. Тушга қадар болангни мусулмон қилиш керак.

БАРЧА: – Тўғри айтасан.

– Маъкул.

– Абдашим, қани, чақир болангни.

АБДАШИМ. Унга ишидан рухсат берақоламикин...

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, боланг бирон ишни қойил қилиб юрибди, дейсанми. Жарга қулаган тракторни ўзимизок чиқариб берайлик.

АБДАШИМ. Унда маъкул. Келишдик.

Яна қўлида газета ушлаган Бектур-Виктор пайдо бўлади.

БЕКТУР. Тошўлат тadbиркор ўтган ҳафтада уч кунга чўзилган йиғилишнинг қарорига биноан овулни обод қилиш учун нималар лозимлигини Глобанинг шахсан ўзи билан маслаҳатлашиш учун ўзимиз тўплаб берган пул билан Австрияга жўнаб кетди. (*Чиқиб кетади.*)

Ҳамма ҳайрон.

АВҒОНБЕК. Бояқиш боланинг миясига оғир захм етган экан-да.

ИСПАНЭЛИ. Менингча, бу бола ҳам суннат қилинмаган.

Ҳовлиқиб Ултуған қиради.

УЛТУҒАН. Ўғлимиз бу ўртада йўқ. Бунақа шарманда бўлганимдан сувга чўкиб ўлганим яхши, деб дарё томонга кетаётганини кўришган экан!

ИСПАНЭЛИ. Ким кўрибди?

УЛТУҒАН. Черчилл кўрган экан.

ИСПАНЭЛИ. Ў-ўй, сенларнинг Черчилларинг ҳам, Рузвелтларинг ҳам бор бўлсин. Авғонбек, кетдик. Бонапартни тезда топиб, бу ерга келтирайлик. Абдашим, сенлар овулнинг ўртасига ўтов ўрнатаверинглар. Рэт оқсоқол, сиз устарангизни кайрайверинг.

РЭТ. Менинг устарам ҳамиша қайроғли.

ИСПАНЭЛИ. Илло, биродарлар, Бонапартни суннат қилганимизни ўзимиздан ўзга бирон кимса билмаслиги керак.

УЛТУҒАН. Иш жойидан сўраб келган одамларга нима деймиз?

ИСПАНЭЛИ. Касал бўлиб қолди, дейсизлар.

АБДАШИМ. Қанақа касал?
 АВФОНБЕК. Шу ҳам гап бўлди-ю. Ҳозир нима кўп касалларнинг тури кўп. Грип, денглар, спид, денглар. Шунда тирик жон уйларингизга яқинлашмайди.
 АБДАШИМ. Ҳой, тилингга чечак чиккур, нафасинг бунча совук! Ўчир овозингни!
 АВФОНБЕК. Абдашим, бунақа қулай вазиятдан сен ҳам фойдаланиб қолсанг бўлармиди. Ўғлингга кўшиб сени ҳам ётқизайлик. Ўйлаб кўр.
 АБДАШИМ. Вой, муттаҳам, энди мени масхара қилмоқчимисанлар!

А в г о н б е к билан И с п а н э л и хохлаб кулиб чиқиб кетишади.

Нур сўнади.

Учинчи кўриниш

Ўтов – кигиз уйнинг ичи. Б о н а п а р т тўшакда ётибди. А в г о н б е к билан И с п а н э л и киради.

АВФОНБЕК. Қалайсан?

Б о н а п а р т жавоб бермайди.

АВФОНБЕК. Мен сендан, қалайсан, деб сўраяпман. Жавоб берсанг-чи!

Б о н а п а р т яна жавоб бермайди.

ИСПАНЭЛИ. Қалайсан, ҳой, итвачча?!
 БОНАПАРТ. Ётибмиз-ку.
 АВФОНБЕК. Ётганингни кўриб турибмиз. Ўзинг қалайсан?
 БОНАПАРТ. Нима қалайи бор? Ётибман.
 ИСПАНЭЛИ. Бундоқ, яхши бўлаётганингни ўзинг сезяпсанми?
 БОНАПАРТ. Қайдам.
 АВФОНБЕК. Ҳой, ётганингга икки ҳафта бўлди, қайдаминг нимаси.
 БОНАПАРТ. Бундан бошқа нима дейишим керак?
 ИСПАНЭЛИ. Бу боланинг соғайиш нияти йўқ, шекилли. Ҳой, гумроҳ, калифнингни олиб келишга икки ҳафта қолди, холос. Сенинг ётишинг эса бу!
 АВФОНБЕК. Бонапарт, бунақа сулайиб ётавермасдан, бундоқ оёққа туришга ҳаракат қилсанг-чи, йигит кишисан, ахир.
 БОНАПАРТ. Ҳаракат қилганимда нима қилишим керак?
 ИСПАНЭЛИ. Калима келтир, арвоҳларга сиғин.
 БОНАПАРТ. Сиғиниб ётибмиз-ку.
 АВФОНБЕК. Астойдил сиғин. Чин ният билан тила тилагингни.
 БОНАПАРТ. Уят ишларга арвоҳларни аралаштиришнинг нима кераги бор.
 ИСПАНЭЛИ. Бу гапинг тўғри.
 АВФОНБЕК. Топган важиға қаранглар. Балки ишдан қочиб ётгандирсан?
 Бўлмаса ҳозирга қадар соғайиб кетмаслигинг мумин эмас.
 ИСПАНЭЛИ. Тўғри айтдинг. Салқин уй, юмшоқ тўшак, тайёр овқат... Яхшиси, тузалган-тузалмаганлигини ўз кўзимиз билан кўрайлик.
 АВФОНБЕК. Қандай қилиб?
 ИСПАНЭЛИ. Ҳой, шунга ҳам ақлинг етмайдими? Ма, мана бу чойшабни ёзиб ушлаб тур. Мен ўзим текшириб кўраман.

А в г о н б е к чойшабни қулочлаб ушлаб туради. И с п а н э л и чойшаб ортига ўтади. У л т у г а н киради.

УЛТУҒАН. Вой-эй, булар нима қилишяпти?!

ИСПАНЭЛИ. *(чойшаб ортидан чиқиб)*. Ҳали тузалмабди! Бизнинг авлодга торт-

ганида аллақачон битиб кетарди. Бунинг териси тоғаларига тортганга ўхшайди.

УЛТУҒАН. Ҳой, қайним, унинг тоғаларида нима бор? Тоғаларига тортганида уч кунда отдай чопқиллаб кетган бўларди. Ўз камчилигини ўзгаларга ёпиштирадиган содда қозоғим-эй.

ИСПАНЭЛИ. Вой, янга, сиз қачон кира қолдингиз?

УЛТУҒАН. Сенинг айтадиган гапинг менинг қачон келишимга боғлиқмиди? Худога шукур, тоғаларининг тухуми тоза. Айтишларича, ўз вақтида сенинг ўзинг ҳам ярим ойдан ортиғроқ тўшакдан турмагансан. Нуксон ўзларингда. Бизнинг ота-боболаримизнинг бари ботир кишилар бўлишган. Бўриқбой бобомиз қолмоқларга қарши жангда бир кўли жароҳатланиб, иккинчи кўли билан юзга яқин жангчини бир ўзи қириб ташлаган экан.

ИСПАНЭЛИ. Адирбек бобомиз эса ёлғиз ўзи қолмиқнинг икки юздан ортик аскарини ер тишлатган.

БОНАПАРТ. Ғаройиб! Қозоқларнинг икки ботир бобоси қолмиқларнинг беш юз аскарини қириб ташлайверади деган бўлса, қандай қилиб уч юз йил давомида уларга қарам бўлиб келганмиз?!

АВҒОНБЕК. Ўзи тўшакдан тура олмай ётибди-ю, айтган гапига қаранг-лар! Сенинг тезда тузалмай ётганим ҳам мана шу қирчанғи феълинг туфайли.

БОНАПАРТ. Менинг феълингнинг бунга нима алоқаси бор? Афсонани гапирмай, тўғрисини айтинглар, дедим-да.

ИСПАНЭЛИ. Рост-ёлғон билан ишинг бўлмасин. Сен аввало тезроқ соғайиб, оёққа туриб кетишни ўйла.

БОНАПАРТ. Ўйлай, ўйламай, бундан наф йўқ.

ИСПАНЭЛИ. Наф бўлмаса мана шунақа чўзилиб ётавер. Бу ётишинг бўлажак келиннинг қулоғига етиб борса... У бечора орланиб, ўлиб қўя қолади.

БОНАПАРТ. Бўлмаса, нима қил дейсизлар?.. Бунақа шарманда бўлгандан кўра бўйнимга тош осиб, сувга чўкиб кетмоқчи эдим. Икковингиз отда қувиб бориб, қўл-оёқларимни боғлаб суннатга ётқиздингизлар. Яхши ният билан қилинмаган ишнинг оқибати шунақа бўлади.

ИСПАНЭЛИ. Бу обдон файласуф бўлибди-ю, а! Лекин, айтиб қўяй, бу ётишингда бир йилда ҳам тузалмайсан. Бонапартмиш! Ёмон итнинг отини Бўрибосар қўяди, дейишади.

УЛТУҒАН. Ҳой, оғзиларингга келганини айтиб, ўғлимни ҳақорат қилаверманглар!

ИСПАНЭЛИ (*хириглаб кулади*). Бечора франсузлар Бонапартларининг қай аҳволда ётганини келиб кўришса эди... Ха-ха-ха!

Ташқаридан овозлар эшитилади.

ОВОЗЛАР: – Ҳаммаларингиз клубга тўпланингизлар!

– Қишлоқ ҳокимини сайлаймиз!

– Биронта одам қолмасин!

– Келажакимиз ўз кўлимизда!

– Ёппасига сайловга!

АВҒОНБЕК. Бундан атиги ярим йил олдин ҳоким сайлаган эдик-ку, яна нима бўлиб қолди?

ИСПАНЭЛИ. Кафтдек қишлоғимизда олти партия бор. Шулардан бири бўлмаса иккинчиси йиғилиш ўтказиб туради. Ҳар қайси партия ўз вакилини номзодликка тавсия қилади. Бўлаётган иш шу.

УЛТУҒАН. Лекин биронта ҳоким қўним топмаяпти. Беш йилда олти марта ҳоким ўзгарди. Элдан барака кетиб боряпти.

АВҒОНБЕК. Айб ҳокимларнинг ўзларида. Оддий фуқаро бўлиб орамизда юрганларида адолат учун ёқа йиртишарди. Мансабга эга бўлишлари билан олдинги ҳокимдан қолган-қутганини емиришга киришади.

ИСПАНЭЛИ. Олтига бўлинган овулнинг қайси бирига ён босишни билмайсан киши. Демократия деган бир бало пайдо бўлди-ю, одамлар иш қилишни қўйди. Қилт этса кўчага чиқиб, идора олдида тўпланиш одат бўлиб қолди.

БОНАПАРТ. Буларнинг бари вақтинча. Бари ўтиб кетади, ҳамма нарса жой-жойига тушади.

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, маҳмадона! Бу дейман, икки ҳафтадан бери газета ўқиб ётиб сиёсатчи бўлиб қолибсанми? Бундай бўладиган бўлса, яна бир ой ёт. Лозим бўлса, икки ой, майли, уч ой ҳам деяйлик. Шундан сўнг “Бонапарт” деган партия уюштириб, ҳокимликка сайланишга ҳаракат қил. Яна бир гап: ҳокимлик лавозимини эгаллаш ниятинг бўлса, хотин олиб нима қиласан?!

УЛТУҒАН. Ҳой, бир-бирларингни камситиб, гижиллашавермасдан, одоб билан гаплашсаларинг оғизларинг қийшайиб қоладими! Менинг боламнинг бошқалардан кам жойи бор эканми? Ўссин, улғайсин, кимлигини ана ўшанда кўрсатади. *(Б о н а п а р т н и н г б о ш и н и с и л а й д и...)*

АВФОНБЕК. Гапингиз тўғри, янга. Бонапарт ҳали ёш. Эндигина суннат қилдирдик... *(Кулишади).*

УЛТУҒАН. Ҳа, кулинглар, кулинглар. Сенларга кулги керак. Мени айтди, дерсанлар, бир кун келиб ҳаммангга катта бошлиқ бўлади. Бизнинг авлодимиздан беш бўлис, икки бий ва бир улуғ султон чиққан.

АВФОНБЕК. Шунақа мартабали авлоднинг фарзанди бўла туриб қандай қилиб “Белорус” трактори ҳайдаб юрган Абдашим оғамизга турмушга чиққансиз?

УЛТУҒАН. Келиб чиқиши камбағал оилалардан бўлган одамларга турмушга чиқиш мартаба бўлган пайтлар эди-да. Биронта қозоқ, бойнинг боласиман, деб хужжат тўлдирган эмас. Боболаримдан тортиб бутун аждодим ғирт камбағал бўлган, деб ёзишган. Бугун қарасанг, гадо бўлган ҳеч ким йўқ, барининг таги бой, бўлис, бий, ботир, хон!

АВФОНБЕК. Шулардан бири ўзингиз, янгажон!

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, йиғилишга борамизми, бормаймизми?

АВФОНБЕК. Бормасак бўлмайди. Гуруҳ-гуруҳга уюшган одамлар қўлидан иш келмайдиган қаёқдаги бир кимсани сайлаб юборишлари ҳеч гапмас. Айтгандек, Абдашим оға қаёқда?

УЛТУҒАН. Ҳалигина клубга кетган эди.

ИСПАНЭЛИ. Сайлов бўлса кекирдагини чўзиб овоз бермай қолмайди. Шундай қилиб юриб ўғлини суннат қилдиришни ҳам унутган. Қани, кеттик. *(Бонапартга).* Биз келгунга қадар газета ўқиб миянгни ачитавермай, арвоҳларга сиғиниб ёт. Беш бўлис, икки бий, бир улуғ султоннинг хосияти тегиб қолар.

УЛТУҒАН. Худо сенларга қирчанғи тилдан бошқа нарса бермаган. Қуйдиргилар! Даб бўлинглар! *(Қўлига сунурги олиб, улар сари интилади).*

И с п а н э л и билан А в г о н б е к қочиб чиқиб кетишади.

Нур сўнади.

Тўртинчи кўриниш

Учинчи кўринишдаги саҳна. Рэт, Испанэли, Авгонбек, Абдашим, Ултуған ўтиришибди. Б о н а п а р т ҳамон тўшақда ётибди. Бошқа кишилар ҳам бўлиши мумкин. Уларни аташ шартмас.

ИСПАНЭЛИ. Масала мураккаблашиб боряпти, оқсоқол. Қудаларникига боришга ўн кун қолди, холос. Бонапартнинг ётиши эса – бу, ҳали-бери тузаладиган эмас.

РЭТ. Ўтган сафар айтганларимни ишладиларингми?

АБДАШИМ. Барини бажо келтирдик, оқсоқол. Мачитнинг имоми уч марта келиб, дам солиб кетди. Ёш мулла ҳам келиб, Қуръон ўқиб кетди. Бундан беш кун олдин оқ товук сўйиб, қонладик, қора қўй сўйиб, гўштини бева-бечораларга тарқатдик. Авлиёнинг қабрига олиб бориб, бир кеча тунадик. Туннинг ярмида қабр устида уч марта милтиқ отдик. Кун сайин дастурхон ёзиб, Қуръон ўқитамиз, у қиламиз-бу қиламиз, деб тўйга атаб қўйган дунёмизни совуряпмиз.

УЛТУҒАН. Бунинг устига ҳозирги домлалар ҳам бизнесмен бўлиб кетишган, мўмай пул бермасанг, уйингга қадам босишмайди.

Рэт унга ўқрайиб қараб қўяди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АБДАШИМ. Лекин бизнинг отамиз унақа эмас.

АВҒОНБЕК. Докторга ҳам бир қарра кўрсатиб олсак бўлармиди...

УЛТУҒАН. Қишлоқда биронта тузукроқ шифокор қолмади-ку. Касалхона аллақачон ёпилган. Биргина фельдшер бор. Лекин у ҳеч балони билмайди.

АВҒОНБЕК. Ролланни айтгансанми? У одам доктори эмас, мол доктори, деган гап тарқалибди. Шу гап рост бўлса керак-ов, укол қилганда нинани кулочкашлаб уради-ку...

ИСПАНЭЛИ. Ўтган сафарги йиғилишда “Таваккал” партиясининг аъзолари уни бошлаб “савала”шди-ку.

АВҒОНБЕК. “Худога шукур” партиясининг фаоллари ўзларининг номзоди ҳоким этиб сайланса, биринчи навбатда касалхонани тиклаймиз, деб одамларни лақиллатишди-ку.

УЛТУҒАН. Бу гапларни қўйиб туринглар. Бари қуруқ сафсата. Ҳоким бўлиб сайлангунча – коп-коп ваъда. Бесамар ваъдалардан одамлар тўйган.

АБДАШИМ. Айтгандек, ҳали доктордан гап чикди-ку... Қайси куни нима қиларимни билмай шошганимдан маслаҳат сўрагани ўша фельдшерларингга борган эдим. “Болангни кимга кестирган бўлсанг, ўшанга бор! – деб бақириб берди. – Менга кестирганларингга аллақачон яхши бўлиб кетарди. Баринг нодонсанлар!” деб хайдаб чикарди.

АВҒОНБЕК. Э-э, бу турки турганда, даволаб ўтирмайди, шартта таг-туғи билан кесиб ташлай қолади. (*Ҳиринглаб кулади.*)

Испанэли унга жўр бўлади. Абдашим билан Ултуған ҳам уларга қўшилиб кулишади.

РЭТ. Ўринсиз ҳиринглашни бас қилинглар! Шу ҳам кулгили бўлди-ю!

ИСПАНЭЛИ. Оқсоқол, ҳазил гап кулиш учун чиқарилган, дейишади. Олиб қочди бир гапга кулсак-кулибмиз-да. Бунинг учун бизни гуноҳкор қилманг. Шу йиғит суннат қилдирилганидан бери, дўст бўлгач, шу ерда ўралашиб юрибмиз. Бу Абдашимга ҳам малол келаётгани йўқ. Аммо, Хизр ота қаҳрига олдим, қилинаётган эмларнинг биронтасидан наф бўлмапти. Балонинг бари экологиядан. Иқлим айниган, демоқчиман.

РЭТ. Ният бузилган, ният!

АБДАШИМ. Ҳаромлик қилиш ниятим бўлмаган, бировнинг бир қатим ипини берухсат олмаганман. Қайси феълим туфайли бу қўйга тушганимга ўзим ҳам хайронман.

РЭТ. Бунга биргина сен эмас, шу ўтирганларнинг бари сабабчи. Ҳамманг айбдорсан! Бутун қишлоғинг билан бирга! Айтадиган гапларинг ёлгон бўлса, Қуръон ўқиладиган дастурхонларингга ҳаром сув билан ҳаром таом қатор турса, “увол”, “савоб” деган сўзлар унутилган бўлса, арвоҳ ҳақида оғиз очмайдиган имонсизлар кўпайиб кетаётган бўлса, ўзи билмай билганларнинг гапига кирмайдиган “доно”лар орамизда юрган бўлса, отани ўғил, онани қиз кўзга илмайдиган замон бўлса – ер юзини қаср ва қасофатлар қоплайди-да! Бошқа нима бўларди?! Завол! Завол! Худонинг бизга берган бир жавоби бу! (*Ўрнидан туриб, чиқиб кетади.*)

Узоқ сукут.

ИСПАНЭЛИ. Хўш, энди нима қиламиз?

АВҒОНБЕК. Нима қиламиз, деганинг нимаси?

ИСПАНЭЛИ. Яна нима амал бор, деганим-ку. Келинни олиб келишга ўн кунгина қолди.

АВҒОНБЕК. Ўн кун ўтгунга қадар ҳеч бўлмаганда машинага ўтириб бориб келишга яраб қолар

ИСПАНЭЛИ. Борди-ю, ярамаса-чи?

АВҒОНБЕК. Унда куёв бола бўлиб ўзинг борасан.

ИСПАНЭЛИ. Нима деяпсан?! Эсинг жойидами? Мен қандай қилиб бораман?

АВҒОНБЕК. Яхшилаб ювинтирамитиз, соқол-мўйловингни силлиқ қилиб кирдирамитиз, кўркам қилиб кийинтирамитиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ИСПАНЭЛИ. Таниб қолишса нима қиламан?

АВҒОНБЕК. Танишмайди. Тунда бориб, тунда қайтамиз. Бахтимизга, у кишлокда электр чироғи йўқ, симларини ўғирлаб кетишган.

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, сен ростдан айтяпсанми? Қизнинг янгалари, куёвтўра келди, деб ўртага олишади, чўнтакларимни кавлашади, дастурхон ёзишади. Бировни биров кўрмайдиган тим қоронғида ўтирмасак керак.

АВҒОНБЕК. Сен одамларнинг юзига қарама, бошингни эгиб ўтир, гапир-ма, кулма. Умуман овозингни чиқара кўрма. Жимгина ўтиравер.

ИСПАНЭЛИ. Куёвболамиз жинни экан, деб ўйлашсинми? Яхшиси, ўзинг бор. Сен мендан уч ёш кичиксан. Қадди-қоматинг ҳам Бонапартга ўхшаш.

АВҒОНБЕК. Йўқ-йўқ, бўлмайди.

ИСПАНЭЛИ. Нега бўлмас экан?

АВҒОНБЕК. Биринчи хотиним ўша кишлокдан. Иккинчи хотинимнинг туғишганлари ҳам ўша ерда яшашади. Так что, улар мени етти қирнинг ортидан ҳам таниб олишади.

ИСПАНЭЛИ. Ух-х, сенинг хотин олмаган жойинг қолмади-я!

АВҒОНБЕК. Ўзинг битта хотин билан қаноатланиб қолган одамдек гапирасан-а!

ИСПАНЭЛИ. Хап, мана бола роса бошимизни қотирди-ку!

Яна газета кўтарган Бектур-Виктор киради.

БЕКТУР (*ўзича гапирди*). Қозоғистон чегарасидан 70-80 чақирим нарида Хитойнинг Лобнор деган полигониди куввати 55 килотоннали ядро қуроли портлатилиб, иккинчи марта синов ўтказилибди. Лекин Қозоғистон ҳукумати ҳам, “Семей Невада” ташкилоти ҳам бунга ўз муносабатларини билдиришмабди. (*Чиқиб кетади.*)

АВҒОНБЕК (*унинг орқасидан*). Йўқол-э! Нима қиларимизни билмай гарангсиб ўтирганимизда сеники ортиқча бўлди-ку!

ИСПАНЭЛИ. Бу бечорани даволатиш керак. Бонапартни уйлантириб олгач, у билан шуғулланмасак бўлмайди, шекилли.

АВҒОНБЕК. Хўш, нима қиламиз? Бир кунлик куёв бўлиб борасанми?

ИСПАНЭЛИ. Бундан ўн йил олдин айна келинчакни олиб келадиган куни маст бўлиб, хушёрхонага тушиб қолган Тозакулнинг қайлиғини олиб келиб берган эдим. Яна менга юкланадими бунақа иш?

АВҒОНБЕК. Энди... тажрибанг бор... ўрганиб қолгансан, дегандек...

ИСПАНЭЛИ. Шунда мен бу кишлокдаги навбатчи куёв йигит бўлиб қоламанми? Йўқ, мени куёв деганга ҳеч ким ишонмайди. Ўлдирсаларинг ҳам бормайман, гап тамом!

АВҒОНБЕК. Шошма. Аввал Бонапартни яна бир кўриб келайлик. Шу вақтга қадар ўрнидан туролмай ётган бўлиши мумкин эмас.

ИСПАНЭЛИ. Борсак бора қолайлик. Юр. (*Чиқиб кетишади.*)

Нур сўнади.

П а р д а .

ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

*Ўтовнинг ичи. Бонапарт тўшақда газета ўқиб ётибди.
Авғонбек билан Испанэли киришади.*

ИСПАНЭЛИ. Ҳали ҳам шу кўйда ётибсанми, номард!

Бонапарт жавоб бермайди.

АВФОНБЕК. Бу бизни кўзга ҳам илмаяпти-ку! Ҳой, виждонсиз, ҳеч бўлмаса саломлашсанг-чи!

Б о н а п а р т у н ч и қ а р м а й ё т а в е р а д и.

ИСПАНЭЛИ. Агар шу ҳафтада туришга чаманг келмаса, мартабали император жаноблари, икковимиздан биримиз бориб, келинчагингни олиб келиб берамиз. Бунга нима дейсан?

Б о н а п а р т ж а в о б б е р м а й д и.

АВФОНБЕК. Ҳаммани ташвишга солиб қўйиб, бемалол талтайиб ётишига қара бунинг. (*У л т у з а н к и р и б, у н и н г г а п л а р и г а қ у л о қ с о л и б т у р а д и.*) Менинча, бу жонини койитмасликка ўрганиб, обдон ялқов бўлиб қолган. Тоғалари уйқучи эди.

УЛТУҒАН. Ёлгон. Тоғалари куш уйқу бўлишган. Кечга қадар бездек бўлиб ётишдан зерикмайдиган ўзларинг.

ИСПАНЭЛИ. Вой, тавба, одамнинг оғзини пойлаб турасизми, нима бало. Қачон кела қолдингиз? Абдашим оға қаёқда?

УЛТУҒАН. У йиғилишга илашиб қолиб, чиколмай ўтирибди.

АВФОНБЕК. Йиғилишга илашгани нимаси?

УЛТУҒАН. Оғаларинг, ҳоким бўламан, деб ўзини овозга солиб ўтирибди.

ИСПАНЭЛИ. Ҳоким бўлмоқчи, дейсизми?!

УЛТУҒАН. Ҳа. Нимасига хайрон бўласанлар? Нима, Абдашимнинг кимдан кам жойи бор?

ИСПАНЭЛИ. Уни камситаётганимиз йўқ, ўз қариндошимиз. Ҳар қалай... етти синфлик билими бор, холос...

УЛТУҒАН. Раҳбар бўлиш учун билимнинг ҳожати йўқ. Ўтган замонларда бий-бўлислар сенларга ўхшаб институт, техникумни тамомламаёк элни бошқариб келишган.

ИСПАНЭЛИ. Унда замон бошқача бўлган. Вой, товба... Ҳали биз қайтиб кетаётганимизда орқамиздан чикиб келаётган эди, шекилли?

АВФОНБЕК. Бизга ҳам, биринг бўлим бошлиғи, биринг рабобком бўлгансанлар, сенлар ҳам ўз номзодларингни сайловга қўйинглар, дейишди. Бизнинг ўз тирикчилигимиз бор, деб унамадик.

ИСПАНЭЛИ. Боласининг ётиши бу, у эса ҳокимликка давогар бўлиб, талашиб ётибди! Вой, Худонинг қудрати, одамларга нима бўляпти ўзи? Қўлларидан келадими-келмайдими, буни ўйламас экан.

УЛТУҒАН. Ўтган ҳафтада Бонапартга икки марта дам солиб, уч минг тангани уриб кетган ёш домла бор-ку, ана ўша ҳам ҳокимликка давогар эмиш.

АВФОНБЕК. Астафируллоҳ...

УЛТУҒАН. Оғаларинг, овоз етмай қолиши мумкин, икковини тезда айтиб кел, деб мени сенларга жўнатди.

АВФОНБЕК. Хўш, навбатчи куёв, нима дейсан, борамизми?

ИСПАНЭЛИ. Аввал мана бу масалани ҳал қилиб олайлик, кейин кўрамиз.

АВФОНБЕК. Нимасини кўрамиз, бормаймиз, вассалом. Ўзлари кимни маъқул топса, ўшани сайлайверсинлар. Барибир ораларида ҳокимликка лойиғи йўқ экан.

УЛТУҒАН. Шундай қилиб, ўз қариндошларингни ўзларинг этагидан тортаверинглар!

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, янга, гапирса, гапирди, дейсиз, Абдашимнинг ҳокимликка нима алоқаси бор? Ўз ташвишимиз ўзимизга етмайдими? Ўғлининг ётиши мана бу! Ҳатто одам билан сўзлашувдан қолди. Яхшиси, тез бориб ўзини чакириб келинг. Мухим иш бор.

УЛТУҒАН (*Б о н а п а р т н и н г б о ш и н и с и л а б*). Ўзим айланай боламдан! Ҳозир мазали шўрва пишириб бераман. (*Чиқиб кетади.*)

ИСПАНЭЛИ. Ҳой, газетангни қўйиб тур-чи. (*Унинг қўлидаги газетани тортиб олади.*) Эси пас одамдек, бу ётишинг нимаси-а? Бир нима десанг-чи.

БОНАПАРТ. Нима дейман? Барини ўзларингиз айтяписизлар-у.

АВҒОНБЕК (*кўрна тагидан шиша олиб*). Ҳей, мана бу шиша бу ерда нима қилиб ётибди?

БОНАПАРТ. Сув-ку...

АВҒОНБЕК. Сув бўлса нимага қўйнингга солиб ётибсан? (*Шишанинг тўқинини очиб, ичиб кўради, яна ичади, сўнг тилининг учи билан мазасини татиб кўриб*) Хой, ароқ-ку бунинг! Нима бало, ароқ ичиб ётибсанми, жин ургур?!

БОНАПАРТ. Тунов кун, тез соғаясан, деб йигитлар қолдириб кетишган эди.

ИСПАНЭЛИ. Вой, муттахам-эй! Оғзидан буркиб ароқ хиди келиб турибди!

БОНАПАРТ. Ҳа, энди, бекорчи бўлиб ётгандан кейин...

АВҒОНБЕК. Бу қалайча газета ўқиғич бўлиб қолди, десам, гап бу ёқда экан-да. Ароқ хиди буркиб турган оғзини газета билан беркитиб ётар экан. Бу туришингда бир йилда ҳам тузалмайсан, билдингми, бир йилда ҳам! (*Ароқдан бир-икки қултум ютади.*) Одам ароқ деганни қўйинга солиб ётадими! Қир ювадиган сувдай иссиб кетибди!

ИСПАНЭЛИ. Ростдан ароқ эканми? Қани? (*У ҳам ароқдан бир неча қултим ичади.*) Эргалабдан кечга қадар маст бўлиб ётадиган бўлсанг соғайиб кетишинг қийин. Алкаш!

АВҒОНБЕК. Отанг клубда ўз дарди билан юрган бўлса. Сенинг ётишинг бу! (*Яна ароқдан бир-икки хўплайди.*)

ИСПАНЭЛИ. Рэт оксоқол ғирт авлиё, бир нарсани сезган экан. Ҳаром овқат бор ерга паришта йўламайди, деган эди. (*А в г о н б е к н и н г қўлидан шишани олиб, яна бир-икки хўплайди.*)

АВҒОНБЕК. (*Б о н а п а р т г а*). Ароқни ким олиб келиб бера қолди?

БОНАПАРТ. Черчилл билан Рузвелт.

АВҒОНБЕК. Ҳа, ароқхўр ҳамтовоқларинг ўшалар-да.

БОНАПАРТ. Ўзларингиз-чи?

ИСПАНЭЛИ. Рост айтасан, барча айб ўзимизда. “Балиқ бошидан...” деганларидек... Энди барини ўзимиздан бошлашимизга тўғри келади... Ўзимиздан! Ҳай, бу ёғи бир гап бўлар... Авғонбек, кел, яхшиси кўшиқ айтайлик. Бўлмаса юрагим нақ тарс ёрилади. (*Кўшиқ айта бошлайди.*)

Чапай киради. Кўшиқ тўхтайдди.

ЧАПАЙ. Авғонбек амаки, бир соатдан кейин телеэкранда Кашпировскийнинг сеанси бошланар экан. Бутун кишлок шунга ҳозирлик кўряпти. Клубдаги йиғилиш ҳам эртага қолдирилибди.

ИСПАНЭЛИ. Ҳоким бўламан, деб ховлиқиб юрган отанг қаерда?

ЧАПАЙ. Улар ҳам шу ерга келяпти. Тайёргарлик кўраверишсин, деб мени юборишди.

АВҒОНБЕК. Тайёрлансак тайёрланайлик, биздан нима кетди... Олтинчи марта турмушга чиқаётган аёл: “Бу бош нималарни кўрмаган бош”, деган экан.

ИСПАНЭЛИ. Телевизорни шу ерга олиб келиш керак. Бонапарт ҳам тиласин тилагини.

АВҒОНБЕК. Бу ерда телевизор уланадиган розетка йўқ. Катта хонага чиқамиз.

ИСПАНЭЛИ. Бонапарт, қаддингни кўтар. Кашпировский деган тилсимчига сажда қиламиз. Сен баҳона биз ҳам унча-мунча дардимизга шифо топсак, ажабмас. Авғонбек, сен Бонапарт мирзанинг бир қўлтиғидан кўтар. Ў-ў, баднафс, шишани бўшатибсан-ку!

Нур сўнади.

Бешинчи кўриниш

Катта хона. Авғонбек, Испанэли ва Бонапарт рўпараларида турган телевизорга қараб ўтиришибди. Телевизорнинг экрани томошабинларга кўринмайди. Ўша томондан таралаётган майин куй товуши секинлашиб, Кашиповскийнинг овози эшитилади.

КАШПИРОВСКИЙНИНГ ОВОЗИ. “Мен касалликларнинг номини атмайман. Менинг гапларимдаги тилсим кудратининг ўзи касалликларни қидириб топади. Одамнинг аъзоларида бизга маълум бўлмаган алоҳида қувват бор. Мен таналарингиздаги ана шу қувватни уйғотаман. Уйғонган қувват эса одамнинг вужудидаги барча касалликларни топиб, уларга қарши ўзи курашади. Сеанс чоғида сизлар ҳеч нарсага ўйламангизлар, касалликларингизни унутсаларингиз ҳам бўлади. Сеанснинг қуввати бу ҳолатда дардни ўзи қидириб топади. Мен тўғримда нима ўйласаларингиз ўйлайверингизлар. Мен буни кўнглимга олмайман. Мен сизларга фақат эзгулик тилайман. Сизлар ҳозир мудраб уйқуга кета бошлайсизлар”.

А В Ф О Н Б Е К билан И С П А Н Э Л И, К а ш п и р о в с к и йнинг гаплари таъсирларида ёки ҳали ичилган арокнинг кайфиданми, бошлари қуйи эгилиб, мудрай бошлайди.

КАШПИРОВСКИЙНИНГ ОВОЗИ. “Мен буйруқ бераман: бир, икки, уч, тўрт...”

А В Ф О Н Б Е К (*бошини кўтариб, Б о н а п а р т га*). Қалай, таъсир қиялпими?

Б О Н А П А Р Т. Билмадим.

ИСПАНЭЛИ. Бу дунёдан ҳеч нарса билмай ўтиб кетасан, шекилли. Ўзинг билмасанг, сен учун мен билишим керакми?

А В Ф О Н Б Е К. Обдон ўраниб олибсан-ку. Очиб ётсанг-чи!

ИСПАНЭЛИ. Уялма. Буткул эркаклар ўтирибмиз-ку. Кашпировский кўрсин...

Ҳа, балли, шунақа кўрсатиб ёт.

КАШПИРОВСКИЙНИНГ ОВОЗИ. “Ҳар қандай касалликда ҳам ишониш зарур. Астойдил ишонсаларингиз, мен айтадиган шифобахш сўзлар ҳатто минглаган чақиримлардан таъсир қила олади. Бу – ишонч кучи, қувват кучи. Мен сизларга ишонаман. Мен сизларни ҳурмат қиламан. Мен сизларнинг саломатликларингизни ўйлаб, тун бўйи мижжа қоқмай чиқаман. Сезиб турибман, таналарингиз бўшашиб, уйқу элта бошлади. Кўзларингизни юмингизлар. Ухлангизлар. Ҳаёлга чўмиб, мовий осмонда парвоз этингизлар... Энди уйғота бошлайман. Ўнга қадар санайман. Бир, икки, уч, тўрт...”

А В Ф О Н Б Е К. Бонапарт, ўзгариш борми?

Б о н а п а р т жавоб бермайди.

(*Испанэлига*) Бу хуруллаб ухлаб ётибди-ку. Юр, жойига олиб чиқиб ётқизайлик.

ИСПАНЭЛИ. Гумроҳ!.. Отаси ҳам ухлаб қолибди. Ҳой, Абаке, сеанс тамом бўлди, бошингни кўтар.

АБДАШИМ (*уйқу аралаш гулдираб*). “Таваккал” партияси залдан ҳайдаб чиқарилсин! Долой!

ИСПАНЭЛИ (*ҳиринглаб кулиб*). Ҳой, нодон, сиёсатга аралашиб нима қиласан!

У л т у г а н киради.

УЛТУҒАН. Қалай, шифо топадиган чамаси борми?

А В Ф О Н Б Е К. Бўлади, янга, бўлади. Инимиз пихиллаб ухлаб қолди-ку. Худо шу йўсинда шифо берса ажабмас. Шифо топиш учун шиша керак, янгажон, шиша!

УЛТУҒАН. Балойи нафс! Ичиб олган кўринасизлар. У захарликни қаёқдан ола қолдиларинг?

А В Ф О Н Б Е К. Худо шифо берсин, деган тилак билан бир-икки култур ютган эдик. Биз буларни олиб чиқиб, ётқизиб киргунимизча дастурхон ёзиб кўярсиз. Катта тўйни бошлайверайлик.

УЛТУҒАН. Бу хонадоннинг дастурхони йиғилганини қачон кўргансанлар! Ана у аёллар ўтиришган уйда ҳамма нарса тайёр.

ИСПАНЭЛИ. Барака топинг, янга. Зотингиз асл-да. Ёмон уруғдан казо-казо зотлар чиқармиди!

Испанэли билан Авғонбек Бонапарт билан Абдашимни суяб эшик томон юришади.

АБДАШИМ. Яшасин “Худога шукур” партияси!
АВФОНБЕК. Ҳа, яшасин, яшайверсин!

Чиқиб кетишади.

Нур сўнади.

Бешинчи кўриниш

Оммавий саҳна. Бу кўриниш қаерда кечаётганлиги номаълум. Буни билиш шарт ҳам эмас. Одамларнинг гола-говури эшитилади.

ОВОЗЛАР: – Халойик, тинчланингизлар!

– Австрияга кетган Тошпўлат омон-эсон қайтиб келди. У ҳозир бизнинг эртанги кунимиз қандай бўлишлигини айтиб беради.

– Неча йилардан бери кутяпмиз. Умуман, қишлоғимизнинг келажаги борми-йўқми?

– Кутиб олингизлар, Глоба билан маслаҳатлашиб қайтган Тошпўлат қаршиларингизда турибди.

– Баракалло!

– Саломат бўл, Тошпўлат!

– Хўш, келажагимиз қандай экан?

ТОШПЎЛАТ. Келажагимиз ажойиб, зўр. Турмушимиз фаровон, бой-бадавлат ҳаёт кечирар эканмиз.

ОВОЗЛАР: – Айтганинг келсин!

– Оғзингга мой!

– Хўш, бунинг учун биз нима қилишимиз керак экан? Глоба нима маслаҳат берди?

ТОШПЎЛАТ. Мехнат қилиш керак, деди.

ОВОЗЛАР: – Нима-а?

– Нима жавоб қилди дединг?

– Такрорла-чи.

ТОШПЎЛАТ. Мехнат қилиш керак, деди.

ОВОЗЛАР: – Ў, номерд!

– Ў, бефаросат!

– Бола-чақанинг насибасидан айириб пул йиғиб, дунёнинг бир чеккасига жўнатганимизда, билиб келганинг шу бўлдимми?!

– Мехнат қилиш кераклигини Глобасиз ҳам биламиз.

– Йиғиб берган пулларимизни қайтариб берсин!

– Айтиб турган гапига қаранглар бунинг! Ў-ў, муттаҳам!

– Қишлоқдан ҳайдаш керак уни!

– Чўл-далага олиб бориб ташланглар!

Тошпўлат қочади, газабга келган одамлар уни қувлаб чиқиб кетишади. А в з о н б е к, И с п а н э л и, А б д а ш и м, У л т у г а н ёлғиз қолишади.

АБДАШИМ. Дунё телба-тескари бўлиб кетдимиз, дейман! Барака қолмади-ку!
АВФОНБЕК. Йўқ ҳамма нарса қадимгидек. Ўзимиз сабабчимиз барига, ўзимиз айбдормиз.

ИСПАНЭЛИ. Ҳалиги Тошпўлат Глобага бордимиз-йўқми, гап бунда эмас. Ўзи ичидан чиқариб айтган бўлса ҳам, гапида жон бор.

УЛТУҒАН. Йиғилишларинг ҳам, Глобаларинг ҳам бор бўлсин. Ана у боламнинг аҳволи қалай?

Роллан кириб келади.

ИСПАНЭЛИ. Роллан?! Ҳой, кечаси нима қилиб адашиб юрибсан?
УЛТУҒАН. Кел. Саломатмисан?

РОЛЛАН. Мени мол доктори деб юрган қайси биринг?
 ИСПАНЭЛИ. Худо асрасин. Бунақа деб нимамиз бор?
 АВФОНБЕК. Шунақа деган бўлсак, оғзимиз қийшайиб қолсин.
 АБДАШИМ. Тилимиз кесилсин.
 РОЛЛАН. Гап бундоқ, бировни ёмонламай, орқаваротдан ғийбат қилмай, ҳар ким ўз ишини қиладиган бўлсин! Акс холда мана бу шприс билан ҳаммангизга укол қилиб, қотириб ташлайман! Тушинарлими?

ОВОЗЛАР:

– Албатта.

– Тушунмай ўлибмизми.

РОЛЛАН. Суннат тўғрисида гапирадиган бўлсам, жароҳатга микроб тушган. Буни менгина эмас, оддий мол доктори ҳам билади. Гапнинг қисқаси, Бонапартларинг батамом соғайиб кетди. Уч кун сурункасига кечаси келиб, даволадим. (*Эшик томонга ўгирилиб*), Бонапарт! Кир, ота-онанг билан қариндошларингга кўрин.

Энига оқ халат кийган Бонапарт киради.

УЛТУҒАН. Ўнгимми, тушимми?! Доктор қайним, минг раҳмат сенга. Энди биз билан бирга ўтириб тамадди қил.

РОЛЛАН. Раҳмат. Ҳозир вақтим йўқ, борадиган жойларим бор. Бошқа сафар келарман.

АБДАШИМ. Хоҳласанг, биз билан бирга қудаликка юр.

РОЛЛАН. Ҳа, айтгандек, нохуш бўлса-да, айтгай. Бўлажак қудаларингиз, бизни алдашибди, деб қаттиқ хафа бўлишибди ва номусга чидай олмай Сирдарёнинг нариги томонига кўчиб кетишибди.

АБДАШИМ. Кўчгани нимаси?

УЛТУҒАН. Эл-юртга обдон масҳара бўлибмиз-да.

АБДАШИМ. Одамларга нима деймиз энди?

УЛТУҒАН. Яرمىсини бериб қўйган қалин молимиз нима бўлади?

РОЛЛАН. Қиз, бунақа шарманда бўлганимдан сувга чўкиб ўлганим яхши, деб дарёга чошиб кетаётган чоғида аранг ушлашиб, уйга олиб келиб камаб қўйишибди.

УЛТУҒАН. У бечора ҳам бизнинг боламизнинг аҳволига тушган экан-да.

АВФОНБЕК. Бу икковининг тақдири бир деган гап. Бундай одамларнинг бирига муҳаббати бокий бўлади.

АБДАШИМ. Ёпирай, энди нима қиламиз?

РОЛЛАН. Бориб, куллук қилиб, тиз чўкиб, узр сўрангизлар. Балки кечиришар.

АБДАШИМ. Шундан бошқа иложимиз ҳам йўқ.

РОЛЛАН. Мен борай. Сизларга омад тилайман. (*Чиқиб кетади*)

Қолганлар Б о н а п а р т ни ўртага олишади.

АВФОНБЕК. Қани, у ёқ-бу ёққа юр-чи.

Бонапарт у ёқдан бу ёққа юради.

ИСПАНЭЛИ. Сакраб кўр-чи.

Б о н а п а р т курсига чиқиб, ерга сакрайди.

АВФОНБЕК. Баракалла. Шунча кун бекор ётмабсан... Куёв бўлиб боришингга энди ишонч ҳосил қилгандирсан.

ИСПАНЭЛИ. Уф-ф! Худога шукур-эй.

АВФОНБЕК. Эртага икковимиз икки отга миниб, бий далага бориб, пойга қилиб қайтамиз. Нима дейсан?

БОНАПАРТ. Сиз нима десангиз – шу.

АБДАШИМ. Эртанги йиғилиш нима бўлади?

ИСПАНЭЛИ. Йиғилишингни қўй, яхшиси, Рэт оқсоқол учовимиз қишлоқдан

кочиб кетган қудаларимизнинг оёғига бош уриб, кечирим сўрагани борамиз.
УЛТУҒАН. Унда яна совға-салом тайёрлашимиз керак бўлади.
ИСПАЭЛИ. Албатта.

Яна Бектур – Виктор пайдо бўлади.

БЕКТУР. Американинг Балтимор шаҳар суди қозоқ қизи Галия Асановани, одам ўлдиришда иштирок этган, деган қалбаки айбнома билан умрбод қамоққа ҳукм қилибди. Қозоғистонликлар қизимизни ҳимоя қилиш у ёқда турсин, суд жараёнига мутлақо аралашмаган. Марказдаги юқори ташкилотлару зиёлиларимиз вакиллари ҳам бу ҳақда лом-мим демай қолаверган... Кўзингни оч, қозоғим! Уйғон, қозоғим! (*Чиқиб кетади.*)

ИСПАНЭЛИ. Бошимиз ғовлаб, гарангсиб турганимизда, бу Бектур-Виктор яна қаёдан келиб қолди?!

АВҒОНБЕК. “Уйғон, қозоқ!” дейди-я! Нима, ухлаб ётган эканимизми!

АБДАШИМ. Менинг ўйимча, жўн одаммас у. Эл оралаб юрган Хизр бўлиши ҳам мумкин.

АВҒОНБЕК. Топган гапингизни қаранг-у, бунақа замонда Хизр нима қилсин. Улар аллақачон безиб кетишган.

ир нима қилсин. Улар аллақачон безиб кетишган.

АБДАШИМ. Ҳар қалай одам ўйланиб қолар экан-да.

ИСПАНЭЛИ. Ҳозир бошқа нарса ҳақида ўйлаш керак. Шундай қилиб, эртага йўлга чиқадиган бўлдикми?

АБДАШИМ. Ҳозиргина шунга келишдик-ку.

АВҒОНБЕК. Ҳўш, Бонапарт Абдашим ўғли! Хотин олишга тайёرمىсан?

БОНАПАРТ. Ўша қизнимми?

АВҒОНБЕК. Ўша қизнимми, дегани нимаси! Нима сен учун ўшами, бошқами – бари бирми?

БОНАПАРТ. Йўқ, албатта.

АВҒОНБЕК. Бўлмаса нимага сўраяпсан?! Бўпти. Энди эртанги кунга ҳозирлик кўрайлик.

Нур сўнади.

Парда олди

Ёқимли куй эшитилиб, парда ортидан Чапай чиқиб келади..

ЧАПАЙ (*у ёқдан-бу ёққа юриб*). Ура! Бонапарт акам келинчак олиб келадиган бўлди! Барчангизни тўйга таклиф қиламиз. Албатта келингизлар! Қувончимизга шерик бўлингизлар!

Нур сўниб, парда тушади.

Т а м о м

*Қозоқ тилидан
Муҳаммад ХАЙРУЛЛАЕВ
таржимаси*

Қулбек ЭРГОБЕК

ЙИЛЛАР ҚАНОТИДА ТУҒИЛГАН УЙЛАР

(1976-2000 йиллар кундалигидан)



...Ўйлаб кўрсам, бутун умрим Собит Муқонов тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўтиб келаяпти экан. 1978-1980 ва 1980-1987 йилларда мазкур козоқ адабининг уй музейида хизмат қилдим. Бўз йигит пайтим эди. Эндигина талабаликдан чиқиб келганман. Адиб архивини ташкил қилдик, музейини очдик. Архив материалларини, тарихини ўргандик. Биз ташкил этган музей эндиликда маданият марказидан бири сифатида танилди. Ортда қолган йилларга кўз ташлаб, муболага билан айтадиган бўлсам – С. Муқонов уй-музейининг пойдеворини қўйганлардан бири – ўзим эканман. У ёқ-бу ёғи ўн йилча вақт мобайнида Собит Муқонов яшаган, ҳаётдан кўз юмган уйда ўтириб, у нафас олган ҳаводан нафас олиб, у ўқиган китобларни варақлаб, кўлёмаларини кўздан кечириш менга насиб этди. Ёзувчи юрган йўлларда – унинг киндик қони томган ота маконидан тортиб, Санкт-Петербург, Москва, Болтиқбўйи мамлакатлари, Бурятия, Ўзбекистон, Қирғизистон дегандай... талай ерларни оралабман. Бу орада қанча китоблар ёзилди, қанча мақолалар дунёга келди. Уларнинг ҳар бирини қоғозга

ЁЗУВЧИНИНГ ИЖОД ЛАБОРАТОРИЯСИ

Ёзувчининг ижод лабораториясини ўрганиш – мураккаб жараён. Мураккаблиги шундаки, асар мавзу (ўй, туртки) ҳолатида материал тўпланиб, ёзиб тугатилгач, китобхонга етиб боргунча бўлган жараённи тасаввур қилиб, кейин хулоса чиқарасан. Ҳақиқатни тан олиб айтадиган бўлсак, бу жараённинг барча сирини асар муаллифи, ёзувчининг ўзи ҳам тушунтириб бериши дарғумон. “Уруш ва тинчлик” роман эпопеясининг жанрини аниқлашга келганда Л.Н.Толстой ҳам қийналиб қолган дейишади. Шундай бўлса-да, ёзувчиларнинг ижод лабораториясини ўрганиш – жаҳон адабиётшунослиги фанида анчадан бери мавжуд. Қозоғистонлик қадрдон дўстим, иқтидорли адабий танқидчи, моҳир ёзувчи, Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли қозоқ-турк университетининг вице-президенти, академик Қулбек Эргобек айни шу жанрда – XX аср қозоқ адабиётининг улкан намояндalarидан бири, забардаст ёзувчи Собит Муқонов ҳаёти ва ижодида бағишлаб “Ёзувчи ижодхонаси” номли кенг қамровли китоб ёзган эди.

Мен, тақдир тақозоси ила, Собит Муқоновдай алп ижодкор билан яқин ижодий-дўстона алоқада бўлганман, адибнинг “Ҳаёт мактаби”, “Чўпон бола”, “Чўлоқ полвон” каби йирик асарларини ўзбек тилига ўғирганман. Уни шахс, ижодкор сифатида яхши биламан деб уйлардим. Қулбек Эргобекнинг “Ёзувчи ижодхонаси” китоби мутолаасидан сунга мен унинг кўплаб янги қирраларини ўзим учун кашф этдим ва асарининг ўзбек китобхонлари, адабиётшунослар, танқидчилар учун қизиқарлигини ҳисобга олиб, Меҳмон Исломқул ўғлининг китобни ўзбек тилига таржима қилишида ўз маслаҳат-ўйриқларим билан ёрдам бердим. Қуйида мазкур асарнинг айрим боблари журналхонлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Носир ФОЗИЛОВ, ёзувчи,
 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
 санъат арбоби, Давлат мукофоти совриндори

туширишда қозоқ ёзувчиси руҳи олдида ҳалол бўлишга интилдим.

Вақт ўтиб бормоқда. Қачондир ёзилган мақола, китоблар ҳам йил ўтган сайин аста-секин эскириб, уларни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Бугун давр бошқа, бугунги тафаккурни кечагиси билан қиёслаб бўлмайди. Бинобарин, вақтида қилинган ишлар, Собит Муқонов ижодхонасини ўрганиш тажрибалари баён қилинган мақолалар, унинг кундаликлари ва дафтар саҳифаларидаги мулоҳазалари, шажара-битиклари – бари собитшунослик фанининг бир йўналиши. Шунинг учун ҳам С. Муқонов ҳақида турли пайтларда ёзилган мақолалар, ён дафтарларимдаги ўй-фикрларни бугунги куннинг ўқувчисига тавсия қилишни ўз бурчим деб билдим.

Кутубхона. Ёшлигимдан мени ўзига жалб қилган, доно маслаҳатгўйимга айланган китоблар. Талабанинг тирикчилигигагина етарли маошни тежаб-тергаб, сотиб олинган китоблар. Варақлайман. Ўйлайман. Тўлғонаман. Ўтган кунларга ҳаёлан сафар қиламан. Мана бу китобни ўзингиз ҳам бир кўринг. “Қозоғистон ёзувчилари” (1970). Бошидан охиригача варақлаб чиқаман. С.Муқонов, Қ.Тўғзақов, М.Мақатаевларнинг дастхатлари бор. Китобсевар бўз боланинг бир пайтлардаги илтимосини қайтармасдан ёзиб берилган тилаклар. Мана шу дуо қувватидан шу кунларгача етиб келгандекман.

Инсон ҳаётида бундай ширин дақиқалар доим ҳам такрорланавермайди. Бари ўтиб кетган, азиз лаҳзалар эканлигини мана энди англаяпман. Булар – ҳаётимнинг парчалари, булар – тарих.

...1971 йил. 26 март. Абай номидаги Қозоғистон давлат педагогика университетининг катта залида Қозоғистон Республикасининг эллик йиллигига бағишланган шеърят тантаналари бўлиб ўтди. Унда Собит Муқонов бошчилигида қозоқ адабиётининг деярли барча, катта-кичик вакиллари иштирок этишди. Залда атоқли адиблар ҳам оз эмас эди. Айниқса, бу улкан тадбирда Собит Муқонов қатнашади, деган хабарни эшитган талабаки бор, ҳаммаси университетимизга оқиб келган.

Катта залга одам сиғмайди. Игна ташласанг тушадиган жой йўқ. Машҳур шоирлар шеърларини ўқидилар. Шеърятдан сал йироқлашиб кетган адиб мушоира олдидан кириш сўзи гапирди. Унда жуда кексариб қолганини, ўзи яратган асарларининг кўп жилдлиги асарлари нашр этилаётганини айтиб ўтди. – Собит Муқоновнинг ёзган асарлари эллик жилд бўлади, – деди у, – ҳеч бўлмаганда йигирма жилд нашрдан чиққанини кўрсам, деб орзу қиламан. Раҳбар ўртоқларимиз “қоғоз йўқ”, деган баҳона билан рухсат беришмаяпти.

Талаба ёшлар шундай атоқли ёзувчининг асарларини чоп қилишда ҳам муаммо бор эканми, дегандай ҳайратга тушишди.

Адиб сўзида давом этди: “Мен – деди у, – кекса ёзувчиман, кексаларга асар ёзиш осон гап эмас. Шунинг учун ҳам, кейинги пайтларда шеърятга қайтиш ниётида юрибман. Ана шундай ўланлардан ўқиб берайин.”

Кекса қаламқаш тинчлик, эзгулик мавзуларидаги шеърларидан ўқиди. Талабалар адибни минбардан кўйиб юборишмади. Бунчалик улкан ҳурмат ўша куни бошқа бирор адибга кўрсатилмади. Аммо, ҳали ҳаммаси олдинда экан. Ниҳоят шеърят кечаси яқунланди. Шу табрик сўнгида китоб ярмаркаси уюштирилган экан. Энди китоб савдоси, дастхат ёзиш тадбири бошланиб кетди.

Ўша куни Собит Муқоновдан дастхат олишга навбатга турганларнинг охири кўринмасди. Бир қанча ёзувчилардан дастхат ундириб, мен ҳам Собит Муқоновга яқинлашдим. Бошқа шоир-ёзувчилар аста-секин ташқарига чиқа бошлашди. Аммо ёшлар кекса адибни ҳамон кўйиб юборишмасди. Дастхат олишга муваффақ бўлганларнинг юзида қувонч нури барқ урарди. Ниҳоят кекса қаламқашнинг ёнида бир нечтагина шогирдлари қолишди. Қоронғу тушиб қолган, қорачадан келган шогирд йигит типирчилади.

– Устоз, бўлди-да энди. Буларнинг охири борми-йўқми ўзи?

Кекса адиб шогирдига ажабланиб қаради.

– Ораларингда энг ёши улуғи мен, халқимизнинг шунча қорақўз йигит-кизилари келиб, Муқоновдан дастхат оламыз, деб туришибди (у кўлини сермаб

қўйди). Мен туядан катта бошим билан ўз урпоғимни, халқимни хатлаб ўтишим керакми? Шуларнинг табассумидан Муқонов битта ортиқ бўлибдими? Қайдаги йўқ гапларни топасан-а... Ундан кўра бор, такси ушлаб тур...

Қорачадан келган йигит довриаб қолди.

– Тавба қилдим, устоз, тавба қилдим... Мен кетдим. Такси ушлаб тураман. Табаррук даргоҳ – ҚозПИдан таксида кетамиз-да, устоз – дея у ташқарига йўналди (бу қорачадан келган йигит ёзувчи Лутфулла Шақенов экан).

Тўпланган ёшлар кўзига Собит Муқонов янада азизроқ кўриниб кетди. Адиб кўплар қатори менга ҳам дастхат ёзиб берди. Мана, мен улуг қозоқ адиби Собит Муқонов билан рўпара турибман. Қўлимда ундан олинган дастхат!..

Ёзувчи Собит Муқоновни сўнгги сафарга бутун Олмаота халқи, иттифок ёзувчилари уюшмасининг вакиллари кузатишганларининг гувоҳи бўлганман. Лекин бу кўринишларнинг ҳеч қайсиниси “Мен Собит Муқоновни билар эдим” – дейишга ҳуқуқ бермайди. Русларда “кишини билиш учун у билан бир пуд туз ейиш керак”, деган мақол бор. Шунинг ичида бир ўзи неча минглаб одамларга маънавият руҳини таратган ёзувчини танлаш, билиш, уни ўрганишнинг ўзи инсонни қанчалик юксалтиради.

ҚОЙИЛ, СОБИТ ОҒА!

(Кичик хотиралар)

КАЛАМУШ ГЎШТИ...

1932 йил.

Собит Муқон ўглининг Москвада Қизил Профессура институтида ўқиб юрган пайти. Истеъдодини ривожлантириб, катта парвозларга ҳозирлик кўриб юрган йиллар эди. Кунлар исиб, ёз нафаси ҳам келиб қолди. Таътилга чиққан талаба Собит Муқон ўғли туғилиб ўсган овулига отланди.

Юртидаги турли нохуш хабарлар Москвага ҳам борар, бундан ёзувчининг юраги эзилиб, жону жаҳони қоронғулашарди. Бу ташвишлар мана бугун ҳам талабанинг қалбига игнадай санчилади. Собит Қизилжарга келиб етганда, кўзларига ишонмади – шаҳар очлик исқанжасида эди! Кўчаларнинг бари шишиб ётган ўликларга тўла. Ажабланарлисиз шуки, қайси майитнинг шишган юзига қараманг, у қозоқ бўлиб чиқади. “Нега қозоқлар қириляпти?” деган изтиробли ўй ёш ёзувчининг юрагини ўртайди. Маҳаллий раҳбарлар ҳузурига кириб ҳам саволларига маънили жавоб ололмади.

Ахири вилоят ижрокоми томонидан ажратилган “поёғи”ни олди-да, туғилган овулига жўнади.

У овулни оралади. Турган гап, ёру дўст, оғайнилар тирикчилик ғамида ҳар томонга кетган. Овул ҳувиллаб, кўримсиз ҳолга келиб қолган. Хайтовур қирғин шаҳардагичалик эмас. Шунгаям шукр..

Канафиянинг уйига бош сукди. У яхши кўрган оғаси.

– Ассалому алайкум!

“Ваалайкум ассалом” деган хосиятли жавобни эшитарман, деб умид қилган Собит янгасининг қозон қопқоғини апил-тапил ёпиб, ўчоқ чўғини ўчира бошлаганини кўриб, анграйиб қолди. “Бу нимаси бўлди?”

Остонани ҳатлаб қўйган Собит ортига қайтиб кетишни ўзига эп кўрмай, ноилож туриб қолди. Уй эгаси кўринмайди. Чўлпон янгаси ҳеч нимани кўрмагандай, билмагандай бўлиб:

– Мулла йигит, қалай, от-аравада омон келдингми? Келин-кепчик, бола-чақа омонми? – деб саломлашиб, кигизга ўтириб олди.

– Шукур, янга! Соғиниб юртга келган эдим, овулдан файз кетганини кўриб, кўнглим ўксиб қолди. Ўзларинг қалайсизлар, янга?

– Омонлик. Мулла йигит, омонлик.

Янгаси кулиб сўйлади. Унинг кулганини кўриб, қовоғи очилган Собит ҳам ҳазиллашган бўлиб:

– Худо олгур-ей, қайнинг келганда кўнглингни сал кенгайтисанг, қозонингни қопқоғини ёпмай, овқатингни пишираверсанг бўлмасмиди? – деб, кулган бўлди.

Халигина кулиб-яйраб, сўзлаб турган янганинг ранги кўкариб кетди.

– Мулла йигит-ей, ҳозир кимни тўқ-сочин яшайпти дейсан? Манов шўрлик янганг сариқ қази осиб, шуни сендан қизғанди, деб ўйладингни? Шошганда лаббай топилмайди, бир каламушни тутиб олиб, шуни қозонда пишираётган эдим...

Янгаси йиғлаб юборди.

Ёзувчи довдираб қолди. Билмасдан гапириб, янгасининг ярасини тирнаб юборибди-да. У ноқулай аҳволга тушиб қолди, ниҳоят:

– Э худо олсин, бошинг омон, бағринг бутун-ку сенинг, нега йиғлайсан? Қайнингдан қизгананинг шу сичқон гўштими? Обке бу ёққа, биргаллашиб еймиз!

– Қўйсанг-чи, мулла йигит, ҳазилингни.

Ёзувчи буйруқ берди:

– Обке, янга! – йигитнинг сўзи жиддий эди. Янга довдирай деди. Оғзи ланг очилди.

– Оғриб қоларсан-ов.

– Йўк, обке, сенлардан жоним ортик эмас-ку.

Товоқдаги семизгина каламуш гўшти дастурхонга қўйилди.

Собит эзилиб пишган каламушнинг бир оёғини узиб олдида, қитирлатиб чайнай бошлади.

– Э, бекорга қизганмаган экансан-да, мановининг гўшти роса мазали экан-ку...

ЯЛАНГТЎШ ПРОФЕССОР

Қирқинчи йиллар. Уруш қизиган пайт. Кадрлар тақчил. Бир киши бир нечта вазифани бажаради.

Собит Муқонов Абай номидаги педагогика институтининг профессори. Талабаларни қизиқтириб, машғулот ўтказяпти. Саволларга жавоб берапти. Машғулот айна қизиган пайтда кўнғироқ чалинди. Собит оға талабалар билан хайрлашиб, уйига қайтди.

Адиб янги асари ҳақида ўйлаб келарди. Маъруза ўқиш ҳам осон иш эмас экан, деб ўйлайди у. Шу бир-икки соат ичида айтадиган гапимни айтиб бўлдим. Бу лекторлар йил бўйи нималарни топиб гапиришади?

Институтдан пиёда келаётган ёзувчи йўлнинг ярмига келганда аллаким “Собит оға!” – деб қақиргандай бўлди.

– Собит оға!

Ёзувчи овоз келган томонга қаради. Қараса, ўзининг бир талабаси изидан ҳаллослаб қувиб келяпти. Кўлида нимадир бор. “Бу қанақаси бўлди?” ўйлади ёзувчи.

Ўпкасини қўлтиқлаб чопиб келаётган йигит, ниҳоят олдига етиб келди.

– Нима гап, йигитча?

– Костюмингизни унутиб қолдирибсиз...

Собит биргина оқ кўйлақда келаётганини энди сизди. Шунча юриб, қора совуқни ҳам сезмабди... Лекция ўқиётганида костюмини ечиб, стулга илиб қўйган эди. Кўнғироқ чалинганда қизишиб кетган ёзувчи, гапини тугатиб, чиқиб кетибди.

– Раҳмат, айланайин, – деди Собит талабадан костюмини олар экан...

КЎЗОЙНАК

Нонуштадан кейин Собит оға кабинетига йўл олди. Ҳар сафар ёзувчи одатига ўрганган Марям опа болаларга “оталарингни бекорга безовта қилманглар!” дея уқтириб, уй ишларига унмайди. Худди шу пайт ёзувчининг:

– Марям, ҳой Марям! – деган бўғиқ овози эшитилди.

Марям опа қоқила-сурила ёзувчи хонасига отилди.

– Нима бўлди, тинчликми?

– Кабинетимга болалар кирмасин, деб неча бор сенга айтганман. Болаларинг шу уйга кираверади, кираверади! Мана энди...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Адиб қаттиқ асабийлашди.

– Нима бўлди, эй Худойим-ей?

– Кўзойнагим йўқ!

Энди Марям опа ҳам, катта қизи Баян ҳам ўзларини айбдор ҳис қилиб, кабинетдан кўзойнакни ахтаришга тушиб кетишди. Лекин у топилмади. Уни меҳмонхонадан ҳам роса ахтаришди. Неваралари ўйнаб олиб кетишдими, деган хаёлга ҳам боришди. Кўзойнак барибир топилмади. Худди ер ютгандай ғойиб бўлганди. Уни ахтара-ахтара ҳолдан тойишди.

Энди бир текширилмаган жой – меҳмонхонадаги кўк диваннинг таги қолди. Она ва қиз икковлари кўк диванни суриб, тагига қарашди. Қуриб кетсин, йўқ.

Ўзувчининг рафикаси ҳам ҳориб, эрининг ёнига чўкди. Диваннинг тагига яна бир эгилиб қаради-да, кейин ўзувчига ер остидан тикилиб:

– Ҳозирча пешонангиздаги кўзойнакдан фойдаланиб турақолинг. Янгисини олармиз. Топилмади, – деди.

Шу лахзада ўзувчи қўлини пешонасига олиб бориб, кўзойнагини юлқиб олди.

– Эҳ, қарилик қурсин-а!

Ўзувчи кафти билан тиззасига урди.

– Излаётган кўзойнагимиз мана шу-ку, Марям...

Кўзойнак ахтарувчилар қулиб юборишди.

АТУШКА, ҚАЙГА БОРАСИЗ?

Қаламқашнинг одати, ҳар куни тонгдан туриб, ёзишга ўтиради. Арабча ўнгдан чапга қараб саҳифа тўлдираётган адиб бир пайт қўлидаги қаламни қоғоз устига отди. Ахир бугун Ўзувчилар уюшмасида йиғилиш бор эди-я!

У гавдаси оғир бўлишига қарамай, ўрнидан сапчиб турди-да, апил-тапил кийиниб, ўзувчилар уйига йўл олди. Қўлида қалин папкаси. Нималарнидир хиргойи қилиб боряпти. Қаршисидан етти ёшли невараси Ноила чикди.

У бобосини кўрди-ю, анграйиб қолди. Анграйганича ҳам бор-да – бобосининг эғнида чиройли қора костюм, оқ кўйлак, бежирим галстук, қўлтиғида қалин булғори папка. Қўлида эгри дастакли ҳасса. Бариси ярашиб турибди. Бирок, бирок...

– Атушка, қайга кетяпсиз? – деди невараси хайратланиб.

– Уюшмага, қароғим, уюшмага, – дея Собит оға, неварасининг ёнидан ўта бошлади.

– Вой-бай, Атушка, шу туришингизда-я? Устингизга бир қаранг!

Шошиб қолган Собит оға бир неварасига, бир уст-бошига қаради. Қаради-ю, қулишния, йиғлашния билмай, қотиб қолди. Шим кийишни унутган экан!

Невараси қўлидан тутиб, бобосини уйга бошлаб кирди.

Кўчадан ўтаётганлар невараси етаклаб кетаётган оқ иштонли ўзувчидан кўз узишмас эди...

ТОПҚИРЛИК

Ўзувчи делегация билан чет элда сафарда юрибди. Делегация шаҳарни томоша қилиб қайтди. Табиатан ҳаётий воқеаларни кўришга, билишга ташна ўзувчи учун кизиқадиган, томоша қиладиган жойлар жуда кўп. Теварақдаги жамики нарсалар – мўъжиза, мўъжизаларнинг бари ноёб.

Атрофга қараб, ён-верига аланглаб келаётган ўзувчи сафардошларидан орқада қолиб кетганини кейинроқ сездди. Ўзини йўқотиб қўйди. У ёқ-бу ёққа югурди. Шерикларининг қораси кўринмади. Бирорта ҳам ватандошини учратмади. Катта кўчада туядай бўлиб қолиб кетганидан ўксинди. Улар ўзлари ташлаб кетишдими ё ўзи қолиб кетдими? Бунақа чет эл сафари куриб кетсин, оз кунга келасан-да, ит қувгандай югуриб-еласан...

Шошилган Собит оға у ёқ-бу ёққа аланглаб, “Қозок! Қозок!” дея овозининг борица бақириб кўрди. Барибир ҳеч ким эътибор бермади. Эътибор бергани ҳам қозок ўзувчисининг нима деяётганига тушунмасди. Чет элдагилар бутун Совет

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Иттифокини “Россия” деб билишади-да. Тўсатдан Собит Муқоновнинг эсига ўша пайтларда номи бутун дунёга машҳур бўлган Жамбул Жабаевнинг исми тушиб кетди. “Бир билса, шу кишининг исмини билади булар!” Жони ҳалқумига келган ёзувчи “Жамбул! Жамбул! Мен –Жамбул!”, – деб кичкира бошлади.

Бир ўткинчи тўхтаб, ёзувчининг ёнига келиб, “Россия? Россия?” – деди.

Чет эллик бу гавдали, сариқ одамнинг Шўролар Иттифоқи фуқароси эканлигини билиб, элчихонагача кузатиб қўйди. Ўша вақтларда Жамбулнинг номи халқ номига айланаёзган эди-да...

ДЎСТ СОВҒАСИ

Ёзувчи Ғарбий Қозоғистонда сафарда юрибди. Қайга бормасин, ёнида Кумар дўстини олиб боради. Ҳа, таниқли халқ оқини Кумар Жусиповни.

Ёзувчига югуриб-елиб хизмат қиладиган раҳбарлар Собит оға овулдан-овулга ўтганида алмашиб, янгиланиб туришади. Алмашиб, янгиланмайдигани бир Кумар дўсти...

Раҳбарлар қачон меҳмонга кўниккунларича суҳбатга киришиб кетолмай, гаплари сира қовушмасди. Қумарда бу одат йўқ, “Сабит” деб бошлайди-да, хангомага киришиб кетаверади. Ёзувчининг илтимосига кўра, сел бўлиб дўмбира чертади.

Хурматли адиб билан юрт оралаган Кумар вилоят марказига етганида, Собит оғани уйига кўноққа чақиради.

– Чақирмасанг ҳам бораман, Кумар оға. Собитга насиба едирмай хотининг кутулмайди.

Бу гапдан икковлари ҳам завқланиб кулишди.

Ёзувчи хурматиغا обком зиёфат берди. Зиёфатдан сўнг, Собит оға вилоят бошлиқларига илтимос қилди:

– Мени Кумарнинг уйига олиб бориб қўйсанглар. Чарчадим. Дам оламан.

– Дачада дам олганингиз яхши-ю, Собит оға?

– Йўқ. Қумарга ваъда бериб қўйганман. У мол сўйиб, тайёргарлик кўриб ўтирибди.

Кумарнинг уйи кичкина, энгашиб кирадиган қозоқи уй экан. Билмасдан ўрнингдан кўккис кўтарилсанг, бошинг шифтга тегади.

– Ў, дўстим, уйинг кичикрок экан-у, аммо салқин, яхши!

– Кампир икковимизга бўлади. Собит дўстимиз юртнинг яхши уйларига бормасдан, бизнинг ёмон уйимизга меҳмонга келди. Менга бундан ортиқ бахтнинг кераги йўқ!

Собит оға эрталаб Атров нефть бирлашмасининг бошлиғи Сафи Ўтабоевнинг қабулхонасига борди. Бошлиқ ёзувчини кучоқ очиб қарши олди.

– Қароғим, Сафи, мен худди ҳозир анов Кумар Жусипов деган қозоқнинг йўрға оқини уйида кўниб, ўша ердан чиқиб келяпман. Уй-жойи ночор экан. Ёлғиз хона. Унинг ҳам ярмига печка қурилган. Уйнинг пойдевори чўккан. Босиб қолса, уй эгалари тагида қолиб кетади. Ўзи Қозоғистоннинг манаман деган оқини. Ёши ҳам бир жойга бориб қолган. Илтимосимни вилоят бошчиларига ҳам айтсам бўларди. Ҳукуматнинг чўнтагига тушгим келмади. Барча чиким, харажатини мен тўлайман, сен бирлашма орқали Кумарга уй солдириб бер.

Нефть бирлашмаси бошлиғи хайрон бўлиб:

– Бўпти, Собит оға. Сизнинг киссангизга тушма-ёқ... – деб қўлини кўксига қўйди.

Ғарбий Қозоғистоннинг халқ оқини Кумар Жусиповнинг яна бир қанча бахтли йиллари ана шу – ёзувчи Собит Муқонов “қурдириб берган” уйда ўтди...

ҚУМ БАРҲАНЛАРИ ОРАСИДА

(Арслон Собит ўғли Муқонов эсдалиги)

Арслон Собит ўғли “Муқонов музейи”га келди. Худди отасига ўхшаган, оғзини

очса, юраги кўринадиган йигит. Отасининг ўзи дейсиз. Фарзанд бўлса Арекенгдай бўлсин экан. Собитнинг – ўғли, Ғабитнинг – куёви. Худди отасидай дилкаш инсон.

Ишқилиб болага отадан нимадир қолар экан-да. Арслон амаки отасининг дилкашлигини олиб қолган.

Бироз савол-жавоб, ҳол-аҳвол суриштиргач, у ҳикоясини бошлади.

– Отамиз ўлди. Уни ўлади деб ҳеч ўйламабмиз. Назаримизда, ҳеч ўлмайдигандай эди. Онамиздан тортиб, укалару қариндош-уруғлар ўксиниб йиғлашади. Мен дарров ўзимни қўлга олдим. Кундуз йиғламадим. Ҳаммани юпатиб турдим. Лекин, окшом тушиши билан, отамни йўқлаб, туни билан кўз ёшимни тиёлмасдан йиғлаб чиқдим. Туни билан кўз ёшларимга эрк бериб, эртасига ҳеч нима бўлмагандай юраман. Бошқа иложим ҳам йўқ эди-да.

Асидан оқил туғилганига нима етсин. Ўлмайдиган ота борми?! Муҳими – отанинг маросимларини муносиб тарзда ўтказиш, марҳумнинг ортида қолган жигарларини сабрли ва иродали бўлишга чақира билишда. Арслон оға шу йўлни танлади!

Оға ҳикоясини давом эттиради. Ҳаяжонланиб, тўлқинланиб, қаердалигини ҳам унутиб, жўшиб гапиради! Гар тингловчи бўлмаса – сўз етим. Лекин, Собит Муқонов ҳақидаги ҳикоя бўлса, қанча бўлса ҳам, уни ким айтса ҳам тинглайвераман, тинглайвераман...

– Отам мўъжиза билан тирик қолган, – дейди Арслон Собит ўғли, – 1936 йилнинг бир куни отам болаларни – мени, Маратни машинасига ўтказиб олди-да, Шимолий Қозоғистонга жўнаб кетди.

Муса исмли бир туғишганимиз бўларди. Иш ахтариб, санғиб келганида, отам уни “орган”га жойлаб қўйди. Ўша яхшилик отамга бало бўлиб ёпишди. Устидан иш кўрди. Юрган-турганда изини пойлади.

Бир куни отамнинг Тўрғай томонларга “ижодий” сафар билан кетаётганини билган бир йигит “Мениям ола кетинг” деб ёпишди. Отам, кўнгилчан одам эмасми, “майли, ўтирақол” – деди. Шундай қилиб, Сариарқага йўл олдик.

Неғалигини билмадим, отам машинани кўпчиликнинг назаридан йироқ, эл яшамайдиган овлоқ жойлардан юргизди. Баъзан қум оралаб юрамиз.

Оқтепа билан Тўрғай оралиғида бир жойга келганда, машинамиз қумга ботиб қолди. Мен жон-жаҳдим билан отамга етиб юришга тиришаман, отам кичкина Маратни кўтариб олган. Юриб келяпмиз. Чанқоқдан томоқлар қуриша бошлади. Сафарда бизга шерик бўлган йигит қаёққадир ғойиб бўлди. Ҳолдан тойиб, бир саксовулнинг соясида умидсизланиб ўтирганимизда, йироқдан итнинг хуриши эшитилди. Отам қувониб, ўрнидан турди-да, ит хурган томонга қараб, биримизни етаклаб, биримизни кўтариб, йўлга тушди. Ўлдим-толдим деганда, қум барханлари орасида қозоқнинг кигиз ўтовга кўзга ташланди. Унга бир амаллаб, судралиб, гандирақлаб етиб бордик.

Узоқдан қорамизни кўрган ўтов эгаси бизга қараб юрди. Қора мўйлов, қорачадан келган, девсифат киши экан. Хотини қозон-ўчоқ ёнида турибди.

Уй эгаси бизни қовоғидан қор ёққан ҳолатда қарши олди. Ўтовга яқинлатгиси йўқ. “Чақирилмаган кўноқмиз” деган гапни қулоғига иладиган одам эмас. Отам хафа бўлди. Кичкина Марат “сув” деб йиғлай бошлади.

Шу пайт бир кичкина қизча ўтовдан чиқди-да, онасининг ёнига югуриб бориб, нимадир деди. Аёл қўлларини кўйлагининг этагига арта туриб, ёнимизга жадал юриб келди. Келди-да:

– Сиз Собит Муқоновмисиз? – деди.

– Ҳа.

– Манов қизим панжара орасидан сизни кўриб, китобдаги суратингизга ўхшатибди.

– Тўғри айтибди. Мен – Собит Муқоновман.

– Вой, жигар-и-им!

Аёл отамнинг елкасига бошини қўйиб, йиғлаб кўришди. Эр эса анграйиб қолди. Билсак, гап бундай экан: ҳалиги қорачадан келган қовоғи солиқ киши дордан қочган қароқчи экан. Юртига сиғмабди. Хотини эса, биз билан уруғдош чиқиб қолди. Қароқчида инсоф борми, бировнинг навнихол қизини босиб олиб, мана шу қум орасига олиб келиб, яшай бошлабди. Аёл фарзандлик бўлибди. Туғишганлари билан

юз кўришмас экан. Соғинади. Зерикади. Қочиб кетай деса, эридан кўрқади. Қум орасида чўпонлик қилади, деб ўйлаган йигити қарокчи бўлиб чиқибди. Аёлнинг неча йиллар бадалида биринчи кўрган туғишганлари – биз... Шўрлик аёл йиғламай, ким йиғласин? Илгари қандайлигини ким билсин-у, ишқилиб бу сафар опа бошқача, ўктам сўзлаб, эрига гапини ўтказиб, бизларни ўтовга киритди, мол сўйғизди, қозон осиб, бизни югуриб-елиб меҳмон қилди.

– Қаёққа кетяпсизлар?

– Шунчаки юрибмиз. Ота-онамнинг бошига болаларимни олиб бориб қайтсам, дегандим.

Ўтовда бир ҳафта ётдик. Ёлғиз кигиз ўтовдан бошқа бу атрофда қимирлаган зог кўринмайди. Уй эгалари оғирсинмасдан, иззатимизни ўрнига кўйишди. Бир куни машинанинг гуриллаган овози эшитилди. Югуриб, машинанинг йўлини тўсдик. Қозоғистон Фанлар академиясининг этнографик экспедицияси экан. Машинамизга мой куйиб беришди. Биз юрадиган бўлдик. Отамга меҳри тушиб қолган қора киши:

– Собит, йўлингга бирор нима керакми? – деб сўраб қолди.

– Ҳеч нима керакмас, бир ҳафта кўнок бўлиб ётдик, раҳмат.

– Нима зарур бўлса, тортинмасдан айтавер.

– Э, Ботир оға, нимага тортинаман. Очиғини айтсам, ханжардай йигит экансан, манов пичоғингни берсанг, уни ҳар кўрганимда сени эслаб юардим.

– Мана шу ёмон пичоқни айтаяпсанми?

Биз Тўрғай томон юриб кетдик. Ўша йили бобом Муқон билан бувим Балсари қабрларининг бошига бордик. Отам менга:

– Манов сенинг бобонг билан бувинг ётган ер. Замону шароит қандай бўлмасин, унутмасдан эслаб юргайсан, – деди. Отамнинг ўша йилги сафари, ҳаракатлари ҳаммаси менга қандайдир сирли туюлди. У сафарга ота-онаси билан хўшлашгани чиққандай туюлди. Биз ёш эдик. Тушунмаганмиз-да.

Лекин, ўша сафар пайтидаги кўп воқеалар, отамнинг ўйчан қиёфаси, гаплари хотирамга ўша ҳолатда муҳрланиб қолган. Айниқса, бир манзара кўз ўнгимдан кетмайди. Бобом қабри устидан бир туп қамиш, бувимнинг ҳам қабри устидан бир туп қамиш ўсиб чиққан экан. Иккала туп қамишни отам авайлаб қирқиб олди. Ўрнига йилқининг илик суягини топиб, белги қилиб қўйди. Олмаотага келгач, ҳалиги қамишлардан икки най ясатиб, чалиб юрди. Онамга: “Ота-онам қабридан ўсган қамишнинг бири – мен; бири – сен. Бизга ҳозир ўлим йўқ. Най бўлиб, куй чалиб яшайверамиз” – дерди. Ҳалиги пичоқни отам қорачадан келган кишидан эсдалик, деб кўп вақтгача эҳтиётлаб юрди.

...Кейин билдик. Ўшанда отам ўзига тобора яқинлашаётган хатардан чўчиб, бирмунча вақт яширинишни ўйлаган экан. Ҳали бошимга қандай кунлар тушаркин, деб ота-онасининг руҳи билан хўшлашиш, уларнинг қабрлари зиёрати учун борган экан. Энди билдим, ўшанда бизга тасодифан дуч келиб, сафаримизда бирга бўлган, машинамиз қумга боғганда ном-нишонсиз йўқолган йигитнинг исми – Ғайса бўлиб, НКВД ходими экан. Отам ўзи ишга жойлаштирган туғишгани Муса уни айғоқчи қилиб бизнинг изимиздан жўнатган...

...Тун ярмидан ошди. Арслон амаки ҳикоясини яқунлади. Болалик хотирасига ўрнашиб қолган бир кўриниш, бир манзара. Ҳикояга фарзанднинг отага бўлган меҳри ва соғинч хислари ҳамоҳанг эди. Ҳикояни унсиз тинглар эканман, кўнглимдан “ҳаёт бунчалар бешафқат бўлмаса?” – деган фикр ўтди. Адибнинг бировга қилган яхшилиги, ўзига ёмонлик бўлиб қайтди. Кўрқинчли замон. Сарсонликда халак бўлган буюк ёзувчи. Бунчалар бешафқатсан, замона?!...

*Қозоқ тилидан
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛ таржимаси*

ЮЛДУЗЛАР СУҲБАТИНИ ТИНГЛАГАН ДАҲО



*Сафарга отландим бир ўзим танҳо;
Туманли йўлимда ярқирар тошлар.
Тўн жимжит. Тангрини тинглайди саҳро,
Юлдуз юлдуз билан сўзлаша бошлар.*

Михаил Лермонтов

Россия тарихида Пётр I тутган мавқе ниҳоятда баланд, унинг рус давлатчилиги тараққиётига таъсири жуда катта. Лекин бу таъсирга рус тарихчилари ва зиёлилари аксарият ҳолларда бирёклама ёндашадилар: уни мутлақ ижобий баҳолайдилар. Камдан-кам ўринлардагина биз илк императорнинг Россия учун кўрсатган салбий таъсири ҳақидаги фикрларни учратамиз. Пётрнинг ижобий таъсири шундаки, у Россиянинг жаҳон маданияти билан боғланишини таъминлади, умумқабул қилинган фикрга кўра, “Оврўпага дарча очди”. Унинг даврида Россия қудратли денгиз флотига эга бўлган давлатга айланиш жараёнини бошлади, Фанлар Академияси тузилди, янги пойтахт “Шимолий Пальмиро” – Санкт-Петербург шаҳри қурилди ва ҳоказо. Дарҳақиқат, улуғ подшо кенг миқёсли ислохотларни амалга оширди, Россияни чинакам тараққиёт йўлига олиб кирди. Аммо унинг Россия ва руслар тақдирига салбий таъсири ҳам улкан эди. Пётр динни давлатга бўйсундирди: Синод тузилди ва у тўлалигича император хизматига ўтди, черков руҳонийлари давлат хавфсизлик хизмати айғоқчиларига айланди, тазарруга келган насронийларнинг сиёсий қарашлари ҳақида қашишлар ва поплар махсус ташкилотга мунтазам ахборот бериб турадиган бўлди. Натижада, диннинг демократик таъсири, барча насронийларнинг тенглиги ақидаси йўққа чиқарилди, халқ орасида унга ишонч тобора камайиб борди, аста-секинлик билан художўй рус мужиги, бирваракай “ҳам фаришталик, ҳам шайтонлик” йўлига ўтди. Шундай қилиб, Пётр баъзи рус мутафаккирларининг фикрига кўра, Дажжолга айланиб, диннинг моҳиятини бузиб юборди. Кейинчалик бу маънавий оғрик, улкан йўқотиш бадий асарларда ўз аксини топди. XX асрда Алексей Толстойнинг Пётрни улуғлайдиган “Улуғ Пётр” романи, Марина Цветаеванинг “Пётр ва Пушкин” шеъри сингари кўпгина асарлар билан бир қаторда эмиграцияда яшаган улкан рус мутафаккир ёзувчиси Дмитрий Мережковскийнинг буюк подшони танқид остига олган “Дажжол” романи яратилди. Бундай қарашлар шеърятда ҳам ўз аксини топди. Шўролар турмасида антисовет сифатида саккиз йил ўтирган ва мустабид тузум инқирози пайтидагина юзага чиққан, кейинчалик РСФСР Давлат мукофоти билан тақдирланган атоқли рус шоири Борис Чичибабиннинг “Новый мир” журналида (1989 йил, 7-сон) босилган “Минг лаънат сенга, эй улуғ Пётр...” деб бошланадиган “Пётрга лаънат” шеърини мисол тариқасида келтириш мумкин. Унда муқаддас Русни “Етти қават ер остига кўмиб ташлаган, бошларни қиличдан ўтказган шафқатсиз ва худосиз подшо” ҳақида гап кетади, у Дажжол сифатида талқин этилади. Пётр амалга оширган энг салбий ишлардан яна бири шуки, унинг даврида бутун Россияда ҳарбий-полиция тузуми ўрнатилди, ҳамма губерниялар ва уездларда бошқарув жандармерияларга суянган ҳарбийлар қўлига ўтди. Россия улкан полиция маҳкамасига айланди, ҳар қандай эркинлик, хурфикрлилик жуда қаттиқ таъқиб остига олинадиган бўлди. Романовлар сулоласи, кейинги рус

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

подшоларининг ҳаммаси шу бошқарув усулига қатъий амал қилдилар. Энг ёмони шунда эдики, улар Пётрнинг асосан ана шу салбий жиҳатларини дастуриламал қилиб олдилар ва улуғ подшонинг улуғ ислохотларни амалга оширганини унутиб, фақат унинг улуғ давлатчилик шовинизмига йўғрилган мустамлакачилик сиёсатини устувор санадилар. Шундай қилиб, Россия қадимги Юнон-Рум асо-тирларидаги маъбуд Сатурнга айлантирилди. Сатурн ўз болаларини туғилиши биланок, бир кун менга қарши бош кўтармасин деб ямлаб-ютиб юборарди. Россия ҳам ўз буюк фарзандлари билан шу тахлит муносабат қиларди. Тарихга назар солсак, не-не буюклар фожиасини кўриш мумкин: Пушкин, Лермонтов отиб ўлдирилди, Николай Чернишевский устидан қатл маросими ўтказилди, Достоевский олдин ўлимга ҳукм қилинди, кейин ўлим жазоси сургун билан алмаштирилди, Толстой номига Россиянинг барча черковларида лаънат ўқилди ва у черковдан қувғин қилинди. Рус подшоҳлари ичида “Қассоб” лақабини олган Николай I озодлик учун кўтарилган Польшани мисли кўрилмаган жаллодлик билан қонга ботирди. Буюк истеъдод эгаси, даҳо шоир, ёзувчи, драматург Михаил Юрьевич Лермонтов ана шу зolim подшо даврида фаолият кўрсатди ва сургун ерида дуэль баҳонасида ўлдирилди.

Михаил Юрьевич Лермонтов 1814 йили 15 октябрда Москва шаҳрида дунёга келди. Онадан етим қолган Миша бувисининг тарбиясида катта бўлди ва 14 ёшида Москва университетининг пансионига ўқишга кирди. Пансиондан тўғри университетга ўтди. Лекин талабаликнинг иккинчи босқичида хурфикрлиги, демократик ўзгаришлар тарафдори бўлгани ва подшопараст профессорлар билан келишмагани учун “университет низомини бузди” деган баҳона билан талабалар сафидан чиқарилди. Кейинги йил Санкт-Петербург университетига кирмоқчи бўлди, лекин уни ўқишга қабул қилмадилар, у – жандармерия назорати остидаги “ишончсиз” ёшлардан эди. Шундан сўнг Лермонтов юнкерлар мактабига киришга мажбур бўлди. Аммо унинг севган соҳаси адабиёт эди. Унинг илк шеърлари 1828 йилда ёзилган. Дастлаб “абадий мавзу”ларда шеърлар ёзган Лермонтов тез орада кучли ижтимоий руҳ билан йўғрилган, ёшига нисбатан фавқуллодда маҳоратга эга оташин шоирга айланди. Унинг тили содда, гўзал ва халқона эди, бу тил шоир услубининг шаклланишида катта роль ўйнади. Лермонтовнинг “Елкан”, “Бородино”, “Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Калашников ҳақида қисса”, “Ватан”, “Мцири”, “Уйлар”, “Баллада” каби асарларида халқона руҳ ва айни пайтда инсонпарварлик, ватанпарварлик, эрқпарварлик ғоялари гўзал бадий шаклларда намоён бўлади.

Уша пайтларда, XIX асрнинг 30-йилларида Оврўпа адабиётида буюк англиз шоири Жорж Байроннинг таъсири жуда кучли бўлиб, Байрон руҳи қалбу ақлларни эгаллаган, барча эътироф этганидек, Ер юзи бўйлаб байронизм бўрондек эсиб ўтган эди. Гёте, Ҳайне, Бальзак, Стендаль, Ҳюго сингари буюклар байронизмни қабул қилган, ҳатто Гёте “Дон Жуан”дан катта бир парчани олмончага ўгириб, эълон қилдирган. Рус адабиётида эса, Пушкин ва Лермонтов байронизм мактабининг буюк вакилларига айланган эдилар. Улар Байрон ижодидаги эркинлик, инсонпарварлик ғояларини, унинг шахсан мустамлакачиликка қарши олиб борган курашларини ўзлари учун мактаб деб билардилар. Лермонтов Байрон билан айрича бир яқинликни, руҳан бирдамлик туйғусини чуқур ҳис қиларди, унга қондошлигини интиутив тарзда сезиб турарди. Шу боис, ўзини у Байронга қиёслади, рус Байрони деб атади:

*Йўқ, Байронмас, ўзга инсонман, –
Хали ҳеч ким билмаган даҳо,
Гарчанд қалбим русники, аммо,
Унинг каби саргашта жонман.*

Бундан салкам ярим аср мукаддам “Советская культура” газетасида Лермонтовнинг Байронга она томонидан узоқ қариндошлиги борлиги тўғрисида маълумот берилган эди. Дарҳақиқат, Лермонтов шажараси хусусида икки хил фикр мавжуд. Ҳар икки фикр ҳам ривоятга бориб тақалади. Биринчисига кўра, Испанияни араб-

¹ Лермонтов М. Ю. Сузиб борар оппоқ бир елкан. Т., “Ўзбекистон”, 2011, 70-б. Абдулла Шер таржимаси.

лар босиб олгач, улардан қочиб Шотландияга келиб қолган аслзода граф Лерма шажаранинг асосчиси ҳисобланади, бу борада Михаил Лермонтовнинг ўзи чизган “Бобокалон Лерма” деган суврати ҳам бор. Иккинчи фикр Лермонтовлар шажарасининг ибтидосида “Тристан ва Изольда” романининг энг қадимги вариантини яратган шотланд шоири афсонавий бард Томас Лермонт туришини таъкидлайди. Лермонтларнинг бир авлоди – Жорж Лермонт ўз бахтини синаш учун Россияга келади ва подшо томонидан рус аскарларини ҳарбу зарб санъатига ўргатадиган зобит қилиб тайинланади, унга Булга – Волга дарёси ортидаги жойлардан ер (поместье) ажратиб берилади. Шундай қилиб, Лермонтлар рус дворянига айланадилар. Руслашиб кетган Лермонтлар кейинчалик Лермонтов фамилиясини оладилар. Байрон эса, маълумки, она томонидан Скотланд – Шотландия қироли Иаков I Стюартга қариндош. Демак, иккинчи фикр ҳақиқатга яқин – Лермонтов шажараси Лермонтлар оиласига бориб тақалади. Улар томирида эса шотланд қироллари қони оқарди. Михаил Лермонтовдаги ҳеч бир рус шоирида учрамайдиган байронча дадиллик, кескинлик, маълум маънода радикал демократизм эҳтимол ана шу қондан ҳам ўтгандир.

Шундай қилиб, бир томондан Байронни, иккинчи томондан эрксевар Пушкинни устоз деб билган ёш Лермонтов кичик халқларни ўзига бўйсундиришга, улар ҳудудларини босиб олишга қаратилган чор Россияси ташқи сиёсатига ва рус халқининг озодликка интилиши ҳамда шахс эркини бўғишга йўналтирилган ички сиёсатига нафрат билан қарарди. Сатурн-Россия ва унинг подшоси сиёсати билан ҳар қандай келишувчанликни инкор этарди ва бу борада Пушкиндан анча илгарилаб кетган эди. Чунончи, Пушкин “Дўстларимга” шеърида бундай сиёсатга подшо айбдор эмас, унинг атрофидаги маслаҳатгўйлари ёмон, уни ёмон йўлга ҳушомадгўйлар бошламоқда қабилдаги мисраларни тизади, “Россияга тўхмат қилувчиларга” шеърида эса, эрксевар Польшани қонга ботирган Николай Қассоб қилмишларини сифоришлаб ўтишга уринади, Польша қирғинини славянларнинг оилавий жанжали деб атайди, рус шовинизмини, чоризмнинг босқинчилик сиёсатини жаҳон афкор оммаси кўзи олдида оқлашга ҳаракат қилади. Лермонтовда, Пушкинда гоҳ-гоҳ учраб турадиган бундай заифлик, “қўнгли бўшлик” йўқ, у Байронга ўхшаган ниҳоятда кескин хатти-ҳаракатлар қилади. Петербургдаги баллардан бирида танишмоқчи бўлиб яқинлашаётган подшонинг кизидан юзини буриб, ўзини четга олади. Бу билан у ўзининг сарой аҳли, подшо оиласи билан ҳеч қачон ҳеч қандай алоқа қилмаслигини кўпчилик олдида очикчасига намоиш этган эди. Ҳа, Лермонтов Сатурн подшодан нафратланарди. Шу боис биринчи марта “Шоирнинг ўлими” шеъри ва иккинчи бор “Замонамиз қаҳрамони” романи учун Кавказга сургун қилинган буюк шоир бу қисматни нафрат аралаш алам билан қабул қилади:

*Алвидо, ювуқсиз Россия,
Қулдорлару қулларга макон!
Алвидо, эй, кўкиш мундирлар
Ва уларга содиқ оломон.*

*Балки мени Кавказ тоғлари
Шоҳларингдан яширгай бирпас:
Эшитолмас динг қулоқлари,
Ўқдек кўзи кўрмас эҳтимол .*

Аслида Лермонтов Ватанини, Россияни дил-дилдан севади. Лекин бу севги, ўзи айтганидек “бошқача”, кўпчиликниқига ўхшамайди. Унда подшопарастлик, шовинистик ғурур, босқинчилик ғалабаларидан фахрланиш туйғулари йўқ. Шоир ўз Ватанини озод ва “қонлар тўкилиб топилган шухрат”дан холи кўришни истади, уни рус халқининг тинч меҳнат шодликлари, миллий байрамлари мафтун этади:

*Кўплар сезмас, мен-чи: хурсандман –
Хирмонларни бўлуз кўрганда,*

¹ Ўша китоб. 72-б. Абдулла Шер таржимаси.

*Похолли томларга дилбандман,
Менга ёқар ўйма дарпарда.*

*Байрам чоги, шудрингли кеча
Боқсам дейман ярим тунгача, –
Ҳуштак билан рақс нағмасигар,
Маст деҳқонлар ҳангомасига .*

Ҳа, Лермонтов Россиянинг Кавказдаги голибона урушини кўргани кўзи йўк эди. Аммо қисмат уни зобит сифатида ана шу урушда иштирок этишга мажбур қилди, унга истеъфога чиқиб, адабиёт билан шуғулланиш учун рухсат беришмади. Шоир ҳарбий хизматга қасамёд қилган зобит сифатида бу урушга бўлган нафратини очиқ намоён эта олмас эди. Шу сабабли у норозилигини билвосита тарзда – мустамлакага айлантирилаётган Кавказга муҳаббат кўринишида акс эттирарди. Бу муҳаббат шоирнинг қатор шеърларида, дostonларида, насрий асарларида ҳам намоён бўлди ва Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши исёнга айланди. Қуллик занжири билан кишанбанд қилинаётган Кавказга ачиниш шоир қалбини поралайди, ҳали Кавказдан олисда эканидаёқ бу юртнинг қисмати уни изтиробга соларди:

*Эй Кавказ, эй, олис диёр,
Тўпори эрк макони!
Бахтсизликка бўлибсан ёр,
Бўяпти уруш қони!..
Эрка азиз бўлган мақон
Ҳалокдир эрк йўлида .*

Шу боис Лермонтовнинг энг гўзал дostonлари Кавказ мавзуйига бағишланди: “Кавказ асири”, “Исмоилбей”, “Ҳожи Абрек”, “Мцири” “Бостунчи овули”, “Қочкин” ва “Демон” шулар жумласидан.

Хуллас, Лермонтов икки ўт ўртасида яшади: Россияни Ватан сифатида жондан севди, лекин унда ҳукмронлик қилган “қуллар ва қулдорлар” жамиятидан нафратланди. Бу нафрат туйғуси насрий ва драматик асарларида ҳам ўз аксини топди. Унинг “Вадим” қиссаси, “Никоб базми” драмаси, “Замонамиз қаҳрамони” романи ана шу мунофиқлар жамиятининг, бошқаларни кул қилиши баробарида ўзи кулга айланган жамиятнинг шахс эркинлиги ва миллат равнақи учун нақадар душман эканини фош этади. “Никоб базми”даги князь Арбенин асли ор-номусли, ақлли, шафқатли инсон. Лекин сирти ялтироқ – ичи қалтироқ жамият, мунофиқликни маънавий одат қилиб олган киборлар давраси унинг ҳаётини заҳарлайди. Ҳалол, ор-номусли Арбенин охир-оқибат қотилга айланади. Драмадан чиқадиган хулоса шуки, Петербург киборлар жамияти ўзидан бир бош баланд турадиган ҳар бир шахснинг бошини ейди, уни оёқости қилишга, ҳалокатга маҳқум этишга уринади, ундан қақшатқич ўч олади.

Лермонтовнинг шоҳ асари бўлмиш “Замонамиз қаҳрамони” романида ҳам жамият ва шахс муносабатлари асосий ўринни эгаллайди. Ундаги бош қаҳрамон Печоринни Оврўпа адабиётидаги машҳур бадиий қиёфалар тизимининг давоми дейиш мумкин: Шатобрианнинг Ренеси, Гётенинг Вертери, Байроннинг Дон Жуани, Бальзакнинг Растиньяки, Пушкиннинг Онегини унинг салафларидир. Печорин ақлли, билимли, истеъдодли, соғлом, иродаси кучли инсон, лекин у ўзидаги бу фазилатларнинг бирортасини рўёбга чиқариш учун мавжуд жамиятда имкон тополмайди, умрини буюк ишларга бағишлаш ўрнига “эрмакка pista чакиш билан шуғулланади”, контрабандистларга алданади, қарга ўйини, аёллар, дуэллар билан вақтини ўтказди. Унинг ўзи ёш, лекин ҳаётга, ҳамма нарсага бефарқ, қалбан қариган. Бундай қисматни Байрон “Дон Жуан” шеърини романида қуйидаги аччиқ аламли сатрлар билан шундай ифодалайди:

¹ Ўша китоб. 18-б. Мақсуд Шайхзода таржимаси.

² Лермонтов М. Ю. Танланган асарлар, I том. Т., Ўздавнашр, 1955, 58-б. Ҳамид Ғулум таржимаси.

*Ҳозир ўттиздаман, аммо сочда оқ...
 Сураган ёшман-у, сийраган мен – чол,
 Ҳали Май тугамай ёзим ўтди, боқ,
 Жангари бўлмогим энди кўп маҳол.
 Умрим сармоясини энди – фойизсиз,¹
 Ўзимни енгилмас санаши жойизсиз.*

Лермонтовнинг “Ўйлар” шеърисидаги мана бу замондош – замон қаҳрамони ёзилажак романдаги бош қаҳрамон Печорин киёфаси учун чизгилар эди:

*Замондош наслимга қарайман ғамгин,
 Унинг келажаси – нурсиз, шарафсиз...
 Яхши-ёмонликка бешарму бефарқ,
 Умр бошидаёқ жангсиз сўлармиз...
 Севгимиз – тасодиф, нафратимиз ҳам,
 Йўлда ҳеч нарса қилмаймиз қурбон.
 Қонда ёшлик ўти қайнаб турган дам,²
 Сирли бир совуқлик қалбда ҳукмрон...*

Печорин замон учун “ортиқча одам”. Замон печоринларни ёқтирмайди, чунки, улар замондан баланд турадилар. Шунинг учун ҳам айнан ана шу “ортиқча одамлар” ўз замонасининг ҳақиқий қаҳрамонларидир, улар замонни олға етаклаш қудратига эга, бироқ замон уларни ўз темир исканжасига олиб ҳалок қилади: шунча билим, юксак ақл-идрок, фаоллик, маънавий қудрат беҳудага сарф бўлади. Шундай қилиб, “Замонамиз қаҳрамони” романи “ортиқча одамни” эмас, замонни ўзгартириш ҳақидаги ғамгин маънавият кўшиғига айланади.

Романдаги бу бош ғояни илғор фикрли кишилар хурсандчилик ва қониқиш билан, ҳукмрон доиралар эса ғазаб билан кутиб олдилар. Ўзини Пушкин асарларининг цензори деб эълон қилган ва Лермонтов асарларига ҳам цензорлик кўзи билан қараган подшо Николай I эса, “Замонамиз қаҳрамони”ни диққат билан ўқиб чиқиб, киноя аралаш ғазабда шундай деб ёзган эди: “Мен “Қаҳрамон”ни охиригача ўқиб чиқдим ва унинг иккинчи қисмини ўта расво, модага айланиб кетиш учун тайёр нарса деб биламан. Бу ҳам ҳозирги романларда учратадиганимиз – жирканч характерларнинг бўрттирма тасвиридан бошқа нарса эмас... Шундай қилиб, мен ишонч билан айтаманки, бу – муаллифнинг каттагина бошибузук эканлигини кўрсатадиган ва ҳеч нарсага арзимайдиган китоб... Оқ йўл, жаноб Лермонтов! Бир бошини тозалаб келсин!...”³ Сатурн-Россиянинг подшоси ана шу тахлит Лермонтовни иккинчи бор Кавказга, энг оғир жанглари олиб борилаётган жойдаги Тенгин пиёдалар полкига сургун қилди. У ерда шоир, замондошларидан бири айтганидек, “Дантеснинг нусхаси пасткаш Мартинов” томонидан дуэлда номардларча отиб ўлдирилди ва унинг жасади кечгача ёмғир остида қолиб кетди. Черков кўмиш маросимини ўтказишдан бош тортиди. Бу хабарни эшитган Николай хурсандлигини яширмади: “Итга ит ўлими!”, деди у, бу ёвузликдан қониқиш билан.

Илғор рус зиёлилари шоир ўлимини мисли кўрилмаган улкан қайғу, Россиянинг фожиаси сифатида қабул қилдилар: мустабид Россия ўзининг яна бир даҳо фарзандининг бошини еган эди. Ҳа, Лермонтов, ёш кетишига, йигирма еттига тўлмай ҳалок бўлганига қарамай, том маънодаги даҳолик даражасига кўтарилди олди.

Лермонов ҳақида гап кетар экан, яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу – унинг Пушкинга тақлиди масаласи. Дарҳақиқат, бу бор гап, Лермонтов учун Байрон ва Пушкин, айтиб ўтилганидек, намуна эди. У Пушкинни ниҳоятда севарди, дастлаб унга тақлидан шеърлар ёзгани ҳам маълум. Бироқ бу тақлид буюк шоирга оддий эргашиш эмасди, унинг йўлидан бориб, янги йўлни, уникадан ҳам кенгроқ, каттароқ йўлни очишга интилиш эди. Зеро, ҳар қандай ижодкор ўз йўлини тақлиддан бошлайди, ҳамма гап ўша тақлид даражасида қолиб кетмасликда. Лермонтов Пушкинни давом эттирган ва ундан-да юксакликка кўтарилди билган даҳо эди. Тадқиқотчилар кўпинча “Уч хурмо” шеърини

¹ Байрон Ж. Г. Ушалмаган орзулар. Т., «Ўзбекистон», 2011, 146-б. Абдулла Шер таржимаси.

² Лермонтов М. Ю. Сузиб борар олис бир елкан, 25-26-б. Асқад Мухтор таржимаси.

³ Селегей П. Домик Лермонтова. Ставропольское книжное издательство, 1974. С. 108.

Пушкиннинг “Қуръондан иқтибос” шеърини туркумига тақлид дейишади. Тўғри, бу туркум Лермонтовга таъсир қилгани шубҳасиз, лекин у Пушкин ўз шеърида илгари сурган ғояни яна ҳам юксакроқ даражада акс эттиради. Чунончи, Пушкин туркумда Аллоҳ кудратининг тенгсизлиги ва карамининг чексизлигини бадийий акс эттиради: Аллоҳ бутун оламни ҳар сонияда ўз измида тутиб туради, истаса ёш одамни – кекса, кексани – ёш қилиб қўя олади... Лермонтовда эса, Аллоҳ шу кудрат билан биргаликда одил ва раҳмдил, трансценденталь ҳақиқат соҳиби: адолагли, шафик бўлгани учун ҳам У узок вақт дурмолару булоқ бошига одамларни йўлатмайди. Бундай олий адолатни тушунмай, Яратгандан норози бўлган хурмолар охир-оқибат одамзод қўлида ҳалок бўлади. Айни пайтда “Уч хурмо”, инсон фалсафасини ўртага ташлаган фалсафий шеър сифатида ҳам “Қуръондан иқтибос”га нисбатан олға ташланган қадамдир. Ёки “Вадим” қиссаси Пушкиннинг “Дубровский” сини эслатишини олайлик. Ҳақиқатан ҳам шундай: ҳар икки қиссада хўрланган ота учун қасос олишга уринган фарзандлар бош қаҳрамонлардир. Лекин, биринчидан, “Вадим” ёзилганида ҳали “Дубровский” чоп этилмаган эди. Иккинчи томондан, Дубровский қароқчилик тўдасига бошчилик қилади, Вадим эса халқ қўзғолонини уюштиришга уринади: Лермонтов Вадимининг ижтимоий ҳаракат доираси Дубровскийникига нисбатан миқёсли.

Бу икки даҳо шоирнинг яна бир ўхшашлик жиҳати шундаки, улар Жорж Байрон изидан бориб, “Шарқ дostonлари”ни яратадилар. Лекин ҳар икки “Шарқ дostonлари” солиштирилганда, шуни аниқ кўриш мумкинки, Пушкин эркин Кавказни ва Кавказ эркини маълум маънода романтик-экзотик нуқтаи назардан тасвирлайди. Лермонтовда эса, Кавказга, ўз озодлиги учун курашаётган халқларга реал муҳаббат ва хурмат биринчи ўринда туради. Мисол учун Пушкиннинг тугалланмаган “Тазит” дostonи билан Лермонтовнинг “Қочкин” дostonини солиштириб кўриш ўринли. Тазит жанговорликни ёқтирмайди, у тинч, севгилиси билан бахтли яшашни хоҳлайди. Шу туфайли қон тўкишни истамайди, ҳам ўз отаси, ҳам севган қизининг нафратига учрайди. Пушкин дostonда Кавказни тинчликка қақиради, унинг тағ-заминида, унчалик яққол бўлмаса-да, кавказликларни тақдирга тан беришга ундаш ғояси илгар-илғамас кўзга ташланади. Лермонтовнинг “Қочкин”идаги Ҳорун ҳам жанг қилишни истамайди, у рус босқинчиларига қарши курашган отаси билан акасининг жасадини жанг майдонида қолдириб, интиқом олиш ўрнига қуролини ташлаб қочади. Аммо Лермонтов уни оклашга интилмайди, аксинча, Ватан учун жангдан қочган инсон нафратга сазовор, деган ғояни илгари суради: “Қочкин”даги Ҳорун беватан дайдига айланган инсон, бир умрлик дарбадарликка маҳкум, онасию ватандошлари лаънатига учраган номард тоғлик. Шундай қилиб, Пушкин Тазитнинг сезилар-сезилмас “ёнини олса”, Лермонтов Ҳорунга очикчасига тавқи лаънат тамғасини босади. Бу ўрнида ҳам, кўриниб турибдики, Лермонтов Кавказ халқлари миллий озодлик курашининг тарафдори сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу фикрларимиз қандайдир маънода Пушкинни камситиш, уни Лермонтовдан куйи ўринга қўйишга уриниш эмас. Асло. Ҳар бир миллий адабиётнинг ўз асосчиси бўлганидек, Пушкин ҳам рус адабиётининг том маънодаги асосчиси эди ва шундай бўлиб қолади. Тўғри, ун-гача Третьяковский, Херасков, Сумороков, Ломоносов, Державин, Жуковский, Батюшков сингари шоирлар рус адабиётини умумславян адабиётидан ажралиб чиқишида катта хизмат қилдилар. Тимсолли қилиб айтганда, улар Пушкиннинг пайдо бўлиши учун майдон яратдилар. Пушкин эса, ўша майдонда ўз асарлари билан олтиндан пойдевор қурди. Лермонтов, Толстой, Некрасов, Блок, Есенин, Пастернак, Цветаева, Ахматова – рус адабиётининг барча буюклари ва кунни кеча бизга замондош бўлган Николай Рубцов, Юрий Кузнецов сингари улкан истеъдод эгалари ҳам ана шу пойдевор устида ўз гўзал биноларини қурдилар. У бинолар қанчалик маҳобатли, қанчалик ҳашаматли ва гўзал бўлмасин уларга доимо олтин пойдеворнинг шуъласи тушиб туради. Буни ўз вақтида тушуниб етган улуғ мутафаккир В.Г. Белинский “Замонамиз қаҳрамони” ҳақида фикр юритар экан, Печорин ва Онегинни ўзига хос қиёслаб шундай деб ёзган эди: Лермонтовнинг Печорини... бу – замонамизнинг Онегини, замонамиз қаҳрамони. Уларнинг ўзаро ўхшаш эмаслиги Онега ва Печора оралиғидаги масофадан анча қисқа... Онегин

¹ Россиядаги қўл ва дарёнинг номлари (А.Ш.)

бадий жихатдан Печориндан қанчалик баланд бўлса, ғоявий томондан Печорин Онегиндан шунчалик баланд”¹. Бошқа бир ўринда Белинский бу фикрини шундай изоҳлаб беради: “Лермонтов романининг ғояси замирида ички инсон ҳақидаги муҳим замонавий масала ётади... Вокеликни теран ҳис қилиш, ҳақиқатни тўғри интуитив сеза билиш, соддалик, характерларнинг бадий тасвири, мазмун бойлиги, тенгсиз ифода гўзаллиги, шоирона тил, инсон қалби ва замонавий жамиятни чуқур билиш, мўйқаламнинг микёсийлиги ва дадиллиги, рухнинг кучи ва қудрати, бой ва гўзал ҳаёлот, эстетик ҳаётнинг туганмас мўллиги, табиий ўзига хослик ва оригиналлик – бутунлай янги бир санъат дунёсини намойиш этадиган ушбу асарнинг сифатлари мана шу”².

Уша давр илғор рус танқидчилигида Пушкин ва Лермонтов даҳосини киёслаш, уларни бир-биридан фарқлаш алоҳида ўрин тутаяди. Чунончи, Белинский шундай деб ёзади: “Пушкин қалб ботинидаги ҳиссиётлар шоири, Лермонтов бешафқат ҳақиқат – фикр шоири. Пушкиннинг пафоси санъат доираси ичидаги санъат билан ҳегараланади; Лермонтов пафоси инсон шахсининг тақдири ва ҳуқуқи тўғрисидаги ахлоқий масалалардан иборат... Пушкин да назокат ва самимият қанчалик катта ўрин эгалласа, Лермонтовда жазиллатадиган кескир куч шеърнинг асосий сифати ҳисобланади: бу момоқалдиروقнинг қарсиллаши, қақиннинг яраклаши, қиличнинг сермалиши, ўқнинг чийиллаши”³.

Айни шу масалада буюк рус файласуфи ва танқидчиси Н.Г. Чернишевский анча кескин фикрлар билдиради. У ўзининг “Тоголь даври рус адабиёти очерклари” деб номланган, адабий танқиднинг фундаменталь намунасига айланган йирик мақола-тадқиқотида шундай деб ёзади: “У (Лермонтов – А. Ш.) Пушкинга ташқи-шақлий бўйсунидан жуда тез қутилди ва ўзигача бўлган барча шоирларга нисбатан, Пушкинни ҳам истисно қилмаган ҳолда, мисли кўрилмаган даражадаги оригинал шоирга айланди”⁴.

Кундаликларида эса, Чернишевский Лермонтов даҳосини Пушкиндан юкори кўяди. У бир суҳбат ҳақида фикр юритар экан,⁵ шундай деб ёзади: “Мен эса... Лермонтовни Пушкиндан баланд кўяман”⁶.

Тўғри, Чернишевскийнинг бу фикри баҳсли, зеро у кўпроқ Лермонтов асарларидаги ижтимоий залворни назарда тутаяди. Бошқа томондан, уни кундаликдаги нисбатан субъектив фикр дейиш мумкин. Лекин мазкур фикр Лермонтов даҳосини эътироф этиш нуктаи назаридан муҳимдир.

Дарҳақиқат, Лермонтов, айтиб ўтилганидек, Пушкиннинг тақлидчиси эмас, унинг янги поғонадаги давомчиси. Зеро, у Дантес ўқи билан йиқитилган Пушкиннинг қўлидан эрк ва шеърят байроғини олиб, уни янада баландроқ кўтарган даҳо, коинот билан сирлашишга мушарраф бўлган, юлдузлар суҳбатини тинглай билган мутафаккир шоир даражасига кўтарилди. “Замонамиз қаҳрамони”нинг учинчи нашрига ёзган тақризида Белинский роман ҳақида: “токи руслар русча сўзлашар эканлар, у яшайверади”⁶, деган эди. Буюк танқидчининг бу гапларини Лермонтовнинг барча асарларида бемалол тадбиқ қилиш мумкин. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, эндиликда Лермонтов фақат русларнинг эмас, барча эрк-севар халқларнинг севимли шоиридир, шу жумладан, биз ўзбекларнинг ҳам. Унинг даҳоси китобхонларимизни матонатли, номус-орли, миллат озодлигини, Ватан мустақиллигини, шахс эркини кадрлайдиган инсон бўлишга, шоир-ёзувчиларимизни эса, эрк учун, эзгулик учун, маънавият учун курашда дадиллик ва фаоллик кўрсатишга доимо чорлаб тураверади.

Абдулла ШЕР

¹ Белинский В. Г. Собрание сочинений в девяти томах. Т. 3. М., «Художественная литература», 1978. С. 146.

² Уша манба. С. 393.

³ Белинский В. Г. Собрание сочинений в девяти томах. Т. 5. С. 430.

⁴ Чернышевский Н. Г. Избранные философские сочинения. Издание в трех томах. Т. 1. Государственное издательство политической литературы. М., 1950. С. 542.

⁵ Чернышевский Н. Г. Избранные философские сочинения. Т. 3. С. 853.

⁶ Белинский В. Г. Собрание сочинений в девяти томах. Т. 7. С. 436.

АМЕРИКА: ОБАМАДАН ОЛДИН ВА KEYIN

2013 йилнинг 20 январида дунё халқлари АҚШни Барак Обаманинг яна 4 йил муддатга Оқ Уйга қайтадан кириб келиши ва қайта президент бўлиб сайланиши билан табриклади. Жаҳон аҳли демократия ва эзгулик сари яна бир қутлуғ кадам бўлади, дея умид билдирмоқда.

АҚШда мамлакат президенти-нинг умумхалқ сайлови тўрт йилда бир марта, доим аниқ бир кунда – ноябрь ойи илк ҳафтасининг биринчи сешанбасида ўтказилади. 2012 йилги сайлов кампаниясида бу кун 6 ноябрга тўғри келди. Америка оммавий ахборот воситаларининг дастлабки сайловолди рейтинги бўйича президентликка кўрсатилган тўрт номзоддан икки нафари – Барак Обама ҳамда Мит Ромнининг имкониятлари салмоқли бўлиб, бунда икковининг ҳам ғалаба қилиш эҳтимоли тенг эди. Шунга қарамай, амалдаги президент республикачилар партияси номзоди Мит Ромни устидан катта устунлик билан ғалаба қозонди. Сайловнинг охириги онларигача Обаманинг ғалабаси аниқ бўлмай турди. Ниҳоят, “тебранаётган штатлар” – Огайо, Флорида, Виржиния ва Орегонда сайлов ҳисоботлари эълон қилинганчагина бу масалага ойдинлик киритилди. Ажабланарли томони шундаки, Мит Ромнининг ватани бўлмиш Мичиган штатида ҳам Обама ўз рақибидан устун келганди.

Сайлов кампаниясида ҳаммаси бўлиб 5,9 миллиард доллар маблағ сарфланган бўлиб, бу ҳар бир сайловчига салкам 50 доллардан тўғри келади, деганидир. Президентликка номзодлар рўйхатида Либертариан партияси томонидан кўрсатилган

Гэри Жонсон ҳамда Яшиллар партияси кўрсатган Жилл Стайн жуда оз овоз олган. Уларга АҚШнинг 50 штати бўйича жами 1,3 млн ёки 1,0 % сайловчи овоз берган.

Америкада сайловлар “Ғолиб барчасини олади” шиори остида ўтади, яъни бундай тизимга асосан маълум штатдаги сайловчилар (электорат)нинг нисбатан кўпроқ овозини олишга муваффақ бўлган номзод ушбу штатда унга қарши овоз берганларнинг овозини ҳам ўзига кўшиб олади. (Айтайлик, бир штатдаги 51 электоратдан 25 таси Обамага, 26 таси Ромнига овоз берган бўлса, у ҳолда Ромни ушбу штатдаги 51 электорат овознинг барисини олган ҳисобланади.) Ҳаммаси бўлиб камида 270 электорал овоз олишга муяссар бўлган номзод ғолиб деб топилади.

Рақиби Мит Ромнининг овоз олиш бўйича орқада қолиб кетгани аниқ бўлгач, Обама Twitterда: “Яна тўрт йил” деган сўзларини ёзди ва “Биз янги ўрта синфни қураимиз, ишчи ўринларини яратамиз, бунга биргаликда эришамиз. Бизлар – қизил ва кўк штатларнинг оддий мажмуаси эмасмиз, биз – Америка Қўшма Штатларимиз. Биз оламга энг буюк мамлакатда яшаётганимизни эслатиб қўямиз”, деган мазмунда нутқ сўзлади.

Мит Ромни ўз сайлов кампаниясида “Обаманинг айби Америка иқтисодиётидаги кемтиклардир ва уни тажрибали президентгина тузата олади”, деган биргина даъвога асосланган дастурини туза олди, холос. Сайловчиларни бу даъво-дастур асосидаги ваъдалар қаноатлангирмади

ва бу нарса сайлов натижаларида яққол кўринди.

Енгилган рақиб Мит Ромни Аляскадаги сайлов участкалари (экзит-поллар) ёпилиши билан, биринчилар қаторида Обамани телефон орқали табриклади. “Президент мамлакатни бошқаришида унга муваффақиятлар ёр бўлишини Худодан тилайман”, – дея омма олдида нутқ сўзлади. У ўз нутқини “Американи ўзинг асра, Парвардигорим!” деган сўзлар билан якунлади.

Ўз навбатида Барак Обама Мит Ромни ҳамда бошқа республикачилар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини изҳор қилди. Аслида Ромни ва Обама сайловолди кампанияси тортишувларида фақат бир масалада, яъни солиқ сиёсати бўйичагина яқдил фикр билдиришган эди, холос. Иккала номзод ҳам аҳолининг ночор қатламлари учун солиқни камайтириш борасида курашишни ваъда қилиб, бунда Обама камбағаллар учун маблағни бойлардан ундириб олишини маълум қилганди. Шунга қарамай, миллиардер Жорж Сорос биринчилар қаторида Обамани ғалаба билан табриклагани диққатга сазовордир.

АҚШ конституциясига киритилган айрим тузатишларга биноан Обаманинг ҳозирги даврдаги президентлик ваколати жорий йилнинг 20 январ куни туш пайтида ўз кучини йўқотиб, шундан сўнг унинг янги президентлик ваколати даври бошланди. Анъанага биноан, Барак Обама 20 январь куни тантанавор равишда қасамёд қилди.

Дастлаб вице-президент Жозеф Байден қасамёд қилди. Маросим Жозеф Байденнинг Вашингтондаги қароргоҳида бўлиб ўтди. АҚШ Олий Суди судьяси Соня Сотамайор Байденни қасамёд қилдирди. У АҚШ тарихида президентни ёки вице-президентни қасамёд қилдирган биринчи лотинамерикалик ҳамда тўртинчи аёл бўлди.

Байден қасамёидан кейин бир неча соат ўтгач, Оқ Уйнинг Зангори залида АҚШ президенти Обама қасамёд қилди. Обама қасамёд қилиб бўлгач, Конгресснинг Ғарбий зина-

ларида туриб сўзлаган нутқи байрам шодиёналарининг энг кўтаринки онлари бўлди.

АҚШ президенти Вашингтоннинг бош хиёбони – Эспланадада тўпланган салкам бир миллионлик аҳолига қарата “Американинг имкониятлари чекланмаган, чунки бизлар муваффақиятга эришмоғимиз учун ҳамма нарса бор”, – дея тантанали равишда мурожаат қилди. У ўз нутқида асосий эътиборни ахлоқий принциплар ва умуминсоний қадриятларга қаратди. Обаманинг инаугурация нутқи 15 дақиқа давом этди ва 25 бора қарсақлар билан бўлиниб турди.

АҚШ – бу қачонлардир мустақил бўлган штатларнинг ихтиёрий бирлашмасидир. Бу штатларнинг ҳар бири мустақил давлат бўлиб қолиши мумкин эди. Сайловларнинг босқичма-босқич боришига сабаб ҳам шу. Ҳар бир штат ўз ғолибига эга. АҚШ сайловларида анъанага мувофиқ жуда ҳам кўп одамлар олдиндан овоз беришлари мумкин. Шундай ҳуқуқдан 2012 йил тахминан умумий сайловчиларнинг 40%дан ортиғи фойдаланди, бу салкам 50 млн. сайловчи демакдир. Америкада муддатидан олдин овоз бериш сайлов кунидан икки ой олдин бошланади. Америкада сайлов – телевизион шоу – томоша ҳамдир. Шу боис 2012 йилги президент сайлови телевидениенинг энг омалашган дастурига айланди. “New York Times” газетасининг ёзишича, АҚШ президентини сайлаш глобал телетомошага айланиб кетган.

Обама ғолиб келди, хўш, энди бу ёғи нима бўлади? Эндиликда Обамдан барча америкаликлар сайловолди ваъдаларининг урдасидан чиқишини кутади, албатта. Обама нималарни ваъда қилган эдики, америкаликларнинг аксарияти уни Мит Ромнидан афзал билишди? Биринчидан, ишлаб чиқариш секторида келгуси тўрт йил давомида ўсишга эришиш ҳамда 2016 йилгача ушбу йўналишда 10 млн. қўшимча иш ўринлари бўлишига эришишдир. Бадавлатлар учун солиқни ошириш ҳамда ўрта синф учун имтиёзларни сақлаб

колиш иктисодиёт учун ЯИМнинг 2013 йили 1,3% ортишига ҳамда 1,6 миллион қўшимча иш ўрни яратилишига олиб келишини Конгресснинг бюджет комиссияси ҳисоблаб чиққан. 2012 йили жаҳонда ишсизлик даражаси 197 миллион кишига етган (бу меҳнат қилиш қобилятига эга бўлган одамларнинг 5,9% идир) ва мутахассисларнинг фикрича, ишсизлик кейинги йилларда ҳам ўсишда давом этишига шубҳа йўқ. Бултур ишсизлар сафига яна 4,2 миллион одам қўшилган. Бинобарин, тараққий этган давлатларга уларнинг фақат чорак қисмигина тегишли бўлиб, қолган қисми эса тараққиёт йўлидаги давлатлар фуқароларидир. Жаҳонда 2007 йилга нисбатан ишсизлар сони 28 миллионга ошган. (Ўзбекистон ҳукумати 2012 йили 973,5 минг янги иш ўринларини ташкил қилганлигини ҳамда 2013 йили эса 1.000.000 янги иш ўринлари яратишни олдига мақсад қилиб қўйганини ушбу ўринда эслаб ўтишни ўринли деб биламан.) Сайловчиларни жалб қилган иккинчи жиҳат бу: Обама корпоратив солиқларни камайтиришга ваъда берганди. Ҳозирги пайтда у 35% га тенг, лекин давлат ишлаб чиқарувчилари учун 26,25% бўлади. Солиқдан тушадиган маблағларни президент биринчи навбатда таълим соҳасига, юқори технологик секторга ҳамда экологик тоза энергия учун сарфлашни мақсад қилиб олган. Лекин Обама учун соғлиқни сақлаш ва тиббий кафолатни ислоҳ этиш ҳал қилувчи лойиҳа бўлиб қолаверади. Обама яна қуйидагиларни ваъда қилган: қўшимча ходимларни ишга қабул қилувчи ёки ходимлари маошини оширувчи корхоналарга нисбатан солиқ имтиёзларини қўллаш; ўрта синф оилалари учун солиқларни пасайтиришни давом эттириш; Ироқ ҳамда Афғонистонда ҳарбий мақсадлар учун сарфланмай қолган пулларни Америка инфраструктураси раванкига сарфлаш: йўллар, кўприклар, аэропортлар қуриш ёки таъмирлаш; Хитой билан бўладиган савдо-сотиқ тамойилларига ўзгартиришлар киритиш ва ҳ.к. Бу масалалар бўйича якуний лойиҳа

2016 йилда тайёр бўлади.

“Америка ўзини Ромни орқали XXI асрнинг “ваҳший капитализми” сари бошқаришга рози бўлмади. Америка Европа қадриятлари ҳамда ижтимоий адолат учун овоз берди. Америка XXI асрда яшамокда” деган қарашлар ҳам Ғарб матбуотларидан жой олгани диққатга сазовордир.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, АҚШда мамлакат президентининг умумхалқ сайлови ҳар кабиса йили – тўрт йилда бир марта доимо аниқ бир кунда – ноябр ойининг сешанбасида ўтказилади. Мутараққий давлатлардагидек каби иккинчи тур ёки учинчи тур сайловлари каби ҳолатлар мутлақо четлаб ўтилади. Бунда узоқ муддатли халқ норозилик намойишлари, очлик эълон қилишлар, охири кўринмайдиган суд жараёнлари юзага келмайди. Сайловларда бирор муаммоли ҳолат юз бергани тақдирда жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳар қанча уринмасинлар, Америка халқининг юз йиллар оша ўзини оқлаб келадиган анъанавий сайлов тизимига бўлган ишончини йўқ қила олмайди. АҚШ тарихида президентларни ёки президентликка давогарларни отиб ўлдириш ҳолатлари юз берган бўлиши мумкин (Авраам Линкольн, Жон Кеннеди ва унинг оила аъзоларининг тақдири бунга яққол мисол бўла олади), лекин президент сайлови натижаларини қалбакилаштириш ҳеч қачон бўлмаган. XVII аср охиридан бери ўтказиб келинаётган АҚШдаги умуммиллий сайловлар тизими ўзига хослиги билан ажралиб туради ва унинг натижалари сайловчилар ишончини оқлаб келмоқда. Барча мунозарали масалалар тезлик билан АҚШ Олий Суди томонидан кўриб чиқилади, ҳал қилинади ҳамда Америка халқига ҳавола қилинади.

Жаҳонда сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг уч модели қабул қилинган бўлиб, улар одатда Миллий сайлов комиссиялари деб номланади.

Биринчи модель (Канада, Испания ва кўпгина янги демократик давлатларда қабул қилинган): бундай ўзига хос Ташкилот буткул мустақил бўлиб, у ижродаги ҳокимият ҳамда

партияларга бевосита дахлдор бўлмайди.

Иккинчи модель барча ракобатдаги сиёсий кучлар вакиллари жалб қилишга таянади – партиялар ўзаро тенг овоз ва бир хил ваколат билан сайлов комиссияларига кирадилар. АҚШда Федерал сайлов Комиссияси (Federal Election Commission) шундай ҳаракат қилади. Унинг вазифаси сайлов жараёнини молиялаштириш ҳамда сиёсатчилар ва партияларнинг харажатлари ўлчамларини кузатиб боришдир.

Учинчи моделда сайловларни ижродаги ҳокимият ташкил этади ва назорат қилади. Демократлаштириш халқаро институти ва электро-рал ёрдам (International Institute for Democracy and Electoral Assistance) нинг хулосасига асосан, бу тизим ҳозирги демократик мамлакатларнинг 18 фоизда, шу жумладан, АҚШда ҳам қўлланади.

АҚШда сайловда иштирок этувчиларнинг ҳисобини олиб бориш анча мураккаб. Анъанавий қатнашиш даражаси сайлов ҳуқуқига эга бўлган америкаликларнинг тахминий сонига асосланган бўлиб, ушбу миқдор онгли сайловчилар сони билан солиштирилади. Сайлаш имконияти борлар фақат ўз хоҳиши билан олдиндан маҳаллий сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтганидан сўнггина сайлаш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунинг учун фуқаролиги, ёши (сайловчи 18 ёшдан ошган бўлиши керак) ва шахсини тасдиқловчи, яшаш жойи кўрсатилган ҳужжат талаб этилади. Тегишли анкета ҳамда ўзининг ушбу жойда доимий яшашини исботловчи ҳужжатларини шахсан олиб бориб бериш ёки почта орқали конвертда юбориш орқали ҳам рўйхатдан ўтиш мумкин. Бундан ташқари, сайловчи рўйхатдан ўтишида қайси партияга мансуб ёки мустақил сайловчи эканини ҳам кўрсатиши керак бўлади.

Мамлакатда сайлов бюллетенининг ташқи кўриниши ва тузилиши турлича бўлиб, уларни штатлар, графликлар ва ҳатто баъзи муниципалитетларнинг қонунлари белгилайди, шунинг учун бутун давлат учун ягона кўринишдаги бюллетень

мавжуд эмас. Бюллетенларда номзодларнинг қайси партияга мансублиги ёки мартабасига қараб гуруҳларга ажратишга рухсат берилади. Сўнгги йилларда АҚШда овоз бериш учун электрон машиналардан ҳам фойдаланилган, лекин бу ўринда кўплаб қийинчиликлар юзага келмоқда. Шунга қарамай, 2006 йили Америка сайловчиларининг 10 фоизи яшайдиган 357 та графликда АҚШ Конгрессига бўлган сайловларда овоз бериш учун электрон машиналардан фойдаланишди. (Америка Қўшма Штатлари – президентли республика. У 50 та штат ҳамда Колумбия федерал округидан иборат бўлган федератив давлатдир. Бундан ташқари АҚШ Виржиния ороллари, Шарқий Самоа, Гуам, АҚШга эркин қўшилган давлат Пуэрто-Рико ҳудудларига ҳам эгадир. Род-Айленд ва Коннектикута штатларидан ташқари барча штатлар графликларга бўлинган. АҚШда 3000 дан ортиқ графлик мавжуд.) Жонс Хопкинс университети профессори Ави Ребин овоз беришда бу технологияларнинг хавфли бўлиши мумкинлигини биринчи бўлиб исботлаб берди ва бу ҳақда “Ажиб янги бюллетень” (Brave New Ballot: The Battle to Safeguard Democracy in the Age of Electronic Voting) номли китобини чоп этгирди.

Демократия ва сайлов менежменти Маркази (Center for Democracy and Election Management) яна бир жиҳатга эътибор қаратишни лозим кўради: АҚШда сайлов комиссияларининг ходимлари кўнгиллилардан ташкил этилган бўлади.

Бу давлатда президентни сайлаш қодалари Америка Қўшма Штатлари Конституциясига асосланади. Президентни сайлаш тўғридан-тўғри бўлмай, икки босқичли қилиб олиб борилади. Аввалига, яъни ноябр ойида бўладиган умумхалқ сайловида сайлов ҳуқуқига эга бўлган Америка халқи учун ҳар бир штатда сайловчилар коллегияси ташкил этилади. Умумхалқ сайловида овоз берувчи америкаликлар ушбу штат умумхалқ сайловчиларига тақдим этган президент сайловчиларининг рўйхатига (электорат рўйхатига)

овоз берадилар. Илгарилари сайлов бюллетенларида электоратнинг исми шарифлари рўйхати келтирилган бўлса, сўнгги бир неча сайловларда президентликка номзодларнинггина исми шарифи келтирилаяпти.

Президентни сайловчилар сони штатларнинг Конгрессдаги делегациялари сонига (ҳар бир штатдан 2 сенатор + Вакиллар Палатасидаги конгрессменлар сони) тенг бўлади. Штатдаги президентни сайловчиларнинг сони штатдаги аҳоли сонига, яъни сайлов округлари сонига боғлиқ бўлади. АҚШ Конгресси аъзолари ёки давлат амалдорлари электоратга сайланиши мумкин эмас. Ҳаммаси бўлиб АҚШ президенти электорати сони 538 тага тенг, яъни президентни сайловчиларнинг (Electoral College votes) умумий сони 538 (100 + 435 + 3 Колумбия федерал округи) га тенгдир. Шундай қилиб, ҳар бир штат ва ҳукуматга оид Колумбия округи (бу округ Вашингтон шаҳри ҳудудидир) ҳал қилувчи маълум овоз сонига эга. Бу овозлар “сайлов йўли билан тайинланадиган” ёки “электрал” овоз деб номланади.

Ҳар бир штат сайловчилар сонига, яъни штатдаги сайлов округлари сонига пропорционал бўлган “электрал овоз” беради. Монтана, Вайоминг, Шимолий Дакота ва Жанубий Дакота каби чўлу даштли ҳудудларда жойлашган штатлар ҳамда Аляска штати ҳаммаси бўлиб учтадан электоратга эга, холос. Штатда рўйхатдан ўтган сайловчилар сони қанча кўп бўлса, ушбу штат учун ажратилган электорал овоз сони ҳам шунча кўп бўлади, лекин АҚШ барча штатларининг умумий электорал овозлар сони ҳозирги давр учун 538 талигича қолаверади. Америка Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар бир штатга бириктирилган электорал овознинг маълум сонигина мавжуд бўлади, холос. Бинобарин, демографик ҳолатнинг ўзгариши билан электорал овоз сони ҳам ўзгариб (ортиб ёки камайиб) туради. Хўш, бу нима дегани? Масалан, Калифорния штатини олайлик. 2000 йили президентликка давогар Альберт Гор учун Калифорнияда 5,8

млн. киши ёки сайлаш ҳуқуқига эга бўлган аҳолининг 53,45 фоизи овоз берган бўлса, Буш учун 4,5 млн. ёки 41,65 фоиз овоз берилган. Шундай қилиб, Гор Калифорния штатида кўп овоз олишга эришган ва Калифорниянинг барча 54 электорал овозини олишга мушарраф бўлган, яъни 54 электорал овознинг барчаси демократик партия вакилларики бўлиб қолган. Бушга, яъни республикачилар партиясининг вакилларига эса 54 электорал овоздан биттасини ҳам олиш насиб қилмаган. Демак, бу штатдаги президентни сайлаш учун овоз берувчи 54 электорал овоз Гор тарафдорлари – демократик партия аъзолариники бўлиб қолган. Флоридада Гор 2912253, Буш эса 2912790 овоз олган. Бу сонлардаги фарқ атиги 537 тага тенг. Ушбу 537 овоз Бушнинг нафақат Флорида штатидаги, балки мамлакат бўйича ғалабасини таъминлаган. Яъни, Жорж Буш Флорида штатининг барча 25 электорал овозини олишга эришган. Горга эса битта ҳам электорал овоз олиш насиб қилмаган.

Ниҳоят, сайлов куни фуқаролар сайлов участкаларига келиб, аниқ номзод учун эмас, балки кимга овоз беришини олдиндан билиб юрган у ёки бу президент сайловчисига (электоратга) овоз беради. Агарда номзодларнинг бирортаси ҳам президент бўлиш учун етарли даражада кўп электорал овоз (270) ололмаса, у ҳолда президент парламентнинг қуйи палатаси, яъни Конгрессда бўладиган сайлов орқали танланади. Бундай ғайриоддий ҳолат АҚШ тарихида бир маротаба 1825 йили рўй берган. АҚШ президентлигига бўлган 1824 йилги сайловларда Жексон сайловчиларнинг ва электоратнинг нисбатан кўпроқ овозини олишга мушарраф бўлган, лекин абсолют кўп овоз ололмаган. Шунинг учун президентни Конгрессда вакиллар Палатаси танлаган ва у Эндрю Жексон эмас, балки Жон Куинси Адамс бўлиб чиққан.

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) 1776 йил 4 июл куни Буюк Британиянинг Шимолий Америкадаги 13 мустамлакаси бирлаштири-

лиши ва мустақиллик декларацияси эълон қилиниши билан ташкил топди. Мустақиллик учун олиб борилган уруш 1783 йилгача давом этди ва мустамлакаларнинг Британия қўшинлари устидан тўла ғалабаси билан якунланди. 1787 йили АҚШ Конституцияси қабул қилинди, 1791 йили эса америкаликларга катта қўламдаги ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этган Билль баёноти қабул қилинди. 1860 йилда қулдорликни бекор қилиш ҳақидаги фармон тўрт йиллик фуқаролар уруши бошланишига сабаб бўлди. Ушбу урушда Америка Шимолий штатларининг Жанубий штатлар устидан ғалаба қозониши мамлакатни бўлинишдан асраб қолди. Натижада бутун АҚШ бўйлаб қулдорликка барҳам берилди. Шундан сўнг Федераль Конституциянинг маъқулланиши Америка миллий давлатчилигига асос бўлди. 1787 йилнинг 21 февралда Филадельфияда бўлиб ўтган Конфедерация Конгрессида “Ягона ва аниқ мақсад билан Конфедерация Моддаларини қайта кўриб чиқиш” учун Конвент (Филадельфия Конвенти) чақириш ҳақида резолюция қабул қилинди. Аввалига Конвентнинг мақсади Конфедерация Моддаларини қайтадан кўриб чиқиш бўлиб, янги ҳужжат ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинмаган бўлса-да, аста-секин вакиллар мавжуд федерация ҳудудлари ва ҳокимият тизими тузилишлари борасида айни вақтда мавжуд бўлганидан тубдан фарқ қилувчи янги Конституцияни ишлаб чиқиш зарурлигини ҳис қилишди. АҚШ Конституцияси 1787 йилнинг 17 сентябрида Филадельфияда бўлиб ўтган Конституцион Конвентда Жеймс Мэдисон лойиҳаси асосида қабул қилинади ва мавжуд барча ўн уч штат томонидан ратификация қилинади. Ратификация қилиш жараёнида икки партия – Александр Гамильтон раҳбарлигидаги “Федералчилар” ва “Антифедералчилар” партиялари вужудга келди. АҚШ Конституцияси замон тушунчасига мос келувчи жаҳондаги биринчи Конституциядир. У 7 Моддадан иборат бўлиб, амалда бўлган давр мобайнида унга йигирма

еттита тузатиш киритилган. Биринчи миллий сайловлар ўтказилганидан сўнг ушбу Конституция кучга кирди ҳамда 1789 йили федераль ижроия, қонунчилик ва суд ҳокимиятлари фаолият кўрсата бошлади. Миллий давлатнинг пайдо бўлиши миллий сиёсий партиялар вужудга келиши учун принципиал аҳамият касб қила бошлади. Айнан ушбу икки институт – миллий давлат ва миллий сиёсий партиялар – Америка сиёсий тизимининг асосини ташкил этди ҳамда унинг ҳаётийлигини таъминлади. Бинобарин, миллий сиёсий партиялар зудлик билан ўзаро муносабатлар меъёрларини ҳамда “тутган ўринлари тақсимоти”ни ишлаб чиқишди. Америка тарихида икки партияли тизимда қатнашувчилар таркиби бир неча бора ўзгарди, лекин бошланғич пайтларда шаклланган баъзи туб тамойиллар сўнгги юз йил давомида ҳам сақланиб қолди.

АҚШнинг биринчи миллий ҳукумати партиясизлик асосида тузилган эди. Ж.Вашингтон (1732 – 1799) президентлик курсисига ўтирганида АҚШ армиясида ҳаммаси бўлиб 840 та аскар ва зобит бор эди, холос. Мамлакатнинг денгиз флоти йўқ эди. Уша пайтларда АҚШга бирор давлат ҳужум қилиб қолса борми, мамлакатда танг аҳвол вужудга келиши ҳеч гап эмас эди. Ж.Вашингтон министрлар кабинетини тузиб, Т.Жефферсонни давлат котиби, А.Гамильтонни молия вазир, Г.Ноксни ҳарбий вазир, Ж.Жейни Олий суд раиси этиб тайинлайди. Ж.Вашингтон 1789 йилдан 1797 йилгача икки муддат президентлик вазифасида бўлди. Ж.Вашингтон президентлигининг охириги йилларида унга нисбатан мағбуотда кўплаб адоватли мақолалар босилиб чиқди. Ж.Вашингтон лавозимдан озод этилгач, 1797 йилнинг 15 мартада Маунт-Вернонга кетади. У қулдорликка қарши бўлгани учун 1799 йилнинг 14 декабрида қулдорликни аста-секинлик билан йўқ қилиш кераклиги ҳақида нутқ сўзлайди ва хотини оламдан ўтгач, ўз қулларига озодлик бериш ҳақидаги буйруғини васият қилиб қолдиради.

АҚШнинг биринчи президенти Ж.Вашингтоннинг вафоти муносабати билан Франциянинг биринчи консули – Наполеон Бонапарт ўз мамлакатида ўн кунлик мотам эълон қилади. Америка армияси олти ой мобайнида қўлларига қора мато тақиб юришади, Британия флоти ўз байроғларини бир юз беш кун мобайнида мачталарининг ярим белигача тушириб қўяди. Қўшма Штатларда Ж.Вашингтоннинг президентлик вазифасини тарк этиб кетаётганидаги хайрлашув мурожаатини ҳар йили 22 феврал куни АҚШ Конгрессининг очилиши олдидан Сенат ҳамда Вакиллар Палатасида ўқиб бериш одат тусини олган.

Ж.Вашингтон президентликка қасамёд қилганидан ҳамда Вакиллар Палатаси ва Сенат иш бошлагандан сўнг кўп вақт ўтмай сиёсий фракциялар шакллана бошлади. Тақдир тақозоси билан, фракцияларга ажралишга ашаддий қарши бўлган Ж.Вашингтон (АҚШнинг 1 долларлик пулида сурати берилган), ҳукуматнинг икки ҳал қилувчи ўринини – молия вазирлиги ҳамда давлат котиблигига – бўлажак рақиб партияларнинг асосчилари 32 ёшли Александр Гамильтон (АҚШнинг 10 долларлик пулида сурати берилган) ва 46 яшар Т. Жефферсонни тайинлади.

Сиёсатчиларнинг икки гуруҳга ажралиб кетишига 1789 йилдан 1801 йилгача ҳокимият тепасида бўлган Гамильтон раҳбарлигидаги федералчилар партияси мудом нохайрихоҳ қараб келади. Вашингтон президентлик вазифасини тарк этиш олдидан миллат билан “Хайрлашув мурожаатида” “икки партиялик” ни Америка бирлигининг ёвуз душмани деб атади. Ниҳоят Ж.Адамснинг президентлик қилган даврида (1797-1801) федералчилар баъзи қонунлар орқали муҳолифатда бўлган жефферсончилар партиясини чеклашга уриндилар. Бунда улар (республикачилар) “чет эл агентлари”, “француз фракцияси” сифатида (республикачилар федералчилардан фарқли равишда ташқи сиёсатда Буюк Британияга эмас, балки Францияга тақлид қилишар

эди) тақдим этишади. Жефферсон АҚШда партияларга бўлинишни мутлақо маъқулламаган ва ўз ўрнида “Агарда, менга партия билан фаллакка кўтарилиш насиб қиладиган бўлганда ҳам мен ушбу шарафдан воз кечган бўлар эдим”, деган эди. 1801 йили у президентлик вазифасини бажаришга киришар экан, “Бизлар барчамиз республикачилармиз, бизлар барчамиз федералчилармиз”, деган ўзининг машҳур “муросасозлик” сўзларини айтади. Уша давр Америка республикаси раҳнамоларининг партияга ва партиявий муҳолифатга нисбатан бундай муносабати натижасида партияларга бўлиниш жараёни кенг авж олмаслиги керак эди. Лекин партияларнинг шаклланиши ва икки партиявийлик тамойилларининг етилиб бориши XVIII аср охиридаёқ равшан кўрина бошлади. 1789-1790 йилларда АҚШ Конгрессида фракцияларга ажралиш жараёнининг белгилари кўриниб қолади ва 1792 йили Қўшма Штатлар сиёсатчиларининг икки қарама-қарши партияга ажралиши табиий тус олади. 1792 йили Гамильтон ҳукуматга муҳолиф бўлган – “яхши бошқарув асосини бузувчи, мамлакат тинчлиги ва бахтига, Иттифоқ учун хавф пайдо қилувчи” фракциянинг Медисон ва Жефферсон бошқаришаётгани ҳақида қаҳру-ғазаб билан огоҳлантиради. Шу йилнинг июнь ойида Жефферсон Мэдисонга (Жеймс Мэдисон АҚШнинг 4-президенти) ғазаб аралаш ёзган хатида: “Гамильтон Республикачилар партиясини фракция деб аташга журъат қилди”, деган сўзларни ишлатади. Шу йилиёқ Мэдисоннинг бу хусусда ёзган мақоласи матбуотда эълон қилинади. Федералчилар партиясининг раҳнамоси бўлган Гамильтон ва Жефферсоннинг республикачилар партиясини тузишидаги асосий ҳамкорига айланган АҚШ Конгрессида федералчиларга раҳнамолик қиладиган Мэдисон ўртасида қаттиқ кураш бошланади. Бир пайтлар Гамильтон ва Мэдисон федераль Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда яқин иттифоқчи бўлишган. 1790 йили

Гамильтон Конгресс кўриб чиқиши учун ўзининг иқтисодиёт қонуни лойиҳаларини тақдим этганида ўзига мухолиф бўлганларга раҳнамо сифатида Мэдисонни кўрганида ҳайратга тушган эди... Ушбу ҳолатларнинг рўй беришида асосан уларнинг шахсий алоқалари эмас, кўпроқ сиёсий қарашларидаги кўпгина жиддий тафовутлар сабаб бўлган. Мэдисон Гамильтоннинг сиёсий оламдан узоклашгани заҳотиёқ ўзига кўп йиллардан бери таниш бўлган Жефферсоннинг сиёсий альянсига яқинлашади. Президент Вашингтонни ҳам ўз дастурлари ва фалсафасига жалб қилолган ҳамда Американинг биринчи ҳукумати мобайнида премьер мавқеида бўлган Гамильтоннинг шижоати ҳамда ёрқин қобилияти Жефферсон ва Мэдисонни тезлик билан қарши ҳаракатлар қилиш, биринчи навбатда антигамильтон коалициясини тузишларини тақозо қилган. Натижада улар ушбу йўналишда кўп ишларнинг уддасидан чиқиш билан бир вақтда 1791 йил ўз нашрий органлари “National Gazette”ни ҳам йўлга қўйишга эришишади ҳамда Д.Клинтон, А.Бэрр каби таниқли антигамильтончиларни ўз томонларига оғдириб олишади. Тез орада Виржиния, Пенсильвания ва Нью-Йорк штатлари Демократ-республикачилар (республикачилар) партиясининг таянч марказига айланган.

Аслини олганда иккала партия ҳам федераль давлат тузилишига, 1787 йил Конституциясига ва Америка революциясининг яқунлаиш босқичидаги энг муҳим тамойилларига содиқлигини исбот қилган. Булар рақобатчи партияларнинг мафкурасида ҳам, сиёсий ҳаётида ҳам намоён бўлган. Икки партиянинг чиқараётган газеталари – жефферсончиларнинг Френо таҳриридаги “National Gazette” (“Миллий газета”) ва гамильтончиларнинг Фенно таҳриридаги “Gazette of the United States” (“Кўшма Штатлар газетаси”) ҳам уларнинг АҚШ давлатчилиги асосига муносабатлари ҳамоҳанг эканини кўрсатиб турган. Жефферсон республикачилари юзага келган

давлат сиёсати тизимида Гамильтон федералчиларига қаршилиқ кўрсатишларини аввалбошданок маълум қилишган. Сиёсий мухолифатнинг бундай шаклини танлаб, Жефферсон ва унинг партияси АҚШнинг икки партияли тизими асосини яратди. Демократ-республикачилар партияси уларни “антифедералчилар” деб номлашларига қарши кескин кураш олиб бордилар. Улар ҳатто икки партиянинг федераль Конституцияга муносабатини солиштиришиб, ҳақиқий антифедералчилар Гамильтон ва унга эргашувчилар эканини исботлай бошлашади. Федералчилар эса ўзининг антиреспубликачиликда айбланишига қарши ўз партияларига “республикачилар” дея аниқлик киритишни таклиф этишгача боришади. Гамильтон ва Жефферсон партияларининг сиёсий қарашларида жиддий сиёсий тафовут ҳам бўлган. Гамильтон ва унинг тарафдорлари жамиятнинг юқори синфи манфаатига мансуб тамойил ва муассасаларнинг тартибланиши ва шу билан бирга Америка инқилоби демократик ўзгаришларининг консервацияланиши ёки чегараланиши сиёсатини қўллай бошлади. Федералчилар авваламбор ўзларини тартиб партияси сифатида тақдим этишади. Жефферсон республикачилари эса, аксинча, ўзларини аҳолининг янги қатламларига демократик ҳуқуқ ва эркинлик бериш, Америка инқилобини янада демократик тараккий эттириш тарафдорлари сифатида намоён қилиб боришди. Жефферсончиларнинг сиёсий стратегияси уларни омма кўпроқ қўллашига ва Демократ-республикачилар федералчиларни мамлакат миқёсидаги сиёсий ҳукмрон мавқеларидан XIX аср бошларида сиқиб чиқара боришига асосий сабаб бўлади. Кўпчилик федералчилар демократия республиканинг кушандасидир ва зўравонлик манбаи бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисоблашарди. Ушбу йўналишда Ж.Кэбот, Р.Кинг ва Т.Пикеринг, Г.Моррис, Ф.Эймсларнинг хат ва мақолаларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

1793 йилнинг охирларида Жефферсон истеъфога чиқиб, Манчителлога кетади ва Вашингтон ҳамда Гамильтонга нисбатан оппозиция ташкил қилади. Жефферсон 1796 йилги президент сайловларида ўз номзодини Демократ-республикачилар партияси номидан қўяди, лекин федералчи Жон Адамсга ютқазади. Сайловчилар берган овоз унинг вице-президент бўлишигагина кифоя қиларди ва у шу лавозимни эгаллайди, ҳамда парламент ишларини қандай олиб бориш қоида ва тартибларини ишлаб чиқади, лекин Сенат раислиги лавозимини эгаллашдан бош тортади. У 1801-1809 йиллари АҚШга президентлик қилади. Президентлик даврида бирон марта ҳам Конгресс қарорларига нисбатан ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланмайди. Жефферсоннинг президентлик лавозимини эгаллаши АҚШ тарихида биринчи марта ҳокимиятнинг бир партиядан иккинчисига ўтишига намуна бўлади.

Вице-президент Аарон Бурр билан бўлган дуэлда Александр Гамильтоннинг ҳалок бўлиши федералчилар партиясинининг инқирозга юз тутишига олиб келади. Томас Жефферсон мустақиллик Декларацияси қабул қилинганидан роса эллик йил ўтгач, 1826 йил 4 июл куни сиёсий рақиби Жон Адамсдан бир неча соат олдин ўзининг Манчителло қўрғонида вафот этади. Жон Адамс сиёсий рақиби бўлган Жефферсоннинг вафот этганидан бехабар бўлгани учун ўз ўлими олдидан “Жефферсон ҳали тирик” дея оламдан ўтган экан.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, федералчилар партияси ўз фаолиятини тугатгач, Жефферсон ва Мэдисон тузган Демократ-республикачилар партияси ички интизомининг бузилиши унинг таркибида бир нечта фракцияларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

1828 йили Нью-Йорк шаҳрида антимагончилар партиясига асос солинди. У пайтларда судьялар, бизнесменлар, банкирлар ва сиёсатчиларнинг аксарияти масонлар бўлар эдилар. Янги партиянинг асо-

сий ғояси масонликка оппозицияда бўлиш эди. 1831 йили антимагон партияси 1832 йили бўлиб ўтадиган президент сайловига ўз номзодини кўрсатиш учун Балтимордаги партия конвенциясида тўпланади ва илгари масон бўлган Уильям Виртни номзод қилиб кўрсатади. Демократик партия ва Миллий республикачилар партияси ҳам ўз номзодларини миллий конвенцияларда кўрсатадиган бўлишди. 1835 йиллари антимагон партияси Миллий республикачилар партияси ҳамда бошқа антижесончилар билан бирлашиб, виглар партиясини ҳосил қилишади. Вигчилар Конгресснинг ижроия ҳокимиятдан устунлиги талаби ва бошқа бир қатор ижобий қарашлар билан сиёсий саҳнага чиқишади. Вигчилар ўз номларини Британиянинг виг партияси номидан олган бўлиб, ўз пайтида сўзсиз бўйсуннишга асосланган бошқарув ҳокимияти тизимига қарши кураш олиб борганлар. АҚШ виг партиясининг йирик намояндаларидан Даниэл Вебстер, Уильям Генри Гаррисон ва уларнинг доимий раҳнамоси бўлиб келган Генри Клейларни тилга олиш мумкин. Авраам Линкольн Иллинойс штати бўйича вигларнинг раҳбари бўлган. Виг партиясидан АҚШга иккита президент сайланган, лекин уларнинг иккаласи ҳам президент лавозимида узоқ ишлай олишмаган: Уильям Гаррисон (1840 йил сайловида ғолиб чиққан) ва Закари Тейлор (1848 йил сайловида ғолиб чиққан). Гарицон 1841 йилнинг апрелида бўлиб ўтган инаугурациядан бир ой ўтгач, вафот этган. Унинг ўрнини вице-президент Жон Тейлор эгаллаган, лекин президентликнинг кейинги муддати учун курашда мағлуб бўлган. Закари Тейлор эса бир йилдан сал кўпроқ вақт мобайнидагина (1849 й мартдан 1850 йилнинг июлигача) президентлик қилганидан сўнг ёруғ оламни тарк этган. Партия ичидаги кулдорчиликка бўлган муносабатдаги келишмовчиликлар асосида вигларнинг бир қисми демократлар партиясига қўшилиб кетади. Бошқа бир қисми эса Авраам Линкольн, 1854 йилнинг 28 февралда Ви-

консин штатининг Рипон шаҳрида тузган ва ҳозирги пайтда АҚШ сиёсатини белгилаб турган икки асосий партияларидан бири бўлган Республикачилар партияси сафига кўшилиб кетадилар. Вигларнинг қолган-қутганлари “Ҳеч нарса билмаймиз” (Know-Nothing) партиясини тузишади, лекин бу партия 1856 йилги сайловда сезиларли мағлубиятга учрагач, бошқа ўнгарила олмайди ва ўз фаолиятини тўхтатади. Авраам Линкольн асос солган Республикачилар партияси қулдорчиликнинг авж олдирилишига қарши чиқади. Ушбу партия 1860 йилдаги президентлик сайловларига Авраам Линкольн номзодини кўрсатади ва у ўша йилнинг ўзида бўлиб ўтган сайловда тўрт номзод устидан 303 электорал овоздан 180 тасини олиб, ғолиб чиқади. Жанубий 9 та штат сайлов бюллетенида қатнашмайди. Авраам Линкольн олган электорал овоз АҚШ президент сайлови тарихида юқоридан иккинчи ўринда туради.

Авраам Линкольннинг президентлик сайловида ғолиб чиқиши қулдорлик тарафдори бўлган жанубий штатларни қаттиқ ташвишга солади ва уларнинг Иттифоқ таркибидан ажраб чиқишига олиб келади.

АҚШда фуқаролар уруши бошланишидан бироз олдин президент Линкольн ўзининг шахсий котиби Френсис Блэр орқали Роберт Эдвард Лига федералларнинг барча қуруқликдаги кўшинларига кўмондонлик қилишни таклиф қилади. Лида ушбу таклифни қабул қилишга кўплаб асослар мавжуд бўлган, чунки у иттифоқ тузуми тарафдори эди, сецессия (ажралиш) ни ёқламас эди, қулдорчиликни жаҳолат деб билар ва ўзининг барча қулларини озод қилиб юборган эди.

Лекин Ли Шимолга ҳам, Жанубга ҳам қўшилмаслигини, бошланаётган урушни маъқулламаглигини маълум қилади ва ҳарбий хизматдан истеъфога чиқиб, “Ғам билан ўзимнинг ҳалқимга қайтиш ва қадрдон штатим тақдири билан бирга бўлиш учун” ўзига азиз бўлиб қолган Арлингтонни ташлаб кетади. Кейинчалик жанубликларнинг мағлубиятга учраётганини билгач, ўғлига “Менимча Шимол ўз хатти-ҳаракатлари билан Жанубни ҳақоратлаяпти. Мен агрессия бўлаётганини сезаяпман ва унга қарши бўладиган барча чораларни кўраман. Ушбу принципимни ўзимнинг шахсий ёки индивидуал фойдамдан буткул мустасно равишда ҳимоя қиламан. Америка фуқароси сифатида ўз мамлакатим учун, унинг равнақи учун ибодат қиламан, лекин ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлиши мумкин бўлиб қолган ҳар қандай штатни ҳимоялашга тайёрман” дея хат ёзади. Тез орада у Америка Конфедерациялари президенти Жефферсон Дэвисга ўз хизматини таклиф қилади. Жанубликларнинг мағлубиятидан сўнг Ли авф этилган ҳарбий асир сифатида Ричмондга қайтиб боради. У умрининг қолган қисмини Конфедерация собиқ ҳарбийларининг тақдирини енгиллаштиришга бағишлайди. У кўплаб юқори лавозимларни рад этиб, Вашингтон Коллежининг (ҳозирда Вашингтон ва Ли Университети) президентлиги вазифасини танлайди ва умрининг охиригача шу камтарона лавозимда қолади. У 1870 йилнинг 12 октябр куни Лексингтонда юрак хуружи туфайли ёруғ олам билан видолашади. Орадан юз йил ўтгач, президент Жеральд Форднинг бевосита аралашуви натижасидагина унинг фуқаролик ҳуқуқлари қайтадан тикланади.

*Мансурхон ТОИРОВ,
Физика-математика фанлари
доктори, профессор*



Асанали АШИМОВ

ОНАМНИНГ ИСИ

(“МУҲАББАТ ИЛА – СИЗНИНГ АШИМОВ”
китобидан)

Атоқли қozoқ санъаткори, театр ва кино арбоби Асанали Ашимов яқинда ўзининг санъатда кечган ҳаёти, театрдаги ҳамкасблари, қozoқ маданиятининг улкан намояндалари ҳақида хотиралар китобини ёзиб тугатди. Китоб ёрқин ва ажойиб воқеаларга бойлиги, самимияти, ҳаққонийлиги билан ўқувчиларни ром этди, қисқа вақт ичида икки марта чоп этилди. Мазкур китобдан икки бобни эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

МЕНИНГ ДОРИЛФУНУНИМ

(Мухтор Авезов деб номланган тоғ-одам)

1955 йилнинг сентябри. Мен – консерваториянинг актёрлик факультети талабаси, театрга, “Енлик – Кебек” спектаклини томоша қилиш учун келдим.

Биринчи парда тугаб, залда чироқ ёнганини биламан – мени электр токи ургандай, этим жимирлаб кетди – залнинг биринчи каторидан Мухтор Авезов юриб келаётганини кўриб қолдим! Оқ ипак китель кийган, сочлари жингалак бу одамни кўрган захотим танидим. Кўзларим катта-катта очилиб, сал бўлмаса хушдан кетиб йиқилай дедим, ахир комусий инсон, таржимаи холининг ўзи бутун бир тарих дарслигига айланган одам менинг ёнимдан ўтиб бораётган эди-да! Биз унинг сеҳрли “Абай йўли” китобини ўқий-ўқий одам бўлганмиз, бу китоб саҳифаларида тасвирланган тақдир эврилишларидан ҳайратланиб катта бўлганмиз. Авезовни мен дунёдаги ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсага зеҳни етадиган донишманд деб билардим. Ўшандаёқ мен Авезовга ўхшаш одамларни, урушда ўқ тегмай қайтган Бовуржон Момиш ўғлини илохий одамлар деб билардим, уларни бу дунёда учратиш қолишнинг ҳеч иложи йўқ, деб ўйлардим.

Адибнинг ўзи ўрта бўйли экан-у, ўша лаҳзаларда ёнимдан худди тоғ ўтиб бораётгандай туюлди. Мен, шол бўлиб қолган одамдай, нафас олишга ҳам қўрқиб, унга эргашдим, оёқларим ўзимга бўйсунмай одимларди. Авезов фойега чиқиб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг кўнғирок чалиниши билан залга қайтиб, ўзининг жойига оҳиста чўкди.

Бу кун менинг ҳаётимда ҳал қилувчи бурилиш даври бўлди. Шу лаҳзаларда ҳаётимда, ички дунёда нодонликдан билим-маърифатга томон, жоҳилликдан комилликка томон интилиш, талпиниш пайдо бўлди. Мен китобни қўлдан туширмайдиган, атрофимдаги одамларга тийрак нигоҳ билан қарайдиган, улардан энг яхши одамийлик фазилатларни излайдиган, ўрганадиган талаба

йигитчага айландим, овулда илаштириб олган қўпол одатлардан, саъй-ҳаракатлардан тезроқ қутилиб олишни ўйлайдиган бўлдим.

Мухтор Авезовни кўриш, унга ўхшаш одамлар билан бир ҳаводан нафас олиш, ҳатто улар билан бир дастурхон атрофида ўтириш мумкинлиги ўша пайтда менинг тушимга ҳам кирмасди. “Улар яшайдиган мўъжизавий шаҳарда яшаб қолишим керак!” деган улуг орзу ана ўшанда пайдо бўлди. Бундай юксак мартабага эса тинимсиз меҳнатлар, машаққатлар билангина эришишим мумкинлигини ҳис қила бошладим...

ТЕАТРНИНГ ОНАСИ

(Собира Майқанова)

Собира опа Майқанова билан қалин муносабатларимиз ҳақида алоҳида қайд этиб ўтишим керак. Биз у билан битта жойданмиз, Собира опа онам билан дўст эди, мени эса эркалаб “иничак”¹ деб атарди.

Опа сахнада жиддий драматик ролларда чиккани билан, ҳаётда у тирик латифаларнинг йиғиндиси эди. Қалбининг биллурдай тиниклиги, ҳалоллиги, адолати боис Авезов номидаги театрда 19 йил мобайнида партком вазифани бажарди. Шуниси кизик-ку, Собира опа рус тилида ҳаминқадар, чала-чулпа гапиргани учун ҳам театрдаги партия йиғилишлари комедияга айланарди.

Бир куни Опа йиғилиш минбарида туриб кимдир ўзи учун ёзган маъруза матнини ўқиётиб, бирдан ажабланиб-тутилиб қолди-да... маърузадаги гапларга қўшилмаслигини эълон қилди ва кўзойнагини қўлига олиб, шундай деди:

– Это, дорогие товарищи, не мое вино!²

Опамиз ғийбатни ёмон кўрарди, бировни ҳеч қачон орқасидан гапирмас, нима эшитган-билгани бўлса, барини одамнинг юзига айтарди. Ҳаммамизнинг ёдимизда шу бир воқеа сақланиб қолган: 1983 йил Олмаотага Москвадан Вахтангов номидаги театр жамоаси гастролга келди. Бу икки театр биродарлашган санъат масканлари эди. Бизнинг халқ артистларимиздан баъзиларининг Собира опага ғайирлиги келиб, унинг ушбу учрашув маросими – банкетда қатнашмаслигининг ҳаракатини қилдилар. Чунки Собира опа зиёфатга келса, даврани унинг салобати босар, ҳамма унга маҳлиё бўлиб қоларди-да, булар сояда қолиб кетарди. Хуллас, Собира Майқанованинг айнан шу зиёфатда иштирок қилмаслиги учун барча чораларни кўрдилар, асосий баҳона эса қуйидагича эди: Собира Майқанова зиёфатда гапирмаслиги керак, гапирса, ўзининг чала-думбул русча гаплари билан ҳаммани шарманда қилади!

Дарвоқе, юқорида эслаганимиз каби, Опамиз чиндан-да, русчада чала гапирар, айтган гапида эга-кесими-ю келишиқ қўшимчалари аралашиб, ғалати-ғалати маънолар чиқиб қоларди. Масалан, бир гал партия йиғилишида гапираётиб шундай деган эди:

– Спасибо товарищу М-в. Вы сделал большему делу!

Москвалик ҳамкасбларимиз шарафига ёзилган дастурхонда Опа жуда чиройли кийинган ҳолда пайдо бўлди – унинг эгнида кип-қизил кўйлак бор эди, сочи турмакланган. Бош режиссёримиз Озарбайжон Мамбетов Опани Ульянов, Максакова, Целиковская, Яковлев, Борисовалар ўтирган қаторга ўтирғизиб келди. Сўнг тантанали ҳолатда эълон қилди: “Сўз театримизнинг

¹ Иничак – “ини” сўзининг кичрайтиб-эркалаб айтиладиган шакли.

² Китобда айнан шундай берилган.

онаси, Халқ артисти, мухтарама Собира опамизга!” Бир неча артистларимиз шу сўзлардан кейин, опамизнинг навбатдаги ғалабасини кўролмадан зални намоишкорона тарк этди. Майқанова эса вахтанговчиларнинг бош режиссёри Евгений Симоновга ҳеч қандай расмиятчилик қилиб ўтирмай “Ай, Симонову!” деб мурожаат қилганида, москваликлар қарсақ чалиб юборишди.

– Я твоего отцу хорошо зналу, – давом этди актриса (халқ артисти Рубен Симонов ўз вақтида Вахтангов номидаги театрнинг бош режиссёри бўлган).
– Тоже был великий режиссёру, ты на него похожу.

Уларнинг айтган гапларига иккала театр актёрлари тинимсиз қарсақ чалар ора-орада Майқанова биз томонга қараб қозоқчалаб ҳам гапириб юборарди. Бир пайт у Михаил Ульяновнинг ўзига тикилган нигоҳини пайқаб қолиб, унга гап отди:

– Выпил он уже, что ли? Что-то лицо у него слишком красное!

Лекин энг муҳими ҳали олдинда эди, Опамиз энди москваликларнинг маҳоратига баҳо бера бошлади:

– Ай, Симонову, – деди у яна вахтанговлик бош режиссёрга мурожаат қилиб, – Почему не даете званию моему подругу Целиковскому и Пашкову?

Бу даврга келиб театрда чиқитга чиқай деб турган иккала машҳур актриса ҳам Опанинг сўзларидан кейин ҳаяжонланиб кетди. Майқанова давом этди:

– Когда Ульянову с Борисуwu играли в «Иркутской истории», какая была пара!

Майқанова мўлжалга аниқ урган эди: Вахтангов театрида бир пайтлар бу иккала актёр бирга ўйнаган спектаклни эндиликда камдан-кам одам эсга оладиган бўлиб қолганди.

Опамиз энди Лановойга ўтди:

– Когда Василию Лановому играли в фильме «Аттестат зрелости», он был совсем мальчику, а сейчас кто?

Василий Лановой сакраб ўрнидан турди ва узун бўйини эгиб бориб Опамизнинг кўлини ўпди-да, микрофонга шундай деди:

– Менинг биринчи ролимни ҳозир ҳеч ким эсига ҳам олмайди. Ҳамма мени Павел Корчагиндан бошлаган деб ўйлайди. Собира опа, сиз чиндан ҳам театрнинг онаси экансиз – бизнинг театримиз тарихини ҳам яхши биладиган доно, хотираси улуғ она экансиз!

Ҳа, Собира опа баъзан болаларча инжиқ, бизнинг турмушимизга мутлақо мослашмаган, кулгили инсонга ўхшаб кўринса-да, аслида жуда қатъиятли, ҳақиқий она қалбига эга бўлган зот эди. Бир куни Олмаота театрларининг масъул ходимларини рҳбарият қабулига чақиришди. Регламент ўн беш минут қилиб белгиланган эди, бунга фақат Собира опагина амал қилмади, холос. Гапира бошлаганига 20 минут бўлганда, уни тўхтатишга уринишди, аммо Қўнаев кўлини кўтарди: жим, гапирсин!

Шу куни опамизнинг гапи 45 дақиқага чўзилди. Кейин эса Қўнаевнинг ўзи ҳам бир неча бор унинг гапларини иқтибос қилиб келтирди.

Биз баъзан одамларга нисбатан “дунёқараш” деган сўзни ишлатамиз, шундай одамлар ҳам бўладик, уларга “дунёқараш” деган сўзни эмас, “хонадон миқёсидаги қараш” деган сўзни ишлатса ҳам бўлаверади. Собира опа хонадон миқёсидаги шахс эмас, дунё миқёсида фикрловчи шахс ҳам эмас, у юксак миқёсдаги, самовий шахс эди. У ўзини, оиласини ўйламаса ўйламасдики, аммо театримиз ходимларини бир қудратли она сингари ҳимояга оларди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли эҳ-ҳе, театримиздаги ажралиш жарига келиб қолган қанчадан-қанча ёш оилалар сақлаб қолинди, онамиз уларга уй олиб беришда кўмаклашди! Бир куни мен ҳам яшаётган кулбам оиламдаги бешта жон учун торлик қилаётганидан шикоят этдим.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Опа ҳеч нарса демади-ю, аммо эртасигаёк академик Смет Кенесбоевни эргаштириб шаҳар бошлиғи Есен Дуйсеновнинг қабулига борибди. Тез орада мен ҳам марказдан уч хонали янги уй олдим.

Бир афсусланарли ери шуки, опамиз яшаган уйнинг бир манглайида мемориал ёзув қоқиб қўйгудай жой топилмабди – Собира Майқанованинг хотирасини абадийлаштириш бу уйда яшайдиганларнинг ёдига келмабди-я. Ахир у “Момо ер” спектаклида Тўлғоной ролида Москва сахнасига чиққанида, театр санъатининг ўта нозик нуқтадонлари бўлган мухлислар ўрнидан тик туриб олқишлаган эди. Опа бу спектаклда ўз қахрамонининг руҳий оламини юксак маҳорат билан гавдалантириб бера олди. Бу асар Авезов номидаги театр сахнасида ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўйналди, аммо театр мутахассисларининг эътирофича, спектаклни бир бор кўрган одам кўнгида яна бир марта кўрсам экан, деган армон билан тарк этадиган даражада ўйналган. Дарҳақиқат, “Момо ер” спектакли ана шундай эътирофга, олқишларга арзийдиган, ижроси юксак асар эди. Ҳатто биз – спектаклнинг оммавий сахналарида чиқадиган актёрлар ҳам, Майқанова-Тўлғоной ўғлининг шапкасини кўксига босиб, рельсга кулаб ох тортганда, томошабинларга қўшилиб йиғлаб юборардик. Бутун асарнинг фожеавий руҳини Опа сахнада ох тортиб йиғлашу, фарёд солиш билан эмас, балки ички дард, изтироб, нафас, ҳолат орқали ифодалар эдики, бундай маҳоратни мен бошқа ҳеч кимда учратмаганман.

Умуман олганда, опа диалогларда қозоқ тилининг ўзигагина хос бўлган “эу”, “бей” ва ҳоказо, муаллиф матнда ёзмаган ёки назарда тутмаган ундалма, иборалари билан асарни жонлантириб юборарди. Улуғ устозларимиз – қозоқ театрининг тамал тошини қўйган Шакен Айманов, Сейфулла Телғараев, Камола Қармишова ва албатта Собира опам тилимизнинг бу хил нозикликларидан, ифода усулларидан ўта мохирона фойдаланар эдилар. Улар дунёдан ўтишлари билан эндиги қахрамонларимиз тилида, диалогларида ўша халқона рух, миллий жозибаторлик, кўпмаъноли мазмундорлик йўқолди. Ҳозир маҳоратли, эсда қоладиган, ёрқин истеъдодлар кўп, аммо булар гапираётган тил бошқача, демак, ижро бошқача.

Менинг марҳум дўстим, халқ артисти Райимбек Сейтметов (у “Момо ер” спектаклида Тўлғонойнинг кичик ўғли Жайноқ ролида чиқарди) Опа ҳақида шундай деган эди: “Собира опа менинг бошимни кўксига босиб турганида, ҳар гал мен унинг вужудидан ўз онажонимнинг ҳидини, иссиғини туярдим ва йиғлаб юборардим”.



Ашурбек СИФАЙ

БИЗГА ҚАНДАЙ ТЕАТР КЕРАК?

Театр санъати – қадимий тарихга эга, сир-синоатга тўла соҳа. Санъатнинг бу тури неча асрлардан буён одамзод тақдири билан биргаликда тараққиёт йўлларини босиб ўтмоқда. Унинг асоси – ҳаётийлик, қурашчанликдир. Театрнинг яшовчанлик сири эса – куч-қудратида, салоҳиятида, сирлилигидадир. Бу санъат тури ҳеч бир замонда ҳам инсонга хизмат қилишдан тўхтаган эмас, ҳаётсеварликдан, жозибадорликдан чекинган эмас. У ҳамиша инсон тафаккури учун, унинг тараққиёти учун, туйғуларининг покизалиги учун, руҳий оламининг поклиги учун хизмат қилиб келди.

Албатта, бу санъатни ҳам турли йўналишларга солишга, ўзларига мослашга, жамият хоҳишига кўра, муҳит талабига биноан хизмат қилдиришга уринишлар бўлди – бунга ўтган замонлар ҳам, ҳозирги вақтнинг ўзи ҳам гувоҳ. Бинобарин, театр санъати – санъат турларининг барчаси учун юрак ва қон-томир вазифасини бажариб келди. Шунга кўра ҳам, бу санъат турини бошқа санъат турларининг йиғиндиси десак, ўзига хос бир олам десак, барча томоша жанрларнинг бошини бириктириб турган муқаддас соҳа десак янглишмаймиз. Сабаби, бу соҳада мусиқа ҳам, ранглар жилоси ҳам, овоз санъати ҳам, ҳаракатлар илми ҳам мавжуд. Устига устак, театр олами унга қараб талпинган одамларгагина сон-саноксиз сирларини бирма-бир очиб берадиган тилсимли, кенг олам. Театр санъатининг тилсимлилиги, мўъжизавийлиги, ранго-ранглигига қарамай, менинг назаримда, халқ, айниқса мана ушбу санъат турига жуда ишқибоз, жуда тушунувчан, билгич,

кўришга хумор. Ҳайрон қоладиган жиҳати шундаки, томошабин театр санъатининг сеҳри, ички олами ва сирларини қанчалик теран ўрганмасин, бу олам қаърида яна шунча сир-синоат, яна шунча тилсим, яна шунча жумбоқ қолиб кетаётгандай туюлади. Бунинг бир томони энди театрнинг халқчиллиги, оммавийлиги, ҳаммага бирдек тушунарли эканлиги билан боғлиқ бўлса керак. Ҳа-ҳа, сиз Софокл, Сенека, Шекспир, Мольер, Шиллер, Островский, Авезов яшаган даврларга бир назар ташлаб кўринг. Ана шунда театр санъатининг қанчалар оғир, қанчалар мураккаб, қанчалар кутилмаган йўлларни босиб ўтганига гувоҳ бўласиз. Карвоннинг энг охирига ўрнашиб-жойлашиб олгандай келиб кўшилган кино санъати ҳам, эстрада ҳам, ойнаи жаҳон ҳам аслида театрдан куч олиб, руҳ олиб, такомиллашиб, даврага кўшилгунча, театрнинг сийнасига ёпишиб улғайдилар. Бу орада театр санъатининг ўзи ҳам неча бора “хасталаниб”, мазаси қочиб, заифлашиб, гоҳ қолдан тойиб, гоҳ эса яна кучга кириб, олға интилди. Бу санъат барҳаётлигининг асл моҳияти ана шунда.

Ўқорида театр санъатини барча санъат турларининг юраги, қон томири деган гапни тилга олдик. Бу бежиз эмас. Ушбу қиёсани чин маънода ҳам текшириб, солиштириб кўриш мумкин. Инсон вужудидаги, танадаги аъзоларнинг ҳаммаси – буйрак ҳам, жигар ҳам юракни пойлаб яшар экан, яъни уларнинг асосий тириклик манбаи – юрак, уларнинг асосий иши – юракни бедор саклаш, уни ухлатмаслик, ҳамиша уриб туришга мажбурлашдан иборат. Агар юрак уйқуга

кетгудай бўлса, бошқа аъзоларнинг ҳоли не кечиши маълум. Юрак тўхтадимиз, қолган барча аъзоларнинг фаолияти тўхтайдими, тирикчилиги тугайди. Ўзи ўлса, бошқалар ҳам сўзсиз ўлишини юрак яхши билади. Бошқаларнинг тақдири ўзининг қўлида эканини сезади. Шунинг учун ҳам, ўзининг ўзгаларнинг омон қолиши учун у дурс-дурс зарб бўлиб туришдан тўхтамайди. Театр ҳам шунга ўхшайди. Агар театр назардан қолиб, фаолиятини тўхтатса, бошқа санъат соҳалари ҳам инкирозга учрайди.

Тўғриси айтганда, ҳозирги пайтда “хаёт” деб аталмиш театрнинг томошаси ҳам оз эмас. Нима ҳам дердик, профессионал санъат театр билан ҳеч қандай қонун-қонидасиз, режасиз, ўз билганича кун кечираётган хаёт сахнасидаги фарқлар; этика, эстетика, бадиият, мафкуравий савия ва ҳоказо кўрсаткичлар ораси ер билан осмонча. Бугунги қимматчилик, қаҳатчилик, пул ва мол-дунёнинг тўрға чиқиб олиши, чўнтак билан қоринни тўлдириш йўлидаги қонли жанглар, қароқчилик ва талон-тарожлар, алдоқчилик ва чув туширишлар, зўравонлик ва босқинчиликлар замонида театрда томоша кўришга кимнинг хуши бор дейсиз. Мана шундай аҳвол МДХ мамлакатларининг кўпчилигида давом этиб турибди. Биз Чеченистондаги санъат даргоҳларининг аҳволидан хабардормизми? Шуларга қиёслаб олганда, минг бор шукур айтамикки, бизлардаги аҳвол ёмон эмас.

Замона кайфияти бизни ҳам четлаб ўтмаётир. Маблағ топиш керак, чўнтаклар торайиб қолган, молиявий аҳвол ҳаминқадар. Аммо, қадимги бир ибора билан айтганда, бундан ёмон кунлардаям тўйга борганмиз. Очарчилик, жамоалаштириш, уруш йилларида ҳам тутун тутатиб, қозон қайнатганмиз дегандай, катта авлод вакиллари шу кунларгача етказган, яратиб кетган театр санъати анъаналарини йўқотиб қўймаслик, қўлдан бой бермаслик – ҳам қарз, ҳам фарз. Энг қийин шароитда ҳам улуғ Авезов “Қозоққа қандай театр керак?” деган муаммони доимо кўтариб, шу саволга жавоб ахтариб келган. Ҳа-ҳа, хўкиз қўшилган аравани сахна қилиб, театр жиҳозларини кўтариб олиб яёв-яёв эл оралаб, овул

кезиб, одамларга томоша кўрсатган дастлабки санъаткорларимизнинг машаққатли ишлари, фидойиликлари – булар зериккан кишиларнинг эрмаги эмасди. Улар халқ руҳига кўтаринчилик бағишлаганлар. Улар – кўзга ҳам, кўнгилга ҳам умид ҳосилларини эккан Прометейлар эди. Ана ўшалар ҳақиқий артистлар, ҳақиқий санъаткорлар эди.

Ҳозиргидай телефон алоқалари қайда дейсиз, йўқ, етиб борганларида ким кутиб олиши ҳам номаълум, телеграмма юбориш, шароит яратиб қўйиш деган гаплар хаёлига ҳам кирмаган Қазибеклар, Сералилар, Жуматлар, Елубойлар, Қапанлар, Қулешларнинг санъати ўша даврларда ҳақиқий қаҳрамонлик эди.

Энди, олдимизда турган мақсад-вазифаларни аниқлаштириб олиш ҳам биз учун муҳим. Томошабинлар сони камайиб бораётгани ҳаммамизни ташвишлантириши керак. Залларимиз тўлмаётгани ҳақида кўп гапирамиз. Бу борада нима дейиш мумкин, биринчидан, ҳар гал, ҳар спектаклда залларни одам билан тўлдираверишнинг ҳеч иложи йўқ. Бунга ҳадеб тиришавермаслик ҳам керак. Театрни эҳтиёж деб билган одамнинг ўзи келади. Шу ўринда, келажакда куриладиган театр бинолари залида ўриндиклар сонини ихчамлаштириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Рухий эҳтиёжни, эстетик талабни ўстириш учун аввало драматургия, режиссура, актёрнинг ижро маҳоратини ошириш шартлиги – бу аксиома. Мумтоз намуналарнинг сахнавий талқинини янгилаш, сахналаштириш ва бадиият сифатини бугунги томошабин нуктаи назари билан, ҳозирги тушунчалар билан ўлчаб иш тутиш – замон талаби. Сахналаштирилган ҳар бир асар эснаб ўтирадиган томошабинни эмас, эсли-хушли томошабинни назарда тутиб сахнага чиқарилиши керак. Шунинг учун ҳам, репертуарларни яна бир қараб чиқиш, драматургик асарларни саралаш масаласи – илғор муаммо бўлиб қолаверади. “Дин – халқ учун афюндир” деган шиорларга берилиб, қанча-қанча ҳазратларимизни, уламоларимизни халққа қарши қилиб қўйдик. Бунга драматург ҳам, томошабин ҳам айбдор эмасди, бунга замон айбдор эди. Драматизмни кучайтириш, қаҳрамонларнинг тўқнашувларини

ўткирлаш йўлида шундай усуллар, зиддиятлар, ечимлар керак эди-да. Бугун эса янгича дунёқарашларга амал қилишимиз лозимлигини жамиятнинг ўзи, даврнинг ўзи талаб қияпти. Бундай фикр-мулоҳазалар фақат “Ақан сери – Оқтўқли” каби фожевий асарларгагина эмас, талай-талай драмаларга ҳам, “Жамбул”, “Омонгелди”, “Алдаркўса” каби тарихий мавзудаги кинотасмалар учун ҳам тегишли. Яна, тарихий сиймоларимиз (Исагой, Махамбет, Жангир) муносабатларини ойдинлаштириб олиш ҳам олдда турган вазифалардан. Айниқса Жангирхон сиймосини бошқатдан қараб чиқишимиз керак. Олдда нималар бўлишини башорат қилиб бўладими? Мана шундай “оҳ ва аттанг”ларнинг кўпайиши – кечаги ҳаётимизнинг камчилиги. Хуллас, социалистик реализмга, байналмилал бурчга садоқат кўрсатишда бизнинг халқ олдига одам туширмаган экан. Пайти келди, энди ўзимизнинг зоҳиримизга тикилайлик, ўз ҳақиқатимизга, ички ишларимизга кўз ташлайлик. Лекин бу борада ҳам шошилмаслик керак. Яна ўша Мухтор бобомиз айтган ҳикматли қоида эсга тушади: “Халқ бўламан десанг кадингни асра, эл бўламан десанг, бешигингни туза”. Бунда ҳикмат кўп, ибрат кўп. Қозокнинг ўз реализмидан ўрнак оладиган пайт келди. Бу борада энди ялковсирамай, ялтоқламасдан иш кўришимиз керак.

Бизга қандай театр керак? Авезовнинг ўртага қўйган муаммоси кун тартибда ҳамон турибди. Уларни ечиб ташлашга Шўролар даври, социалистик мафкура ўз даврида йўл бермай келди. Съезд қарорларига мос келадиган санъат барпо қилиш учун куч-қувватимизнинг борини ишга солдик. Юрак буюргангани эмас, қалбга яқин манзараларни эмас, балки Станиславский чизиб берган доира теварагида чир айланиб, ўзимизча санъат яратган бўлдик. Дулдул от ипподром теварагида айлангани каби, биз ҳам ўзимиз яратган санъат намуналари теварагида айланавердик. Қонимиз кўтарилиб, бошимиз айланиб,

кўз олдимизни қоронғулик босганда ҳам, бир-биримизга “бу қанчалар ажойиб!” деб тамшаниб, махлиё бўлиб қолдик. Энг аввало Европага таклид қилмоқчи бўлдик. Муаммони қозок томошабинининг нуқтаи назаридан эмас, қирқта майда-майда қабила-уруғлар нуқтаи назаридан қараб ёритишга интилдик. Виолончельни кўрганда бош кийимимизни олиб, ўрнимиздан турмай тинглашни ўргандик. Шундай қилиб, миллий бўёқлардан, халқона колоритдан қочиб, гўзал ва асл кадрятлариизни ҳам бориचा, ўз ҳолича кўрсатишдан ўзимизни тийдик.

Ўзимча ўйланаман: санъатимизга ёпирилиб кириб олган европалик унсур (элемент)лардан навбати билан секин-аста кутулиб олишимиз керак. Баримиз бор куч-қувватимизни бағишлаганимизда ҳам бизга инглизлар Шекспирини, французлар Мольерини, немислар Шиллерини, руслар Толстойини бермайди, уларни ўзимизники қилолмаймиз. Бу мумтоз сиймолардан қолган меросларни ҳар қанча ўзшатиб ижро этмайлик, барибир уларнинг ўзлари каби бажара олмаслигимиз ҳам рост. Мумтоз сиймолардан ўрганайлик, аммо, шу билан бирга, Авезов, Мусреповлар яратган улкан анъаналарни ҳам ўрганиб, ривожлантириб, ўзга миллатлар олдига олиб чиқмасак – бу энди миллат эканимизнинг, авлод эканимизнинг нуқсони бўлиб қолаверади. Ургандик. Ибрат олдик. Хўш, биз ўзимиз нималарни ибрат қилиб кўрсата оламиз? Қанчалар бой ва теран оғзаки адабиётга, ёзма адабиётга, улуғ маданиятга эга бўлган озодликка кучок очган қадимий қозок халқига қандай театр керак? Мана шу муаммони охиригача ечиб олмагунимизча келажак режаларимиз, йўналишларимиз, қутилаётган умид ва ютуқларимиз қоронғи-зулматдан қутулолмай тураверади. Мумтоз адибимиз Мухтор Авезовнинг айтган васиятлари санъатимиз ходимларининг ҳали узоқ вақт бедор тўлғаниб ётишлари учун сабаб бўлиши шубҳасиздир.

*“Мулоҳаза” китобидан олинди.
Музаффар АҲМАД
таржималари*



СУРОНЛАР АРО СУКУНАТ

XIX–XX асрлар тарих саҳифаларига инсоният тараққиётининг энг ривожланган, турли қарашлар, фан соҳасидаги ютуқлар, маданият шакллариининг юзага келган даври бўлиб муҳрланди. Башарият ер юзида яшаётгандан буён амалга оширган ихтиро ва кашфиётларнинг 4/5 қисми шу даврда яратилди. Ижтимоий фанлар сирасига кирувчи фалсафа, эстетика, адабиёт йўналишлари ўз давридан анча илгарилаб кетди. Франция, Германия, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатлар жаҳон адабиётига ўзининг дурдона асарлари билан улкан ҳисса қўшган Лев Толстой, Фридрих Нитше, Франс Кафка, Жеймс Жойс, Ҳерман Хессе каби буюк дарғаларни етиштириб берди. Худди шу ёзувчилар қаторида франциялик адиб, адабиёт соҳасидаги хизматлари учун 1910 йилда “Нобель мукофоти лауреати” бўлган Луи Буссенар ҳам бор. Тўлиқ исми Анре Луи Франсуа Иер бўлган адиб 1847 йил 4 октябрда Франциянинг Луаре музофотида қарашли Эскернн қишлоғида дунёга келди. Отаси Луи Антан Буссенар (1794-1855) Эскернн қалъаси бошқарувчиси, солиқчи лавозимларида ишлаган. 1850 йилда ёш Луининг онаси вафот этгач, у қалъа хизматкорининг кизи Элуиза Ланс билан расмий никоҳдан ўтади. Орадан 5 йил ўтиб 1855 йилда Антуан Буссенар ҳам вафот этади. Ўғай онаси Элуиза Ланс Луи ҳамда унинг укаси тарбияси билан астойдил шуғулланади. Элуиза кун келиб, ҳар иккала ўғлининг вафотини кўриб, 1922 йил 106 ёшида дунёдан кўз

юмади. Мактабдаёқ тенгдошлари ва устозларининг эътиборига тушган Луи Буссенар 1860-70 йилларда Ритве шаҳрида ижтимоий фанлар бўйича таҳсил олади. Кейинчалик, Париж университетининг тиббиёт факультетига ҳужжат топширади. Унинг талабалик йиллари Франция-Пруссия уруши даврига тўғри келади. 1870 йилнинг ёзида ўқишни ташлаб, армия сафига шифокор сифатида юборилади. Ўша ерда Шаминий тепалиги яқинида оғир яраланади. Урушдан сўнг, бир неча муддат тиббиёт билан шуғулланиб кўради. Аммо кўп ўтмай, унинг қалби адабиёт учун яратилганлигини тушуниб етади. Луи Буссенарнинг адабиёт соҳасидаги дастлабки ишлари 1876 йилда Париждаги газеталарда муҳаррирлик қилиб юрганида босилиб чиқади. 1878 йилда у катта, келажакда бутун тақдирини ўзгартириб юборадиган битимга имзо чекди. Бу “Ер ва куруқлик бўйлаб саёҳат” номли журнал билан тузилган шартнома эди. 1871 йилда Луи Буссенар Индонезия ва Австралия оролларига биринчи бор саёҳатга чиқади. Кейинги ўн йилликда у Марокко Француз Гвианаси, Серра-Леоне, Микронезия каби худудларни яқиндан ўрганайди. Ушбу саёҳатларнинг барчасини ўзи фаолият юритадиган “Ер ва куруқлик бўйлаб саёҳат” журнали молиялаштирадди. 1879 йилда Луи Буссенарнинг биринчи “Австралия бўйлаб ўн минг сариқ Опостумлар” романи босилди. Ёзувчи бу асарни илмий-саргузашт йўналишида ёзган бўлиб, унда Австралияда яшовчи “Сариқ Опостумлар” деб номланган халқнинг этнографияси, маданияти, тили, дини, ўзаро алоқа муносабатлари ҳикоя қилинади. Адибнинг иккинчи асари “Ёш Парижликнинг дунё бўйлаб саёҳати” романи (1880 йил) унга улкан шуҳрат олиб келди. Шундан сўнг унинг асарлари журнал саҳифаларида кетма-кет нашр этила бошланди, жуда серғайрат ва меҳнаткаш ёзувчи

деярли ҳар йили битта роман эълон қилади. 1880 йилда Луи Буссенар ҳукумат томонидан Франция Гвианасига замонавий тиббий хизмат ҳолатини яхшилаш учун юборилди. Саёҳат натижаси ўлароқ “Гвиана Робинзонлари” романи дунёга келади. Учинчи романидан сўнг ёзувчи Парижни тарк этиб, ўз туғилиб ўсган юртида яшай бошлайди. Адиб бўш пайтларида қишлоқ яқинидаги ўрмонда овчилик ва балиқчилик билан шуғулланади. 1885 йилда Луи Буссенар “Шерлар диёрига саёҳат” номли трилогиясини нашрдан чиқарди. Шерлар, Йўлбарслар ва Бизонлар номли қисмлардан ташкил топган романда йиртқич ҳайвонлар яшайдиган ҳудудлар, уларнинг феъл-атвори, яшаш тарзи илмий асосда очиб берилган.

Ёзувчи кейинги йилларда “Канада овчилари” (1891 йил), “Чўнтакда бир пулсиз” (1895 йил), “Музли дўзах” (1900 йил), “Македониядаги террор” (1904 йил), “Мексика келини” (1905) номли бир қатор романларини эълон қилади. Луи Буссенар ижоди фақатгина роман жанри билан чекланиб қолмаган. У ўз давридаги ижтимоий муаммоларни илгари сурган ҳикоя ва очерклар муаллифи ҳамдир. Айниқса, “Рожа чойнаги” (1881 йил), “Каймақд ва Инаида” ҳикоялари (1891 йил), “Йўлбарслар оиласи” (1881 йил) очерклари машҳурдир. У ижодий фаолияти давомида фақат саргузашт йўналишдаги асарлар ёзибгина қолмай, илмий фантастик, тарихий романлар ҳам яратди. Жумладан, “Доктор Синтез сирлари” (1888 йил), “Муз қаърида ўн минг йил” (1889 йил), Александр Дюма ижоди таъсирида яратилган “Малаҳов кўрғони қаҳрамонлари” (1890 йил) романлари шу тоифага мансуб. Шу ўринда Луи Буссенарнинг француз адабиётида тутган ўрни ҳақида бир оғиз сўз: ёзувчи асарлари француз романтизми ва нисбатан кейинроқ пайдо бўлган реализм оқими оралиғида яратилган. Луи Буссенар асарлари кўпроқ ўз даврининг янги, қомусий билимларини ўзида жамлагандир. Ёзувчи асарларининг саргузаштларга бойлиги, воқеаларда бевосита ўзининг иштирок этиши,

илм аҳлига ҳали қоронғу бўлган маълумотларнинг бериб борилиши, шу билан бир қаторда, уларнинг ўқувчи қалбини ром этадиган даражада ўткир сюжет асосига қурилганлиги ёзувчи номини бутун дунёга машҳур қилди. 1902 йилда яна журналга қайтган Луи Буссенар саккиз йил давомида Девин тахаллуси билан “Дехқоннинг хатлари” номли туркум мақолаларини эълон қилади. Унда ижтимоий мавзулар қаламга олинади. Ёзувчи асарларининг асосий қаҳрамонлари ёш, қизиқувчан, дунёни билишга чанқоқ французлардир. Улар ўзларининг саёҳатлари давомида бир-биридан ғаройиб бўлган саргузаштларни бошдан кечиради, турли халқлар урф-одатлари билан танишади. Энг муҳими, ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигига содиқ қолади. Луи Буссенарнинг ўзи ҳам худди шундай турли саргузашт ва романтик ҳиссиётлар ишқибози, содда, шижоаткор инсон эди. Адиб асарлари Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушлари оралиғида китобхонлар томонидан севиб ўқилди. Луи Буссенар асарларидаги сокинлик, умидбахшлик урушлар титроғида руҳан азоб чекаётган инсониятни аллалар, қонли даврдан хаёлан бўлса-да, узилиш имконини берарди. У фавқулодда сирли, шиддатли ҳаёт йўлини босиб ўтмади. Ёзувчи тақдири, асарлари бунга хосланмаганди. Умарининг сўнгги йилларини Орлеанда ўтказган Буссенар 27 йил давомида ўзига ҳамроҳлик қилган севимли турмуш ўртоғи Албертина Делепуани 1910 йилда тупроққа кўяди. Орадан уч ой ўтгач, ўзи ҳам касалликдан вафот этади. Васиятига биноан унинг барча асарлари қўлёзмаси ёқиб юборилади. Шу йили ёзувчи ижоди Нобел мукофотига лойиқ деб топилади. 1911 йил Петербургда “Табиат ва одамлар” журнали ёзувчининг 40 жилдлик тўлиқ асарлар тўпламини босиб чиқаради. 1991-2001 йилларда “Ладомер” нашриёти ёзувчининг барча асарларини ўзида жамлаган 30 жилдлик асарлар тўпламини қайта нашр қилди. Ундан адибнинг 38 романи, 20 га яқин ҳикоя ва очерклари ўрин олган.

*Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ
тайёрлади*



ЎТГАН КУНЛАР ЁДИ НИМАДИР?

“Ғамдан ўзга ҳақлик йўқ, дарддан ўзга ҳақиқат...”

1920 йилда китоб дўконларида пайдо бўлган “Ҳаяжон” шеърлар тўпламининг дастлабки саҳифаларида кўринган бу сатрларни ёш шоир Иво Андрич ҳибсда ётиб битганини, кейинчалик бу йигит ёзувчи сифатида дунёга танилишини, ҳатто унинг номи билан аталувчи шаҳар бунёд этилишини ўша пайтда ким ҳам билибди?

Иво Андрич ўзининг дастлабки асарларида ҳаёт, борлик, инсон умрининг моҳияти ҳақида туғилган саволларга жавоб излаган бўлса, кейинчалик бу саволлар борасидаги мулоҳазалари кенгайиб, тарихий эврилишлар ва инсон тақдири ўртасидаги боғлиқлик, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатлар мавзуларигача ўсиб борди. Швеция Кироллик академияси ёзувчини Нобель мукофотига муносиб кўрар экан, ўз қарорини “инсон тақдири ва Ватани тарихи билан боғлиқ муаммоларни бор бўйича очишга имкон берган эпик истеъдоди учун” дея изоҳлагани ҳам бежиз эмас эди.

Иво Андрич 1892 йили 9 октябрда ҳозирги Босния ва Герцеговина худудида, камтаргина мактаб хизматчиси Антун Андрич ва Катарина Андричлар оиласида туғилган. Отаси вафот этганида бўлғуси ёзувчи уч ёшга ҳам тўлмаган эди. Оила боқувчисини йўқотиб, қийналиб қолган бева аёл Вишеградга, эрининг қариндошлари

ёнига кўчиб ўтишга мажбур бўлади.

Андричнинг болалиги Вишеградда, рим-католик черкови одатларига қатъий риоя қиладиган тақводор қариндошлари ичида кечади. Ушу ерда мактабни тугатади, дилида билим ва маърифатга майл ҳамда рағбат уйғонади. Ёзувчи яшаган ҳудудда турли халқлар – турк, серб, хорват, словен халқларининг урф-одатлари ва маданияти, ислом дини, христианлик динининг католик ва православ мазҳабларига оид, урф-одатлари ёнма-ён яшарди. Чунки Босния узок йиллар давомида Усмонли Турклар империяси ҳукмронлигида яшаган. XIX асрга келиб Австро-Венгриянинг, сўнг Россиянинг истило даъволарига нишон бўлган эди. 1908 йилда эса бу ҳудуд Австро-Венгрия империяси томонидан расман забт этилади. Андрич бу вақтда Сараево шаҳридаги гимназияда таълим оларди.

Ватани бошига тушган бу кўрғилик йигитчанинг юрагида қандай туғёнлар уйғотганини билиш қийин эмас, боиси у гимназия ўқувчиси бўла туриб, “Млада Босна” номли инқилобий гуруҳга аъзо бўлиб кирган эди. Мазкур гуруҳ Босниянинг озодлиги, жанубий славянларнинг мустақил давлат бўлиб бирлашишлари йўлида кураш олиб борарди. Гуруҳ аъзоларидан бири Гаврило Принсипнинг 1914 йилда эрц-герцог Франц-Фердинандни ўлдириши Биринчи жаҳон урушининг бошланиб кетишига сабаб бўлганини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Шу воқеадан кейин гуруҳнинг кўплаб аъзолари ҳибсга олинди. Улар орасида Загреб шаҳридаги Кироллик университетининг фалсафа факультети талабаси, 22 ёшли Иво Андрич ҳам бор эди. Уни “югослав миллатчиси” деган айблов билан уч йилга озодликдан маҳрум қилишади. Ҳибсда кечган йилларида у Ф.Достоевский романлари, даниялик файласуф Кьеркегор асарлари билан қизиқиб қолади, ўзининг дастлабки иккита китоби – “Денгиз қаъридан” ва “Ҳаяжон”

шеърӣ тўпламларини яратади. Жумладан, “Зулмат” номли шеърда шундай сатрларни битди:

*...Қим айтаркин менга шу туни,
Ўтган ишлар, зотлар хошири,
Ўтган кунлар ёди нимадир?
Юрак ноҳуш урмоқда нечун?¹
Қайга бошлар у? Нима учун?*

Ёш ижодкор эндигина бошланаётган ҳаёт йўли зулмат қаърида ўтиб бораётганидан чеккан изтиробларини шу тарзда ифода қилган эди.

Албатта, унинг бу китоблари уруш тугагандан кейингина нашр этилди. Бу вақтда ёш шоирнинг озодликка чиққанига энди бир йил тўлган эди.

Урушдан кейин у Вена, Краков, Граца университетларида ўқийди. 1924 йилда фалсафа бўйича докторлик диссертациясини ёқлайди.

Унинг асосий меҳнат фаолияти дипломатик соҳаларда кечди. 1920 йилда Ватикандаги элчихонада, кейин Бухарест, Триест ва Граца, Париж, Марсель, Мадрид консулликларида хизмат қилди, Миллатлар Лигасида Югославия қироллиги мунтазам делегациясининг котиби, Иккинчи жаҳон уруши арафасида эса Югославия ҳукуматининг Берлиндаги элчиси сифатида хизмат қилди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Иво Андрич Югославия Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти билан бўлган зиддиятлар боис истеъфога чиқади-да, ватанига қайтади. Лекин бу пайтда уруш садолари Белградга ҳам етиб келган эди. Ёзувчининг виждонли инсон сифатида урушга муносабат билдирганлари ҳам изсиз кетмади: Фашистлар Германиясининг собиқ Югославияга босқини бошланган дастлабки кунлардан (1941 йилнинг апрели) то Иккинчи жаҳон урушининг сўнгги йилида (1945) ватани озод бўлгунга қадар Белградда уй қамоғида сақланади.

Ёзувчининг назарида офат

¹ Шеърни Рисолат Ҳайдарова таржима қилган.

келтирувчи урушлар – ёвузлик мевасидир. “1920 йил санаси қўйилган мактуб” асарида у ватани бошидан кечирган оғир кунларнинг сабаби ҳақида фикр юритади. “Бугун бу кўргилик фақатгина Босниянинггина бошида эмас, мен бу ёвузлик ҳодисасини ҳозир кадрдон Боснияда кўряпман, – деб ёзади у қаҳрамони доктор Макс Левенфельднинг қисмати ҳақида ҳикоя қиларкан. – Макс Босниядаги ёвузликлардан қочиб, Триестга кетган, у ердан эса Испанияга жўнаб, республика армиясига қўшилган эди. Куппа-кундуз кунни у ётган ҳарбий шифохона ҳаво ҳужумига учради, у ярадорлар билан биргаликда ҳалок бўлди. Ёвузликдан қочган одам ўз умрини мана шундай якунлади”.

Адибнинг қарашлари ҳибсда ётган йиллари яратилган “Дринадаги кўприк”, “Травния солномаси”, “Ойимқиз” романларидан иборат трилогияда акс этган.

“Дринадаги кўприк” ижтимоий-тарихий роман бўлиб, унда беш аср мобайнида Босния халқи бошидан кечган воқеалар қаламга олинади. Бу роман трилогиянинг қолган қисмларига қараганда кўпроқ тилларга таржима қилинган.

Асарга берилган ном рамзий маънога эга. Катта тарихий даврни камраган романнинг воқеалари тарқоқдек, қаҳрамонлари, персонажлари кўп бўлганидан, уларнинг тақдири ҳам чигалдек, сўнгги нуқтага етиб келмагандек туюлади. Лекин воқеаларни ва инсонлар тақдирини Дрина дарёсига қурилган кўприк бирлаштириб туради. Иншоотни XVI асрда турклар бунёд этишган. У кўп воқеаларга, севишганларнинг висолига, гуноҳкорларнинг қатл қилинишига, яҳудийлар, мусулмонлар ва насронийлар ўртасида кечган урушларга, мусулмонларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам байрам, тўй ҳамда азаларига гувоҳ бўлганлар. Йиллар, даврлар ўтяпти, авлодлар келиб-кетяпти, лекин Дрина дарёси ҳамон оқяпти, кўприк эса ханузгача иккала соҳилни бир-бирига яқинлаштириб, қудратли рамз,

инсон бунёдкорлигига айтилган қасида янглиғ яшаб келяпти. Йиллар худди дарёнинг суви билан оққандек ўтиб кетаётганига аҳоли кўп ҳам қайғурмай қўйган. Чунки ҳаётнинг ўзи мўъжиза, у тугаётгандек туюлади-ю, лекин Дринадаги кўприк сингари авлодлар билан қолаверади.

Тўғри, ибтидонинг интиҳоси бор, кўприк ҳам йиллар ўтиб кексади, лекин инсон умрига андоза қилиб олинган вақт билан солиштирганда бу иншоотнинг қариганини чамалаб бўлмади, одамлар назарида кўприкнинг интиҳоси кўринмади. Лекин XX асрга келиб, ёвузлик одамларнинг интиҳо ҳақидаги қарашларини ағдар-тўнтар қилиб юборади: Австрия аскарлари мина қўйиб кўприкни портлатиб юоришади.

Лекин ёзувчининг назарида ёвузликнинг устун келиши – муваққат ходисаси, шу боис роман сўнггида Али хожи тилидан: “Бу ердаги кўприк вайрон қилинган бўлса, балки бошқа бир ерда кўприк қуришаётгандир? Менимча, қаерлардadir, дунёнинг чеккасида Худони эслайдиган одамлар ҳам бор бўлса керак. Агар яратган эгам толей паст Дринадан юз ўгирган бўлса, эҳтимол, осмон тагида ястаниб ётган бу ғамхона заминдан юз ўгирмагандир?” – дея ёзади.

40-йилларнинг иккинчи ярмидаги ҳикоя ва қиссаларида (масалан, 1948 йилда босилган “Янги тарихлар” туркуми) Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги оғир даврлар, Болкон мамлакатлари тарихидаги Усмонли турклар қўли остида кечган воқеалар (1954 йилда эълон қилинган “Лаънатланган ҳовли” қиссаси) мавзуси етакчилик қилади.

Иво Андричнинг қахрамонлари ҳар қандай шароитда ҳам одам инсонийлик қиёфасини сақлаб қолиши шарт, очлик, қашшоқлик ва муҳтожлик одамийликдан ғолиб келиши мумкин эмас, деган ақида билан яшайди.

Масалан, унинг “Гидам” ҳикоясида Ката исмли кампир 1941 йилнинг ёзида, уйини бузиб

ташламоқчи бўлган қишлоқ жамоаси оқсоқолидан шафқат сўраб келиб, унинг қабулхонаси полига ташлаб қўйилган форс гиламини кўриб қолади. Бу гилам унга болалигида, Сараевога Австрия-Венгрия кўшинлари бостириб кирган пайтдаги кечган бир воқеани эслатади. Баъзилар босқиндан фойдаланиб, қочиб кетганларнинг буюмларини ташиб оладилар, баъзилар эса аскарларни авраб, талаб олинган бегона буюмларни арокқа алмаштирмақчи бўладилар. Катанинг онаси қишлоқдошлари бўлган бир турк оиласидан тортиб олинган гиламни кўтариб келган австриялик аскарга бир шиша қўлбола арок бериб, гиламни олиб қолади. Бечора она, бу гиламни болалари совуқ кунда куп-қуруқ ерда ўтирмасин учун полга тўшаб қўймоқчи бўлган экан. Шунда Катанинг бувиси Анджа бу иши учун келинини қойиб, гиламни кулбадан чиқариб ташлашни буюради...

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Иво Андричнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки жуда фаоллашади, 1946 йилда у Сербия Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланади, Сербия Ёзувчилар уюшмасининг Низомини тайёрлаш ишларида қатнашади, шу йил охирида бўлиб ўтган Сербия Ёзувчилар уюшмасининг таъсис съездида уюшма раислигига ўтади.

Унинг обрўси мамлакатда жуда ошиб кетади. Бунга ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги сабаб эди, албатта. Чунки адабий фаолият қоғоз қоралашдангина иборат эмас, унинг назарида ёзувчилик – ижтимоий ҳаёт билан ҳамқадамликда кечадиган мураккаб жараёндир. Бу борада Босниянинг Югославия Федерацияси таркибидаги олтига тенг ҳуқуқли республикадан бири сифатида тан олинishi муносабати билан қилган сиёсий-публицистик чиқишлари, Халқ йиғини иттифоқи сафидаги ижтимоий фаолиятини, славян адабиёти ва маданиятининг яқинлашуви йўлидаги саъй-ҳаракатларини кўрсатиш мумкин. Жумладан, Иво Андрич 1954 йилда

серб-хорват адабий тилининг бирдамлиги тўғрисидаги Новисад шартномасини биринчи бўлиб имзолайди. Унинг наздида, бири-бирига яқин, турмуши ва маданияти ҳамнафас бўлган бу икки халқнинг адабий тили ҳам бир бўлиши керак эди.

Иво Андричнинг 50-йилларнинг иккинчи ярми – 60-йиллардаги ижодида, айниқса, унинг ҳикояларида янгича шакллар, йўналишлар, мавзулар пайдо бўла бошлайди. “Уйин”, “Елена – мавжуд бўлмаган аёл” ҳикоялари шулар жумласидандир. Айниқса унинг “Елена – мавжуд бўлмаган аёл” ҳикоясини ёзувчининг ҳаёлотли, кечинмалари тасвири, рамзлардан иборат бир асар деб қабул қилиш мумкин.

Ҳикоя қаҳрамонининг юрагида яшаётган хислари, унинг орзулари аёл кийфасида намоён бўла бошлайди. Елена ахён-ахёнда, қаҳрамон ёлғизликдан, уйқусизликдан, баъзан эса ижодий тушқунликдан чиқа олмай қийналган чоғларида, бефарқлик касалига чалина бошлаган кезларида, кўпинча офтоб булутлар ортида қоладиган киш ва қировли кунларда кўринади. У ҳикоя қаҳрамони билан мулоқотга киришмайди, лекин аёл ҳар гал келиб-кетганидан кейин ёзувчининг кўнглида кутилмаган истаклар, тахминлар туғила бошлайди. Елена – гўё яшашга чорлов, инсон, кўнгил ва табиатнинг уйғунлашуви рамзи, шу боис қаҳрамоннинг аёлни кутишлари умрдаги ёрқин лаҳзаларни севишига айланиб кетади. Фақат инсон кутишдан чарчамаса бўлгани, Елена – ёрқин лаҳза, у албатта келади.

Шу даврда яратган асарларидаги ёруғ лаҳзалар, тинч ва умидларга тўла умр ҳақидаги орзулари ушалиб, 1959 йилда унинг ҳаёти ниҳоят, турли тўфон ва тўлқинлардан кейин сокин кўрфазга етиб келади. У Белград миллий театрида безакчи бўлиб ишлайдиган рассом аёл Милица Бабиш билан турмуш куради, романтик кайфият уйғотувчи ҳикоялар ёзади.

1961 йилда ёзувчи Нобель мукофотида сазовор бўлади. Швеция Қироллик академияси вакили ўз нутқида: “Иво Андрич ижодда Босния халқ афсона ва ривоятларидан кенг фойдаланади, халқ оғзаки ижоди ёрдамида фалсафий ҳақиқатлар моҳиятини англаб етади”, дея қайд қилади. Ёзувчи эса бунга жавобан сўзга чиқаркан: “энг ибтидоий даврдан бошлаб барча тарихлар – бу, моҳиятан, инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаги бир бутун тарихдир”, дейди.

Иво Андрич бу билан, тарихий мавзу шунчаки ўтмиш ҳақидаги ҳикоягина эмас, ўтмишдаги муаммолар ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб қолаётганини, чунки инсоният олдида ҳануз ўша-ўша вазибалар турганлигини таъкидлайди.

Ёзувчи қолган умрини Белградда, ҳурмат ва эҳтиромлар оғушида ўтказди, олим ва сиёсатчиларга бериладиган “Бир умрлик меҳнати учун” номли мукофотга сазовор бўлди.

У 1975 йилда Белградда инсультдан вафот этди.

Иво Андричнинг қайси миллатга мансублиги, ёзувчи сифатида унинг ижоди қайси халққа серб ёки хорват адабий анъаналарига тегишли эканлиги масаласи адабий жамоатчилик ўртасида ҳамон кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Серблар уни серб ёзувчиси деб ҳисоблашса, хорватлар уни хорват адиби, хорват миллий адабиёти намояндаси деб эъозлайдилар.

Андрич Загреб университетига ўқишга қираётганда (талабалик йилларидаги хужжатларда) она тили сифатида хорват тилини кўрсатган экан. Краков университетига ўқишга қабул қилинаётганда анкетанинг ҳам “миллати” деган устунига “католик динига эътиқод қилувчи босниялик хорват” деб ёзган. Лекин жанубий славян халқларининг бирдамлиги тарафдори бўлиб майдонга чиқаркан, Иво Андрич ўзини серб

миллатига мансуб деб атайди. У умрининг охиригача ўз ҳаётини Сербия ва Белград билан боғлаган. Қолаверса, мутахассислар ёзувчи яратган кўп асарларни (ижодининг дастлабки давридаги ҳикоялари бундан мустасно) ҳозирги серб адабий тилига хос бўлган кирилл эквишасида ёзилган, бу эса ҳозирги хорват адабий тили меъёрларига мос келмайди, дейишади.

Мутахассисларнинг айтган фикрлари қанчалик тўғри ёки ҳақиқатга яқинроқдек туюлмасин, Иво Андрич ижоди Фарба маърифатли, интеллектуал ўқувчига мўлжалланган адабиёт сифатида қадрланади. Собик шўролар даврида эса унинг “Травния солномаси” романи фақатгина ёзувчи Нобель мукофоти олгандан кейингина рус тилига таржима қилиниб, “Жаҳон адабиёти кутубхонаси” сериясида босилган. Мазкур нашр интеллектуал китобхонларга мўлжалланган бўлиб, унинг тираж миқдори адади ўша даврдаги мамлакат миқёсида у қадар катта бўлмаган.

Иво Андричнинг асарлари кейинроқ, 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус тилига кенг таржима қилина бошланди. 80-йилларга келиб, унинг ҳикоялари, эссе, қиссалари алоҳида тўплам сифатида кўп марталаб босилди, 3 жилдлик асарлари чоп этилди.

Утган 2012 йилда Сербия ҳукумати ҳамда Вишеград шаҳар маъмурияти Иво Андрич номидаги адабий мукофотни таъсис қилди. Бу мукофот миқдори юз минг еврога тенг бўлиб, славян тилларида ижод қиладиган ёзувчиларга берилади. Сербия ҳукумати мукофотни Андрич Нобель мукофоти олган кунда топширишни маъқул кўрди. Ҳозирча бу мукофот лауреатининг номи маълум қилингани йўқ. Мукофотни мамлакат Президентининг ўзи топширади.

Дарвоқе, серблар ўз адибларининг хотирасини адабийлаштириш борасида яна бир хайрли ишга қўл уришди. Утган йили Сербияда Андричград номли шаҳарга пойдевор қўйилди.

Рисолат ҲАЙДАРОВА



ИНСОН ТУШКУНЛИККА ТУШМАСЛИГИ КЕРАК

XX аср жаҳон адабиёти намоёндаларидан бири, Франция академияси аъзоси, Нобель мукофоти

совриндори Француз Шарл Мориак (1885-1970) асарлари энг кўп мутолаа қилинадиган француз адибларидан саналади. Унинг шеърлари, қисса ва романлари, ижтимоий-сиёсий, диний руҳдаги бир қатор мақолалари чоп этилган. Улардан “Сиғиниш” (1909), “Туноҳқорга ҳади қилинган бўса”, “Она” каби асарлари доврुक қозонган. “Севги саҳроси”, “Оташ дарё”, “Қора дафтар” каби романлари ҳам жуда машҳур.

1906 йилги катта шов-шувга сабаб бўлган суд жараёни (Дрюфуст иши) асос қилиб олинган “Тереза Деккеру” романи француз адабиётшунослари томонидан аср бошидаги энг яхши миллий роман сифатида баҳоланган.

Ота ва ўғилнинг совуққон, ҳиссиз аёлга бўлган бахтсиз севгисидан ҳикоя қилувчи “Севги саҳроси”

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

романи Франция академияси томонидан юксак баҳоланган.

Адиб 1933 йилда Франция академияси аъзолигига қабул қилинди. 1952 йилда эса Швеция Кириллик академияси томонидан “романларида инсон ҳаётининг фожиали тақдирини кўрсатиб бергани, бадий ва теран ифодалагани учун” Нобель мукофотига муносиб деб топилган.

Француа Мориак 1885 йил 11 октябрда Франциянинг Бордо шаҳрида кўп болали Жан Пол Мориак ва Маргаритти Мориак оиласида дунёга келди. Ота-онаси тижорат билан шуғулланган, улар алоҳида нуфузга эга эди. Мориак икки ёшга тўлмасданок отаси вафот этади ва онасининг тарбиясида вояга етади.

XIX аср иккинчи ярми Франция ҳаётидаги эркинлик Мориак ҳаёти ва ижодида ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Аввал Муқаддас Мария мактабида, сўнгра Морионитлар коллежида таълим олган Мориак тенгдошлари ва устозларини кучли зеҳни ва теран фикрлаши билан шошириб қўярди. Коллежда ўқиб юрган даврларида севимли ёзувчилари Радин ва Паскал билан учрашади, улардан сабоқ олади. 1905 йилда Бордо университетини битирган Мориак адабиёт бўйича магистр даражасига эга бўлди.

Ёшлигидан шеър ёзишни машқ қилиб юрган Мориак матбуот билан алоқани Париж шаҳрида бошлади. Парижда “Деколте Шарк” номидаги ўрта аср манбалари бўйича тарихчилар ва архившуносларни тайёрлайдиган мактабда ўқиб юрган кезлари “Бизнинг вақт” журналида “Туташган кўллар” биринчи шеърий тўплами чоп этилади. Бу тўплам католик оиласида юксак орзу-умидга тўла юрак билан ўсган ўсмирнинг болалиги ҳақидаги шеърлардан иборат. Машҳур ёзувчи Морис Баррес тўпламга юқори баҳо беради ва ёш шоирни ижод майдонида янги ютуқларга чорлайди.

Мазкур тўпламдан сўнг ўзини тўлалигича адабиётга бағишлаган Мориак “Алвидо болалик” (1911), “Тугён” (1925), “Атис қони” (1940)

қаби шеърий китоблар чоп этиради.

Адибнинг ижодида наср, асосан, романлар алоҳида ўрин тутди. Биринчи романи “Гроссе” журналида “Ташвишлар остидаги бола” (1913) номи билан босилиб чиқади. Романда инсоният ҳаётида абадий давом этувчи жисмоний ва маънавий баҳс ҳикоя қилинади.

Шу йилда Мориак банкирнинг қизи Жанни Лафон билан турмуш куради.

1914 йилда бошланган Биринчи Жаҳон урушида соғлиги туфайли армиядан озод қилинган бўлса-да, кўнгилли сифатида Қизил Хоч жамиятига ишга кирган Мориак икки йил давомида уруш даҳшатлари уфуриб турган жой – Болқон ярим оролида санитар бўлиб хизмат қилади.

Мориакнинг Биринчи Жаҳон урушидан кейинги йиллардаги ижодида католик черковига қарши қайфиятни кўрамыз. “Гуноҳкорга ҳадя қилинган бўса” (1922) романида бой оиланинг жуда хунук ва касал ўғли билан ниҳоятда гўзал камбағал деҳқон қизи ўртасидаги бахтсиз турмуш тасвирланади. Асарга кўра гўзал қиз ёнидаги мажруҳ нафақат руҳан, балки жисмонан ҳам азоб чекади. Инглиз танқидчиси Сесил Женкинс асарга “Жамиятимиздаги оила ва черков туфайли умуман керак бўлмаган нарсаларга қурбон қилинган севги ва ёшлик ҳаққоний кўрсатиб берилган роман”, дея таъриф беради.

Адибнинг “Оташ дарёси” (1923), “Она” (1923) романлари ҳам мазкур йўналишда яратилган бўлиб, католик черкови ўнг қаноти вакиллари томонидан жуда қаттиқ танқид қилинади. Мазкур романларда киборлар оилаларидаги ачинарли муносабатлар қаламга олинган, пул инсонлар руҳияти ва ҳаёт асоси мақомида бўлганлиги кўрсатиб берилган.

Адиб аянчли қиёфада тасвирлаган “Она” романи қаҳрамони – Фелисити Казнав ва унинг оиласи инсонларда кучли нафрат туйғусини шакллантиради. Асарда Фелисити Казнав нафақат хизматкорлар,

ориндаторларига, балки ўз ўғлига ҳам хусусий мулк сифатида қарайди. Шундай вайрон қилувчи туйғу онанинг фарзандига бўлган меҳр хиссини йўққа чиқаради ҳам. Фернанд Казнав онасига шунчалик тобе бўлиб қоладики, у мустақил ҳолда бирор бир ёрқин фаолият олиб боролмайди.

Онасининг қаршичилигига қарамасдан эллик ёшли Фернанд Монтеллага уйланади. Бундан ғазабланган она қатор жинойтларга қўл уради. Ўғлининг турмушига раҳна солмоқчи бўлади. Аммо айбини тан олмайди. “Жинойт жазосиз қолмайди” деганларидек, қахрамон Фелисити Казнав асар сўнггида ўз гуноҳлари учун жавоб беради: қариган чоғида шол бўлиб қолади, ўғли ҳам онасини ташлаб кетади, она умрининг сўнги лаҳзаларини шол ҳолида ёлғизликда ўтказади.

Мориакнинг “Илонлар чангалида” (1932) романини сохта эътиқод тахлили дейиш мумкин. Асар Шоазим Мунавваров таржимасида ўзбек китобхонлари қўлларига ҳам етиб борган (1995).

Романдаги воқеалар адвокат Луининг ўлими олдидан хотини Изага ёзган хати шаклида намоён бўлади. Кундалик тарзида ёзилган ушбу хатда кекса ва ростгўй Луининг сирларидан воқиф бўласиз: баъзан Луидан ранжийсиз, аммо унинг мушоҳадаларидан сўнг кўпни кўрган қария ҳақ экан, деган хулосага келасиз.

Бу оилавий драма муаллиф тили билан айтганда: “Бир инсоний тақдирнинг таъқиб қилиниши ва ҳаётнинг ҳамма чиркинликлари унинг тоза юрагига етиб бориши” ҳақида.

Муаллиф қиссачилик ва драматургия соҳасида ҳам бир қатор ютуқларга эришди. Унинг “Асмадей” драмаси Франция театрлари сахнасида бир мавсумда юз марта кўйилган.

Адиб сиёсий ва адабий ҳодисалар ҳақида аччиқ сатирик тил билан мақолалар ҳам ёзганки, улар романларига қараганда кенгрок ўқувчилар доирасини ўзига жалб қилган.

Мориак Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ҳокимият тепасига чиққан Шарл де Голл қарашларини қўллаб-қувватлайди. Алжир давлатининг мустақиллиги учун сўл католик вакиллари билан биргаликда чиқишлар олиб боради. Ёзувчи Шарл де Голлнинг биографияси ва эсдаликларига бағишланган махсус сериал яратади. Мориак сиёсат борасида кўрсатган хизматлари учун 1958 йилда генерал Шарл де Голл томонидан Катта крестом ордени билан мукофотланади.

Мориак фашизмга бўлган чексиз нафратини “Қора дафтар” романида кўрсатиб берди. Асарга француз адабиёт журнали таъсисчиларидан бирининг отиб ташланиши асос қилиб олинган. Асарни исми эмас, таҳаллуси билан эълон қилган Мориак маълум бир вақт яшириниб юришга мажбур бўлади.

Адиб Нобель мукофотини олиш жараёнидаги нутқида қуйидаги фикрларини билдиради: “Бу жаҳолат ва даҳшат билан тўлиб-тошган дунёда умидларни сақлаб қолиш жуда муҳим. Инсон ўз табиати билан мақсадини англаб етиши ва тушкунликка тушмаслиги керак. Замонавий инсоннинг тушкунликка тушиши шу даврнинг абсурдлиги ва инсоннинг ёлғон афсоналар домига тушиб қолиши билан изоҳланади. Бу абсурд инсонни ҳайвон даражасига тушириб қўйиши мумкин”. Ёзувчи абсурд сифатида католик черқовини кўрсатади. Унинг охириги “Ўтмиш фарзанди” (1969) романи ҳам шундай қаршилик руҳида.

1970 йил 1 сентябрда Франция ўзининг яна бир улуғ ижодкоридан ажралди. Мориак оламдан кўз юмди.

Мориак ўзидан дурдона асарлар қолдирди. Унинг теран фикрлаши, аччиқ тили билан энг мураккаб воқеаларни ҳам лўнда тушунтириб бера олиши, бадиий маҳорати асарларининг умри боқийлигига сабабдир. Адиб ижоди XX аср француз адабиётида Марсел Пруссдан кейинги ўринда баҳоланади.

*Ўткир ЙЎЛДОШЕВ
тайёрлади*



РЕКОРДЛАР ЎРНАТГАН САНЪАТҚОР

Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчиева, Матлуба Дадабоева, Муяссар Раззоқова, марҳум Турғун Алиматов ва бошқа атоқли санъаткорларимиз Европанинг энг катта санъат даргоҳларида концерт бериб, халқимизнинг нодир куй ва қўшиқларини кўз-кўзлаб, европаликларни лол қолдирган бўлсалар, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали доирасида жаҳон мусиқаси юлдузларининг бетакрор ижод намуналари билан яқиндан танишиб олдик. (Ҳа, мана буни ҳақиқий тамаддунлар сўзлашуви, мулоқоти деса бўлади...)

Юқорида тилга олинган европалик машҳур санъаткорлар қаторида опера ва бошқа мумтоз мусиқа санъати ижрочилиги борасида ўзининг алоҳида мақомига эга бўлган италиялик тенор Лучано Паваротти ҳам Ўзбекистонимизга келиб, бизнинг юртимиз ҳам Италиядек қадимий тамаддунлар бешиги эканлигига қойил қолишига, шунингдек, санъат мухлисларини бетакрор овози билан хушнуд қилишига умидвор бўлган эдик. Аммо ҳамма эзгу ишлар учун фақатгина орзу, истак кифоя эмас экан...

Биринчидан, у 2004 йили опера сахнаси билан видолашди, кўп ўтмай, аниқроғи, 2007 йил 6

сентябрь куни ҳаётдан кўз юмди.

Биз – унинг ўзбекистонлик мухлисларига энди ундан қолган беназир ижро намуналари, исёнкор овози, у ҳақидаги мақолалар, замондошларининг ширин хотираларигина завқ бера олади ҳолос.

Лучано Павароттининг таржимаи ҳоли ҳам бошқа санъат юлдузлари сингари жуда қизик, ажойиб тасоифларга бой. У 1935 йил 12 октябрь куни Италиянинг Моден шаҳарчасида оддий оилада дунёга келди. Отаси баритон овозига эга эди. Лекин сахнага чиқишга журъат қилолмасди. Шу боисдан ҳам оила, кўни-қўшнилари давраларида бажону дил куйларди. Аммо опера унинг ўғлига катта шон-шухрат келтирди. У отаси билан опера театри хорида қатнашди, 18 ёшида ўқитувчилик курсига боради. Ота-бола Ланголлен (Уэльс) шаҳрида бўлиб ўтган хор фестивалида қатнашиб, юқори даражали совринга сазовор бўлишади. Ушбу воқеа Паваротти ҳаётида катта бурилиш ясади. У энди бор кучини санъатнинг сеҳрли оламини кашф этишга сарфларди. Атоқли қўшиқчи Ди Стафанонини қайта-қайта эшитарди, А.Пол ва Э.Кампогалини каби устозлардан вокал техникасини ўрганди. Унинг таъкидлашича, ижодига яна бир буюк санъаткор – Карузонинг таъсири кучли бўлган.

Ҳар бир концерт ёки танлов унинг Аллоҳ томонидан берилган истеъдод қиррасини устозлар, дирижёрлар, энг муҳими, минглаб санъат шайдолари олдида очиб беришга туртки бўларди. Унинг илк концерти 1961 йил Реджонел-Эмилия шаҳарчасида бўлиб ўтди. Оркестр ёрдамида “Дарвеш ижодкор” (русчада “Богема”)да Рудольф партиясини ижро этди. Палермо шаҳрида “Риголетто”да Туллио Серафинни ўз ижросида мухлисларга тақдим этди.

Лучано Паваротти Италиянинг музофот театрларидан ташқари, Европанинг бошқа мамлакатларида, масалан, Голландия ва Буюк

Британияга ижодий сафарлар билан борди. Милан шаҳридаги “Ла-Скала” театрининг сахнасига чиқиш ҳар қандай опера хонандасининг, жумладан, Павароттининг ҳам энг юксак орзуларидан бири эди. Павароттининг айнан мана шу орзуси 1965 йилда рўёбга чиқди. У Герберт фон Караян билан “Дарвеш ижодкор” операсидан Рудольф партиясини ижро этди. Энди Лучано ни санъат қасрининг шохсаҳналари кутмоқда эди. У энг машҳур опера кўшиқчи аёллардан бири Жоан Сазерлинд билан дунёнинг катта-катта театрларида ўз маҳоратини кўрсатишга муяссар бўлди.

1968 йил Павароттининг АҚШдаги дебют концерти бўлиб ўтди. Унинг мухлислари шу даражада кўп эдики, гастроллари ҳаттоки икки йил олдин режалаштириладиган бўлди. 1969 йил Сан-Францисконинг Опера театрида Павароттининг концерти бўлаётган пайтда ер силкинади, томошабинлар ваҳимага тушиб, зални тарк эта бошлайдилар. Шу онларда сахнада Лучано партнёрини маҳкам бағрига босиб, жарангдор овози билан шундай опера қўйлайдики, одамлар секин-секин залга қайтадилар. Ана санъатнинг сеҳри, қудрати!

Унинг овози, истеъдодини тадқиқотчилар “табиат мўъжизаси” деб бежиз айтишмаган. Буюк санъаткорнинг “Бал-маскарад”, “Луиза Миллер”, “Турандот”, “Кармен”, “Вертер”, “Эрнани” ва бошқа қирқдан ортиқ спектакллардаги ижро намуналари жаҳон муסיқасининг олтин фондидан ўрин олди. У рок-юлдузлари Дзукеро, Стинг, Брайан Адамс, “U2” ирланд гуруҳи билан концертда қатнашиб, “Мен дунёдаги энг оғир вазнли рэппер” дея ўзига ҳазиломуз баҳо берганди. Унинг эстрада юлдузлари билан концертлар ёзувлари миллионлаб нусхада дунёга тарқалган. Паваротти Майкл Жексон, Селин Дион, Жо Кокер, Стинг, Боно, Эрик Клэптон каби бир қатор эстрада

санъати юлдузлари билан дуэт ижро этган. Бу ҳам унинг истеъдодининг кўп қирралиги, овоз диапозони кенглигидан далолат беради. 1990 йил опера тарихида нодир воқеа содир бўлди. Уч нафар машҳур тенор – Доминго, Каррераса ва Паваротти биргаликда сахнага чиқишди.

Павароттининг сўнгги концертида (2004 йил) гарчанд овози унчалик яхши янграмаган бўлса-да, залда ўтирганлар уни 11 дақиқалик гулдурас олқишлар билан кузатдилар. “Метрополитен-опера” сахнасидаги чиқишларидан бирида эса, Паваротти томошабинларнинг кайфиятини шу даражада кўтардики, пардани 160 маротаба кўтаришга тўғри келган. Бу факт Гиннес рекордлари китобига ҳам киритилган.

Унинг яна бир рекорди: у Хосе Каррерас ва Пласида Доминго билан Рим шаҳридаги Каракалли ҳаммомлари ҳудудида Пуччинининг *Nessundorma* ариясини ижро этганларидан сўнг, ушбу концерт ёзуви нусхалари дунёнинг бошқа мамлакатларида энг кўп миқдорда тарқалиб кетди ва сон бўйича Гиннес китобига киритилди. Машҳур тенор дунё бўйлаб сахналарда энг кўп томошабинларни жамларди. Нью-Йоркнинг Марказий боғида унинг концертига ярим миллион мухлис келди. Бу ҳам Гиннес рекордлари китобида қайд қилинган.

1990 йил Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг очилишида *Nessundorma* ариясини ижро қилиш Лучано Павароттига янада оламшумул шухрат келтирди. Энг кизиғи, Лучано ўзи ҳам футболни севарди, болалигида ҳатто футболчи бўлмоқчи эди. У “Ювентус” футбол командасининг ашаддий мухлиси эди. Гоҳида бу команданинг эски ўйинларини ёзувларда қайтадан томоша қиларди.

Паваротти ўз ижодига ҳамиша танқидий кўз билан қараган устоз санъаткор бўлган. “Машҳур кишиларнинг ҳаётида уларнинг фаолиятига нисбатан танқид

бўлиши зарур, акс ҳолда яшаш зерикарли бўлади. Шахсан мен мунаққидларимни ҳамиша ҳурмат қиламан ва улардан хафа бўлмайман”, деган эди.

Дўстлари Павароттининг 150 килоли жуссасига баҳо бериб, ҳазиломуз "Big P". ("Улкан", "Буюк") деб чақиришарди. Бу тахаллус, аслида, унинг оғирлигидан ташқари, энг аввало санъат оламидаги ўрни, мақомига мос эди. У мусиқа осмонидаги улкан ва порлоқ юлдуз эди. Лекин вазни оғирлиги билан латифаларга айланган қизиқ воқеалар рўй берган. Биринчидан, тикувчилар учун катта муаммо туғдирган. Иккинчиси, стул билан боғлиқ. Масалан, "Тоска" операсида Павароттининг қаҳрамони оғир исканжалар, қийноқлардан сўнг оғир ахволда, зўрга оёққа туриб, ўзини стулга ташлайди. Паваротти машқ жараёнида стулга хавфсираб қарайди-да, режиссёрга ушбу стул унинг оғирлигини кўтара олмаслигини айтади. Режиссёр, стул олдиндан темир билан мустаҳкамлангани, хавотир олмаслигини айтади. Стул машқ "имтиҳони"дан ўтди. Аммо премьера куни Павароттини стул кўтара олмади ва синиб кетди...

Лучанонинг оилавий ҳаётига оид икки оғиз сўз: у ўз турмуш ўртоғи Адуа билан етти ёшлигида унаштирилганди. 1961 йил концертидан олган биринчи гонорари туфайли тўйлари бўлиб ўтади. Адуа машҳур санъаткорнинг барча инжиқликлари, узоқ муддатли ижодий сафарлари, кўп сонли меҳмонларидан очикчасига норозилик билдирмасди. "Биргаликдаги бутун умримиз давомида у билан кўпроқ телефонда сўзлашардим. Ҳатто кизининг

дунёга келишини ҳам телефон орқали билган”, деб эслайди у. Паваротти 61 ёшида котибаси 27 ёшли Николетта Мантованига уйланади.

– Лучано Паваротти билан учрашув бир умр ёдимда қолади, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова. – Мен 1990 йил Рим шаҳрида жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган ёш операчилар фестивалида қатнашганман. Бу фестивалга Паваротти келиб, барчамизга куч бағишлаган. У инсон сифатида жуда дилкаш, кўнгли очик, хушсухбат, камтар эди. Муомаласи бизни лол қолдирганди.

Лучано Паваротти қанчалик буюк санъаткор, беназир истеъдод соҳиби бўлмасин, интизом, масъулият борасида намуна эмас эди. Унинг инжиқликлари туфайли гоҳида концертлари қолдириларди ёки бошқа вақтга кўчириларди.

Журналистларнинг "Сиз ҳаётда ҳамма нарсага эришдингизми?" деган саволига шундай жавоб берган эди: "Йўқ. Масалан, мен яна фарзандли бўлишни орзу қиламан. Қолаверса, дунёнинг мушкулоти жуда кўп. Жаҳоннинг турли гўшаларида оч юрган болалар, бемор инсонларни кўриш мен учун жуда аянчли. Хайрия ишлари ижодимнинг яна бир жиҳати бўлади". "Барчамизнинг тақдиримиз Яратгувчининг қўлида. Афсуски, ёшлигимизда соғлигимиз ҳақида ўйламаймиз, қайғурмаймиз. Қарилик яқинлашган сари унинг товонини тўлашга мажбурмиз", деган эди беморлик чоғида.

Павароттининг ҳаётга, ижодга нисбатан мана шундай ҳикматли ва ибратомуз қарашлари барча ижодкорлар учун сабоқ бўлса, ажаб эмас.

*Шоқаҳҳор САЛИМОВ
тайёрлади*



ШЕКСПИРНИ ОРТДА ҚОЛДИРГАН АДИБ

XIX аср – Фарб адабиётида ўзига хос бурилиш ясалган давр ҳисобланади. Айниқса, Буюк Британия, Франция, Германия каби давлатларда атоқли шоир-ёзувчилар ижод қилишган. Шундай адиблардан бири асли миллати ирланд бўлган Оскар Уайльддир.

1854 йилнинг 16 октябрь куни Оскар Уайлд Дублинда сэр Уильям Уайльд ва Жейн Франчески Уайльдлар оиласида дунёга келади. Жейн Уайлд “Сперанза” (итальянча “умид”) тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Уильям Уайльд офтальмолог (кулоқ ва кўз жаррохи) бўлиб, Ирландия аҳолисини рўйхатга олиш бўйича махсус вакилнинг ёрдамчиси ва шифокор-маслаҳатчи сифатидаги хизматлари учун рицарлик унвонига сазовор бўлади. Шунингдек, у ирланд археологияси ва халқ оғзаки ижоди бўйича китоблар ҳам ёзади.

Оскар 10 ёшигача уйда таълим олади; француз мураббиясидан француз тилини, немис тарбиячисидан немисчани ўрганади. Кейинроқ Эннискиллен шаҳридаги Портор қироллик мактабида таҳсил олади.

У вундеркинд эмасди, лекин унинг энг ёрқин истеъдоди жуда тез мутолаа қилишида эди. Қироллик мактабини олтин медаль билан тамомлаган Оскар Дублин Тринити коллежида ўқиш учун мактаб

стипендиясига эга бўлади. Тринити коллежида (1871-1874 йиллар) Уайлд тарих ва маданиятни чуқур ўрганади, қадимий тилларни билишга интилади. Қолаверса, у ерда эстетика бўйича профессор Ж.П.Махаффи курсини тинглайди. Кейинчалик унинг эстетик диди, асарларидаги нозиклик ва гўзаллик намуналари мана шу маърузалар таъсирида камол топади.

1874 йилда Оскар Магдалинадаги Оксфорд коллежида ўқиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу коллежда у инглиз тили бўйича билимини мустаҳкамлайди: “Менинг ирландча талаффузим Оксфордда йўқ бўлиб кетди”, дейди бўлажак адиб ўшанда. Оксфорддаги таҳсили давомида у элга танила бошлайди, санъат фалсафасини ўрганади. Шунингдек, ўзи ёқтирган Италия ва Греция давлатларига ҳам бориб келади. Оксфордда у яна “Равенна” дostonи учун Ньюдигейт мукофотини ҳам олади. Ушбу пулли мукофот XVIII асрда яшаган сэр Рожер Ньюдигейтнинг Оксфорд коллежи талабалари учун мўлжалланган йиллик дostonлар танлови эди.

Коллежни битиргач, Оскар Уайлд Лондонга кўчиб келади. Пойтахт марказидан бир уйни ижарага олади. У ерда Сперанза тахаллуси билан машхур бўлишга улгурган Жейн Франческа Уайльд хоним (яъни онаси) билан тасодифан қўшни чиқиб қолади. Узининг ажойиб истеъдоди ва ақли билан Оскар Лондонга тез мослашиб кетади... Унинг ўткир зехни, билими ҳамда ноёб ижоди барчанинг кўнглидан жой олади. Ҳаттоки айрим салонларда унинг исмини тилга олиб иш юритиш ҳам одатга айланади. “Бугун ақли расо ирландиялик салонимизга ташриф буюради, сиз ҳам қолиб кетманг” дея одамларни жалб қила бошлашади салон ходимлари. Айниқса, унинг либослари кўпчиликнинг эътиборини тортарди. Мода оламида у ўзига хос кийиниш услубини яратганди. Лондонда Уайльдни барча танирди. Унинг ташрифини ҳамиша интизор бўлиб кутишарди.

Шу билан бир каторда уни танқид қилувчилар ҳам йўқ эмасди. Ҳар қадамда Уайльдга турли ниш отишни режалаштиришар, у эса бунга мутлақо безътибор бўлиб фақат ва фақат ижодга шўнғирди.

1881 йили унинг илк шеърий тўплами – “Шеърлар” номи остида босилиб чиқади. Бу китобни чоп этиш ҳам осон кечмайди. Дастлаб унинг шеърларида импрессионизм аломатларини “сезишади”, сўнгра тасвир ва ҳайрат уйғунлигини “кашф этишади”.

Оскар Уайльд ўзининг машхур иборалари ва иқтибослари билан жуда тез танилган. У қаерга борса, қай ерда бўлса ҳам, вазиятга, ҳолатга, одамлар томонидан берилган саволларга ўзига хос тарзда жавоб қайтарарди. 1882 йилнинг бошида у океан ошиб, Нью-Йорк шаҳрига етиб келади. Кемадан тушгач, биринчи навбатда мухбирларга йўлиқади ва ўз услубида саёҳатига қисқача изоҳ беради: “Жаноблар, уммон мени ўзига мафтун қилди, лекин у мен ўйлаганчалик улуғвор эмас экан”. Шундан сўнг божхоначиларга рўпара келган ёзувчи ўзи билан нима олиб келгани ҳақидаги саволга шундай жавоб қилади: “Менинг ноёб истеъдодимдан бошқа ҳеч нима йўқ”.

Уайльд “сеҳрли диёр”да талабаларга маърузалар ўқирди. Унинг маърузаларини тинглаш учун талабалар дарёдек оқиб келарди. Бир куни у “Инглиз санъатининг уйғониш даври” номли маърузасида: “Биз бор вақтимизни ҳаётдан маъно қидиришга сарфлаймиз. Билсангиз, мана шу маъно – Санъатда!”, деган ибораси учун чексиз олқишларга кўмилади. Шундан сўнг адибнинг шўхрати ортиб бораверади. Уайльдча қараш, кийиниш, гапириш, овқатланиш бошланади. Чикагога борганида ундан Сан-Франциско шаҳри ҳақида сўрашади. У эса шундай жавоб беради: “Бу айни санъатсиз Италия экан”. Американи тарк этгач, Уайлд шундай ёзади: “Мен Америкада маданийлашиб бўлдим, энди фақат самолар қолди”.

Лондонга келгач, Оскар ўзини жуда яхши ҳис қилади, илҳом парилари уни Париж сари чорлайди, ижодининг энг гуллаган даврлари бошланади. Парижда у замонасининг дунё тан олган адиблари билан танишади (Пол Верлен, Эмил Золя, Виктор Гюго, Стефан Малларме, Анатоли Франс ва бошқалар). Бир олам таассуротлар билан Ватанига қайтгач, Констанс Ллойднинг учратади. 29 ёшида унга уйланиб, 2 ўғилли бўлади (Сирил ва Вивиан). Ўғиллари учун эртақларни ўзи ёзган. Кейинчалик бу эртақлар иккита сайланма ҳолида чоп этилади – “Бахтли шахзода ва бошқа эртақлар” (1888 йил) ва “Анорли уй” (1891 йил).

Уайльд ижодининг энг гуллаган даври 1887-1895 йилларга тўғри келади. Бу қисқа даврда ёзувчи куйидаги асарларни битади: “Лорд Артур Севил жинояти” эртақлар тўплами (1887), шунингдек, 1887 йили “Кентервил шарпалари”, “Топишмоқсиз Сфинкс”, “Натурачи миллионер”, “Юлдуз болақай”, “Балиқчи ва унинг қалби”, “Жаноб У.Х. портрети” номли эртақлари, “Ёлғон инкирози” (1889), “Рассом каби танқидчи” (1890) сингари бир қатор таҳлилий, танқидий, эстетик мақолалар. 1890 йилда эса ижодининг чўккиси “Дориан Грей портрети” романи ёзилади.

1892 йилдан Уайлднинг янги қирраси кашф этилади, яъни унинг комедик асарлари дунёга келади. Драматург сифатида у “Уиндермир хонимнинг елпиғичи” (1892), “Лоқайд аёл” (1892), “Рисоладаги эр” (1895), “Жиддий бўлиш қанчалар муҳим?” (1895) комедияларини ёзиб битиради. Бу комедиялардаги персонажларнинг характерлари, унда ишлатилган иборалар, парадокслар сахнани янада жонлантиради. Матбуот эса Уайльдни “ўз даврининг энг машхур драматурги” сифатида таърифлайди. Айниқса, ундаги ўткир ақл, ўзига хослик, комедиядаги таъсирли ва элга овоза иборалар томошабинни курсига михлаб қўярди.

1891 йили Оскар Уайльд бир

вактлар Англияда сахналаштириш ман этилган француз тилидаги “Саломея” драмасини ҳам эълон қилади.

Шеърлар, эртаклар, романлардаги барча персонажлар асосан моддий ва ҳиссиёт ҳақида сўзлайди. Унинг асарларининг асосий қахрамонлари табиат ёки инсон эмас, балки интерьер, натюрморт: буюмлар, анжомлар, қимматбаҳо тошлар, матолар ва яна шунга ўхшаш нарсалар. Айнан шу услуб Оскар Уайльд ижодига хос хислат эканини таъкидлаш керак. Шунингдек, унинг насрий асарларида шарқона қарашлар ва эртакларга мойиллик сезилади. Унинг аксар эртаклари муҳаббат, меҳр, оқибат, олийжаноблик фазилятлари билан яқунланади.

Худди ижодида бўлганидек, Оскар Уайльдининг ҳаёти ҳам зиддиятларга тўла. У ҳатто қамоқхонада ҳам ётиб чиқади. Альфред Дуглас билан бўлган келишмовчиликлар туфайли уни озодликдан маҳрум этишади. Атрофида гирдикапалак бўлган дўстлари ундан юз ўгиради. Панжара ортида у дунёдаги энг кадрли инсон – онаси вафот этганини билади. Рафиқаси кўчиб кетгани ва фамилиясини ўзгартирганидан ҳам хабар топади.

Икки йиллик (1895-1897)

қамоқдан сўнг Уайльд Францияга келиб, исмини Себастьян Мелмот деб ўзгартиради. Оскар Уайльд 1898 йили “Рединг қамоқхонасида ёзилган баллада” достонини битиради ва остига “С.3.3.” деб тахаллус қўяди. У бу тахаллусни қамоқхонадаги рақамидан олган – С блоки, 3-қават, 3-камера. “Баллада” қимматбаҳо япон қоғозда 800 нусхада чоп этилади. Шунингдек, у қамоқхона шароитини яхшилаш ҳақида ҳам мақолалар ёзади. 1898 йили Англия парламентининг қуйи палатаси Уайльд ёзганларидан фойдаланиб, “Қамоқхона акти”га ўзгартиришлар киритади.

Улимидан олдин у ўзи ҳақида шундай дейди: “Мен ўн тўққизинчи юз йилликни босиб ўтолмайман. Лекин инглиз халқи менинг узоқ йиллик хизматларимни бир куни улуглаб чиқади”. Оскар Уайльд 1900 йил 30 ноябрь куни Францияда қулоқ инфекцияси орқали ҳосил бўлган кучли менингитдан вафот этади. Уайлдни Париждаги Баньо кабристионига дафн этадилар.

2007 йили “Би-би-си” телекомпанияси ўтказган сўровлар натижасига кўра, Буюк Британиянинг энг ақлли кишиси деб Оскар Уайльд тан олинган. У бу борада Уильям Шекспир ва Уинстон Черчилни ортда қолдирган.

*Бобур НАБИ
тайёрлади*



ЁЛҒИЗЛИК КУЙЧИСИ

“Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда вафот этадилар”. Бу ибора машҳур рус шоири Иван Бунин ҳақида айтилгандек гўё. Унинг болалиги ҳам Россиянинг Орлов губерниясидаги Бутирка қишлоғида кечди ва ҳаёти дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Парижда ниҳоясига етди.

Иван Алексеевич Бунин 1870 йилнинг 22 октябрида насл-насабли зодагон оиласида дунёга келди. Бунинлар шажарасидан Россияда таниқли бўлган кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, зиёлилар етишиб чиққан бўлиб, шулардан бири Пушкиннинг дўсти – шоир В.А. Жуковский эди. Бунинлар оиласи ўз аجدодлари билан фахрланишар, Пушкин ва Жуковский портретлари эса доимо уйнинг тўрида осиглик турарди.

Бунин ижод оламига жуда эрта кириб келди, 20 ёшидаёқ илк китобини нашр қилдирди. Гарчи бу китоб Бунинга унчалик шуҳрат келтирмаган бўлса-да, унда бошқа ижодкорлардан яққол ажралиб турадиган бир хусусият кўзга ташланарди, бу – кадрдон юрт табиатига бўлган чексиз муҳаббат туйғуси бўлиб, шоир умрининг охиригача бу мавзуга садоқатини йўқотмади. Уни “Ёлғизлик куйчиси”, “Рус қишлоғи ва кузги сўлғинлик куйчиси” дея таърифлашарди.

У ҳам худди Пушкин сингари кузни севарди. Бу фасл шоир шеърларида тиникиб, сокингина оқаётган кузги ариқлардаги сувдек покиза, япроқларини бирма-бир бой бераётган дарахтзордек маънос, дунёнинг аччиқ-чучугини кўп тотган мўсафиднинг кўзларидек ўйчан, алла қўшиғидек маҳзун ва шунинг билан биргаликда умидбахш тарзда акс этарди. Унинг 1901 йилда нашр этилган “Хазонрезги” тўплами рус шеъриятидаги куз манзараларининг қомуси бўлди, дейиш мумкин. Бу тўпلام рус адабиётида бутун бир шеърий даврга – рус шеъриятининг “кумуш” даврига мукаммал яқун ясаган эди.

Шеър ёзиш билан бир вақтда Бунин насрда ҳам ижод қиларди. Умуман, у адабиётни назм ва насрга ажратишни хуш кўрмасди. Шунинг учун бўлса керак, ҳикояларида лиризм ниҳоятда бўртиб туради. Унинг 1900 йилда эълон қилинган “Антонов олмалари” асари адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Асарда қишлоқ ҳаётининг қашшоқлашуви, тобора файзини йўқотаётганлиги аламли изтироб билан тасвирланади.

Буниннинг Октябр тўн-таришигача бўлган даврдаги энг машҳурасари “Қишлоқ” қиссасидир. Асарда XX аср бошларидаги қишлоқ одамларининг оғир қисмати акс эттирилган. Ёзувчининг бошқа бирор асари “Қишлоқ” қиссаси каби кўп баҳсу мунозараларга сабаб бўлган эмас. Ўша давр илғор адабий танқидчилиги асарда таназулга юз тутаётган қишлоқ турмушининг ҳаққоний акс эттирилганлиги, унинг қоронғи манзаралари, иллатлари очик-ойдин ёритиб берилганлиги каби муҳим жиҳатларни тўғри англади ва ёзувчини қўллаб-қувватлади.

Бунин ўз она юртини, бепоён Россия ўлкасини жуда севар, шу билан биргаликда унинг қашшоқ, ғариб ва хароб мамлакатга айланиб бораётганидан қуюнарди: “Русим менинг, минг йиллик фақиру ҳақирлигинг, нотавонлигингни, айт,

қандай яхши кўрай мен? Лекин бу хоч, яғлоғи, мўминтой, азиз бичим... буларнинг ҳаммасидан қандай юз ўгирай мен!” деб ёзганди у бир шеърда.

Бунин Октябрь тўнтаришини, янги тузум ғояларини қабул қилолмади ва умрининг охиригача бу тузумга душман бўлиб қолди. Шўролар тузумага қарши кайфият унинг 1918-1925 йилларда ёзилган кундалик тарзидаги “Бадбахт кунлар” асарида яққол акс этган.

Ватандан айро яшаш қанчалик оғир бўлмасин, у мусофирлик қисматини танлашга мажбур бўлди. Муҳожирликда ҳам ижодини давом эттирган Бунин, асосан, насрий асарлар ёзди. “Арсеньевнинг ҳаёти” романи унинг бу даврдаги энг яхши асарларидан бири ҳисобланади. Адиб ўзининг ижодкорлик, шоирлик хусусиятларини мазкур асар бош қаҳрамони Алексей Арсеньев образига сингдириб юборган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, асарда Буниннинг аввалги даврдаги бутун ижодининг асосий мавзулари, ўша даврдаги кайфияти умумлаштириб акс эттирилган.

Буниннинг муҳожирликдаги ижодида севги мавзуси қатта ўрин эгаллайди. Узида 38 та ҳикояни жамлаган “Қоронғи хиёбонлар” китобининг аксар ҳикоялари шу мавзуда ёзилган. Бу ҳикоялар сюжети қизиқарлилиги билан Буниннинг бошқа асарларидан ажралиб туради. Адибнинг ўзи бу китобини кўпроқ ёқтирар, “Қоронғи хиёбонлар” – сиқиклиги, жонлилиги ва бадийлиги жиҳатидан менинг энг яхши китобим”, деб таъкидларди.

Бунин муҳожирликда бундан бошқа ҳам бир қатор асарлар ёзди, гоҳи шукуҳли, гоҳи қайғули кунларни бошидан кечирди; Нобель мукофотига сазовор бўлди (1933), аммо ҳаётининг сўнгги йилларигача ватанини соғиниб яшади.

Бунин ҳаётининг 33 йили мусофирчиликда кечди. Мана шу вақт мобайнида у доимо қалбан, руҳан Ватани томон талпинди, шўролар тузумининг таназзулга учрашига ишонди ва шунини кутиб яшади.

У 1953 йил 8 ноябрда Париж шаҳрида вафот этди.

*Олим УСМОНОВ
филология фанлари номзоди*



ПОРЛОҚ МУСИҚАНИНГ ҒАРБЧА ИЖРОСИ

Ўғил Иоганн Штраус 1825 йил 25 октябрда Вена шаҳрида, австриялик

таниқли бастакор Иоганн Штраус оиласида туғилди. Уни банкир ўғил сифатида кўришни орзу қилган отасининг хоҳишига қарши ўларок, у Ф.Амон кўлида скрипкадан сабоқ ола бошлайди, И.Дрекслер кўлида гармония ва контрапункт асосларини ўрганади ва ўзини бутунлай муסיқага бағишлайди.

1844 йилда ўғил – Штраус ўз оркестрини ташкил этади, унинг дастлабки оммабоп концертлари ёш муסיқачида ажойиб скрипкачинигина эмас, балки ёрқин, истеъдодли бастакорни, ҳаёт шодлиги, севги фараҳи ва ижод завқини намоён этган “порлоқ”, “тантанавор” муסיқа романтизми вакилини инкишоф этди.

Орадан кўп вақт ўтмай ёш И.Штраус Венанинг йирик

оркестрлари капельмейстери сифатида кўпчилик оғзига тушди; унинг муסיқасидан нафақат маърифатли, зиёлилар, балки оддий шахар оммаси ҳам завқ-шавққа тўлар эди, хатто калондимоғ қирол сарой аъёнлари ҳам бу давр “эркатойи”нинг ўз байрам тадбирларида иштирок этишини ўзлари учун шараф деб билар эдилар.

Отаси билан ёшлик йилларида бошланган келишмовчиликлар 1848 йилда ғоявий тўкнашувгача бориб етди: ота Штраус яккахокимлик тарафида туриб, ўзининг “Радецкий марши”ни унга бағишлади, ўғил Штраус эса “Озодлик кўшиқлари”, “Баррикадалар кўшиқлари” ва бошқа асарлари билан инқилобни қўллаб-қувватлайди.

Бу умумий тил тополмаган икки буюк машшоқнинг жанжалими, бир-бирини кўролмаслиги ёки ўзаро гина-кудуратими, ёки “икки кўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас” деганларидек, кўлам ва ҳажм жиҳатидан битта макон тор келиб қолган буюк ижодкорларнинг одатда бўладиган баҳсли муҳокамаларими – жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Бирок бир муסיқий оиланинг ёрқин вакиллари ижодининг биографлари ва тадқиқотчилари отанинг ўғли истесьодига нисбатан рашки ва ҳасади ҳамда оилада ўзидан бошқани одам ўрнида кўрмайдиган золим, пировард-оқибатда ўзга аёлни деб ўзининг кўз очиб кўрган хотинидан воз кечган отадан ўғилнинг хафалиги деб таъриф беришлари беасос эмас, албатта.

1849 йилда оламдан ўтган ота Штраус қабри устида ўғил Штраус Моцартнинг “Марсия” (“Реквием”) сини ижро этди, отасининг тўлиқ асарларини тўплади, қайта ёзди, тахрирдан чиқарди ва чоп эттирди, марҳумнинг хотирасига “Эол арфаси” вальсини бағишлади. Ўғил қалбида яшаб келган муҳаббат ва тазарру абадий бўлиб қолди, даҳо падарга унинг энг табаррук ижодлари учун айтмоқчи бўлган

эътироф сўзлари энди чуқур таассуфга айланиб, ортга қайтмас бўлиб кетди.

Ўғил Штраус ота Штрауснинг оркестрини ҳам унутгани йўқ. Иккала жамоани битта қилиб, у фақат Австрияни эмас, балки Германия, Польша, Сербия, Руминия, Чехия, Франция, Буюк Британия, АҚШ, Россия ва бошқа мамлакатларни забт этди, асосийси эса кўтаринки руҳдаги инсон туйғулари, ҳиссиётлари, таассуротлари ва қизиқишларини ифодаловчи янги асарлар яратиб (“Ольга”, “Александрина”, “Аннен” полкалари, “Адель”, “Буюк княгиня Александра”, “Вена, жоним менинг”, “Ковент-Гарден хотиралари”, “Тоғ кўшиқлари” вальслари, “Александр” кадрили, “Рус қишлоғида” фантазияси, “Рус халқига тортик” попурири) оламга танилди.

1895 йилда бутун муסיқа олами инсонга ҳаётни қандай севиш ва кадрлашни ўргатган даҳо машшоқ олдида тиз чўкиб, Иоганн Штрауснинг 70 йиллигини нишонлади.

И.Штрауснинг шахсий ҳаёти нисбатан омадли кечди. У 1862 йилда опера хонандаси Йетти Трефцга уйланди, у умр йўлдошининг ҳақиқий дўсти ва импресариоси бўлиб қолди. 1878 йилда Йетти ўлимидан кейин хонанда Анжелика Дитрих билан қурган турмуши узокқа бормади. Тўрт йилдан сўнг Штраус янги илҳом париси – Адель Дойчга кўнгил қўйди, у билан ҳаётининг сўнгги кунигача дориламон умргузаронлик қилди. Уч марта уйланган бўлишига қарамай, Штраус биронта ҳам фарзанд кўрмади. Бастакор 73 ёшида оламдан кўз юмиб, Венанинг марказида дафн этилди.

Адель эридан кейин 31 йил яшади, эрининг асарларини чоп эттирди, Штраус музейини ташкил этишга кўп куч сарфлади, музей ҳозир ҳам Австриядаги мижозлар энг кўп келадиган маданий марказ ҳисобланади.

И.Штрауснинг мероси 496

асардан иборат (16 оперетта, комик опера ва балет, 168 вальс, 117 полка, 73 кадрили, 43 марш, 31 мазурка). “Кўршапалак” (1874), “Лўли барон” (1885) опереттаси, “Севги кўшиқлари” (1852), “Петербурги билан хайрлашув” (1858), “Ажойиб мовий Дунайда” (1866), “Вена ўрмони эртақлари” (1868), “Вена қони” (1873), “Ажойиб май оғи” (1877), “Баҳор садолари” (1883), “Император вальси” (1888) вальслари энг машхур асарлари сирасига киради. Машхур “Форсча марш”, “Император Франц марши”, “Австрия”, “Куч бирликда” маршлари умри узок асарлар бўлиб, замонлар оша жаҳон эфирларида садо бериб турибди.

Рақс мусиқаси И. Штраусга “вальс қироли” шуҳратини инъом этган бўлса, мусиқий-сахна асарлари (“Калиостро Венада”, “Қироличанинг тўқима рўмолчаси”, “Венецияда тун” ва ҳ.к.) шу пайтгача тенгсиз саналиб келаётган вена мумтоз опереттасининг яратувчиси деган шуҳратли унвонни берди. Уғил Штраус асарлари – бу романтикларнинг амалга ошмаган юксак орзуларига бағишланган тантанавор мотам куйлари эмас, балки чинакам ҳаётнинг гўзаллиги ва тўлалигидан завқланиш, эрксевар инсон туйғулари ва фикрлари парвозидир.

Оҳанг таровати ва бадиийлиги, оркестр куйларининг тиниқлиги, ҳаётбахш руҳи шарофати ила улар жаҳон мусиқа маданияти тарихида чуқур из қолдирди.

Бастакорлардан ҳеч ким рақс мусиқасини ўғил Штраус амалга оширганчалик симфоник мушоҳада даражасигача кўтаролмади.

Унғача ҳеч ким (на Памер, на Ланнер, на отаси Штраус) ўз асарларида унинг оперетталарига хос ўйноқиликни, жўшқинликни, оташинликни, биргина эҳтирос – Иоганн Штраус мусиқасига муҳаббат ила бутун дунёни ўзига ром этган енгиллик, ҳаводорлик, оҳангдорлик ва мусиқийликни очиб беролмаганди.

Иоганн Штраус ҳақида Н.Ф.Соловьёв, Г.М.Ярон, А.Р.Владимирская, Л.Трауберг, Айгнер Томас ва бошқа олимлар тадқиқотлар ёзган.

Бу бастакор шахсиятига фақат ёзувчилар ва олимларгина эмас, балки кино арбоблари ҳам қизиққанлар. Режиссёр Альфред Хичкокнинг “Вена вальслари” (1934) кинофильмида “Ажойиб мовий Дунайда” вальсининг ёзилиш тарихи ҳикоя қилинади. “Катта вальс” (1938) фильмидан унинг ҳаёти ва ижодидан айрим ҳужжатли лавҳалар ўрин олган.

Марфуа ҲАМИДОВА
санъатшунослик фанлари
доктори



ПАГАНИНИ МУСИҚАСИНИНГ СЕҲРИ

Италиялик машҳур бастакор, скрипкачи, беназир созанда Николло Паганини 1782 йил 27 октябрида Генуя республикасининг Генуя шаҳрида туғилди. У мусиқа романтизми асосчиларидан бири. Скрипкачилардан биринчи бўлиб 24 мусиқа ва 5 концертни ёддан ижро этган ноёб истеъдод соҳиби ҳам эди. У ҳақда улуғ композитор Ференц Лист шундай деганди:

“Ҳеч кимнинг шуҳрати унинг мавқеи билан, бирорта одамнинг номи унинг номи билан тенглаша олмайди... Унинг бебаҳо асарлари билан ҳеч кимнинг асарлари бўйлаша олмайди... Мен заррача ҳам иккиланмай айта оламанки, иккинчи Паганини туғилмайди. Бундай улуғвор истеъдод ва ўзига хос ҳаёт йўлининг уйғунлиги уни шуҳратнинг энг юксак чўққисига кўтарди – санъат тарихида бу такорланмас бирдан-бир ходисадир”.

Отаси Антонионинг денгиз портида кичик бир дўкони бўлиб, тижорат билан шуғулланарди. Аслида, у савдо-сотикни ёқтирмас, мусиқачи бўлишни орзу қиларди. Мандолина ва скрипкада енгил халқ кўшиқлари ва лапарларини ижро этарди. Халойиқ эса олқишлар билан кутиб оларди. Аммо у тижорат, рўзғор ва беш болали оила билан ўралашиб,

мусиқачи бўлолмади. Юрагида қолган катта армон соғлигига ҳам таъсир кўрсатиб, жаҳлдор бўлиб қолди. Николлонинг онаси Тереза 17 ёшида ўзидан 7 ёш катта бўлган Антониога турмушга чиқиб, 10 йил мобайнида беш фарзанд кўришди.

Николло оилада иккинчи фарзанд бўлиб туғилади. Унда болалигидан мусиқани илғаш қобилияти кучли бўлган. Бир куни отаси мандолинада куй чалаётганда адашиб қоладию, тўрт яшар ўғли уни тузатишга ундайди. Шу чоғда у ўғлида ушалмай қолган орзуси рўёбини кўради. Николло 9 ёшга кирганда отаси мусиқа дарсларини кунига бир неча соатгача кўпайтиради. Боласининг “чарчадим” дейишига ҳам кулоқ солмай, тинимсиз машқ қилдиради.

Йиллар ўтиб, болада скрипкага қизиқиш, мусиқа асбобидан завқланиш ҳисси кучайиб борди. У бу мўъжазгина чолғу асбобини чап елкасига, даҳани остига тираганча матонат билан соатлаб қайта-қайта машқ қилаверарди. Кейинчалик у ўзининг ҳаёти ҳақида китоб ёзмокчи бўлган Шоткага шундай деганди:

– Мен соз чалишдан жуда катта завқ олардим, бармоқларим учун қандайдир бутунлай янги пардаларни, ҳеч кимга маълум бўлмаган нуқталарни топишга уринар, одамларни ларзага соладиган товушларни чиқара олишга ҳаракат қилардим...

Ўғлига илк сабоқни ўзи берган ота кейинчалик уни Жованни Черветто исмли скрипкачига шогирдликка беради. Николло тез орада черков мусиқачилари сафида скрипка чала бошлагач, генуялик бастакор Франческо Ньекконинг назарига тушади. У эса ўз навбатида Николлога Жакомо Коста исмли скрипкачидан дарс олишни тавсия қилади. Николло Костадан ярим йил давомида ўттиз мартача сабоқ олади, холос.

Генуянинг жуда машҳур бир черковида ибодат пайти айтила-диган кўшиққа скрипкаси билан кўшилганда, унинг ижроси бутун

жамоани ларзага солади. Эртасига ўша даврнинг “Аввизи” номли газетаси: “Ун бир ёшли бир йигитча – синъор Николло Паганини томонидан бир гармоник мусиқа ижро этилдики, бу ҳаммада катта завқ уйғотди”, – деб ёзди.

Николло 13 ёшга кирган вақти эди. Уша “Аввизи” газетасининг 1795 йил 25 июн сонидан шундай эълон босилиб чиқади:

“Келаси жума куни Сант-Агостино театрида катта концерт бўлади. Ёш бўлса ҳам скрипкани сайратиб юборадиган генуялик ватандошимиз Николло Паганини концерт беради. У энди машҳур ўқитувчи Александро Ролла раҳбарлигида ўз маҳоратини янада такомиллаштириш учун Пармага жўнаб кетмоқчи. Керакли харажатларни қоплаш имконияти йўқлиги сабабли, у ўз юртдошларини концертга таклиф қилади. Тингловчиларни завқлантира олишига умидвор бўлиб, ўз лойиҳасини амалга оширишда мадад беришларини сўрайди”.

Ушбу эълондан сўнг 31 июнда театр ихлосмандлари ҳузурида концерт беришга ҳозирланди. Онаси унга қора баркут костюм кийгазиб, юзлари чиройли кўринсин дея, ўсиқ сочларини бармоқлари билан жингалак қилди. Ота-она Николлонини Сант-Агостино театрига олиб борди.

Ёш Паганини ўз концертига французларнинг инқилобий кўшиқларидай бир куйни ҳам кўшиб ижро этдики, бу унинг ўз ижодидан намуна эди. Унинг фавқулодда санъати ва маҳорати, айникса, скрипкада ҳурликни ифодаловчи куйлари тингловчиларнинг қалбларини ларзага солди. Бу унинг биринчи улкан зафари эди. Ана шу концертдан кейин у скрипкасидан ҳеч қачон ажралмасликка қасам ичди ва унга абадий боғланиб қолди.

Паганини айни чоғда бир нарсани аниқ ҳис этди: агар у ўзини тўла-тўқис кўрсатмоқчи бўлса, скрипка учун ўзи куй ёзиши керак. Бировларнинг скрипка учун

ёзган куйларини ижро этиш билан санъатнинг энг юксак чўққиларини эгаллаб бўлмас экан, деб ўйлади. У мусиқалар ёзиш, янгича ижро усулларида фойдаланишни ўз олдига мақсад қилиб кўйди.

Бир марта ёш скрипкачи Флоренцияда концерт берганида шунчалик кўп пул ишладикки, бу энди унинг оиласи иқтисодиётини кўтарибгина қолмай, Пармага бориб ўқишига ҳам етиб ортарди. Ушанда ота-бола Паганинилар Парма сарой оркестрининг дирижёри, машҳур скрипкачи Александро Ролла ҳузурига йўл олишади. Ролла касал бўлиб, паришонхотир ётарди. Стол устида эса скрипка ва янги ёзилган ноталари ... Николло беморнинг руҳсати билан ўша скрипкада янги ёзилган мусиқани шундай усталик билан чалиб берадики, Ролла уни эшитиб: “Мен сенга ҳеч нарса ўргатолмайман. Йигитча, сен композитор Паэрга бор” – деди. Паэр уни яхши қабул қилди, кунига икки марта сабоқ берди.

Паэр бир куни уни биргаликда мусиқа ёзишга таклиф қилди. Паганини бир дуэт ёздикки, у билан танишган Паэр:

– Бунда биронта хато ҳам, камчилик ҳам кўрмадим, – дейди. Шундай қилиб, Паганини гоҳ она шахрида, гоҳ Пармада, гоҳ Флоренцияда концертлар бериб, шуҳратига шуҳрат қўшилаверди.

Паганини 17-18 ёшга кирганида ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Классикларнинг асарларини чуқур ўрганишга аҳд қилди. Бундан ташқари у яшаш шароитини ўзгартириши, эркин ва мустақил бўлиши керак эди. Бу ахир санъати ва шахсияти тўла шаклланиши учун жуда зарур эди. Устига-устак Италияга Наполеон армияси бостириб кирди. Генуя шахри таслим бўлгач, 19 ёшли Паганини Луккага кўчиб ўтди. Лукка Италиянинг марказидан алоҳида республика эди. Бу ерда ҳам уни яхши кутиб олишди. У диний байрамлар, кўча намойишлари ва майдонлардаги ярмаркаларда скрипкасини кўтариб айланиб юарди.

Бу ерда вазият бошқача эди. Тантаналарга қўшилгиси келди. Унга рухсат беришди. Шундан сўнг одамларнинг узлуксиз талаби билан 28 дақиқа концерт берди. Кўча байрамларида гитарачи бир аёлни учратди. Унинг завқ билан гитара чалишлари ва куйлар оламида хушини йўқотар ҳолга тушишлари Паганинини мафтун этди. Бутун олам ҳаракатдан қолгандай эди. Уларнинг ўртасида муҳаббат ришталари боғланди.

Паганини бу аёлнинг кимлигини умр бўйи ҳеч кимга айтмай сир тутди. Бундай тортинчоқлик ва сир сақлашларидан унинг ҳурматга лойиқ ва аслзода аёл билан боғланиб қолганлигини англаш қийин эмас. У ўзининг “Умр баёни” да: “Мен бу вақтда деҳқончилик билан шуғулланардим ва бир неча йил муриқиб гитара торларини чертдим”, деб ёзади.

Бельгиялик машҳур мусиқашунос олим Фетич билан суҳбатда, Паганини севгилиси кимлигини аниқ айтмасдан, фақат қаерда учрашиб туришларини айтади. У шундай деб ёзади:

“Паганини ёшлиги гуллаган ва ўз истеъдоди юксак даражада тан олинган пайтда бирдан скрипкадан аввалгидай завқ олмайдиган бўлиб қолди. Унинг жўшқин муҳаббати аслзода бир жувонга аталди. Аёл ҳам уни севди ва ҳар иккиси хонимнинг Тосканадаги чорбоғида – хилват бир гўшада яшашди. Хоним гитара чаларди, бу созга Николлони ҳам ўргата бошлайди. Шу билан у уч йил гитара иштиёкида юрди, деҳқончилик, боғдорлик билан машғул бўлди.

Паганини бу вақтда гитара ва скрипка учун 12 та соната ёзади. Энг бахтли онларини хонимнинг ажойиб гўшасида ўтказди. Аммо кунларнинг бирида Паганини қайтадан уйғонгандек, ўз скрипкасини такрор кўлига олади. 1804 йилнинг охирида Генуяга қайтиб, яна мусиқа басталаш билан банд бўлади.

Паганинидан яккахон гитара ижроси учун 20 та асар, шунингдек,

скрипка ва бошқа торли мусиқа асбобларига бир қанча асарлар мерос бўлиб қолди. У бир нота асарида: “Николло Паганини томонидан француз гитараси учун олти соната мелодияси (қисқача бир вальс)” деб ёзиб қўйган. Бошқа бир дастхатининг сўнггида “Очиғини айтман бу – чин юракдан. Хушомад эмас”, – деган жумла ҳам ёзилган. Тадқиқотчилар, бу севиганларнинг муарражаси қолганидан кейинги гаплар, – деб тахмин қилишади. Алоҳида бир қоғоз парчасида: “Кичкина телбаларча рақс” ёзувини ҳам топишган.

Скрипка ва гитара учун ёзилган дуэтлар орасида “Муҳаббат дуэти” ҳам бор. Унинг қисмлари эса “Бошланиш”, “Илтижо”, “Розилик”, “Ҳадик”, “Қувонч”, “Баҳс”, “Ярашиш”, “Муҳаббат белгилари”, “Кетиш хабари”, “Ажрашув” деб номланган. Бу асар муаллифнинг ўз севгилисига бағишлови эканлигига шубҳа йўқ.

Аёл гитарасини бениҳоя яхши кўрган ва уни чалиб ўтиришни ҳаётининг мазмуни деб билган. Паганини уни хурсанд қилиш мақсадида скрипкасини қўйиб, гитара учун махсус куйлар басталаб берган. Унинг тўлқинланиб, бор маҳорат билан оҳангдор қилиб ижро этиладиган “Бешинчи соната” си гитара ва скрипканинг уйғунлашган дуэти, хоним билан Николлонинг интилишларини ифодалаган дейиш мумкин.

Бу гўзал аёлнинг гитарага муҳаббати Паганинининг ушбу чолғу асбобини ҳам жуда яхши ўзлаштиришига, гитаранинг имкониятларини ҳар томонлама ўрганишига сабаб бўлди. У давраларда бўйнида скрипка, тиззасида гитара билан ўтириб, ҳам гитара, ҳам скрипкани галмагал чаларкан. Паганини скрипка чалганда, табиийки, чап кўлини ишлатмаган. Гитара чалганда эса чап кўлини ҳам чўзар, кўпроқ ишлатарди. Бу унинг соғлигини тиклашда катта ёрдам бўлган.

Аслзода аёл кимлигига келсак, у Николлодан бир неча ёш катта

бўлиб, оиласи бор, йўқлиги маълум эмас. Ҳар не бўлмасин, у ўзининг юксак мавқеидан фойдаланиб, скрипкачи йигит билан бемалол яшаган, уни яхши кўрган ва асраб-авайлаган. Бу севги савдолари уч йилча давом этган. Паганини бутун ҳаёти давомида биронта аёлни бундай теран муҳаббат билан севолмаган. Умуман, ўзига бундай гўзал фазилатларни юқтирган биронта инсонни ҳаётида бошқа учратмаган. Бу аёл унинг учун муҳаббат ва надоматлар билан эсга олинадиган бирдан-бир малак бўлиб қолган.

Паганини кўплаб сайёр музикачилар сингари талай ишқий саргузаштларни бошидан ўтказган бўлса ҳам, ҳаётининг охирида ўзини ёлғиз ҳис қилади. У борлигини скрипкага бағишлаган артист сифатида ҳеч қачон мукамал бахт нашидасини тотиб кўрмаган. Бирок, бутун инсоният унинг скрипкачилик ва бастакорлик фаолиятини миннатдорлик билан ёдга олади.

Италияда ҳар йили Паганини но-

мидаги скрипкачилар мусобақаси ўтказиб келинади. Буюк скрипкачи ҳақида турли хил қарашлар ва фикрлар мавжуд. Шундай бўлишига қарамай, Паганини инсоният тарихида буюк скрипкачи сифатида абадий қолди.

Таникли рус ёзувчиси Анатолий Виноградов Николло Паганинининг ижодий фаолияти ҳақида “Паганини қисмати” романини ёзди. Романда мусиқачининг ҳаёти XVIII-XIX асрлардаги Европа, хусусан, Италияда мавжуд ижтимоий, ҳарбий-сиёсий вазият ва айниқса, диний бошқарув муҳитида акс эттирилган. Асар муаллифи бу даҳонинг фожиавий қисмати, руҳий олами, маънавий дунёсини бор зиддиятлари билан ҳаётий тасвирларда кўрсатишга ҳаракат қилган. Ушбу асар бир неча тилларга қайта-қайта ўгирилган. Аммо бу асарлар бастакор даҳосини билишга бўлган қизиқишларга тўла жавоб беролмайди.

*Иzzат АҲМЕДОВ
тайёрлади*



НОБЕЛНИНГ ЎН УЧИНЧИ АЁЛ СОҲИБИ

Халқаро Нобель мукофоти. 1900 йилдан бери ҳар октябрь ойининг биринчи ярмида бутун дунё нигоҳи бир нуқтага жам бўлади. Чунки шу кунларда халқаро Нобель мукофоти совриндорлари рўйхати эълон қилинади. Даставвал, мазкур мукофот кимларга насиб этиши,

фан-техника, адабиёт ва тинчлик соҳасида қандай умумжаҳоний эътирофга арзигулик ишлар қилинганлиги йил давомида турли баҳсу мунозараларга сабаб бўлади. Бу борада ҳар ким ўзича фикр юритади: кимдир бу мукофот ҳақиқий эгасига берилади деса, кимдир бу мукофот анчайин нисбий, унинг остида қандайдир сиёсий кучларнинг ички манфаатлари ётади, дея мулоҳаза юритади.

Нобель мукофотида кўрсатилган номзодлар кўмита томонидан эллик йилгача қатъий сир тутилишига қарамасдан, турли нашр ва сайтлардаги адабий “фолбин”ларнинг башорати бўйича бу йил япон адиби Харуки Мураками, канадалик Элис Мунро ва белоруссиялик ёзувчи ва журналист Светлана Алексиевич мукофот учун асосий даъвогарлар эди.

Нима бўлганда ҳам, мукофот

кимга насиб этмасин, бу борада турли фикрлар, баҳсу мунозаралар, танқидий қарашлар авж олган тақдирда ҳам ҳақиқат битта – Эзгулик, илму фан, адабиёт соҳаси ҳар йили ўз юлдузларини кашф этади, улар номини дунёга танитади, адабиёт ва илму фан ривожини йўлида қилинган қанчадан-қанча меҳнатлар самараси рўёбга чиқади.

Одатдаги анъанага кўра, бу йил ҳам швед Академияси томонидан тақдирланганлар рўйхати эълон қилинди. Дунё адабиёти мухлислари олис Шимолий Америка қитъасидаги саксон икки йилдан буён ўз қалби, ўз дунёси, ўз руҳиятини таҳлил қилиб, ҳаёт ҳақиқатини излаб яшаётган бир ёзувчи аёлни шу баҳонада яна-да яқиндан таниди. Уни олдиндан таниганлар яна бир бор ёдга олди, адиба асарларини мунтазам ўқиб борувчи чинакам мухлислари эса шодликдан юраклари ёрилгудек бўлиб, миллат, аёл, адабиёт шаънини юксакларга кўтарган адиба номини қайта-қайта шарафлади.

Шундай қилиб, бу йилги адабиёт соҳасидаги мукофот канадалик ёзувчи Элис Энн Мунрога тақдим этилди.

Олис Канаданинг Уингем даҳаси Онтарио шаҳрида фермер Роберт Эрик ва ўқитувчи Энн Кларк Лейдлоу оиласида қиз фарзанд дунёга келди. 1931 йил 10 июлда таваллуд топган мурғаккина чақалоққа Элис Мунро деб исм кўйишди. Ушбу хилқатнинг вақти келиб жаҳоний шов-шувларга сабаб бўладиган адиба бўлиб етишувини ким ҳам хаёлига келтирибди, дейсиз.

Бўлғуси ёзувчи ҳаётга жуда эрта кириб келди. 1950 йилда Фарбий Онтариодаги Университетда таҳсил олаётган Элис Мунро ўша пайтда официанткалик орқасидан тирикчилик қиларди. Унинг “Булутлар мезони” номли илк ҳикояси шу йилларда ёзилди. Барибир ҳам Элис Мунрога ўқишни тугаллаб, диплом олиш бахти насиб этмади: у 1951 йили университетни ташлаб, Жеймс Манро исмли йигитга

турмушга чикди. Улар шу йили Ванкувер шаҳрига кетишади ва турмушлари давомида уч фарзанд кўришади. 1963 йили оила Виктория шаҳрига келади ва ёзувчи бу ерда “Манро китоблари” номли китоб дўконини ташкил этади.

Шу тариқа йиллар ўтиб борар, ёш Элис дўконда тинимсиз мутолаа орқали ўз адабий билимларини ошириб, шу билан бирга рўзғор ишларида эрига ёрдам берарди.

1966 йили уларнинг тўртинчи фарзанди (фарзандларининг барчаси қизалоклар эди) дунёга келди.

Адибанинг ҳаёти бир текис кечмади. Турфа тақдирлар, ғаройиб характерлар, образлар, воқеалар, фожиалар акс этган китоблар ичида ҳаёт кечирган Элис асарларида гўзал ва бахтли ҳаётни тинимсиз тараннум этди-ю, аммо ўз ҳаётидан сира қониқмади.

1972 йилда эри билан ажрашиб, яна Фарбий Онтарио университети сари йўл олди. У ерда адиба маслаҳатчи вазифасида ишлай бошлади. Бу пайтда у аёл руҳияти, унинг қалбида кечаётган турли ҳолатларни моҳирона акс эттирган, Канада адабиётида ўзига хос ўринга эга ёзувчи сифатида танилиб бўлган эди. Унинг “Бахтли соялар рақси” номли ҳикоялар тўплами турли адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланди ва Канаданинг генерал-губернатор мукофотига лойиқ деб топилди. Тўпلامдан жой олган ҳикоялар адиба туғилиб ўсган қичкинагина шаҳарчадаги ижтимоий муҳит, унда ёзувчининг кўрган-кечирганлари, кундалик ҳаётимизда учрайдиган, аммо биз кўпда эътибор бермайдиган майда-чуйда воқеаларнинг инсон ҳаётига таъсири ҳақида эди, бундан ташқари, уруғларию, таниш-билишлари ҳаёти ҳақида ёзилган реалистик услубдаги биографик қайдлар ҳам унинг ижодий фаолиятининг бир қисмини ташкил этарди.

Элис Мунро 1976 йилда географ Жеральд Фремлинга турмушга чиқади.

1978 йилда чоп этилган “Асли-

да, кимсан ўзи?” номли ҳикоялар тўплами унга оламшумул шуҳрат келтирди. Шу тўплам орқали у Шимолий Америка, Европа оламини забт этди. Шундан кейин адиба асарлари кетма-кет дунёнинг йигирмадан ортиқ тилига таржима қилинди.

Инсон қалбини юксак пардаларда куйлаган адиба 1968, 1978, 1986 йилларда Канада миллий генерал-губернатор мукофоти, 1995 йилда Англиянинг У. Г. Смит номидаги адабий мукофоти, 2008 йилда АҚШнинг О. Генри мукофоти билан тақдирланди. Адиба 1979 йилдан 1982 йилгача Австралия, Хитой ва Скандинавияга қилган ижодий сафарларидан илҳомланиб, қатор эсселар ва хотиралар иншо қилдики, улар адиба ижод ҳазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Мунронинг “Сизга бир гап айтмоқчиман”, “Ошкора сирлар”, “Нафрат, дўстлик, мулозамат, муҳаббат ва никоҳ”, “Қочқин” каби инсонлардаги турфа муносабатлар, характеру кайфиятлар, айниқса аёл руҳиятидаги мураккаб кечинмалар чуқур бадиий таҳлил қилинган тўпلامлари унинг “канадаликларнинг Чехови” деб номланишига сабаб бўлди.

Адиба асарлари турли мамлакатларда қайта-қайта чоп этилишидан ташқари, ҳикоялари сюжети асосида бир қанча киноасарлар ҳам яратилди. Унинг “Тоғ оралаб келаётган айиқ” номли ҳикояси асосида суратга олинган “Ундан олисда” фильми режиссёр Сарой Поллига ҳам, Элис Мунрога ҳам қутилмаган қувонч бахш этди. Ушбу кинокартина 2006 йил Оскар мукофотиغا сазовор бўлди. 2009 йилда эса адиба ижоди халқаро “Букер” мукофотиغا лойиқ топилди. Шу йили эълон қилинган “Бахтга тўла олам” ва 2012 йил нашр этилган “Қадрли

ҳаёт” ҳикоялар тўпلامлари аёл психологияси, ички кечинмалари гўзал поэтик тилда ифодалангани билан ўқувчилар меҳрини қозонди. 2012 йилда “Қадрли ҳаёт” китоби тақдимоти маросимида мана шу тўплам ижодининг юксак чўққиси эканлиги, унда ҳаёт, дунё, инсон ва аёл ҳақидаги қарашлари, кўп йиллик ижодий изланишлари, изтиробларию фалсафий хулосалари жам бўлганини эътироф этган ҳолда бошқа асар ёзмаслигини эълон қилди.

Швед академиясининг доимий котиби, профессор Петер Энглунд совриндор исми эълон қилингандан кейин: “У илдизи Чеховга бориб тақаладиган анъаналар руҳида ишлайди ҳамда ҳикоя жанрини юксак мақомга кўтарди” дея таъкидлаб, швед Академияси “Замонавий ҳикоялар устаси” сифатида адабиёт соҳаси бўйича ўн учинчи аёлни мазкур мукофот билан тақдирланганини қайд этади.

Адиб ва таржимон, “Иностранная литература” журналининг бош муҳаррири, Мунро ҳикояларининг шу журналда эълон қилинган таржималари муаллифи Александр Ливергант Мунронинг Чехов билан қиёсланишини “кулгули” дея ҳисоблайди. Чунки унинг фикрича, “Мунро жуда қуйи даражадаги адиба, аммо унинг жиддий ғарбпараст ижодкор, яхши руҳшунос, аъло даражадаги услубшунос эканлигидан юз ўгириб бўлмади”, дейди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу ҳам бир муносабат. Ўзини адабиёт дунёсига руҳан тааллуқли билган киши борки, муносабат билдиришга, танқидий фикр айтишга, кескин инкор қилишга ҳақли. Зеро, адабиётнинг майдони кенг, у курашлар, баҳслар, фикрлар, ғоялар майдонидир.

*Алимурод ТОЖИЕВ
тайёрлади*

МУҚОВАМИЗДА...

МУСАВВИР СЕҲРИ



манзаралар (масалан, Айвазовский денгиз кўринишлари тасвирланган суратлари билан шуҳрат қозонган) асосий ўринни эгаллайди. Инсонларни табиат кўйнида, ҳайвонлар билан бирга тасвирлаб ўтган rassomлар ҳам бор.

Қозоғистон халқ rassоми Гулфайрус Исмоилова ижодида портрет жанри устунлик қилади. У ижодининг бошланиш давридаёқ, авваламбор, қозоқ халқи тасвирий санъати оламидаги маданият ва адабиёт вакилларининг, сахна одамларининг, мусиқа ва рақс санъати намояндаларининг портретларини яратишга интилганлиги билан эътиборни торта бошлади.

Гулфайрус Исмоилова Мансур қизи (1929 й.т.) 1944 йилдан Олмаотадаги rassомлик билим юртида таълим олди. 1949 йил билим юртини битириб, рус тасвирий санъати усталари мероси билан яқинроқ танишиш, ўрганиш мақсадида 1950–1956 йилларда Ленинграддаги И.Репин номидаги rassомлик, меъморчилик институтининг театр ва сахна беағи факультетида таҳсил олди. Сахна одамларининг феъл-атвори, кайфияти, маънавий олами қирраларини ранглар, бўёқлар орқали очиб бериш лаёқатини яхши ўзлаштирди. Институтни битириб келгач, Гулфайрус узок йиллар мобайнида Абай номидаги опера ва балет театрида rassом-декоратор бўлиб ишлади.

Албатта, театр сахнасига мўлжалланган асар учун суратлар, безаклар, декорациялар чизиш осон иш эмас, бунинг учун rassом кўп ўқиб-изланиши, мавзу қилиб олинган давр руҳини мукамал даражада ҳис қилмоғи, ўша қаҳрамонлар кийинишию кўринишини, руҳиятию кайфиятини аниқ тасаввур қила олиши, кийимлар ва безакларни, уларнинг рангларини, шунга яраша эса сахнавий манзараларни ҳам танлай билиши лозим. Шундагина rassомнинг сахна асарига кўшган улуши ярқ этиб кўзга ташланади, томошабинни воқеалар ичига тортиб кета билиш қобилияти намоён бўлади, томошабин сахнадаги қаҳрамонлар ҳаёти билан яшай бошлайди...

Гулфайруснинг бу борадаги биринчи мустақил иши – А.Сатпаевнинг “Оқбўпе” спектаклига (1957 йил) ва Л.Степанов, Н.Тиландиевларнинг “Дўстлик йўли” балетига ишлаган декорациялари бўлди. Сўнг мазкур театр сахнасида “Жумбоқ қиз”, “Алпомиш” операларига, “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув” балети учун декорациялар яратди. Айтиш мумкинки, декорация яратиш, қаҳрамонларга кийим танлаш, асарни сахналаштириш бўйича тажрибаси, rassомлик маҳорати ошиб боргани сайин, Гулфайрус


сахнадаги ҳолатларни, қахрамонларнинг кайфиятини ҳам янада теран ҳис қила борди, яъни рассом сифатида спектаклдан – спектаклга, асардан асарга ўсиб борди. Рассомликда камол касб эта боргани сайин сахна асарининг мазмунига мос, давр руҳини чуқурроқ ҳис қилишга ёрдам берадиган тасвирий воситаларни ярата бошлади. Ҳар ҳолда унинг “Чио-Чио Сан” (1972–73), “Аида” (1978), “Алпомиш” (1973, 1979), “Оқбўпе” (1957), “Дўстлик йўли” (1958), “Кўзи Кўрпеш ва Баян сулув” (1971–72) спектакллари учун яратган декорациялари дарҳол томошабин эътиборини тортди, сахна асарларининг узоқроқ яшашига ҳисса бўлиб қўшилди, унинг ижоди эса жамоатчилик тилига тушди. 1965 йилиёқ унга Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат ходими, халқ рассоми унвонлари берилди.

Шу йиллардан бошлаб у қозоқ миллий санъати ва маданиятини дунё бўйлаб тарғиб этаётган атоқли артистлар, олимлар, маданият арбоблари, шоир ва адиблар портретларини яратишга киришди. Айниқса, 60–90 йиллар оралиғида у яратган санъат намоёндаларининг портретлари мазкур машаққатли соҳа вакиллариининг роль ижроси маҳалидаги, миллий кийимдаги ва бошқа хил ҳолатларидаги портретлари томошабинларда ҳам, тасвирий санъат мутахассисларида ҳам ёрқин ва илиқ таассуротлар қолдирарди. Қозоғистон халқ артисти Ш.Жандарбекованинг (1960), Обилхон Қастеевнинг (1960), машҳур актриса Кулеш Бойсайитованинг (1962), халқ артисти Ш.Жиенқулованинг (1968), доришунос Умарованинг (1980), балет раққосаси Людмила Лининг (1981), актрисалар Ералиева (1982), Г.Нуралиеванинг (1982), балет раққосаси Сара Кўшербоеванинг (1983) портретлари миллий ифодаларга бойлиги, композициявий мукамаллиги, санъат оламига хос ранг-бўёқларнинг ёрқинлиги, тўлиқлиги, нафосатга мўл-қўллиги, миллий турмуш тарзига хос атрибутларнинг бўртиб кўзга ташланиши билан томошабинни ҳайратга солди.

Мана, Гулфайрус Исмоилова чизган Дина Нурпеисова портрети (1965 йил чизилган, муқовада берилмапти). Номи дунё бўйлаб ёйилган машҳур кўшиқчи, қозоқ куй ва кўшиқларининг сеҳрли ижрочиси, айтишув оқини бўлган Дина! У яна бир атоқли оқин Жамбул бобо билан сахналарни тўлдирган, дутор чалганда ҳеч ким енголмаган донгдор санъаткор. Дина момо ёпиниб олган миллий ёпинчик, унинг қўлидаги дутор, ҳозир гапираман деб тургандай сеҳрли бармоқлар – бари-бари томошабинга

худди мангулик дарагини етказмоқчи бўлаётган, санъатнинг муқаддаслигига ишора қилаётган рамзларга айлангандай гўё...

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу мўъжиза портрет-суратларни кўриб Гулфайрус Исмоилованинг бетакрор истеъдодига тан бермасликнинг иложи йўқ. Мана шунинг ўзи бу санъатнинг умри боқийлигига ишора бўлса ажаб эмас.



*Муаттар АЛИЕВА
тайёрлади*



УЛАР ҲАМ ШУ ОЙДА ТУҒИЛГАН ЭДИЛАР...

2 ОКТЯБРЬ

1869 йил. Махатма Ганди, буюк хинд файласуфи, сиёсат арбоби. “Менинг ҳаётим”, “Аҳимса ҳақида”, “Сарводайя ҳаракати”, “Свадеший ҳаракати”, “Ислом ва масихийлик”, “Ислом ва дунёвийлик”, “Ислом ва илм-фан” каби 200 га яқин ижтимоий-сиёсий китоблари дунёга машхур. Ҳинду ва ислом динларини яқинлаштирган халқ қахрамони, Покистон ислом Республикаси вужудга келишининг асосий сабабчиси.

3 ОКТЯБРЬ

1895 йил. Сергей Есенин, машхур рус шоири. “Форс тароналари” туркуми, “Анна Снегина” поэмаси, “Энди қайтмам уйимга”, “Онамга хат”, “Синглимга хат”, “Доғлар кетмиш мажруҳ кўнгилдан”, “Бу дунёда мен бир йўловчи” каби шеърлари билан донг таратган.

10 ОКТЯБРЬ

1813 йил. Жузеппе Верди, франциялик композитор. “Риголетто”, “Трубадур”, “Аида”, “Отелло”, “Маскарад”, “Сицилия оқшоми”, “Макбет”, “Дон Карлос” каби 30 га яқин опералар, шунингдек, кўплаб филармоник мусикалар яратган.

ТАҚВИМ

1913 йил. Клод Симон, Мадагаскар ёзувчиси. “Қаллоб”, “Шамол”, “Тортилган ип”, “Гулливер”, “Триптих”, “Теоргик”, “Фарсал яқинидаги жанг”, “Фландрия йўли” каби романлари машхур. Нобель мукофоти лауреати (1985).

11 ОКТЯБРЬ

1897 йил. Маннон Мажидов (Уйгур) атоқли ўзбек театр режиссёри. Ўзбекистон халқ артисти. “Бой ила хизматчи”, “Заҳарли ҳаёт”, “Аршин мол олан”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарход ва Ширин”, “Ҳамлет”, “Отелло”, “Ревизор”, “Алишер Навоий”, “Жалолоддин Мангуберди” каби машхур спектакллари билан донг таратган.

12 ОКТЯБРЬ

1896 йил. Эудженио Монтале, италиялик ёзувчи, шоир, танқидчи. “Тўрт йиллик дафтар”, “Сатура”, “Мотетлар”, “Вазият”, “Буря ва бошқалар”, “Динарс капалаги” асарлари машхур. Нобель мукофоти лауреати (1975).

15 ОКТЯБРЬ

1844 йил. Фридрих Ницше, машхур олмон файласуфи. “Фожианинг туғилиши ёхуд пессимизм”, “Бемаврид мулоҳаза”, “Инсонийлик. Эркин тафаккур ҳақида китоб”, “Завкли илм”, “Ҳокимиятга интилиш”, “Гомер ва мумтоз бадиият”, “Эркин ихтиёр ва тақдир”, “Иблис. Насронийлик нафрати”, “Абадий қайтиш” каби асарлари билан машхур бўлган.

1908 йил. Мирзакалон Исмоилий, ёзувчи ва таржимон. “Инсон ҳусни”, “Одамийлик қиссаси”, “Қизлар дафтари”, “Ўзингдан кўр” асарлари, “Фарғона тонг отгунча” романи адибга шухрат келтирган. В. Шекспир, М. Лермонтов, Л. Толстой, А. Чехов, М. Горький, М. Шолохов ва бошқа ёзувчиларнинг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

16 ОКТЯБРЬ

1888 йил. Южин О'Нил, америкалик ёзувчи, драматург. “Уйга томон узоқ йўл”, “Кариб денгизи узра ой”, “Шоир қалби”, “Шаркка, Кардифф сари”, “Узоқ кун тунга кетди”, “Анна Кристи”, “Ғаройиб одам”, “Мато тагидаги ишқ”, “Тақдир уламалари учун ой”, “Уфқ ортидан” ва бошқа драматик асарлари билан шуҳрат қозонган. Нобель мукофоти лауреати (1936).

1927 йил. Гюнтер Грасс, немис ёзувчиси. “Қалай дўмбира”, “Мушуксичқон”, “Маҳаллий анестезия”, “Шилликкурт кундалиги”, “Каламуш хоним”, “Доно қисқичбақа”, “Орқага йўл” номли романлари, “Сўнгги рақслар” шеърий тўпламлари билан шуҳрат қозонган. Нобель мукофоти лауреати (1999).

1859 йил. Анри Бергсон, француз файласуфи. “Метафизикага кириш”, “Материя ва хотира”, “Ижодий тараққиёт”, “Кулги” каби илмий асарлари билан машҳур. Нобель мукофоти лауреати (1927).

19 ОКТЯБРЬ

1889 йил. Мигель Анхель Астуриас, гватемалалик ёзувчи. “Сеньор президент”, “Гватемала афсоналари”, “Довул”, “Майя одамлари”, “Яшил ота”, “Майитнинг нигоҳи”, “Мулат қизи”, “Нўноқ ўғри” романлари муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1967).

20 ОКТЯБРЬ

1926 йил. Одил Ёқубов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. “Тенгдошлар”, “Муқаддас”, “Қанот жуфт бўлади”, “Музкаймоқ”, “Биллур қандиллар”, “Матлуба” каби қисса ва ҳикоялар

муаллифи. “Улуғбек хазинаси”, “Диёнат”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, “Кўхна дунё”, “Адолат манзили”, романлари адибга шуҳрат келтирган.

1946 йил. Эльфрида Елинек, австриялик адиба. “Чопик”, “Пианиночи” романи, “Ўлим ва қиз” драмаси, “Альп устида” пьесалар тўплами шуҳрат келтирган. Нобель мукофоти лауреати (2004).

21 ОКТЯБРЬ

1833 йил. Альфред Нобель, Швециялик кимёгар олим. Портловчи моддалар, нитроглицеринни хавфсиз ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш борасидаги қилган кашфиёти билан дунёга машҳур бўлган. Бутунжаҳон тинчлик конгресси қатнашчиси. Халқаро Нобель мукофоти асосчиси.

23 ОКТЯБРЬ

1920 йил. Жанни Родари, италиялик ёзувчи. “Чипполинонинг саргузаштлари”, “Телефонда айтилган эртақлар”, “Ҳеч қаёққа олиб бормайдиган йўл”, “Ҳуришни эплотмаган кучукча”, “Шаҳзода Пломбер”, “Учтадан охири бор эртақлар” каби асарлари билан шуҳрат қозонган. Адибнинг эртақлари дунёнинг барча тилларига таржима қилинган.


25 ОКТЯБРЬ

1881 йил. Пабло Пикассо, испаниялик рассом. Кубизм йўналиши асосчиси. “Учрашув”, “Фожа”, “Шар устидаги қиз”, “Бола ва гадо”, “Ойна қаршисидаги аёл”, “Чўмилаётган одам”, “Мандолина ва гитара”, “Майни севувчи аёл”, “Қурсидаги қиз”, “Денгиз қирғоғидаги шаклар”, “Майя ва унинг кўғирчоғи”, “Кўзгу” каби асарлари машҳур.


*М.МУҲАММАДАМИНОВА
тайёрлади*

RESUME


 In this issue of magazine are printed the continuation of novels M. Asturias “Senor President” and “Demons” by Dostoevsky.


 The journal talks about Kazakh literature including Kazakh prose, also gives samples of modern drama, provided articles about art of our Kazakh friends.


 The heading “Translation Wizard” you'll read samples literary translation of the famous poet and translator Maksud Shaykhzoda.


 In the rubric “World culture and art” are printed articles about the life and career of the outstanding people of the world literature and the art such as – Pavarotti, Paganini, Strauss, Bussenar, Oscar Wilde, Mariacki, Ivo Andric.

РЕЗЮМЕ

 В этом выпуске журнала печатается продолжение романов М.Астуриаса «Сеньор Президент» и Ф.М.Достоевского «Бесы».

 Казахская литература занимает достойное место в мировом литературном процессе. В журнале уделяется большое внимание казахской литературе, в том числе, казахской прозе, поэзии, представляются образцы современной драматургии, а также статьи по искусству братского народа.

 В рубрике «Наследие мастеров перевода» Вы будете ознакомлены с образцами художественного перевода из наследия выдающегося поэта, драматурга и переводчика Максуда Шейхзадэ.

 В рубрике «Культура и искусство» опубликованы статьи, посвященные жизни и творчеству выдающихся людей мировой литературы и искусства, таких как Буссенар, Оскар Уайльд, Мориак, Паваротти, Паганини, Штраус, Иво Андрич, которые родились в октябре.

Бош муҳаррир:

Шухрат РИЗАЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Омонулла РИЗАЕВ

(масъул котиб)

Амир ФАЙЗУЛЛА

Назира ЖЎРАЕВА

Музаффар АҲМАД

Дилдора АЛИЕВА

Олимжон УСМОНОВ

Алимурод ТОЖИЕВ

Шаҳноза НАЗАРОВА

Севара АЛИЖОНОВА

Жаҳон АДАБИЁТИ

2013 йил октябрь сони

Навбагчи муҳаррир Ш.НАЗАРОВА
Техник муҳаррир З.ЖАЛОЛОВА
Мусахҳих Д.АЛИЕВА
Компьютерда саҳифаловчи М.АЛИЕВА

Жаҳон адабиёти, 2013

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189

Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган кўлёмалар қайтарилмайди.

“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Сайт: www.jahonadabiyoti.uz

E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга руҳсат этилди 26.09.2013 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.

Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.

Жами 1755 нусха. _____ рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг “Ўқитувчи” НМИУда чоп этилди.

100206, Ўзбекистон, Тошкент ш. Янгишаҳар кўчаси, 1.

© **Жаҳон адабиёти, 2013 й.**

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

207

